Оммавий очик онлайн курслар (ОООК) сифатида: Alison, Coursera, EdX, University of the People, Icourses, Future Learn, Canvas каби курслар;

Мустақил ишлашга қаратилган ўқув материаллари сифатида: Byju's, Discovery Education, Geckie, Khan Academy, KitKit School, LabXchange, Mindspark, Mosoteach, OneCourse, Quizlet, Siyavula, YouTube каби курслар, платформалар, контентлар ва иловалар;

Ўқиш учун мобил иловалар сифатида: African Storybook, Global Digital Library, Lezioni sul sofà, StoryWeaver, Worldreader, Dingtalk, Lark, Hangouts Meet, Teams, Skype, Zoom каби платформалар, иловалар, курслар ва контентлар.

Рақамли таълим контентини яратиш учун инструментлар сифатида: Thinglink, Buncee, EdPuzzle, Kaltura, Nearpod, Pear Deck, Squigl каби инструментлар, дастур ва платформалар¹.

Аксариyat тақлиф этилаётган масофавий таълим тизимлари бепул ва кўплари бир нечта тилларда қўллаб-қувватланади. Ваҳоланки, ушбу тақлифлар бевосита ЮНЕСКО томонидан амалга оширилмаса ҳам, улар кенг қамровли, фойдаланувчиларнинг кенг базасига ва катта эришилган натижаларга эга бўлганлиги учун ҳам ташкилот томонидан давлатларга тавсия этилмоқда.

Барча давлатлар каби, Ўзбекистонда ҳам бугунги пайтда, ўқув муассасалари янгича ишлаш шароитларига ўтмоқда, яъни таълим тизими масофавий таълимга ўтиш ишларини жадаллаштириб юборди ва уни амалга ошириш учун муайян чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, "... таълим тизими узлуксизлигини таъминлаш учун бу соҳадаги барча муассасалар ўз фаолиятини тўлиқ онлайн тарзда амалга оширмоқда"².

Мамлакатда Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда 30 мартдан бошлаб учта телеканалда телевизион дарслар намойиш этила бошланди.

Жумладан, "Uzdigital TV" МЧЖ абонентлари 1–4 синфлар учун телевизион дарсларни "National Geography Wild" каналида, 5–8 синфлар учун Eurosport каналида ва 9–11 синфлари учун эса "Охота и рыбалка" каналида видеодарслар ташкил этилди.

Видеодарслар ер сунъий йўлдоши орқали узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида ўрнатилган кам қувватли телеузаткичлар орқали қўшимча каналлар шаклида 4 та телевизион канал орқали очик ҳолда, бепул асосда тарқатилиши ташкиллаштирилди³.

¹ Батафсил маълумотлар ва уларга уланиш учун: Инструменты дистанционного обучения // <https://ru.unesco.org/node/320923>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқи // <https://www.pv.uz/uz/news/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-turkiy-tilli-davlatlar-hamkorlik-kengashining-navbatdan-tashqari-sammitidagi-nutqi>.

³ Теледарслар бепул намойиш қилинади // <https://www.pv.uz/uz/news/teledarslar-bepul-namoyish-qilinadi>.

Аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги видеодарсларни интернет тармоғида, жумладан, куйидаги манбаларда: TAS-IX тармоғида¹ ва ундан ташқарида² жойлаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳам Миллий телерадиокомпания ёрдамида ота-оналарга мактабгача ёшдаги болаларга тизимли, фойдали ва ривожлантирувчи таълим беришда услубий ёрдам сифатида “Онлайн болалар боғчаси” дастурини ишлаб чиқди³.

Республиканинг олий таълим тизимидаги ўқув муассасалари ўз фаолиятини тўлиқ масофавий таълимга ўтказишди. Мазкур жараёнда ОТМларда масофавий таълим беришда Moodle тизимидан кенг фойдаланилди. Жумладан, “Олий таълим муассасалари платформаларида Moodle тизими шакллантирилиб, унга барча ўқув предметлари бўйича электрон ресурслар жойлаштирилган эди. Аммо, мазкур тизим бундан бир неча йил аввал жорий қилинган бўлишига қарамай, унда ишлаш амалда суст эди, шу боис, мамлакатимиз тарихида биринчи марта фавқуллодда ташкил этилаётган масофавий таълимни жорий қилишда ўзига яраша муаммолар ва қийинчиликларга дуч келиш табиий эди”⁴.

Шунингдек, онлайн режимда, кўпроқ Zoom, Вебинар платформаларида маъруза ва семинарлар ўтишда, видеодарслар яратишда Ocam, Bandicam, OBS-studio каби дастурлардан фойдаланилди. Қисқа давр ичида, аксарият олий ўқув юртларида фанларнинг ҳар бир мавзулари бўйича видеодарсларнинг тўпламлари яратилди. Шунингдек, Битирув малакавий ишлари, Магистрлик диссертацияларининг ҳимоялари ҳам онлайн тарзда амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларида онлайн ва видео дарслар бўйича дастлабки катта тажриба шаклланди.

Умуман олганда, карантин олий таълим тизимини масофавий таълим тизимига трансформацияси тўғрисида фикр юритиб, қуйидаги хулосаларга тўла қўшилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз: *биринчидан*, онлайн таълим мазкур тизимни камида 10 йилга ривожлантиришга хизмат қилди. *Иккинчидан*, ўқитувчилар масофавий таълим бериш (Moodle), онлайн режимда, турли платформаларда (Zoom, Телеграм) маъруза ўтиш ва видеодарслар ёзиш (Bandicam, OBS-studio) кўникмаларига эга бўлишди. *Учинчидан*, таълим беришнинг инновацион услублари яратилди. Хусусан, онлайн тарздаги дарс вақтининг ўзида интернетдаги мавзуга алоқадор web-ресурсларга ҳавола қилиш орқали виртуал интерфаоллик таъминланди. *Тўртинчидан*, карантин талабаларда XXI аср мутахассиси учун керак бўлган мослашувчан кўникмаларининг (Soft skills) ривожланишини тезлаштирди. *Бешинчидан*, республика олий таълим муассасаларининг хорижий университетлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Бир қатор олийгоҳлар жаҳоннинг етакчи ўқув даргоҳлари билан онлайн конференция, вебинарлар ташкил қилиниб, ўзаро тажриба алмашиш имкониятлари кенгайди⁵.

Шунингдек, таълимни камчиқим ва ҳаммабоп қилишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Аммо, шу билан бир қаторда, ҳозирги пайтда масофавий таълимнинг камчиликлари тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. *Биринчидан*, масофавий таълимга барча ўқитувчи ва ўқувчилар руҳан ва интеллектуал жиҳатдан ҳали тўла тайёр эмас, *иккинчидан*, онлайн ўқув машғулотларида ўқувчи ва ўқитувчи орасида интерфаоллик техник сабаблар туфайли чекланган бўлади, *учинчидан*, интернет алоқасининг турли минтақалардаги турлича тезлиги, онлайн аудиториядагиларнинг бир хил даражадаги иштирокини таъминлай олмайди, *тўртинчидан*, айниқса топшириқларнинг бажарилишида, тест синовлари ва бошқа назорат турларини топширишда ўқувчилар томонидан суниестеъмолчиликлар содир этилиши имконияти кўпроқ, жумладан, мазкур ҳолат, билимни объектив баҳолашга катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. *Бешинчидан* эса, ҳар бир видео дарс, онлайн машғулотлар бу

¹ <https://mover.uz/channel/uzeduuz/>.

² <https://youtube.com/c/O-zbekistonRespublikasiXalqtalimivazirligi> <https://t.me/uzeduonlinemaktab>.

³ Болаларни карантин вақтида уйда ўқитиш // <https://www.pv.uz/uz/news/bolalarni-karantin-vaqtida-uyda-oqitish>.

⁴ Фойдали карантин: COVID-19 пандемияси олий таълим тизимини қандай ўзгартиради? // <https://review.uz/oz/post/foydali-karantin-covid-19-pandemiyasi-oliy-talim-tizimini-qanday-ozgartiradi>.

⁵ Фойдали карантин: COVID-19 пандемияси олий таълим тизимини қандай ўзгартиради? // <https://review.uz/oz/post/foydali-karantin-covid-19-pandemiyasi-oliy-talim-tizimini-qanday-ozgartiradi>.

интеллектуал мулк натижаси ҳисобланадиган бўлса, уларни муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Албатта, мазкур техник камчиликлар масофавий таълим турларини янада такомиллаштириб бориш асосида бартараф этилиб этилиши мумкин.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, барча соҳалар каби таълим соҳаси ҳам бугунги шароитдан келиб чиқиб, тубдан ўзгаришлар қилишга, трансформацияга йўл тутмоқда. Таълим учун масъул бўлган ЮНЕСКО ташкилоти ҳам таълим соҳасидаги бундай ўзгаришларга давлатлар билан бир қаторда бошқа халқаро ташкилотлар, тижорат ва нотижорат сектор, оммавий ахборот воситаларини кенг даражада жалб этмоқда. Давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам пандемия шароитларида таълимнинг янги шаклларига тезлик билан трансформациялаша олди.

Албатта, масофавий таълим билан анъанавий таълимнинг самарадорлик даражасини бир хил деб бўлмади. Масофавий таълимнинг самарадорлиги натижасини аниқлаш учун бугунги коронавирус пандемияси даврида имкониятлар туғилди. Аммо масофавий таълим ўзининг келгусида истиқболли таълим шакли эканлигини, шу билан бир вақтда, айниқса, фавқулодда ҳолатларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаслигини бугун исботламоқда.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ВА ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

РАШИДОВ Комил,

юримдик фанлар доктори, профессор

***Аннотация.** Мақолада COVID-19 пандемияси шароитида меҳнат миграциясининг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, мигрантларни қўллаб-қувватлаш бўйича таъкилий чораларни амалга ошириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш таклиф этилган.*

***Калим сўзлар:** COVID-19, мигрант, меҳнат миграцияси, пандемия, инсон ҳуқуқлари.*

***Abstract.** In this article describes actual issues related to the labor migration in the context of COVID-19 pandemic. In particular, a measures are proposed to improve legislation and organizational nature to support migrants.*

***Keywords:** COVID-19, migrant, labor migration, pandemic, human rights.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются актуальные вопросы трудовой миграции в условиях пандемии COVID-19. В частности, предлагаются меры по совершенствованию законодательства и организационного характера по поддержке мигрантов.*

***Ключевые слова:** COVID-19, мигрант, трудовая миграция, пандемия, права человека.*

Ташқи меҳнат фаолияти тўғрисида Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро шартномалари. БМТ глобал миқёсда кўп сонли мамлакатлардан миллионлаб фуқаролар жалб этилган ташқи меҳнат миграцияси ходисасининг аҳамияти ва кўламини эътироф этади. Хусусан 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларининг 10.7 мақсади тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатига қўмаклашишга бағишланади. Ушбу йўналишда миллий вазифаларни рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 октябрда 841-сон Қарори қабул қилинди ва тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида тартибга солинган, хавфсиз, бошқариладиган меҳнат миграцияси ва самарали миграция сиёсатига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон қонунчилиги такомиллаштирилди, хусусан “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ягона нормаси 13-модда – ташқи меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини амалиётга жорий этадиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, бошқа тегишли давлат органларининг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди¹. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлашиши Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўз моҳиятига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг кўрсатиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари билан қамраб олиш кўламини кенгайтирди, хорижий давлатларда тартибли, хавфсиз ва қонуний тарзда ташқи меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун фуқароларнинг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари воситасида уюштирилган тарзда ишга ёллаш, тайёрлаш, мослаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ишга жойлаштириш жараёнларини самарали бошқариш ва назорат қилиш йўллари белгилади.

Давлат бошқаруви органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ҳамда тартибли меҳнат миграция, хорижий давлатларда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, уларга моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, турдош масалаларни ҳал қилиш бўйича бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Республика комиссияси ташкил қилинди.

Ушбу комиссия зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юкланди:

ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини ташкиллаштириш, ушбу соҳага оид миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

Ўзбекистон фуқароларига уларнинг хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини, шунингдек, Ватанга қайтганларидан сўнг жамиятга қўшилишини таъминлаш;

ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги ишларнинг аҳолини тизимли таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда унинг яқунлари бўйича меҳнат мигрантларига ҳуқуқий, молиявий ва моддий кўмаклашиш воситаларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

¹ **Қаранг:** Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида тўғрисида”ги Қонуни (1998 йил 1 май, ЎРҚ-616-I-сон); Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонуни (2018 йил 16 октябрь, ЎРҚ-501-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2018 йил 5 мартдаги ПҚ-3584-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида”ги қарори (2018 йил 28 майдаги ПҚ-3743-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон); Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармони (2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2019 йил 23 августдаги 713-сон).

Республика комиссиясининг муҳим вазифаларидан яна бири хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари билан ташқи миграция масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш¹.

2018–2019 йилларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига кўра, илк бор хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишни мўлжаллаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилмоқда, уларга ишга жойлашиш учун микроқарзлар, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини суғурталаш бўйича суғурта мукофотини қоплаш учун субсидиялар берилмоқда, ҳаво ва темир йўл транспорти воситасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга имтиёзли чипталар сотилиши йўлга қўйилди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятан фуқароларимизнинг мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлашиши, шунингдек, Ватанига қайтганларидан сўнг, жамиятга қўшилишини таъминлаш, чунончи уларнинг Ўзбекистонда оилаларига ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал қилиш, яшаш шароитларини яхшилаш, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича республика ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни амалга оширишда кучли рағбат бўлмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг халқаро талабларга мувофиқ ҳимояланишига кўмаклашади. Ушбу муҳим масалада устувор эътибор хорижий иш берувчиларнинг меҳнат шароитлари ва иш ҳақи, ижтимоий пакет ва бошқа муҳим мезонлар кўрсатилган олдиндан бериладиган буюртмалари асосида хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшган тарзда ёллаш ва жалб қилишга ҳар томонлама кўмаклашишга йўналтирилган.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси томонидан ташқи меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ниятида бўлган барча фуқароларнинг ҳисобини юритиш, уларни ҳуқуқий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаш тартибидан фойдаланишлари учун “labor-migrations” ахборот тизими яратилди. Эндиликда хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истаган ҳар бир фуқаро “labor-migrations” ахборот тизимидан рўйхатдан ўтиши талаб этилади, бундай талаб улар меҳнат мигранти деган ҳуқуқий мақомга эга бўлганларидан сўнг ҳам қўйилади.

Эътироф этиш керакки, Мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимизда ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш орқали ташқи меҳнат миграцияси соҳасини тартибга солиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон 1992 йилда Халқаро меҳнат ташкилотига қўшилганидан сўнг, ушбу халқаро ташкилотнинг 13 та конвенциясини ратификация қилди. Меҳнат қонунчилигини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда Ўзбекистон Халқаро миграция ташкилоти конституциясини ратификация қилди ва мамлакатимиз ҳудудида ушбу ташкилотнинг расмий ваколатхонаси очилди.

Ўзбекистон МДХ доирасида 1994 йилги Меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш мигрантларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланган. Корея Республикаси, Россия Федерацияси ва Қозоғистон билан икки томонлама асосдаги битимлар имзоланган.

Хусусан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ишчи кучи ҳаракатланиши жараёнини тартибга солиш бўйича бир қатор ҳукуматлараро битимлар амал қилади, айниқса, республика фуқароларини РФ ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшган тарзда ишга ёллаш ва жалб қилиш ишлари устувор аҳамиятга эга. Шу мақсадда 2017 йилдан бошлаб икки давлатнинг меҳнат вазирлари бошчилигидаги Ўзбекистон – Россия ишчи гуруҳи фаолият юритмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармони (2019 йил 20 августдаги ПФ-5785-сон)

Шу билан бирга, ўтган уч йил давомида республикаимиз томонидан Туркия, Бирлашган Араб амирликлари каби мамлакатларнинг ташқи меҳнат фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга йўналтирилган қатор янги битимлар тузилган. Бошқа мамлакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли асосда шундай ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу соҳада тузилган барча битимларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, меҳнат мигрантларини қабул қилаётган мамлакат ҳудудида уларнинг фуқаролари эга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Бу ўринда сўз куйидаги ҳуқуқлар ҳақида бормоқда:

хавфсиз меҳнат шароитлари;

тенг қийматли ишга тенг ҳақ тўланиши, шу жумладан, бунга ҳақли бўлган шахсларга қўшимча маблағ ва компенсациялар тўланиши;

пулли асосда турар жойдан фойдаланиш;

ижтимоий таъминот (ижтимоий сўғурта);

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий сўғурталаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги туфайли ҳаётига ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш;

чекловлар ва бошқа шартлар бўлмаган ҳолларда, меҳнаткаш мигрантга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли ишини йўқотганда, бошқа ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Мазкур ҳужжатларнинг иккинчи жиҳати шундаки, улар меҳнаткаш мигрантларни ва уларнинг оила аъзоларини ҳар қандай транзит давлат ва ёлланиб ишлаётган давлатнинг қонун-қоидаларига риоя қилишдан ёки ушбу давлатларнинг маданий ўзига хослигини ҳурмат қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ушбу битимларнинг ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги бошқа конвенцияларнинг учинчи хусусияти шундан иборатки, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари мамлакатимизнинг дипломатик ва консуллик муассасалари, шунингдек, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналаридан ҳимоя ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Ташқи меҳнат фаолияти иштирокчилари хориждаги меҳнат фаолиятини амалга оширишлари учун қонун ҳужжатлари талаблари ва республиканинг ушбу соҳага оид халқаро шартномалари билан кенг танишиб чиқиши зарурлигини такозо этади. Бунда, шунингдек, кириш ва чиқиш қоидалари, вақтинчалик меҳнат фаолияти амалга ошириладиган мамлакатда ҳаётни ихтиёрий тарзда сўғурталаш, фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) билан муомала қилиш қоидалари назарда тутилади. Мазкур қоидаларга риоя этиш ташқи меҳнат миграцияси амалга оширилаётган давлатда ноқонуний миграция, одам савдоси ва мажбурий меҳнат объектига айланмаслик учун замин яратади.

Ташқи меҳнат фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва пандемиянинг таъсири. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йил 1 июнь ҳолатига хорижда ишлаётганлар сони 2,0 миллион кишини ташкил этади.

Хорижда ишлаётганларнинг асосий улуши Россия (1,6 млн), Қозоғистон (269 минг), Корея (73 минг), Туркия (46 минг), БАА (6,5 минг) АҚШ, Европа ва Осиё (121 минг) давлатларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вақтинчалик меҳнат фаолиятини асосан Россия Федерациясида – қурилиш, транспорт хизматлари (фуқаролик/юк ташиш), коммунал хизмат, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, Қозоғистон Республикасида қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида, Кореяда оғир ва енгил саноат соҳасида, Туркия, БААда савдо, умумий овқатланиш, болалар ва қарияларни парваришлаш соҳасида, АҚШ ва Европа мамлакатларида саноат, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт-логистика, ижтимоий (болалар ва қарияларга хизмат кўрсатиш каби) соҳада фаолият олиб боради.

COVID-19 пандемияси сабабли жорий қилинган карантин чекловлари натижасида 500 мингга яқин нафар Ўзбекистон фуқаролари хорижий давлатларга ишлаш учун кета

олмади. Улар республикада жамоат ишларига жалб этилди, иш ҳақи тўлови Жамоат ишлари жағмармасидан ҳисобидан молиялаштириб берилди, ушбу жағмармасидан субсидиялар ажратиш орқали фуқаролар шахсий томорқаларида ва фуқаро кооперативларига бириктириб бандлиги таъминланди. Шунингдек, қурилиш соҳасида ишлаш истагида бўлган, айниқса, хорижга ишлаш учун кета олмаган фуқаролар республикадаги қурилиш объектларига вахта усулида ишга жойлаштирилди.

COVID-19 пандемияси сабабли Россияда оғир вазиятда ва ишсиз қолган меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш учун “birgamiz.com” ва anketa.migration.uz веб-сайтлари, CALL марказ ва телеграм канали жорий этилди.

Россия Федерациясининг ваколатли давлат органлари, жумладан Меҳнат ва бандликни таъминлаш федерал хизмати (Роструд) билан видеоконференция шаклида музокаралар ўтказилмоқда.

2020 йил 1 июнь ҳолатига жами 11,5 мингдан ортиқ фуқарога ишга жойлаштириш, ҳуқуқий хизматлар ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан:

- “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида ўзбек диаспорал марказлар ва ватандошлар кўмагида 1 912 нафар фуқарога озиқ-овқат кўринишида ва 37 нафарига нақд пул кўринишида манзилли ёрдам кўрсатилди, 96 нафар фуқаро хостелларга жойлаштирилиб, иссиқ овқат билан таъминланди;

- “Меҳр” жағмармаси орқали бир марталик моддий ёрдам сифатида 374 нафар фуқароларнинг банклардаги ҳисоб рақамларига 2 141,1 минг рубль миқдорида пул маблағлари ўтказиб берилди;

- Россиянинг Меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда “Работа в России” портали орқали 131 та иш берувчи ташкилотлар билан мулоқотлар олиб борилиб, ишсиз қолган 363 нафар фуқаро иш билан таъминланди;

- Фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда оғир вазиятга тушиб қолган 340 нафар фуқарога моддий ёрдам ҳамда 8,4 минг фуқарога ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.

2020 йилда 3 462 нафар меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш прогноз параметрларига асосан бугунги кунда “labor-migration” дастурий мажмуасида 892 нафар фуқаро рўйхатга олинди.

COVID-19 пандемияси, албатта, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартибларига салмоқли ўзгартиришлар киритди, айниқса санитария эпидемиология қоидаларига риоя этишлик хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясининг асосий шартларидан бири саналади.

Эндиликда, ташқи меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ниятида бўлган фуқаролар визасиз кириш-чиқиш тартиби ўрнатилмаган бўлса-да, қабул қилувчи давлатга эркин кириб бора олмайдилар, чунки меҳнат миграцияси соҳасидаги икки томонлама ҳукуматлараро шартномаларнинг оммавий тартиб тўғрисидаги қоидалари, хусусан фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш шартлари бажарилиши шартлиги долзарб бўлди. Бундай талаб ташқи меҳнат фаолиятига дахлдор бўлган юбуровчи ва қабул қилувчи давлатлар учун асосий даражали талаблардан бирига айланди.

COVID-19 пандемиягача бўлган даврдаги (2020 йил март) амалий тажрибаларга кўра, ўзбекистонлик фуқаролар визасиз кириш-чиқиш тартиби ўрнатилмаган давлатларга вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун ваколатли ташкилотларга (Ташки меҳнат миграцияси агентлиги ва лицензияга эга бўлган хусусий бандлик агентликлари) мурожаат қилмай, касбий ва кетишолди тайёргарлигидан ўтмай, кўпинча яқин қариндошлари ва таниш-билишларининг таклифига ёки ўзи билганича боришлари туфайли юртдошларимизнинг айримлари ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдоси, мажбурий меҳнат қурбони бўлган фактлари, шунингдек, ишлаган иш ҳақини ололмаслиги, паспортини олдириб қўйиши, техника хавфсизлигига риоя этилмаган жойларда эса ҳалок бўлганлик ва шу каби ҳолатлар фуқароларимиз орасида учрамоқда.

Ташки меҳнат фаолиятини хавфсиз, тартибли ва қонуний тарзда олиб бориш учун, шунингдек, ушбу жараёнда юз бераётган салбий ҳолатларнинг салмоғини камайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг ташки меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва икки томонлама халқаро шартномалар доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши таклиф этилади.

Ташкилий чора-тадбирлар

2020 йил якуни билан (карантин давридан кейин) фуқароларни хорижда салоҳиятли иш берувчини топиб бериш, транспорт харажатларини тўлаш, кредит ажратиш, ҳаёти ва соғлиғи учун хатарларни суғурта қилиш бўйича молиявий имтиёزلарни қўллаган ҳолда қабул қилувчи давлатга юборилади. Бунда:

– “Ишга марҳамат” мономаркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги 33 та касб-хунарга ўқитиш марказларида фуқароларни (жорий этилаётган карантин чораларини инобатга олган ҳолда) касбий малакасини ошириш ва хорижий тилларга ўқитишни ташкил этиш;

– «World Skills Russia» уюشمаси билан келишув асосида Россия ҳудудларида Ўзбекистон фуқароларини 24 та мутахассислик ва рус тилига ўқитиб, малака паспорти (Skills Passport) ва рус тили бўйича ўқиганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади;

– Россия Халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорликда Ўзбекистон ҳамда Россия ҳудудларида фуқароларни рус тилига ўқитиш ва Россия Халқлар дўстлиги университетининг сертификати олиниши таъминлаб берилади.

Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтиш, рухсатнома (патент) олиш жараёнларини такомиллаштириш, фуқароларни тартибли, хавфсиз ҳолда манзилли ишга жойлаштиришни ташкил этиш бўйича Россиянинг ваколатли органлари билан музокараларни давом эттириш.

Хусусан, меҳнат миграцияси бўйича ўзбек-россия ишчи гуруҳи ва бошқа ваколатли музокаралар воситасида Ўзбекистонда Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш бўйича рухсатномани (патентни) тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш бўйича хизматларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган ушбу мамлакат органлари ва ташкилотларининг филиалларини (фронт-офисларини) очиш масаласини ўрганиш.

Россия Федерациясининг Новосибирск, Екатеринбург, Волгоград шаҳарларида, Туркиянинг Истамбул шаҳрида Ташки меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш тадбирларини амалга ошириш.

Қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида

1. Ташки меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда республика фуқароларининг хорижда ишга жойлашиш ҳуқуқи “**Аҳоли бандлиги тўғрисида**”ги қонуннинг бир моддаси қоидалари билан чегараланади. Ушбу Қонун 1998 йил 1 майда қабул қилинган, унда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси талаблари қамраб олинмаган, мамлакатимизнинг ташки меҳнат фаолияти соҳасидаги халқаро шартномалари мазмунан сингдирилмаган. Шу муносабат билан, мазкур Қонун мазмунан янада такомиллаштирилиши зарур ҳисобланади.

2. “**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2018 йил 16 октябрда қабул қилинди. Амалиётда қўлланиш даврида, оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, Ўзбекистондан ташқарида иш изловчи фуқароларга нисбатан хусусий бандлик агентликлари томонидан фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди, фуқароларнинг ҳақли эътирозлари электрон ва босма ахборот воситаларида эълон қилинди.

Юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун, шунингдек, миллий ва хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, мазкур қонунга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

– хорижда ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни чет эллик иш берувчи ҳисобидан амалга ошириш;

– хорижда ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш учун захира қилиб қўйиладиган маблағларни базавий ҳисоблаш миқдорининг 8500 баравари миқдорида белгилаш;
– хусусий бандлик агентликлари томонидан ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ошмаслиги;
– хусусий бандлик агентликлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни “labor-migration” дастурий мажмуасида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиш ва бошқалар.

3. Хорижда ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хусусий бандлик агентликлари ўртасида тенглик принципи асосида рақобатга замин яратиш, шунингдек, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида ишсиз қолган ва оғир молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларга қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарорида қуйидаги мазмундаги ўзгартиришларни киритиш таклиф этилади:

- хусусий бандлик агентликлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш бўйича ишчи орган (Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги) вазифасини бевосита лицензияловчи орган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) томонидан амалга оширилиши тўғрисида.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ишсиз қолган ва оғир молиявий аҳволга тушиб қолган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг ваколатхоналарига мурожаат қилган чет элдаги меҳнат мигрантларига ёрдам кўрсатиш мақсадида 300 АҚШ долларигача миқдорда 30 кунлик (амалда 3 кун) турар жой ва ётоқхона учун тўловларни тўлаб бериш тўғрисида.

ЗАЩИТА ПРАВ УЗБЕКСКИХ ГРАЖДАН ЗА РУБЕЖОМ МИД И ЗАГРАНУЧРЕЖДЕНИЯМИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19

ЮЛДАШЕВА Говхержан,

PhD, профессор кафедры Международное
право и права человека ТГЮУ

Аннотация. Ушбу мақола COVID-19 пандемияси контекстида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалар томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бағишланган. Ватандошларимизга ёрдам бериш бўйича дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари фаолиятининг аниқ йўналишлари таҳлил қилинади: Ўзбекистон фуқароларининг ўз ватанига қайтиши, визаларни узайтириш масалаларини ўрганиш, юридик ва консуллик хизматларини кўрсатиш, муҳтож бўлган фуқароларни вақтинча уй-жой, озиқ-овқат, дори-дармон ва шахсий гигиена воситалари билан таъминлашда ёрдам бериш ва ҳ.к.

Калим сўзлар: инсон ҳуқуқлари, пандемия COVID-19, коронавирус, глобал инқироз, БМТ, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, чет элдаги ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ташқи сиёсий фаолият, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари.

Abstract. This article focuses on the protection of rights and interests of citizens of Uzbekistan abroad by the Ministry of Foreign Affairs and foreign agencies of the Republic of Uzbekistan in the context of the COVID-19 pandemic. The study examines the activities of the Ministry of Foreign Affairs, diplomatic missions and consular institutions aimed at protecting Uzbek citizens abroad. The research breaks down the activities carried out by responsible ministries, agencies and

missions into: outreach, evacuation of Uzbek citizens from epicenters of virus spread, extending visas, providing legal and consular assistance, assistance to vulnerable groups with housing, food, medicine, and personal hygiene items while stranded abroad.

Keywords: *human rights, COVID-19 pandemic, coronavirus, global crisis, UN, human rights protection, protection of citizens abroad, foreign policy activities, diplomatic mission, consular post.*

Аннотация. *Статья посвящена защите прав и интересов узбекских граждан за рубежом Министерством иностранных дел и загранучреждениями Республики Узбекистан в условиях пандемии COVID-19. Анализируются конкретные направления деятельности загранучреждений по оказанию содействия нашим согражданам – разъяснительная работа, возвращение узбекских граждан на родину, проработка вопросов продления сроков виз, предоставление юридических и консульских услуг, оказание содействия в обеспечении особо нуждающихся граждан временным жильем, питанием, лекарствами и предметами личной гигиены и др.*

Ключевые слова: *права человека, пандемия COVID-19, коронавирус, общечеловеческий кризис, ООН, защита прав человека, защита граждан за рубежом, граждане Республики Узбекистан, внешнеполитическая деятельность, дипломатическое представительство, консульские учреждения.*

Сегодня самой главной задачей, стоящей перед всеми государствами является борьба с коронавирусной пандемией COVID-19 охватившей весь мир и являющейся глобальной угрозой всему миру.

Как правильно заявил Генеральный секретарь ООН Антониу Гутерриш: «Пандемия COVID-19 – это чрезвычайная ситуация в области общественного здравоохранения, но этим дело далеко не ограничивается. Это экономический кризис. Социальный кризис. И человеческий кризис, который быстро превращается в кризис прав человека»¹.

Департамент глобальных коммуникаций отмечает, что по мере роста осознания того, что эпидемия коронавируса может угрожать правам человека во всем мире, Организация Объединенных Наций призывает страны принять более согласованный, глобальный и ориентированный на права человека подход к этой пандемии, которую Генеральный секретарь Антониу Гутерриш назвал «общечеловеческим кризисом»².

С самого начала пандемии в основном все государства стали вводить социальный карантин, целью которого было снятие нагрузки на объекты критической инфраструктуры, прежде всего системы здравоохранения. Многие страны столкнулись с резким ростом числа инфицированных и, как следствие, нехваткой коек в больницах и аппаратов ИВЛ. Узбекистан видя это, принял все меры чтобы не допустить массового распространения вируса и это позволило в итоге спасти жизни людей и тем самым обеспечив самое важное право человека.

Как отмечают А. Нетьматов и М. Холбеков, успехи национальной системы здравоохранения цитируют и авторитетные международные СМИ. В частности, особо подчеркивается, что Узбекистан достиг отличных показателей в борьбе с COVID-19. Доля излечившихся от коронавируса в Узбекистане составила 55 процентов, а смертность – 0,45 процента, что существенно лучше мировых показателей³.

В основу стратегии Узбекистана по противодействию COVID-19 лег разрыв цепочки распространения вируса. В этих целях были введены ряд ограничений, в том числе посредством самоизоляции граждан, которые оказываются действенными и эффективными

¹ Антониу Гутерриш. Пандемия COVID-19 и права человека // <https://www.un.org/ru/coronavirus/we-are-all-together-human-rights-and-covid-19-response>

² Защита прав человека в условиях пандемии COVID-19 // <https://www.un.org/ru/coronavirus/protecting-human-rights-amid-covid-19-crisis>

³ Нетьматов А., Холбеков М. Борьба с COVID-19: подходы различных стран и опыт Узбекистана // <https://uza.uz/ru/society/borba-s-covid-19-podkhody-razlichnykh-stran-i-opyt-uzbekista-01-05-2020>

в деле постепенного выравнивания кривой заболеваемости. Самое главное, в результате принятых мер удалось предотвратить эпидемию в масштабах страны.

Су Чан сотрудник Института Восточной Европы и Центральной Азии Китайской Академии общественных наук отметил, что Узбекистан, где первые инфицированные COVID-19 появились в середине марта, предпринял очень эффективные меры для сдерживания коронавирусной инфекции.

Когда началась коронавирусная пандемия в мире, большая группа граждан Республики Узбекистан оказались в различных зарубежных странах.

А защита основных прав и свобод человека и гражданина применительно к гражданам Республики Узбекистан, проживающим или находящимся за рубежом, является неотъемлемой частью внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан.

С начала пандемии Правительство Узбекистана стало работать над возвращением из зарубежных государств своих граждан, оказавшихся в трудном положении. 7 мая Президент Шавкат Мирзиёев на видеоселекторном совещании заявил: «Вы в курсе, что во многих странах остались граждане Узбекистана. Исходя из наших возможностей, мы все равно должны их вернуть. Мы уже начали это делать. Планируем привезти граждан из России, Турции, Дубая и других мест. Из них 11 тысяч переживают трудности. Мы принимаем меры по их возвращению, в первую очередь», – заявил глава государства¹.

В связи с этим Министерство иностранных дел Республики Узбекистан уже 16 марта 2020 года в целях своевременного решения возникающих затруднений у сограждан, а также оперативного реагирования на нестандартные ситуации, связанные с гражданами Республики Узбекистан в зарубежных странах в связи принятием карантинных мер в других государствах, в МИДе, посольствах и консульских учреждениях Узбекистана создало оперативные штабы.

Дипломатическими представительствами и консульскими учреждениями Узбекистана была развернута широкомасштабная деятельность по оказанию содействия нашим согражданам, оказавшимся за рубежом. В первую очередь, для удобства наших граждан контактные данные дипломатических миссий (телефоны, адреса электронной почты, различных интернет-каналов) были размещены на официальных Интернет-ресурсах и распространены в различных социальных мессенджерах и СМИ.

Дипломатические представительства и консульские учреждения в целях защиты наших граждан стали предпринимать комплекс мер консульско-правовой, материально-финансовой, политико-дипломатической и другой поддержки.

В целом деятельность дипломатических представительств и консульских учреждений осуществлялась по различным направлениям.

В первую очередь, они вели и продолжают вести разъяснительную работу по предупреждению распространения коронавирусной инфекции через официальные веб-сайты, страницы в Facebook, телеграмм-канал, через которые они активно сотрудничали с представителями узбекской диаспоры, волонтеры-добровольцами и местными властями стран пребывания.

Второе направление деятельности дипмиссий, это возвращение узбекских граждан на родину. Они оперативно реагируют на любые просьбы граждан Узбекистана, составляют списки с данными соотечественников, обратившихся за содействием по их вывозу charterным рейсом на Родину. Информация ежедневно обновляется и направляется в Специальную республиканскую комиссию.

Как мы хорошо знаем основными функциями консульского учреждения является защита в государстве пребывания интересов представляемого государства, его граждан и организаций, а также развитие дружественных связей, в частности в таких областях, как экономика, торговля, наука и техника, культура и др. Республика Узбекистан в полной мере реализует все функции, указанные в статье 5 Венской конвенции о консульских сношениях². Так, например,

¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2020/05/07/return/>

² Венская конвенция о консульских сношениях 1963 года. Действующее международное право. Т. 1. – М., 1999. – С. 531.

сразу же 16 марта посольство Узбекистана в Турции и генеральное консульство в Стамбуле начали процесс формирования списков узбекистанцев на чартерные рейсы по направлению «Стамбул-Ташкент»¹.

Кроме того, генконсульство Узбекистана в г. Стамбуле организовало раздачу пищи для более 10 тысяч сограждан, подготовило 150 пакетов с продуктами питания и 1800 продовольственных талонов на сумму 180000 турецких лир более 1000 гражданам. Аналогичные работы также были проведены во многих других зарубежных городах².

Благодаря бесперебойной межведомственной работе, в период с 16 марта по 7 июня текущего года организовано 108 чартерных авиарейсов для возвращения в Узбекистан 16031 тыс. сограждан (из России 10758, Турции – 1920, ОАЭ – 1387). Кроме того, оказано содействие беспрепятственному возвращению 40633 сограждан домой путем пересечения узбекско-казахстанской границы, 4882 – узбекско-кыргызской границы, 592 – узбекско-таджикской границы. 18 и 19 мая 1206 граждан Узбекистана, скопившихся на российско-казахстанской межгосударственной границе (КПП «Маштаково»), вывезены наземным путём через территорию Казахстана на Родину. Число обратившихся в оперативные штабы в зарубежных странах граждан с просьбой оказать помощь по состоянию 1 июня составляет более 104 тыс. человек³.

Ещё одним направлением деятельности дипломатических и консульских учреждений в условиях пандемии явилось проработка вопросов продления сроков виз, предоставление юридических и консульских услуг, особо нуждающимся гражданам оказание содействия в обеспечении временным жильем, питанием, лекарствами и предметами личной гигиены и др.

Не остались в стороне дипмиссии Узбекистана и от деятельности в гуманитарной сфере.

В связи с этим следует особо подчеркнуть проект «Мехр», запущенный 14 мая 2020 года Посольством Республики Узбекистан в России, на основе которого проводится постоянная работа по оказанию финансовой, медицинской и продовольственной помощи соотечественникам, находящимся на территории России⁴. По данным МИД Республики Узбекистан на 6 июня получателями финансовой помощи на общую сумму 14935076 рублей (около \$218 тыс.) стали 2428 граждан Узбекистана.

В период с 25 марта по 28 мая Посольством Республики Узбекистан в Российской Федерации также оплачено проживание и питание находящихся в критическом положении граждан Узбекистана в г. Москве на общую сумму 6700560 рублей (около \$100 тыс.)⁵. Подобную работу проводят все генеральные консульства Узбекистана в России.

10 апреля по инициативе дипломатических представительств Узбекистана в США и при содействии диаспоральных организаций запущена благотворительная акция «Биз Ўзбекистонга бефарқ эмасмиз». В рамках акции по состоянию на 28 мая собрано \$61675, которые перечислены на специальный счет Общественного фонда «Мехр-шафқат ва саломатлик». Сбор средств продолжается⁶.

Посольством Узбекистана в Лондоне проработан вопрос перечисления британской компанией «ВАТ» средств в размере 2 млрд. сумов и \$200 тысяч для приобретения аппаратов искусственной вентиляции легких (ИВЛ). Посольством нашей страны в г. Анкаре организована доставка в Узбекистан 50 аппаратов ИВЛ на безвозмездной основе⁷.

В целом, благодаря активной работе Министерства и дипломатических представительств Узбекистана за рубежом на счет Общественного фонда «Мехр-шафқат ва саломатлик» перечислены около \$250000. Кроме того, при содействии дипмиссий за рубежом в Узбекистан

¹ <https://kun.uz/ru/news/2020/03/17/mid-obratilsya-k-uzbekistansam-naxodyashchimsya-v-tursii>.

² О деятельности МИД и загранучреждений в период пандемии COVID-19 // <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/06/24257/>

³ О деятельности МИД и загранучреждений в период пандемии COVID-19 // <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/06/24257/>

⁴ Проект «Мехр»: матпомощь узбекистанцам в РФ составила около 5 млн рублей // <https://uz.sputniknews.ru/society/20200525/14209264/Proekt-Mekhr-matpomoshch-uzbekistantsam-v-RF-sostavila-okolo-5-mln-rublej.html>

⁵ О деятельности МИД и загранучреждений в период пандемии COVID-19 // <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/06/24257/>

⁶ <https://uz.usembassy.gov/ru/category/us-and-uzbekistan-ru/>

⁷ О деятельности МИД и загранучреждений в период пандемии COVID-19 // <https://mfa.uz/ru/press/news/2020/06/24257/>

привлечено более \$400000 для приобретения медицинского оборудования, несколько сот тонн гуманитарной помощи в виде средств индивидуальной защиты и гигиены, а также медицинских принадлежностей и изделий. Нужно отметить, что это огромная помощь государству, которая была направлена на борьбу с коронавирусом в Узбекистане, поддержке наших граждан оставшихся в бедственном положении за рубежом.

Таким образом, деятельность МИД, загранучреждений и их сотрудников в период пандемии COVID-19 всё цело было направлено на защиту прав и интересов наших граждан за рубежом, которые работали и работают днём и ночью используя все возможности для оказания помощи гражданам Узбекистана за рубежом и защиты их интересов.

**II БОБ.
КОРОНАВИРУС
ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ**

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В УСЛОВИЯХ ЧРЕЗВЫЧАЙНОГО ПОЛОЖЕНИЯ

БАКАЕВА Фарида,

начальник отдела анализа и исследований в области прав человека Национального центра Республики Узбекистан по правам человека, кандидат юридических наук

***Аннотация.** Мақолада фавқулдда вазият режими шароитларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий тартибга солишининг халқаро-ҳуқуқий асослари, хорижий ва миллий тажрибаси таҳлил қилинади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари базасида “Фавқулдда вазият тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги асосланади.*

***Калим сўзлар:** фавқулдда ҳолат, фавқулдда ҳолат шароитларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши, фавқулддаги ҳолатлар бўйича қонунчилик, фавқулдда ҳолатларда давлат органларининг ваколатлари.*

***Abstract.** The article analyses the international legal framework, foreign and national experience of regulating human rights and freedoms during state of emergency. It justifies the necessity of adoption the Public Emergency Act based on the international duties of the Republic of Uzbekistan in the field of protection of human rights and freedoms.*

***Key words:** state of emergency, restriction of human rights and freedoms during state of emergency, legislation for state of emergency, powers of state bodies in states of emergency.*

***Аннотация.** В статье анализируются международно-правовая база, зарубежный и отечественный опыт правового регулирования прав и свобод человека в условиях чрезвычайного положения. Обосновывается необходимость принятия Закона «О чрезвычайном положении» на основе международных обязательств Республики Узбекистан в области защиты прав и свобод человека.*

***Ключевые слова:** чрезвычайное положение, ограничение прав и свобод человека в условиях чрезвычайного положения, законодательство о чрезвычайном положении, полномочия государственных органов при чрезвычайном положении.*

Пандемия COVID-19, а также природные и техногенные катастрофы, произошедшие в Бухарской, Сырдарьинской и Джизакской областях Республики Узбекистан выявили острую необходимость в совершенствовании национального законодательства, регулирующего деятельность государственных органов, а также основания ограничений прав граждан в условиях чрезвычайных ситуаций. Ликвидация последствий экстремальных ситуаций должна

базироваться на правилах поведения, установленных законодательством для соответствующих государственных органов и иных организаций, принимающих безотлагательные правовые, организационные, экономические, материально-технические и иные меры по стабилизации возникшей ситуации, оказанию незамедлительной помощи пострадавшему населению.

Регулирование вопросов чрезвычайного положения национальным законодательством Республики Узбекистан

В Узбекистане правовому регулированию вопросов, связанных с чрезвычайными ситуациями, уделяется определенное внимание:

- в пункте 19 статьи 78 Конституции Республики Узбекистан палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан наделены полномочием утверждения указов Президента Республики Узбекистан о введении, продлении и прекращении чрезвычайного положения;

- в пункте 19 статьи 93 Конституции Республики Узбекистан закреплено правомочие Президента Республики Узбекистан по введению чрезвычайного положения на всей территории или в отдельных местностях Республики Узбекистан в исключительных случаях – при реальной внешней угрозе, массовых беспорядках, крупных катастрофах, стихийных бедствиях и эпидемиях.

В данной статье Конституции подчеркивается, что условия и порядок введения чрезвычайного положения регулируются законом.

20 августа 1999 г. был введен в действие закон Республики Узбекистан «О защите населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера»¹, в котором закреплены принципы защиты граждан в условиях чрезвычайных ситуаций: гуманизм, приоритетность жизни и здоровья человека, гласность, своевременность и достоверность информации, превентивность мер по защите от чрезвычайных ситуаций. В законе определены основные функции государственных органов (центральных и местных) по защите населения и территорий при чрезвычайных ситуациях, а также права граждан, иностранных граждан и лиц без гражданства на защиту жизни и здоровья, обращение в государственные органы, получение компенсации за вред, причиненный их здоровью в период чрезвычайной ситуации.

Большое значение в регулировании вопросов чрезвычайного положения имеет постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 декабря 1997 г. № 558 «О государственной системе предупреждения и действий в чрезвычайных ситуациях Республики Узбекистан»².

Оно определило основные задачи, организацию, состав и порядок функционирования государственной системы предупреждения и действий в чрезвычайных ситуациях Республики Узбекистан, конкретные функции республиканских и местных органов власти, предприятий, учреждений, организаций по вопросам защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций, а также предусмотрело постоянно действующие органы управления в данной сфере (управления, отделы) и финансовые основы ликвидации чрезвычайных ситуаций.

3 августа 2007 г. Правительством Узбекистана принята Государственная программа по прогнозированию и предупреждению чрезвычайных ситуаций³, цель которой состоит в обеспечении гарантированного уровня защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций, снижение и смягчение рисков и последствий аварий, катастроф, стихийных бедствий в Республике Узбекистан.

Деятельность государственных органов по защите населения от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера регулируется также законами Республики Узбекистан «О промышленной безопасности опасных производственных объектов» от

¹ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1999. № 9. Ст. 221; Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2010. № 37. Ст. 316; 2014. № 4. Ст. 45; Национальная база данных законодательства, 25.12.2019 г., № 03/19/597/4193.

² URL: mchs.gov.uz/orders/12.

³ Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2007. – № 14. – Ст. 144.

28 сентября 2006 г.¹, «О спасательной службе и статусе спасателя» № 135 от 26 декабря 2008 г.², «О пожарной безопасности»³ № 226 от 30 сентября 2009 г. и другими законами.

Кроме того, в ст.ст. 37 и 40 закона Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» от 12 декабря 2002 г.⁴ установлена обязанность лиц, состоящих на альтернативной службе, по исполнению работ по ликвидации последствий аварий, катастроф, стихийных бедствий и других чрезвычайных ситуаций.

В законе «О средствах массовой информации» (ст.35)⁵ закреплена обязанность СМИ публиковать экстренные сообщения о чрезвычайных ситуациях или сообщения уполномоченных государственных органов.

При этом следует отметить, что предусмотренная вышеуказанными нормативно-правовыми актами государственная система направлена на ликвидацию последствий таких чрезвычайных ситуаций, как авария, катастрофа, стихийное или экологическое бедствие, эпидемия, эпизоотия, эпифитотия, но не предусматривает меры по устранению другого вида чрезвычайных ситуаций, вызванных попытками насильственного изменения конституционного строя, массовыми беспорядками и т.п.

Обоснование необходимости разработки и принятия Закона «О чрезвычайном положении»

Необходимость принятия закона Республики Узбекистан «О чрезвычайном положении» как базового и рамочного нормативно-правового акта, определяющего порядок введения в Узбекистане режима чрезвычайного положения, вызвана следующими факторами:

1) анализ нормативно-правовых актов Республики Узбекистан показывает, что отсутствует закон, регулирующий основные вопросы, связанные с введением режима чрезвычайного положения: порядок его введения, срок его действия, полномочия органов государства в период его действия, ограничения и запреты, установленные для физических и юридических лиц, юридический статус временного органа, созданного для ликвидации последствий чрезвычайных событий и т.д. Необходимость принятия такого закона усматривается п. 19. ст. 93 Конституции Республики Узбекистан;

2) Комитет ООН по правам человека, в рамках рассмотрения национальных докладов Узбекистана по выполнению положений Международного пакта о гражданских и политических правах⁶, в своих Заключительных замечаниях рекомендовал Республике Узбекистан принять специальный закон, регулирующий вопросы чрезвычайного положения, для четкого определения пределов отступления государства от своих обязательств в сфере прав человека в условиях чрезвычайных ситуаций;

3) Совет ООН по правам человека после рассмотрения Национальных докладов Узбекистана, в рамках Универсального периодического обзора, также рекомендовал создать правовую базу обеспечения прав и свобод человека при объявлении чрезвычайного положения;

4) учитывая, как внутренние, так и внешние факторы необходимости четкого правового регулирования режима чрезвычайного положения, в Национальный план действий по выполнению рекомендаций Совета ООН по правам человека был включен пункт 9.1 о

¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2006. – № 39. – Ст. 386; 2014. № 36. Ст. 452; Национальная база данных законодательства, 05.01.2018 г., № 03/18/456/0512

² Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2009. – № 52. – Ст. 511; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2019. – № 2. – Ст. 47.

³ Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2009. – № 40. – Ст. 432; Национальная база данных законодательства, 10.01.2018 г., № 03/18/459/0536, 2019 г., № 2, ст. 47, 05.09.2019 г., № 03/19/564/3690; 25.12.2019 г., № 03/19/597/4193

⁴ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2002. – № 12. – Ст. 217; 2003. – № 9–10. – Ст. 149; Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2004. – № 51. – Ст. 514; 2008. – № 37–38. – Ст. 362; № 50. – Ст. 491; 2009. – № 52. Ст. 553; 2016. – № 39. – Ст. 457; 2017. – № 24. – Ст. 487; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2006. – № 6. – Ст. 262; Национальная база данных законодательства, 19.04.2018 г., № 03/18/476/1087, 24.07.2018 г., № 03/18/486/1559, 2019 г., № 2, ст. 47, 05.09.2019 г., № 03/19/564/3690, 04.12.2019 г., № 03/19/586/4106.

⁵ Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1998. – № 1. – Ст. 10; 2002. – № 9. – Ст. 165.

⁶ См.: URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

разработке Концепции проекта закона «О чрезвычайном положении» с участием МЧС, Генеральной прокуратуры, МВД, Омбудсмана и НЦПЧ, а также проведение конференции на тему: «Права и свободы человека в условиях режима чрезвычайного положения».

В настоящее время подготовлен проект Закона «О чрезвычайном положении», который, к сожалению, имеет ряд серьезных недостатков.

При подготовке Концепции проекта закона «О чрезвычайном положении» следует обратить внимание на следующие важные моменты.

Правовой режим чрезвычайного положения при наличии чрезвычайной ситуации вводится в установленном законом порядке компетентными государственными органами. Иными словами, существуют фактическое (ЧС) и юридическое (правовой акт) основания возникновения данного правового режима.

Главное в его содержании: 1) ограничение прав и свобод граждан, коллективных субъектов права; 2) изменение системы государственной власти путем образования новых исполнительных органов, перераспределения компетенции, предоставления дополнительных полномочий.

Цели введения режима ЧП – нормализация в кратчайшие сроки обстановки, устранение угроз безопасности, восстановление законности, нормальной деятельности, оказание помощи пострадавшим гражданам, организациям, ликвидация последствий беспорядков, эпидемии, катастрофы, стихийного бедствия.

Законодательство о ЧП различает два вида ЧП: 1) вызванное попытками насильственного изменения конституционного строя, массовыми беспорядками и т.п., если они создают угрозу жизни и безопасности граждан, нормальной деятельности государственных институтов; 2) порождаемое стихийными бедствиями, эпидемиями, эпизоотиями, крупными авариями, ставящими под угрозу жизнь и здоровье населения и требующими проведения аварийно-спасательных и восстановительных работ (социальное бедствие).

В указе главы государства об установлении режима ЧП должны быть названы: а) обстоятельства, послужившие основанием для его введения; б) обоснование необходимости введения ЧП; в) государственные органы, ответственные за осуществление режима ЧП, и точные границы чрезвычайных полномочий этих органов; г) границы территории, на которой вводится ЧП; д) время вступления в силу акта о ЧП, а также точный срок, на который вводится ЧП.

Акт о введении ЧП доводится до сведения населения через средства массовой информации до вступления его в законную силу, за исключением обстоятельств, требующих неотложных мер по спасению населения, когда ЧП вводится немедленно и без предупреждения.

Срок действия режима ЧП, вводимого на всей территории, не может превышать 30 дней, а вводимого на части ее территории – 60 дней. По истечении этого срока ЧП прекращается или продлевается на такой же срок в таком же порядке, как ЧП устанавливается.

Чрезвычайное законодательство некоторых стран предусматривает:

во-первых, возможность введения прямого президентского правления, при котором органы исполнительной власти территории, на которой введено ЧП, ставятся в прямое подчинение Президенту либо назначаемому им органу;

во-вторых, создание специальных временных органов – временных администраций, комитетов, штабов, комендатур, являющихся органами исполнительной власти, которым могут быть переданы полностью или частично распорядительные и исполнительные полномочия органов государственной власти территории, где введено ЧП.

Увеличение полномочий органов исполнительной власти в условиях чрезвычайного положения происходит одновременно с ограничением прав и свобод граждан. В условиях социальных бедствий управленческое воздействие направлено на ликвидацию их причин, обеспечение хозяйственно-восстановительных работ, эвакуацию людей и оказание им помощи, поддержание особого режима проживания на указанной территории, содействие деятельности органов власти и иных организаций. В соответствии с этими задачами

государственные органы применяют следующие меры: временно выселяют граждан из районов, опасных для проживания с обязательным предоставлением жилища, проводят санитарно-противоэпидемические мероприятия; устанавливают особый режим работы предприятий, учреждений, организаций; в исключительных случаях проводят мобилизацию трудоспособного населения и транспортных средств граждан.

Государственным органам даются полномочия изымать у граждан и организаций оружие, звукоусиливающие технические средства и другие предметы, использование которых влияет на состояние общественной безопасности, вводит запрет на проведение собраний, митингов, забастовок.

Одновременно идет усиление административно-правовой деятельности. Это выражается в: а) закреплении в законодательстве новых составов административных проступков (например, нарушение комендантского часа, распространение провокационных слухов); б) увеличение штрафных санкций за отдельные виды правонарушений; в) установление особых административно-процессуальных правил. Например, вводится новая фигура в административную юрисдикцию – комендант района чрезвычайного положения, сокращается срок рассмотрения дел об административных правонарушениях¹.

При подготовке проекта закона «О чрезвычайном положении» необходимо учесть нормы международного права, регулирующие данную сферу.

Международное право о режиме чрезвычайного положения

В ст. 4 Международного пакта о гражданских и политических правах указывается, что государство при чрезвычайных обстоятельствах может временно отступить от части обязательств по Пакту, но для этого им должен быть установлен особый режим гарантий как в отношении самого отступления, так и его материальных последствий².

В целях оказания помощи государствам в определении гарантий прав защиты прав человека в условиях чрезвычайного положения приняты Общие замечания № 29 к ст. 4 Пакта, которые предусматривают следующие четкие правила:

- сложившаяся ситуация должна быть равнозначна чрезвычайному положению, при котором жизнь нации находится под угрозой;
- государство обязано официально объявить о введении чрезвычайного положения;
- режим чрезвычайного положения должен действовать в рамках конституционных и иных законодательных положений;
- меры, принимаемые в период чрезвычайных ситуаций, должны носить исключительный и временный характер и отвечать принципу соразмерности, быть необходимыми и законными;
- в условиях режима чрезвычайного положения категорически недопустимо отступление от ст. 6 (право на жизнь), ст. 7 (запрещение пыток), п. 1, п. 2 ст. 8 (запрещение рабства), ст. 11 (запрещение лишения свободы из-за невыполнения договорного обязательства), ст. 15 (соблюдение законности в области уголовного законодательства), ст. 16 (признание правосубъектности каждого) и (ст. 18 (свобода мысли, совести и религии);
- ограничения прав и свобод человека, допускаемые международным правом в условиях чрезвычайного положения, не должны также касаться соблюдения принципа недопущения дискриминации на основе расы, цвета кожи, пола, языка, религии или социального происхождения;
- государство, использующее право отступления от ст. 4 Пакта о гражданских и политических правах, обязано соблюдать режим международного уведомления, т.е. немедленно проинформировать Генерального секретаря ООН о положениях, от которых оно отступило, и о причинах, побудивших к такому решению, с приложением документации о действующем законодательстве³.

¹ См. Бахрах Д.Н. Административное право. Учебник для вузов. – М., 1996. – С. 207–208.

² См.: URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

³ См. HR1/GEN/1/Rev.9 (Vol. 1).

Согласно обзору конституций 36 стран мира, предпринятому под эгидой ООН в середине 60-х гг. XX столетия, выделяются семь групп обстоятельств (называемых еще основаниями) для введения чрезвычайных режимов:

- 1) внешняя угроза (международный конфликт, война, вторжение извне, оборона либо обеспечение безопасности государства в целом или какой-то его части);
- 2) гражданская война, восстание, подрывные действия революционных элементов;
- 3) нарушение мира, публичного порядка или спокойствия;
- 4) угроза конституционному строю;
- 5) стихийные бедствия;
- 6) угроза экономической жизни страны или каких-то ее частей;
- 7) нарушение функционирования жизненно важных отраслей экономики или общественных служб.

Очевидным объединяющим признаком для всех перечисленных оснований является наличие возникшей под влиянием внутренних или внешних факторов возможности причинения ущерба государственному суверенитету, конституционному строю, территориальной целостности, общественной безопасности, нормальному функционированию государственных и общественных институтов, жизни и здоровью населения страны, т.е. внешней или внутренней угрозы.

Поэтому, в зависимости от характера очага возникающей угрозы (извне или изнутри), все виды чрезвычайных правовых режимов любого государства можно разделить, соответственно, на две большие группы:

- 1) чрезвычайные правовые режимы, вводимые при наличии опасности причинения вреда со стороны другого (или других) государства (вооруженная агрессия, экономическое давление, санкции и др.);
- 2) чрезвычайные правовые режимы, вводимые при наличии угрозы внутреннего характера (природный, социальный, техногенный и иные факторы).

Международные требования к правильному правовому оформлению введения государством режима чрезвычайного положения ставят перед Республикой Узбекистан задачу разработки и принятия специального закона, регулирующего вопросы защиты прав человека в условиях чрезвычайного положения с учетом вышеназванных международных принципов.

Представляется целесообразным при подготовке проекта закона Республики Узбекистан «О чрезвычайном положении» учесть положения модельного закона «О чрезвычайном положении», разработанного Межпарламентской ассамблеей государств-участников СНГ (июль 2000 г.).

В модельном законе дано определение понятия «чрезвычайное положение», определены условия, основания и порядок введения чрезвычайного положения, раскрывается содержание акта о введении или продлении чрезвычайного положения, порядок утверждения указа главы государства высшим законодательным органом, срок введения и продления ЧП.

Модельный закон определяет также деятельность органов государства, судов, прокуратуры, органов самоуправления граждан в период ЧП, а также создание специального временного органа для координации деятельности по ликвидации чрезвычайной ситуации.

Данным модельным законом предусмотрены меры по ограничению прав физических и юридических лиц в условиях ЧП, связанные с ограничением свободы передвижения, проведением собраний и митингов, забастовок, свободы печати, деятельности политических партий и др.

Целесообразно дополнить законопроект о ЧП специальной главой «Основные принципы и порядок применения временных мер и ограничений прав и свобод человека в условиях чрезвычайных обстоятельств».

Разработка и принятие в Узбекистане закона «О чрезвычайном положении» позволит:

- создать базовый и рамочный закон, определяющий основы государственной политики в сфере гарантий защиты прав человека в условиях чрезвычайного положения;

- имплементировать в национальное законодательство нормы и принципы защиты прав и свобод человека в условиях ЧП;
- определить понятие «чрезвычайное положение», его виды, цели, задачи, основания введения режима чрезвычайного положения,
- установить полномочия главы государства и высшего законодательного органа в условиях ЧП;
- установить четкий порядок организации и координации деятельности по устранению чрезвычайных ситуаций;
- определить взаимоотношения государства с международными организациями после введения режима ЧП;
- принять меры по дальнейшему совершенствованию законодательства и деятельности государственных органов по защите прав и свобод человека в случае введения ЧП;
- информировать население страны о правовых рамках, связанных с чрезвычайным положением.

Разработка и принятие закона Республики Узбекистан «О чрезвычайном положении» соответствовала бы международным обязательствам Республики Узбекистан по выполнению положений Международного пакта о гражданских и политических правах (ст. 4), Замечаний общего порядка № 29 Комитета ООН по правам человека¹, а также рекомендаций Совета ООН по правам человека по итогам рассмотрения национальных докладов Узбекистана в рамках Универсального периодического обзора.

ПАНДЕМИЯ: ДАВЛАТ ВА ТАДБИРКОР, ТАДБИРКОР ВА ТАДБИРКОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲУҚУҚИЙ МАЙДОНИДА

ОҚЮЛОВ Омонбой,

Тошкент давлат юридик университетининг

“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори,

юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Аннотация. Мазкур мақолада COVID-19 тарқалгани сабабли пандемия шароитида давлат томонидан жорий этилган карантин чораларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсири Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва халқаро пактлар асосида тадқиқ этилади. Ушбу чоралар халқаро стандартларга тўла мос келиши асослаб берилган. Айни пайтда бизнес субъектлари ўртасидаги шартнома мажбуриятларига карантин чораларининг таъсири форс-мажор, мушкул вазиятлар, вазиятнинг жиддий ўзгариши категориялар орқали очиб берилади.

Калим сўзлар: инсон ҳуқуқлари, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва осойишталиги, пандемия, карантин чоралари, эркин тадбиркорлик, форс-мажор, вазиятнинг жиддий ўзгариши, мушкул вазиятлар.

Abstract. The article examines the legality of quarantine measures by the state in the field of business in connection with the spread of the COVID-19 pandemic through the prism of the Universal Declaration of Human Rights and international covenants. The rationale for the proportionality of the measures taken by international legal standards is given. The legal consequences of the impact of quarantine measures on the contractual relations of business entities through the categories of “force majeure”, “difficult circumstances”, “obstacle beyond control” are analyzed.

Keywords: human rights, public order, health and well-being of the population, pandemic,

¹ См.: База договорных органов ООН / URL: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR%2fC%2f21%2fRev.1%2fAdd.11&Lang=ru

quarantine measures, freedom of enterprise, force majeure, difficult circumstances, obstacle beyond control.

Аннотация. В статье исследуется правомерность принятия карантинных мер государством в сфере бизнеса в связи с распространением пандемии COVID-19 через призму Всеобщей декларации прав человека и международных пактов. Дается обоснование соразмерности, принимаемых мер международно-правовым стандартам. Анализируются правовые последствия воздействия карантинных мер на договорные отношения субъектов бизнеса через категории «форс-мажор», «затруднительные обстоятельства», «препятствие вне контроля».

Ключевые слова: права человека, общественный порядок, здоровое и благополучие населения, пандемия, карантинные меры, свобода предпринимательства, форс-мажор, затруднительные обстоятельства, препятствие вне контроля.

Бутун инсониятнинг нормал ҳаётига хавф солган, муайян маънода одатдаги турмуш тарзини издан чиқарган COVID-19 пандемияси жамиятдаги ҳуқуқ-тартибот асосларига, фавқуллода шароитларда инсон ҳуқуқларининг амал қилиш хусусиятларига, хусусан, тадбиркорлик ва бизнесни, инвестицияларни ташкил этиш масалаларига бошқача ёндашувлар орқали изоҳлаш заруриятини тақозо этди. Бунда ҳуқуқ-тартиботдаги фавқуллода вазиятлар сабабли қўлланилаётган чоралар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларни тадбиркорлик, инвестиция қиритиши, бизнес юритиш орқали ёхуд меҳнат шартномаси орқали ўз тирикчилик манбаларига эга бўлиш имкониятларини муайян тарзда давлат томонидан ёки ихтиёрий тарзда чекланишига сабаб бўлди.

Ҳар бир инсонни мулкдор бўлиш, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддаси 1-банди), ҳар бир ишлаётган одамнинг ўз оиласи учун муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қоникарли даромад олиш (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддаси 3-банди) ҳуқуқларига эга. Ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва намоён бўлиш хусусиятлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт”да ўз ифодасини топган. Ушбу Пактнинг 6–7-моддаларида инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали ўз фаровонлигини таъминлаш хусусиятлари назарда тутилган. Пактнинг 11-моддасига кўра, ушбу Пактда иштирокчи-давлатлар ҳар бир кишининг ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар. Етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароитларини муттасил яхшилаб бориши шулар жумласидандир.

Албатта, кишилар ўз тирикчилик воситаларига эга бўлиши, биринчи навбатда, ўзларининг саъй-ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Бу тадбиркорлик фаолияти, ўзини-ўзи банд қилиш ёхуд меҳнат шартномаси асосида фаолият юритиш бўлиши мумкин. Бироқ пандемия шароитида дунёдаги деярли барча давлатлар кишиларни эркин ҳаракатланишига тақиқ қўйиб, ўз чегараларини ёпдилар. Мамлакат ичидаги ҳаракатлар ҳам жиддий чеклашларга дучор бўлди. Карантин ва ўзини-ўзи яқкалаш (изоляция қилиш) чора-тадбирлари тизими жорий этилди. Бундай ҳолатлар моҳияти, зарурияти юрист мутахассислар, олимлар томонидан оммавий ахборот воситаларида, бошқа илмий манбаларда таҳлил этилмоқда¹.

Пандемия муносабати билан амалга оширилган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий майдонда амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасига кўра, ҳар бир инсон жамият олдида муайян мажбуриятларга эга ва шу мажбуриятларни бажариш орқали инсон шахси эркин ва тўла-тўқис камол топиши

¹ Мирзаабдуллаева М. Қонунчилик пандемияга тайёр эдими // <http://uza.uz/oz/society/onunchilik-pandemiyaga-tayyer-edimi-18-04-2020>; Давлетов Р. Коронавирус нималарни ўзгартиради ижтимоий ҳуқуқий жиҳатлар // <http://uza.uz/oz/society/koronavirus-nimalarni-zgartiradi-izhtimoiy-u-u-iy-zhi-atlar-14-04-2020>; Пандемия могут сделать основанием для освобождения от контракта // <https://www.interfax.ru/russia/704397>

мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқишида муайян чеклашларга дучор бўлиши мумкин, бундай чеклашлар қонун томонидан белгилаб қўйилган бўлади ҳамда ундан мақсад бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари зарур даражада тан олинishi ва ҳурмат қилинishi ҳамда ахлоқ-одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ва демократик жамиятдаги фаровонликнинг оқилона талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўз мамлакати ҳудуди доирасида эркин кўчиб юриш ҳуқуқига ва яшаш жойини эркин танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эгадир, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Юқорида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган ҳолларда, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли сиҳат-саломатлигини ёки ахлоқ-одобини сақлаш учун, шунингдек, бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4-моддасига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра, мазкур Пактда иштирокчи-давлатлар инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш соҳасида шундай чеклашларни белгилаб қўйиши мумкинки, булар, биринчидан, қонунда назарда тутилган бўлиши, иккинчидан, бу чеклашлар мазкур чекланаётган ҳуқуқларнинг табиатига уйғун бўлиши ва учинчидан, бундан кўзланган мақсад фақат демократик жамиятдаги умумий фаровонлиқни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

А.Бурхоновнинг кўрсатишича, аҳолининг ижтимоий фаоллик даражаси юқумли касалликлар тарқалиш даражасига ва эпидемиологик жараёнга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир қилади. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги қанчалик юқори бўлса, юқумли касалликнинг тарқалиш жараёни ҳам шу қадар юқори бўлади. Шу сабабли ҳам у давлат томонидан жорий этилган чекловчи чоралар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши тўғрисидаги нуктаи назарни нотўғри, деб ҳисоблайди. Бир шахс ҳуқуқининг чегараси иккинчи шахс ҳуқуқининг чегараси билан туташади. Эпидемия шароитида чекловчи чоралар қуёшқондан ташқари чикмайди. Бундай вазиятда, жамиятнинг сиҳат-саломатлик ҳуқуқи устувор имтиёзга эга¹.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактнинг 12-моддаси 3-бандида аҳоли сиҳат-саломатлигини таъминлаш зарурияти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асоси сифатида белгилаб қўйилгани муаллифнинг мушоҳадалари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга таянганини кўришимиз мумкин. Бизнесменлар ва тадбиркорлар аҳолининг энг фаол қатлами ҳисобланади, бежизга “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида тадбиркорликнинг асосий белгиларидан бири – бу ташаббускорлик, деб белгиланмаган. Бизнес – тадбиркорликнинг ижтимоий фаоллиги нафақат ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш жараёнида, балки бизнесни ташкил этиш бизнес партнёрлар ўртасидаги, бизнес ва давлат органлари ўртасидаги тизимли муносабатларда намоён бўлади.

Пандемия шароитида бизнесни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар бир нечта қатламли муносабатлар тизимини ташкил қилади. Биринчи қатламда, давлат ва тадбиркор ўртасидаги муносабатлар, иккинчи қатламда, бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатлар, учинчи қатламда, тадбиркорнинг иш берувчи сифатида ходимлар билан муносабатлари рўй беради ва, ниҳоят, тўртинчи қатламда, тадбиркорни ижтимоий индивид сифатида социумда, яъни жамиятда турли ижтимоий субъектлар билан муносабатлар туркуми вужудга келади.

Давлат пандемия шароитида турли чекловчи чораларни жорий этар экан, ниҳоятда эҳтиёткорлик ва заргарона аниқлик билан ҳаракат қилишга интилади. Рим ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири, агар муайян масалани ҳал қилишда ҳуқуқий тартибга солиш

¹ Бурхонов А. Приоритет не права личности, а права на здоровое общество // <http://uza.uz/ru/society/prioritet-ne-prava-lichnosti-a-pravo-na-zdorovoe-obshchestvo-21-04-2020>

механизмини белгилашда, албатта, қандайдир манфаатлар ва ҳуқуқларга зарар етар экан, энг кам зарар етказиш тамойили асосида ёндашув мавжуд. Пандемия шароитида ҳам давлат модомики, тадбиркорлик, пандемияга қарши кураш зарурияти билан бизнесга зарар етказилишини тақозо етар экан, бунда энг кам зарар етказиш усули танлаб олинди. Мамлакат ичида ва мамлакатлараро юк ташиш тизимида дахл этилмаганлиги, ҳаётий зарурият ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият юритганлиги, қишлоқ хўжалик соҳасидаги тадбирларни узилишларсиз амалга оширилаётганлиги бундан яққол далолат беради. Бироқ чекловчи чоралар барибир чекловчи чоралардир. Муайян соҳаларда фаолият вақтинча тўхтатилди. Банк молия тизимида тадбиркорлар учун муайян ноқулай вазиятлар вужудга келди. Давлат ўз ваколати доирасида тадбиркорлик субъектлари учун маънавий ёрдам, кредитлар ва субсидиялар тизимини яратди, буларнинг барчаси тадбиркор пандемия сабабли вужудга келадиган салбий оқибатларни юмшатишга қаратилгандир. Албатта, давлат ресурслари ҳам бениҳоя эмас, давлат олдида турган энг муҳим, устувор вазифалардан бири – пандемия шароитида аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлашдир. Тадбиркорлик ўз моҳиятига кўра, таваккалчиликка асосланган фаолиятдир. Тадбиркор ҳам, инвестор ҳам, ўз лойиҳасини амалга оширишда таваккал қилишга мажбур. Чунки лойиҳани муваффақиятли чиқиши, нафақат тадбиркор-инвесторнинг уддабуронлигига, балки бошқа жуда кўп омилларга боғлиқ. Таваккалчилик оқибатлари тадбиркор ва инвестор зиммасига тушади. Шу маънода олганда тадбиркор аҳолининг ночор қатламига нисбатан давлат ёрдамига кўз тикишда устуворлик даъво қила олмайди. Бироқ, бундан давлат тадбиркорга ёрдам кўрсатмаса ҳам бўлаверади, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки тадбиркорлик ва инвестиция иқтисодийётнинг асоси ва охир оқибатда мамлакат фаровонлигининг негизи бўлиб ҳисобланади.

Пандемия тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар ижросига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилган, корхоналар ўз мажбуриятларини бажара олмадилар. Пандемия ва шартномавий мажбуриятлар масаласи бўйича ижтимоий тармоқларда материаллар эълон қилина бошланди¹.

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли бўлганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Форс-мажор ҳолатининг моҳияти шундаки, енгиб бўлмайдиган куч тўсатдан пайдо бўлади ва қарздор инсофли асосда қарши турса ҳам мажбуриятни бажаришга имкон топа олмайди. Одатда, форс-мажор ҳолатлари табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги иш ташлаш кўринишидаги конфликтлар, давлат ҳокимият ва идора органларининг қонуний ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлари ҳисобланади. Пандемияни форс-мажор деб ҳисоблаш учун уни табиий офат характерида эканлиги ва унга қарши туриш учун давлат ваколатли органи томонидан карантин, ўзини-ўзи чеклаш, вақтинчалик ишни тўхтатиш чоралари кўрилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишини олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелда қабул қилган қарорида судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда (неустойка – ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин шартлари жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим. Шу билан бирга, карантин шартлари даврида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмаган

¹ Пандемию могут сделать основанием для освобождения от контракта // <https://www.interfax.ru/russia/704397>

холда, судлар ҳар қандай процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра, ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда тиклаш масаласини ҳал этиши зарур.

Агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилишни давом эттириб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтайди. Даъво муддатининг тўхтатиб турилишига асос бўлган карантин барҳам топган кундан бошлаб, даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади. Пленум қарорида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иктисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини иноватга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарздор томонидан кредит бўйича тўловлар карантиннинг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарздор кечиктириш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги судларга тушунтирилди. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарздорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда, қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш ҳақидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилиниши белгиланган¹.

Пандемия нафақат форс-мажор ҳолати, балки вазиятни жиддий ўзгаришига ҳам асос бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 383-моддасида вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асос сифатида белгилаб қўйилган.

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятни тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида қилишга олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ФКнинг 383-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса – ўзгартирилиши мумкин, агар айтилган вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар бундай вазиятда ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра, ўздан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкӣ манфаатларининг шартномага мос қиладиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганида суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

¹ Олий суд Пленуми карантиннинг суд ишларини кўришга доир таъсири бўйича қарор қабул қилди // <https://kun.uz/77873132>

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

Ушбу моддани қўллаш хусусиятлари бўйича Қ.Меҳмоновнинг фикр мулоҳазалари диққатга сазовордир. Масалан, деб ёзади у, пандемиягача бўлган вақтда МЧЖ ва савдо комплекси ўртасида ижара шартномаси тузилган бўлса, пандемия сабабли комплекснинг саноат моллари, кийим-кечаклар сотиладиган секциялари ўз фаолиятини тўхтатди. Бироқ озиқ-овқат, дори-дармон сотиладиган секциялар ўз фаолиятини давом эттирди. Озиқ-овқат, дори-дармон соҳасида пандемия вазиятни жиддий ўзгартиргани йўқ. Бироқ, саноат товарлари ва кийим-кечаклар соҳасида савдо-сотик тўхтатилди. Бинобарин, бу соҳада вазият жиддий ўзгарди ва ФКнинг 383-моддасини қўллаш учун жиддий асослар мавжуд¹.

Форс-мажор ҳолатлари турли мамлакатларда қонун ҳужжатларида ёхуд иш муомаласи одатларида ўз ифодасини топган. Масалан, АҚШнинг бирхиллаштирилган тижорат Кодексида форс-мажор вужудга келиши асосларини: а) ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш; б) табиат ҳодисалари таъсири; в) ёнгинлар, сув тошқини, урушлар, сабатажлар, бахтсиз ҳодисалар, меҳнат низолари, хом ашёлар, материаллар ёки қурилмалардаги камчиликлар ёки уларни ўз вақтида етказиб бермаслик ёхуд вужудга келиши тарафларнинг назоратидан ташқари бўлган ҳар қандай бошқа ҳолатлар натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳисобланади².

Бироқ, ФКнинг 333-моддаси 3-қисмига кўра, учинчи шахслар томонидан мажбуриятларни бузилиши мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги форс-мажор сифатида қаралмайди. Бунинг устига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 15 февралдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Ёнгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Низомда форс-мажор ҳолатлари доираси қисқартирилган ҳолда талқин этилади. Унга кўра, форс-мажор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган, томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда ташқи савдо битимлари (шартномалар) ва халқаро шартномалар бўйича томонларга қабул қилган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир. Бунда форс-мажор ҳолатлари ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар доираси билан чекланмоқда. Тўғри, Фуқаролик кодексининг 333-моддаси форс-мажорни ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий мажбурият бўйича жорий этмоқда. Бунда асосий шарт ёнгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган шароит ҳисобланади. Форс-мажор ҳолатлари бўйича энг батафсил тушунтириш бу Халқаро Савдо палатаси томонидан таклиф этилган форс-мажор ва мушкул вазиятлар (hardship) писандаси ҳисобланади. Амалиётда ушбу писанда тарафлар томонидан унга нисбатан бевосита ҳавола тарзида ҳам ёхуд шартномаларда янада аниқлаштирилган ҳолда баён этиш ҳолатлари орқали ҳам қўлланади. Халқаро Савдо палатаси томонидан таклиф этилган писандада мажбуриятни бажаришдан озод этиш учун асос сифатида қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги белгиланган:

Мажбуриятни бажармаслик тарафлар назоратидан ташқарида бўлган тўсқинликлар натижаси бўлиши лозим;

Тарафлар шартнома тузаётганда бундай тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдиндан кўра олмаганликлари оқилоналик талаби асосида белгиланиши лозим;

Қарздор инсофли асосда ҳаракат қилган ҳолда, ушбу тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдини олиш ёки бартараф этиш имконияти бўлмаслиги лозим.

Писандада тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатларнинг очиқ рўйхати келтирилади. Писандаларни қўллашнинг яна бир муҳим асоси бу шартномада қарздор тўсқинликларни

¹ // <https://kun.uz/1988>

² Uniforms Laws Annotated. Vol. 4. Uniform Commercial Code. Forms and Materials, p. 195.

вужудга келтирувчи ҳолатлар бўйича таваккалчилик хавф-хатарини ўз зиммасига олмаганлик ҳисобланади. Агарда у шартномада ўз шеригини, инвесторни, кредиторни ишонтириш учун муайян ҳолатлар бўйича таваккалчилик ҳолатини ўз зиммасига олган бўлса, форс-мажор писандасини қўллаш талаб эта олмайди, чунки, бу писандани қўллаш императив эмас, диспозитив норма асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасида ҳам форс-мажорни белгилувчи норма диспозитив характерга эга. Форс-мажор писандасини қўллаш асосларидан яна бири бу – тўсқинликлар таъсирига дучор бўлган тараф бундай вазиятга дуч келиши билан дарҳол бошқа тарафни хабардор қилиши шарт ҳисобланади. Агарда хабардор қилиш кечиктирилса, бу ҳолда хабардор қилинган пайтдан бошлаб форс-мажор писандасини қўллаш мумкин бўлади, хабардор қилмаслик эса, хабардор қилиниши сабабли олдини олиш мумкин бўлган зарарларни қоплаш мажбуриятини хабардор қилмаган томон зиммасига юклаш ҳуқуқини беради. Форс-мажор писандасининг қоидаларидан яна бири шуки, писанда бўйича мажбуриятни бажара олмаган қарздор зарарни қоплаш, жарималар тўлаш ва шартнома бўйича бошқа санкцияларнинг қўлланишдан озод бўлади, бироқ, пул мажбуриятлари бўйича йиллик фоизларни тўлаш мажбурияти бундан мустасно. Форс-мажор орқали мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиш оқилона муддатга мажбурият ижросини кечиктиради ва шу муддат давомида бошқа томон шартномадан воз кечиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бу эса, шартномавий муносабатларни сақлаб қолишга имкон беради. Ҳар бир тараф шартномавий муносабатларни бекор бўлгунга қадар бажарилиши натижасида олинган нарсаларни сақлаб қолиши мумкин. Ҳар бир тараф бундай бажариш натижасида ҳар қандай асоссиз бойиш бўйича бошқа томонга ҳисобот бериши шарт. Молиявий ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар кечиктирилмасдан амалга оширилиши лозим¹.

Мамлакатимизда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларига форс-мажор ҳолатининг юридик фактини тасдиқлаш бўйича далил-исботлар тўплашда ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, форс-мажор ҳолати тўғрисида сертификатни расмийлаштириш учун Савдо-саноат палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- а) мурожаат қилиш сабаблари ва асослари батафсил кўрсатилган ариза;
- б) шартнома нусхаси ва иловалари;
- в) аризачи ҳуқуқини белгилувчи ва рўйхатга олиш ҳужжатлари;
- г) ваколатли органлар ҳужжатлари. Шу жумладан, давлат органларининг тақиқловчи ва чекловчи чоралари, ариза берувчи аризада форс-мажор ҳолати сифатида ҳавола қилган ҳодисани тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар².

Баъзи адабиётларда кенг тарқалган форс-мажор ҳақида бир хато фикр тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим. Бунга кўра, гўёки форс-мажор зарар ва зиёнларни тақсимлаш бўйича статус-кво ҳолатини келтириб чиқаради, яъни қандай бўлса шундай қолсин. Бунинг моҳияти шуки, форс-мажор ҳолатида ким қандай зарар кўрса, ўша зарар унда амалда қолади. Контрагентга ҳеч қандай қоплаш ҳақида талаб қўя олмайди. Бундай фикр хато эканлигини Еврокомиссия томонидан қабул қилинган қарор яққол кўрсатди. Еврокомиссия пандемия сабабли, самолёт парвозлари бекор қилингани учун билетлар пулини қайтариш ёки уларни ваучерлаштириш мажбуриятини авиакомпаниялар зиммасига юклади³. Демак, форс-мажор ҳеч қачон асоссиз бойишга хизмат қилмаслиги лозим.

Пандемия форс-мажорнинг ҳуқуқий асослари бўйича ҳам турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Фикримизча, форс-мажор ҳолати давлатларнинг қонунлари билан эмас, иш муомаласи одатлари билан тартибга солиниши лозим. Ҳозирги кўпчилик амалиётда форс-мажор бўйича Халқаро Савдо-саноат палатаси тавсиялари бундай вазифани бажармоқда. Давлат форс-мажорни ҳуқуқий тартибга солиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки давлатнинг ўзи форс-мажорни вужудга келтирувчи катта гуруҳдаги ҳаракатларни содир этади. Айни

¹ Комаров А.С. Ответственность в коммерческом обороте. – М., 1991. – С. 76–78.

² Пандемия шароитида форс-мажор // <https://www.gazeta.uz/uz/2020/05/05/force-majeure/>

³ Evroneews, 13.05.2020.

пайтда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасининг 382-моддасида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асосларини белгилашда форс-мажорга нисбатан амалдаги ФК 333-моддасидан фарқли равишда нормалар белгиланган. Биринчидан, форс-мажор мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос эмас, балки мажбуриятни бажармаган қарздорни айбсиз эканлигини белгиловчи асосдир. Иккинчидан, форс-мажор ҳолатлари нафақат тадбиркорлик муносабатларига, балки нотадбиркорлик муносабатларига ҳам мажбуриятни бажармаган қарздор учун айбсизлигини белгиловчи ҳолат ҳисобланади. Фикримизча, тадбиркорлик субъекти ва нотадбиркорлик субъекти ҳуқуқий ҳолати бўйича кескин фарқ қилади. Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланган фаолият, бинобарин, унинг жавобгарлик даражаси юқори ва ҳар иккала ҳолатни бир хил қарич билан ўлчаш адолатдан эмас. Форс-мажор шарти диспозитив шарт. Тарафлар уни эътиборга олмасликлари ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда, инвесторларга кафолат бериш учун инвестиция қабул қилувчи томон форс-мажор ҳолати бўйича зарарларни ўз зиммасига олади. Шу сабабли ҳам, ФКнинг амалдаги конструкциясини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Пандемия ва бизнес муносабатларининг қисқа муддатли жараёнини кузатиш орқали куйидаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан, давлат пандемия шароитида тўлиқ ҳуқуқий майдонда ҳаракат қилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳуқуқий режим белгилади, фавқулодда чекловчи чоралар оқибатларини юмшатиш учун, давлат ўз ваколати доирасида бизнес учун қатор енгилликлар, имтиёзлар жорий этди, субсидиялар, солиқ таътили ва шу каби преференциялар тизимини қўллади. Айти пайтда, бизнес ҳам пандемия туфайли вужудга келган шарт-шароитлардан суниестемол мақсадларида (товарлар нархини кескин оширишда) фойдаланишдан ўзини тийди. Иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларга пандемия таъсирини ҳуқуқий майдонга кўчириш механизми яратилмоқда. Бу форс-мажор оқибатларини қўллаш, вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартнома шартларини ўзгартириш, шартномавий мажбуриятлар ижросини кечиктириш ва шу каби ҳолатлар бўйича ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини шаклланиш жараёнида намоён бўлмоқда. Агар келгусида ҳам тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ушбу механизм асосида вужудга келган ҳуқуқий майдонда амалга оширилса, пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича янги ҳуқуқ-тартибот тизими вужудга келишини башорат қилиш мумкин. Бу эса, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

COVID-19: ACTIONS TAKEN IN UZBEKISTAN

TULYAKOV Eldor,

Executive Director of the Development Strategy Center

Аннотация. Мақола глобал пандемиянинг Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда жорий йилнинг 15 мартидан 1 июнга қадар ҳукумат томонидан коронавирус пандемиясининг оқибатларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар таҳлил қилинади. Ўзбекистонда амалга оширилган чоралар тўплами ижтимоий ва иқтисодий йўналишларга ажратилиб, улар умумиқтисодий чора-тадбирлар, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда энг кўп таъсир кўрган соҳаларни қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: COVID-19, пандемия, чора-тадбирлар, иқтисодий ўсиш, Ўзбекистон.

Abstract. The article is devoted to the impact of the global COVID-19 to the social and economic situation in Uzbekistan and analyzes immediate counter measures of the government during the period of March 15 and June 1, 2020 to mitigate negative consequences of the coronavirus pandemic. The action plan of Uzbekistan to combat the negative influence of the global COVID-19 pandemic has

been categorized into social and economic dimensions which combine general economic measures; measures of social support for the population; measures to support entrepreneurship and the most affected sectors.

Key words: COVID-19, pandemic, counter measures, economic growth, Uzbekistan.

Аннотация. Статья посвящена влиянию глобальной пандемии на социально-экономическую ситуацию в Узбекистане и анализирует предпринятые контрмеры правительства по смягчению негативных последствий пандемии в период с 15 марта по 1 июня 2020 г. План действия Узбекистана по борьбе с пандемией был категоризирован по социально-экономическим аспектам, которые объединяют общие экономические меры; меры социальной поддержки населения; меры по поддержке предпринимательства, а также меры по поддержке наиболее пострадавших секторов.

Ключевые слова: COVID-19, пандемия, контрмеры, экономический рост, Узбекистан.

Since March 2020, the global COVID-19 pandemic, along with the world economies has had a negative impact on Central Asian countries, including Uzbekistan. The pandemic and economic crisis have affected national healthcare systems, public sectors, business activity, consumption, international trade and investment both on a human and an economic level all over the world. In Uzbekistan, for instance, the largest decline in economic activity during the quarantine period took place in the first ten days of April, when the volume of trades on the commodity exchange fell by an average of 30 per cent, and sales of some goods by up to 80 per cent. Between April 1st and 27th, compared to the same period in March, the total cash receipts in the country decreased by 45 per cent, while revenues from sales of products decreased by 31 per cent and revenues from paid services by almost 2.7 times¹. In these circumstances, Uzbekistan has been taking certain actions to mitigate the impact of the coronavirus pandemic and the global economic crisis on economic growth.

The first case of coronavirus infection was detected in Uzbekistan on March 15th, spurring the leadership to take immediate measures against the COVID-19 outbreak to curb the spread of the virus in the country. First of all, the Republican Anti-Crisis Commission of high-level government officials was established and headed by Prime Minister Abdulla Aripov. As part of the quarantine measures, the Commission urgently announced a strict quarantine regime on almost the whole territory of the country. Public health measures were the first step to control the spread of the virus among the population. Economic measures were the second step to maintain national business activity. The initial and second packages of economic support for the public and economic sectors, including household and business entities totalled 32.3 trillion soms². Moreover, a number of measures are being implemented to encourage economic activity in the country, to ensure social support for the population, optimise budget expenditures, and to support the most affected areas. As of May 30th 2020, more than 500,000 business entities and more than eight million citizens have received benefits and preferences in the amount of about 30 trillion soms, or about \$3 billion (six per cent of GDP)³.

In general, Uzbekistan's action plan to combat the current and future consequences of the global COVID-19 pandemic can be divided into four areas:

- General economic measures;

Янги давримизнинг шиддатли ислохотлари давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиклигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳолининг янада кенг ва очик-ошкора фойдаланишини таъминлаш масаласини кун тартибига қўйди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз илгари сурган “Инсон манфаати ҳамма нарсадан устун” ғоясининг мазмун-моҳияти ва Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар талабидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда.

Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга доир нормалар жорий этилаётгани аҳамиятлидир. Бу ҳақда сўз борганда, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун 35(1)-модда билан тўлдирилганига эътибор қаратиш даркор.

“Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўрови” деб номланган ушбу моддага мувофиқ, оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади.

Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни

¹ Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади // <http://telegra.ph/19.04.2018>.

тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан уч иш куни ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади. Сўров рад этилган тақдирда, оммавий ахборот воситасига асослантирилган жавоб юборилади.

Шу ўринда, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонунга ҳам иккита ўзгартириш киритилгани хусусида тўхталиш зарур. Яъни, 3-модданинг бешинчи хатбошисидаги “кутубхоналардаги, архивлардаги” сўзлари “ахборот-кутубхона муассасаларидаги, архивлардаги, идоравий архивлардаги” деган; 6-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «кутубхоналарнинг, архивларнинг» сўзлари эса “ахборот-кутубхона муассасаларининг, архивларнинг, идоравий архивларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Бир қарашда булар тахририй нуктаи назардан киритилган жузъий тузатишлардек кўринса-да, ушбу ўзгартиришларнинг аҳамияти жуда муҳим. Бу ўринда, аввало, “ахборот ресурслари” деган асосий тушунчага таъриф берилган бўлиб, янги ўзгартиришлар эвазига бу тушунчанинг қамрови кенгаймоқда. Мазкур ўзгартиришлар, шунингдек, журналист эркин ва монеликсиз ахборот оладиған ахборот ресурслари, биринчидан, “ахборот-кутубхона муассасалари” тимсолида замонавийлашганини кўрсатса, иккинчидан, ушбу ахборот ресурслари “идоравий архивлар” ҳисобига кенгайганидан далолат беради.

Ўз навбатида, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 9 та моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Қонун 7(1)-модда билан тўлдирилди. Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган нормалар 2-моддага қўчирилгани сабабли чиқариб ташланди. Бу ўзгартиш ва қўшимчалар журналистлик фаолиятининг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга, журналистларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга қаратилган.

Ушбу янгиланишларнинг замирида, бир томондан, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги долзарб нормалар акс этган бўлса, иккинчи томондан, юртимизда оммавий ахборот воситаларининг цензура қилинишига йўл қўйилмаслигига доир конституциявий талабга қатъий амал қилиш механизмлари ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳеч ким журналистдан эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёхуд уларнинг нашрдан бутунлай олиб ташланишини, эфирга берилмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига оид қатъий нормалар қонундан ўрин олган.

Муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, Қонуннинг олдинги тахририда фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек, факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланса-да, унда манбанинг номини ошкор этмаслик шarti кўзда тутилмаган эди. Эндиликда ахборот манба номини ошкор этмаслик шarti билан тақдим этган хабар ва фактлар журналистика соҳасининг сири ҳисобланиб, буни ошкор этмаслик журналист мажбурияти сифатида белгиланди.

Қонунга мазкур банднинг киритилиши бир томондан журналист фаолиятининг қафолатларини кучайтурса, бошқа тарафдан ахборот манбасининг дахлсизлигини таъминлаш ва ушбу соҳага бўлган ишончни мустаҳкамлашнинг муҳим шarti бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, Қонунга киритилган барча янгиланишлар моҳиятан инсон омили, унинг умумэътироф этилган ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини қафолатлашни назарда тутди. Унда “журналист” тушунчасига янги таъриф берилиб, улар фаолиятини амалга ошириш мақсадида ахборотни излаш, сўраш, олиш, таҳрир қилиш ва тайёрлашда қўшимча ҳуқуқлар қафолатланди. Журналистни оммавий ахборот воситаларида ахборотни тарқатишда жавобгарликдан озод этишнинг аниқ механизм ва мезонлари ҳам белгиланди.

“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга, шунингдек, журналистнинг давлат органларининг очиқ хайъат мажлисларида ва оммавий тадбирларида ҳозир бўлиши, журналистлик сирини ошкор этмаслиги, журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишига оид меъёрлар, айтиш мумкинки, “Журналистнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари институти” тушунчаси ва у билан боғлиқ нормалар киритилган.

Хусусан, Қонун “Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари” “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” номли 7(1)-модда билан тўлдирилган. Мазкур янги моддада қайд этилганидек, “Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистнинг шахсига ва ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида унинг ҳуққ-атворига қўйиладиган талабларни белгилловчи қоидалар мажмуидан иборатдир. Журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари журналистларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг бирлашмалари томонидан белгиланади”¹.

Бу нормалар юртимизда жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили бўлмиш оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришда катта аҳамият касб этади. Зеро, оммавий ахборот воситаларининг Конституция, қонунлар ва қонуности ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятларига риоя қилинишида журналист фаолияти билан боғлиқ турли низоларни ҳал этишга ҳам тўғри келади. Бунда журналистларнинг касбга оид одоб-ахлоқ қоидалари тегишли муаммога носудлов йўл билан ижобий ечим топиш имконини беради.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари томонидан айрим ўринларда ногўғри ахборот тарқатиш, суднинг қарори қонуний кучга кирмасдан туриб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш, айби судда исботланмаган шахсни жиноятчига чиқариб қўйиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Биз барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти шароитида бундай ҳодисаларга йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун миллий журналистика соҳасида этика институтининг жорий этилиши инсон шаъни, кадр-қиммати, дахлсизлигини таъминлаш ва ахлоқ-одоб меъёрларини тартибга солишда янги қадам бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Қонунчиликдаги бу ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, 2019 йил 17 июлда Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси қабул қилинишига кучли туртки берди. Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексида, жумладан, қуйидагилар қайд этилган:

“Журналист одамларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қилади. Шахс шаъни ва кадр-қиммати камситилишига йўл қўймайди.

Журналист одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни факат уларнинг розилиги ва ҳужжатларнинг сир сақланишига риоя қилган ҳолда эълон қилади.

Журналист ноқонуний йўл ва номақбул воситалар ёрдамида одамларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ахборот тўплаш, овоз ёзиб олиш ва материаллар тўплаши мумкин эмас.

Журналист жиноий ишни ёритувчи материални тайёрлаётганида айбсизлик презумпциясига амал қилади”².

Шу ўринда, Конституция ва қонунларимизда журналистлик фаолиятининг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қафолатлари билан бир қаторда, муайян масъулият мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилганига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, мамлакатимизда журналистлар ахборотнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра, журналист ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши, айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек, аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Бу жуда тўғри талабдир. Чунки глобаллашув, ахборот жамияти шаклланаётган бир шароитда, айниқса, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига дахл қилишдан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – № 4–5. – 110-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

² <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-zhurnalistlarining-kasb-etikasi-kodeksi-24-07-2019>.

Мамлакатимиз қонунчилигида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз аксини топган, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирловчи ёлғон маълумотларни била туриб таркатганлик сингари тухмат ва ҳақорат учун жавобгарлик белгиланган.

Ўз эркинлиги инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши бўлган ҳуқуқидан устун бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон қонунчилигининг ушбу қоидалари халқаро ҳуқуқий қоидаларга ҳамда бошқа демократик мамлакатлар тажрибасига тўла мувофиқ келади.

Шу билан бирга, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари ушбу йўналишдаги қонунчилик ҳам янада эркинлаштирилаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, Жиноят кодексига киритилган ўзгаришларга биноан, ярашув институти тухмат ва ҳақоратга нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди.

Жиноят кодексининг 139-моддаси (тухмат)да ҳамда 140-моддаси (ҳақорат)да кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Зотан, жазонинг даражаси муҳим эмас, балки жамиятда бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шаъни ва қадр-қимматига ҳурмат олий қадрият сифатида қарор топиши асосий мақсаддир. Мамлакатимизда айнан ҳуқуқий маданият юксалиши билан сўз ва фикр эркинлиги, оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги қафолатлари мустаҳкамланмоқда.

Шундай қилиб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиқлик сиёсати давлат идораларидан халқ билан яқин мулоқот ўрнатиш, фуқароларнинг сўровлари, муаммолари ва таклифларига ўз вақтида жавоб беришни талаб қилади. Ушбу мулоқотни олиб боришда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар бекиёс роль ўйнайди.

Оммавий ахборот воситалари ва блогерлар халқимизга ахборот етказишда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Улар, шунингдек, давлат идоралари матбуот хизматининг таянчи ҳисобланади. Бундай камровдор ва масъулиятли ишлар самарадорлик билан бажарилиши учун юртимизда ахборот эркинлиги қафолатлангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Коронавирус инкирози ва журналистлик фаолияти муаммолари

Тарихдан маълумки, ҳамма замон ва маконларда ҳам инсоният бошига турли хавф-хатар ва синовлар тушган. 2019 йил охиридан буён жаҳон жамоатчилигини ташвишга солиб келаётган COVID-19 вируси ҳам одамзод учун шундай таҳдидлардан биридир. Ҳозирги глобал дунёда тинчлик ва соғлиқни асраш жуда мураккаб вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистонда коронавирусга чалинган илк бемор аниқланган кунданок давлат ва ҳукумат бу ҳатарни тезроқ бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди.

Дунёнинг барча давлатлари билан мунтазам авиакатновлар тўхтатилиб, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг мамлакат ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олиш талаби белгиланди.

Давлат томонидан коронавирусга қарши кураш олиб бориш, унинг кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклаш соҳасида тезкор қарорлар қабул қилинди. Дастлабки 2 ой ичида миллий қонунчиликда 26 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани бунга яққол тасдиқлайди¹.

¹ <https://www.xabar.uz/tahlil/koronavirus-epidemiyasi-axborot>.

Бундай муҳим чора-тадбирларга қарамасдан, коронавирус инфекцияси билан касалланган шахслар карантин талабларини қўпол равишда бузиш орқали, шу жумладан, карантин ўташ жойларини тарқ этган ҳолда инфекциянинг аҳоли орасида кенг тарқалиш хавфини вужудга келтирди. Шунингдек, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали тарқатиш ҳолатлари учрай бошлади.

Мисол учун, Ўзбекистонда коронавирус пандемияси сабабли карантин эълон қилинганининг иккинчи куниёқ, яъни 17 мартда ижтимоий тармоқларда қуйидаги мазмундаги ёлғон ахборот тарқалди: “Бугун 23:00 ва тонгги 5:00 гача вертолётлар дезинфекция учун дори сепади. Дераза ва балконлар ёпиқ бўлиши лозим ва 23:00 дан сўнг кўчаларда юриш мумкин эмас. Ҳарбий қисмдан хабар беришди”. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ушбу ёлғон хабарни зудлик билан рад этди¹.

Шу ўринда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тарқатиш “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 12(1)-моддаси ва Жиноят кодексини бузиш ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Бу эса жиноий жавобгарликка олиб келади.

Жумладан, Жиноят кодексининг 244-1, 2-қисмига кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;
- в) диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;
- г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади².

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини «пиар қилиш»ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади. Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур”³.

Бу, ўз навбатида, миллий қонунчиликка бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этди. Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 26 мартда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланиб, 27 март куни матбуотда эълон қилинди.

Қонунга мувофиқ, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида аҳоли орасида асоссиз ваҳима тарқалишининг олдини олиш, жамоат

¹ <https://uza.uz/oz/society/yel-on-khabar-vertolyetlar-dezinfektsiya-uchun-dori-separmish-17-03-2020>.

² Ўзбекистон Республикаси кодекслари. – Т.: Адолат, 2013. – Б. 81.

³ <https://uza.uz/oz/politics/prezident-koronavirus-bilan-bo-li-vaziyat-b-yicha-khal-a-mur-18-03-2020>.

хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг нормал фаолият юритиши учун шароит яратиш мақсадида Жиноят кодекси 244-(5)-модда билан тўлдирилди.

Унда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача (44 миллион 600 минг сўм) миқдорда жарима;

- 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Мазкур маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда қўпайтирилган матнда ёки ОАВ, шунингдек, Интернет орқали тарқатиш:

- БҲМнинг 200 бараваридан (44 миллион 600 минг сўмдан) 400 бараваригача (89 миллион 200 минг сўм) миқдорда жарима;

- 300 соатдан 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 3 йилгача озодликни чеклаш;
- 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган¹.

Агар дунё мамлакатлари билан солиштирилаётган бўлса, ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун бундан кўра кучлироқ жазо чоралари қўлланилиши кўзда тутилгани аён бўлади. Мисол учун, «The Washington Post» хабарига қараганда, яқинда Венгрияда ёлғон ахборот тарқатгани учун беш йил қамок жазоси, шунингдек, карантинга риоя қилмаганлар учун ҳам қамок жазоси муддатларини назарда тутувчи фавқулодда қонун қабул қилинган².

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕСКО каби ҳукуматлараро ташкилотлар томонидан очилган бир қатор веб-сайтларда пандемия ҳақидаги ишончли ахборотлар жойлаштирилди. Шунга қарамай, коронавирус ҳақида ёлғон ахборотлар тарқалиши билан боғлиқ ташвишли ҳолат жаҳон миқёсида ниҳоятда кенг тус олди. Шунинг учун халқаро ҳамжамият COVID-19 ҳақидаги ёлғон маълумот вируснинг ўзидан ҳам кўра хавфли эканига қайта-қайта эътибор қаратиб, барчага расмий манбалардан фойдаланишни тавсия этди.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, бутун дунё нафақат коронавирусга қарши, балки COVID-19 ҳақида нотўғри ахборот қўпайишига қарши ҳам курашмоқда. Бош қотибнинг фикрича, мамлакатлар мунтазам расмий маълумотларни эълон қилиб боришлари зарур. Чунки ҳозирги вақтда пандемияга қарши энг яхши қурол – бу ишончли ахборотдир.

Ўзбекистонда дастлабки даврда коронавирус инфекциясига чалинган кишиларнинг шахсий маълумотларига доир ахборотлар ҳам ижтимоий тармоқларда тарқалгани кузатилди. Ваҳоланки, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, бемор “тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши” ҳуқуқига эга.

“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонунга асосан, шахсга доир маълумотлар давлат томонидан ҳимоя қилинадиган маълумотлар сирасига киради. Шахсга доир маълумотлардан тегишли органлар, хизматлар фойдаланганда унинг махфийлигига риоя этилиши шарт.

Шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт. Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотлар тарқатилишига фақат шу шахснинг розилиги олинган ҳолда йўл қўйилиши мумкин.

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-2-моддасига кўра, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

¹ <https://uza.uz/oz/society/pandemiyaga-arshi-kurashishda-mu-im-u-u-iy-asos--27-03-2020>.

² @koronavirusinfouz; #vahimasizkarantin; #karantinbezpaniki.

Жиноят кодекси 141-2-моддасига биноан, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;
- такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилган бўлса;
- хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;
- оғир оқибатларга сабаб бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Карантин даврида оммавий ахборот воситаларининг асосий эътибори коронавирус кенг тарқалишининг олдини олиш, унга қарши вакцина, даво ва эҳтиёт чораларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини кенг тушунтириш ва тарғиб этишга қаратилди.

Бироқ айрим шахслар томонидан ушбу ҳасталикни мардонавор енгиб, яна ўз оиласи даврасига қайтган ёки касалликдан тузалган фуқароларни маънавий қўллаб-қувватлаш ўрнига уларга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, камситиш, шаъни ва обрўсига путур етказиш ёки уларни касалликни бошқаларга ҳам юктиришида айблаш ҳолатлари кузатилди¹.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, миллий қонунчиликда коронавирусдан тузалган ёки карантинда бўлган шахсни ҳақорат қилганлик, шаъни ва кадр-қимматига путур етказганлик, камситганлик, унинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тарқатганлик учун 9 млн. сўмгача маъмурий жарима белгиланган.

Агар, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, ушбу қилмиш такроран содир этилса, айбдорга 22,3 млн. сўмгача жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари каби жиноий жазо қўлланилади.

Ҳаммамиз ҳам инсонмиз – элатдош ва миллатдош, ватандош ва замондошмиз. Бирлашган ва бир-биримизни тушунган ҳолда бу вирусга қарши курашиш орқалигина уни енгиб чиқишимиз мумкин. Бинобарин, COVID-19 вируси – жамиятимизнинг жипслигини синайдиган ўзига хос имтиҳондир. Ҳар биримиз коронавируснинг тарқалишига қарши биргаликда аҳиллик билан курашиш асносида ушбу синовдан муваффақиятли ўтишни ўрганамиз ва зарур кўникмалар ҳосил қиламиз.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қуйидаги чақириқларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратди:

- COVID-19 вируси тарқалишига доир вазият ва ундан ҳимояланиш чоралари бўйича маълумотлардан фойдаланишда ишончли ахборот манбаларига таяниш;

- ўзаро ғамхўрлик кўрсатиш ва бирдамликни намойиш этиш, яқинлар ва қариндош-уруғлар билан доимий мулоқотда бўлиш;

- пандемияга қарши курашнинг бошида турган тиббиёт ходимларининг шу кунлардаги фидойи хизматларини ёдда тутиш;

- инфекцияга чалинганларга нисбатан, масалан, «коронавирус қурбонлари» каби ҳар хил «атамалар»ни қўллашдан тийилиш;

- инсонийликни намоеън этиш: бинобарин, коронавирус қандайдир миллат ёки ирққа мансуб касаллик эмас; ушбу инфекцияга чалинганлар сизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайди – улар мададимиз ва ҳамдарддигимизга лойиқдирлар².

¹ <https://www.xabar.uz/koronavirus/koronavirusdan-tuzalغانlarni-h> [https://daryo.uz/k/2020/03/19/inson-huquqlari-boyicha-ozbekiston-milliy-markazi-korona-virusga-chalinganlarning-shaxsiy-malumatlarini-tarqatmaslikka-chaqirdi/](https://daryo.uz/k/2020/03/19/inson-huquqlari-boyicha-ozbekiston-milliy-markazi-koronavirusga-chalinganlarning-shaxsiy-malumatlarini-tarqatmaslikka-chaqirdi/aqoratlash)

² <https://daryo.uz/k/2020/03/19/inson-huquqlari-boyicha-ozbekiston-milliy-markazi-korona-virusga-chalinganlarning-shaxsiy-malumatlarini-tarqatmaslikka-chaqirdi/>

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 14 апрель куни халқаро жамоатчиликни COVID-19 билан боғлиқ дезинформация, яъни ёлғон ахборотлар тўлкинига тўсиқ қўйишга чақирди. БМТ Бош котиби бу борада янги ташаббусни илгари сурди: Интернетдаги миш-мишу уйдирмаларга қарши илмий ва асосли далилларни тақдим этиш керак.

Антониу Гутерриш ўз видеомурожаатида ҳозирги кунда дунё ахли Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр мобайнида кузатилмаган ўта жиддий инқирозни келтириб чиқарган COVID-19 пандемиясига қарши курашиш учун жипслашганини қайд этди. «Аммо бугун биз яна бир хавфли эпидемия – уйдирма ахборотлар эпидемиясига дуч келиб турибмиз», – деб таъкидлади у.

БМТ Бош котиби таъбири билан айтганда, бугун ҳамма жойда турли маслаҳатгўйлару эмчилар кўпайиб кетди. Бундайлар томонидан тавсия этилаётган ҳар хил “дори-малҳамлар” пировардида инсон соғлиғига тузалмас зиён-заҳмат етказиши мумкин.

Ҳаво тўлкинларида ҳам очикдан-очик ёлғон маълумотлар тарқатилмоқда. Интернет тармоқлари касалга қарши қайтариқ қилиш, афсун ўқиш ва шу каби сафсаталарга тўлиб-тошган. Фитна, нафрат, алоҳида инсонлар ва бутун бошли гуруҳларни ноҳақ айблаш ва қоралаш ҳолатлари тобора авж олмоқда.

“Бутун дунё мана шу хасталикка қарши курашиш йўлида ҳам бирлашиши даркор. Бу касалликнинг энг мақбул давоси – ишончдир”¹, – деди БМТ Бош котиби. Илм-фанга, масъул институтларга, инсонлар ўртасида ўзаро ишонч жуда муҳимдир.

Антониу Гутерриш ижтимоий тармоқлардаги жамоатчиликни янглиштирадиган уюм-уюм мақола ва муносабатлар орасидан аниқ далилларни уйдирмалардан ажратиб, алоҳида саралаб тақдим этаётган журналистларнинг хизматини эътироф этди. Шу билан бирга, унинг фикрича, ижтимоий тармоқларга эгалик қилувчи компаниялар COVID-19 пандемияси билан боғлиқ адоватли ва зарарли баёнотларга янада қатъиятлироқ қарши туришлари зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил, профессионал журналистика инқироз ҳақида аниқ, ҳаққоний далилларга асосланган ахборотларни тарқатиш орқали ҳар хил ёлғон-яшиқларни фош этишда етакчи роль ўйнаши мумкин. Матбуот эркинлиги кадрли неъмат эканига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас ва ҳар қачон – айниқса, ҳозирги қалтис даврда ушбу неъматни топтамаслик, аксинча, имкон қадар асраб-авайлаш тақозо этилади.

Давлат ташкилотлари эса фуқароларнинг ишончини қозониши учун, биринчидан, ўз фаолиятига ўта масъулият билан ёндашиши, иккинчидан, ишончли ахборотга таяниши тақозо этилади. Бош котибнинг таъкидлашича, ҳозирги инқирозни енгиб ўтишда ўзаро ҳурмат ва инсон ҳуқуқларига амал қилиш мезонлари барчамиз учун йўлчи юлдуз вазифасини ўташи лозим.

Антониу Гутерриш БМТнинг янги ташаббусини эълон қилар экан, бундан буён «Интернетни аниқ далиллар ва илмий асосланган маълумотларга тўлдириб ташлаш»га чақирди. Шундагина «дезинформация тўлкини»га бас келса бўлади.

БМТ Бош котиби уйдирма ва ёлғон ахборотга нисбатан «оғу» таърифини қўлади. Дарҳақиқат, оғу билан ёлғон ахборотнинг салбий таъсири ўхшашдир. Иккаласи ҳам инсоннинг соғлиғига путур етказиши, ҳатто ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда, 15 апрель ҳолатига кўра, карантин қоидаларига амал қилмаслик бўйича 42 минг 782 та ҳуқуқбузарлик аниқланган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг атиги 10 таси ижтимоий тармоқларда ваҳима чиқарувчи ёки асоссиз маълумотлар тарқатиш билан боғлиқдир. Аммо, COVID-19 ҳақидаги нотўғри ва чалғитувчи маълумотлар коронавирустан ҳам хавфли экани эътиборга олинса, бундай ҳуқуқбузарликнинг асоратлари қанчалик жиддийлигини англаш қийин эмас.

Албатта, асосан айрим телеграмм гуруҳларда тарқалган бу каби ёлғон маълумотлар одамлар ўртасида беҳуда ваҳима келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда.

¹ <https://news.un.org/ru/story/2020/04/1376062>

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати хабарига кўра, 2020 йил 10 апрель куни жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-5-моддаси (карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш) 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланаётган Ж.Аловиддиновга (1976 йилда Сирдарё вилоятида туғилган, муқаддам судланган) нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилди¹.

Кейинги йилларда дунёда чалғитувчи, ёлғон ахборотларнинг ҳар қачонгидан ҳам жадаллик билан тарқалишига имкон берадиган платформаларнинг ривожланиши, ўз навбатида, далилларни текшириш бўйича сайтлар яратилишини тақозо этди. Бугунги кунда бутун дунёда 100 дан ортиқ шундай сайт мавжуд бўлиб, улар барча минтақаларда ишлаб турибди.

Оммавий ахборот воситалари орасида AFP, The Washington Post, BBC, India Today, O Globo ва бошқа бир қатор нашрлар далилларни текшириш юзасидан фойдали ташаббуслар билан чиқди. Шу билан бирга, дунёдаги кўплаб ноҳукумат ташкилотлар, масалан, Comprova (Бразилия) Politifact ва Africa Check (АҚШ) ахборотнинг тўғрилигини текширадиган платформаларни ишга туширди.

Европа Иттифоқининг Ёлғон ахборотларга қарши курашиш бўйича ҳаракат режаси доирасида янги дезинформация кампанияси пайдо бўлганидан хабардор қилиш механизми ишлаб чиқилди. Европа Иттифоқи, шунингдек, далилларнинг тўғрилигини текшириш бўйича яхлит бир тармоқ ташкил этган. У 400 нафардан зиёд журналист, эксперт ва ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ўзида қамрайди².

Дунё бемисл пандемия балосига тўкнаш келган, у билан боғлиқ кўп нарсалар ҳали номаълум бўлган, вазият деярли кундан-кун ўзгариб турган ҳозирги даврда, албатта, одамлар ҳамма жойдан ахборот изламоқда. Бундай пайтда, афсуски, кўпчилик турли уйдирмаларнинг жабрини чекмоқда. Шу боис, Facebook, Google ва Twitter ёлғон ахборотни блоклаш ва коронавирус ҳақида аниқ маълумотни тарғиб қилувчи хизматни йўлга қўйди.

Facebook тармоғи томонидан биргина март ойида коронавирус тўғрисида ёлғон маълумот берилган 40 миллионга пост аниқланган. Компаниянинг таъкидлашича, Facebook мутахассислари “инсонлар саломатлигига путур етказувчи коронавирус ҳақидаги юз минглаб “«дезинформация маълумотлари»ни ўчиришган»³. Бундай уйдирмалар орасида “коронавирусга қарши қирларни оқартирувчи моддаларни ичиш фойдали” экани, “одамлар орасида хавфсиз масофага риоя қилиш эса самарасизлиги” тўғрисидаги асоссиз таъкидлар ҳам бор.

Ўзбекистонда ҳам бир қатор янги Интернет сайтлари, жумладан, сохта ахборотларга раддиялар учун “Antifake.uz” деб номланган Telegram канали ташкил этилди. Каналда дастлабки бир неча кундаёқ Интернетда тарқатилган қуйидаги хабарлар ёлғон эканлиги аниқланиб, уларга раддия берилди:

- “5 апрелдан Ўзбекистон бўйлаб барча аэропортлар ўз иш фаолиятини тиклайди”;
- “Тадбиркор Фаттоҳ Шодиев Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши кураш учун 200 миллион доллар миқдорида молиявий ёрдам берди”;
- “24 мартдан бошлаб 2 ой мобил алоқа, Интернетлар мутлақо бепул”;
- “Занжабил (имбирь) истеъмол қилиб юрадиган кишиларга коронавирус юкмайди”;
- “Korzinka.uz супермаркетлар тармоғида ишловчи ходим коронавирусга чалинди”;
- “Коронавируснинг давоси топилди”;
- “Салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчилар томонидан коронавирус инфекцияси атайлаб тарқатиларди”⁴.

¹ Олий суд матбуот хизматининг ахбороти // @oliysuduz.

² <https://news.un.org/ru/story/2020/04/1376212>.

³ <https://kun.uz/news/2020/04/17/facebook-mart-oyida-koronavirus-togrisida-yolgon-malumat-berilgan-40-millionta-post-aniqladi>.

⁴ <https://daryo.uz/k/2020/03/27/tarmoqlarda-koronavirus-bilan-bogliq-tarqalayotgan-feyk-xabarlar-haqida-malumat-berildi/>

“Antifake.uz” каналида асосан ижтимоий тармоқларда тарқалаётган коронавирус билан боғлиқ “фейк” хабарлар ҳақида доимий равишда маълумот бериб борилмоқда. Бундай ташаббуслар Интернетда тарқатиладиган ҳар хил миш-мишларни фош этиш, шунингдек, ёлғон ва ноҳолис ахборотларга қарши курашиш учун жуда муҳимдир.

Бундан ташқари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳузурида турли вазирлик, ташкилот ва муассасалар мутасаддилари иштирокида матбуот анжуманлари ва брифинглар мунтазам ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларига коронавирусга қарши курашиш доирасидаги энг муҳим янгилликларни бирламчи манбалардан олиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, Koronavirus Info (@koronavirusinfouz) канали фаолияти йўлга қўйилди. Янги канал тарқатган хабарга қараганда, АҚШнинг нуфузли нашрларидан бири – “The Diplomat” Марказий Осиёда коронавирусга қарши қандай курашилаётгани ҳақида мақола эълон қилган¹.

Ушбу таҳлилий материалда коронавирусга қарши Ўзбекистон танлаган йўл муваффақиятли экани алоҳида таъкидланган. Ҳукумат барча маълумотларни очик ва ошқора эълон қилаётгани ҳамда аҳоли ахборот олиши учун бепул Интернетни йўлга қўйгани қайд этилган. Мақола муаллифи Koronavirus Info (@koronavirusinfouz) канали фаолиятига ҳам тўхталган. У Ўзбекистонда янги ташкил этилган ушбу каналда 1,2 миллиондан зиёд обуначи кунлик маълумотларга эга бўлаётганини таъкидлаб, ушбу муваффақиятлар бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнак бўлиши кераклигини айтган.

Юртимизда COVID-19 вируси тарқалишининг олдини олиш ишларига ҳисса қўшаётган, жонини хатарга қўйиб бўлса-да, фаолият олиб бораётган турли соҳа ва тармоқ ишчи-хизматчилари орасида оммавий ахборот воситалари ходимлари – журналистларнинг борлиги табиийдир. Негаки, “кўринмас ёв” ваҳимаси бутун дунёга ёйилган бир пайтда одамларнинг тезкор, ҳолис ва ишончли информацияга бўлган эҳтиёжи ҳар доимгидан ҳам юқори, уни кондиритиш эса ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон журналистлари уюшмаси маълумотларига қараганда, давлат ва нодавлат, марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари – газета ва журналлар, оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтлар, телеграмм ва телерадиоканаллар раҳбар ва ходимлари, вазирлик ва ташкилотларнинг матбуот хизматлари масъулари бунини тўғри тушунган ҳолда, ҳамжиҳатликда, асосан масофавий тартибда ишлашни йўлга қўйди².

Элу юрт қорига камарбаста бўлишга бел боғлаган бу ижодий жамоалар аъзолари Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан коронавирус инфекциясига қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар, давлатимиз раҳбари қабул қилаётган фармон ва қарорлар, Республика махсус комиссияси қарорлари мазмун-моҳиятини аҳолига содда, халқчил тилда етказиш ва тушунтириб беришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Муайян соҳалар етакчи мутахассис ҳамда матбуот хизматлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга масалаларга бағишланган мақолалар, эшиттириш ва кўрсатувлар, онлайн дарслар, ижтимоий роликлар тайёрланиб эълон қилиб борилмоқда, мазкур материалларнинг айримлари тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқда.

Матбуот нашрлари мутасаддилари ўз обуначиларига газеталарининг электрон вариантини ҳам тақдим этишни йўлга қўйган. Дунё ва юртимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор хабарлар, карантин пайтида нималарга қатъий риоя этиш кераклиги бўйича асосланган маълумотлар етказилмоқда.

Бир қатор телерадиоканаллар, “Халқаро пресс-клуб”, “Янги Ўзбекистон” – “Правда Востока”, “Халқ сўзи” – “Народное слово”, “Ишонч” – “Доверие” сингари газеталар таҳририятлари, uza.uz, kun.uz, daryo.uz, qalampir.uz каби веб-сайтлар жамоалари бу борада фаоллик кўрсатишга интиломоқда.

¹ <https://thediplomat.com/2020/03/how-is-central-asia-handling-covid-19/>

² <https://uza.uz/oz/society/ayet-bor-ekan-zhurnalist-faoliyatdan-t-khtamaydi-06-04-2020>.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисми асосий информацияни қўлидаги мобиль телефони орқали олаётгани сир эмас. Шунинг учун юртдошларимизнинг Интернетдан – “Facebook”, “Telegram”, “Instagram” каби ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даражаси ўсиб бораёпти.

Айни чоғда, дунёнинг бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам COVID-19 пандемияси натижасида кўплаб соҳалар каби оммавий ахборот воситалари ҳам молиявий муаммоларга дуч келганидан кўз юмиб бўлмайди. Соҳа экспертларининг фикрича, вақт ўтиши билан бу муаммолар катталашса катталашадик, лекин ижобий томонга ўзгариши даргумон.

Бундай мураккаб шароитда оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият томонидан фаол қўллаб-қувватланмаса, сўз эркинлигининг таянчи бўлган бир қанча оммавий ахборот воситалари ёпилиб кетиши мумкин. Шунга кўра, оммавий ахборот воситалари ҳамда блогерларга муайян енгилликлар, хусусан солиқ имтиёзлари бериш каби турли таклифлар илгари сурилмоқда.

Яна бир муҳим масала: коронавирус эпидемияси – жамиятда рақамли технологиялар зудлик билан ривожланиши учун янги чақирик бўлди, деб баҳоламоқда миллий экспертлар¹. Коронавирус эпидемиясининг Ўзбекистонга кириб келиши туфайли аҳоли онлайн хизматлардан тобора кенг фойдаланмоқда.

Бундай жараёнларда замонавий IT-ечимларни кенг жорий этиш билан бир қаторда ахборот хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш муҳим. Бутун дунёда карантин чоралари тобора кучайиши билан онлайн мессенжерлар ва ижтимоий тармоқларга бўлган эҳтиёж ҳам кескин даражада ортди. Натижада илгари оммабоп бўлмаган, лекин ҳозирда инсонлар учун қулай алоқа воситаси бўлган платформалар кўпайиб кетди.

Масалан, бир вақтнинг ўзида 100 нафаргача фойдаланувчиларни видеоконференцалоқа қилишига имкон берувчи “Zoom” мобиль иловаси қисқа вақт ичида оммалашиб, ҳозирда ундан биргина “Android” платформасидаги фойдаланувчилар сони 100 миллиондан ортиб кетди. Лекин жорий йилнинг 4 апрель куни АҚШнинг “The Washington Post” журнали “Zoom” мобиль иловасининг минглаб шахсий видео-сухбатлари очик маълумотлар базасига тушганини маълум қилди. Бунда “Zoom” мобиль иловасида рўйхатдан ўтган «Facebook» фойдаланувчиларининг маълумотлари ҳамда “YouTube” ва “Vimeo” платформаларида фойдаланувчиларнинг видео-сухбатлари тарқаб кетган.

Мазкур ҳолатлар, ахборот инқилоби даврида унинг хавфсизлигини таъминлаш миллий манфаатлар нуктаи назаридан ҳам зарурлигини яна бир бор исботлайди. Бугунги воқелик аввало, аҳолини электрон платформалардан тўғри фойдаланишга ўргатиш, дастурий маҳсулотлар, мессенжерлар, булутли технологиялар асосида фаолият юритувчи платформаларни (“Zoom”, Big Data ва бошқалар) маҳаллийлаштириш, вазирлик ва идоралар фаолиятини рақамлаштириш каби чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳалари каби оммавий ахборот воситаларини янада рағнақ топтириш, соҳа ходимларининг эркин ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, кейинги даврда сўз эркинлигига доир ислохотлар жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясагани, халқимизни қийнаётган ҳар турли муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва холис оммавий ахборот воситалари эканлигини унутмаслик зарур.

Жамиятимизда демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил эканига жиддий эътибор қаратилаётгани, шу асосда чинакам профессионал замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситалари, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида янги ташаббуслар илгари сурилаётгани бежиз эмас.

¹ <https://www.xabar.uz/tahlil/koronavirus-epidemiya-axborot>.

Бинобарин, “Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби”¹.

Шуни ҳам зинҳор унутмаслигимиз керакки, COVID-19 вируси тарқалишининг олдини олиш, унга бутунлай чек қўйилишига барчамиз масъулмиз. Ҳар биримиз бу тақдируламал масаланинг моҳиятини теран англаб, қалбан бирлашиб, тартиб-интизом, ақлу тафаккур ва сабру қаноат билан карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, “кўринмас ёв”га қарши курашни изчил давом эттиришимиз ҳамда ғалабага эришишимиз зарур. Зеро, “Сендан ҳаракат – мендан баракат” дея бежиз айтилмаган.

ПАНДЕМИЯ ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

АТОВУЛЛОЕВ Рустамбек,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказининг бош юрисконсулти

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатда виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш учун Ҳукумат томонидан олиб борилаётган чоралар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунига тўхталиб ўтилади. Ислом динининг пандемия даври бўйича ҳукмлари ва тавсиялари Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифлар билан очиб берилди.

Калим сўзлар: виждон эркинлиги, коронавирус, COVID-19, пандемия, рамазон, ЖССТ, карантин, Қуръон, ҳадис, фатво.

Abstract. This article focuses on the measures taken by the Government to ensure the right to freedom of conscience in the country and the content of the normative legal acts adopted. The rulings and recommendations of Islam on the pandemic period are explained in the verses of the Qur'an and the Hadith.

Key words: freedom of conscience, coronavirus, COVID-19, pandemic, Ramadan, WHO, quarantine, Quran, hadith, fatwa.

Аннотация. В статье рассматриваются и анализируются конституционно-правовые нормы по вопросам соблюдения прав человека на свободу совести, а также принимаемые правительством меры для обеспечения этого права в контексте пандемии коронавируса. Описываются рекомендации, как вести себя во время массовых заболеваний, содержащиеся в стихах Корана и Хадисах.

Ключевые слова: свобода совести, коронавирус, COVID-19, пандемия, Рамадан, ВОЗ, карантин, Коран, хадис, фетва.

Виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи шахснинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асосий ҳуқуқлардан ҳисобланади. Виждон эркинлиги шахснинг ундан ажратиб бўлмайдиган ҳуқуқидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яққа ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”², деб қайд этилган. Мазкур норма давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиши ва қабул қилишида намуна вазифасини бажаради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мағбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги // Халқ сўзи. – 2018. – 28 июнь.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Адолат, 2018.

Бугунги кунда мамлакатимизда коронавирус пандемияси сабабли жорий қилинган карантин тартиби фуқароларимиз томонидан амалга ошириладиган ибодат, диний расм-русумлар ва маросимларни ўтказишда айрим чекловлар ўрнатишни тақозо қилмоқда. Шунга қарамадан, барча турдаги ибодат ва диний расм-русумлар фуқаролар томонидан уйларида жамоатдан ажралган ҳолда амалга оширилмоқда. Уларни уйда амалга оширишга ҳеч қандай чекловлар ўрнатилмаган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига мувофиқ, “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”¹. Мазкур норма мамлакатимизда виждон эркинлиги бўйича раҳбарий норма саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 5-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашади.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Бу Ўзбекистоннинг дунёвий давлат эканлигини кўрсатади.

Айни пайтда, қўплаб халқаро ноҳукумат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари пандемия шароитида давлат томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари, шу жумладан, виждон эркинлиги соҳасида содир этилаётганини таъкидламоқдалар. Хўш, бу қай даражада тўғри? Пандемия шароитида Ўзбекистонда виждон эркинлиги ҳолати қандай? Қуйида бу ҳусусида сўз юритамиз.

Асосий Қонунимиз ва миллий қонунчилик нормаларида кафолатланган виждон ва эътиқод эркинлиги барча фуқароларнинг ибодат, диний расм-русумлар ва маросимларни амалга оширишлари, диний ташкилотларнинг фаолият юритиши учун зарур ва етарли бўлган шарт-шароит яратади. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси томонидан миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини сақлаш борасида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”² ПФ-4947-сонли Фармони билан қабул қилинган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”и сифатида ўз ифодасини топган. Миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг узвий қисми эканлигидан дарак беради.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик”³ махсус резолюцияси қабул қилинди. Аҳамиятли жиҳати лойиҳа Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳамда БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланган эди.

Мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Ўзбекистон таклиф этган резолюциянинг асосий мақсади – барча учун таълим олиш имкониятини тақдим этиш, саводсизлик ва билимсизликни бартараф этишдан иборат. Ҳужжатда “бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни ўрнатиш, диний эркинликни таъминлаш, диндорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 13.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-модда; № 20. – 354-модда; № 23. – 448-модда; № 37. – 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

³ A/RES/73/128.

йўл қўймаслик”ка ҳам чакирилган. Мазкур ҳужжатга Ўзбекистоннинг виждон эркинлиги соҳасидаги мақсадларининг ифодаси сифатида баҳо бериш мумкин.

2017 йил кузида Ўзбекистонга ташириф буюрган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини билдирганини ҳам алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Пандемия шароитида амалга оширилган чекловлар виждон эркинлиги ҳуқуқининг бузилиши сифатида баҳоланмайди. Мазкур масала қонунчиликда қуйидагича ўз ифодасини топган: “Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин”¹. Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тўғридан-тўғри таҳдид солувчи бундай пандемия шароитида диний эътиқод билан боғлиқ айрим чекловларни қўллаш қонуний. Аммо, айтиш пайтда, фуқароларнинг ўз ибодатларини жамоат билан масжидларда ёки черковларда амалга ошира олмаётганлари эътиқод эркинлигининг чекланиши эмас, балки пандемия шароитида қўлланилган вақтинчалик чорадир.

Карантин шароитида фуқароларимизнинг дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг саломатлигини асраш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

Биринчидан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши “Коронавирус (COVID-19) инфекциясининг тарқалишини олдини олиш бўйича Фатвоси”² эълон қилинди, унда:

1. Мамлакатда эпидемиологик вазият барқарорлашгунгача жума намозлари ўрнига уйда пешин намозини ўқисинлар. Шунингдек, беш вақт намозларни ҳам уйда адо этсинлар.

2. Жаноза намозлари вафот этганнинг яқин қариндошлари иштирокида хонадонларда ўқилсин.

3. Масжидларда намоз вақтини билдириш учун азон ўз вақтида айтилсин.

4. Мўмин-мусулмонлар имкон қадар касалликни тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссаларини қўшсинлар.

5. Ҳар бир мусулмон ибодатлар ва дуоларда Аллоҳ таолодан ушбу касалликни даф қилишини сўраб, ихлос билан илтижо қилишлари лозим.

6. Динимиз покликка буюрар экан, касалликнинг олдини олиш борасидаги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган кўрсатмаларга қатъий амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир.

7. Карантин даврида масжидлар ва таҳоратхоналарда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсиялари асосида даврий дезинфекция ишлари ўтказилсин.

8. Бундай вазиятларда озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарур воситаларни нархини ошириш, сунъий равишда тақчилликни юзага келтириш ҳамда аҳоли ўртасида турли ваҳимали хабарларни тарқатиш шаръан ҳаромдир.

Ислом дини таълимотида пандемия шароитида мусулмонлар ўзини қандай тутиши лозимлиги аниқ белгиланган. Жумладан, ҳадиси шарифда “Агар сизлар у (касаллик) бирор ерда тарқганини эшитсангиз у ерга борманг. Агар сиз яшаётган ерда (у касаллик) тарқаган бўлса у ердан чиқманг” (Имом Бухорий ривоят қилган), дейилган. Шу билан касалликнинг кенг миқёсда тарқалиб кетишининг олди олинадиган. Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир ҳадис ҳам: “Қай бир кишига тоъун (пандемия) етса ва у уйда сабр билан ва савоб умидида ўтирса ҳамда ўзига Аллоҳ ёзганидан бошқа нарса етмаслигини билса, илло унга шаҳиднинг ажричалик савоб бўлади”, дейиш орқали карантиннинг муҳимлигини таъкидламоқда. Шу билан бирга, ҳукумат томонидан ўрнатилган карантин билан боғлиқ тартибларга риоя

¹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. № 5–6. – 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. № 52. – 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

Бугунги кунда, фуқаролар томонидан электрон мурожаатларнинг прокуратура органларининг расмий веб-сайтлари орқали берилишида амалиётда бир қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Бу камчиликлар сифатида прокуратура органлари тизимидаги прокуратураларнинг расмий веб-сайтлари йўқлиги, жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратураларнинг ҳеч бири ўз интернет сайтларига эга эмасликларини келтириш мумкин. Фақатгина Бош прокуратура², Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти³, Бош

¹ <http://huquq.uz/elektron-uzhzhathlar-aylanmasining-a-amiyati/>

² <https://prokuratura.uz/#/>

³ <http://new-department.uz/uz/>

прокуратура Академияси¹ ҳамда Мажбурий ижро бюроси²нинг интернет глобал тармоғида ўз расмий сайтларига эгаллиги ва бу сайтларга кунлик маълумотлар киритилиши, янгиликлар доимий равишда қўшиб борилиши, фуқароларнинг ушбу сайтлар орқали электрон мурожаат қилишлари йўлга қўйилганлигини қайд этиш ўринли.

Бу камчиликнинг амалий ифодаси сифатида бир мисол келтирсак. Масалан, Бухоро вилоятининг Олот туманида истикомат қилувчи фуқаро бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Бухоро вилояти Олот тумани прокуратурасига мурожаат қилади. Туман прокуратураси томонидан фуқаронинг мурожаатига жавоб берилади. Бу жавобдан қониқмаган фуқаро юқори прокуратура органи – Бухоро вилояти прокуратурасига электрон тартибда мурожаат қилмоқчи. Сабаби, Бухоро вилояти прокуратураси Бухоро шаҳрида жойлашган. Олот тумани эса, Бухоро шаҳридан 200–250 км узоқликда жойлашган. Табиийки, бу фуқаро учун қийинчилик туғдиради. Мана шундай ҳолатда, фуқароларга қулайлик туғдириш мақсадида, ҳар бир вилоят прокуратура органларининг ўз расмий веб-сайтларига эга бўлишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Келтирилган вазиятда, фуқаро фақатгина Бош прокуратуранинг интернетдаги сайти орқали мурожаат қилиши мумкин. Унинг мурожаати тегишлилигига кўра, Бухоро вилояти прокуратурасига юборилиши маълум бир ходимнинг бу мурожаатни Бухоро вилояти прокуратурасига кўриб чиқиш учун юборишига иш вақти сарфланишига сабаб бўлади. Шу мақсадда, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида электрон мурожаатларга таъриф берилган бўлиб, ушбу таърифда **электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан, давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат деб қайд этилган. Электрон мурожаатдан фойдаланаётган ҳар бир шахс учун у мурожаат қилаётган давлат органининг расмий веб-сайти бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада, фақатгина Бош прокуратуранинг ўз саҳифасига эга бўлишида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаат қилиш ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқарилишида юқорида таъкидланган муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Таққослаш учун хорижий мамлакатлар тажрибасига қаралганда, Қозоғистон Республикаси прокуратура органларида фуқароларнинг прокуратура органларига электрон мурожаат этишларида бир қатор қулайликлар яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Яъни, Қозоғистон Республикаси 14 та вилоят ва 3 та республика миқёсидаги шаҳарлар кўринишида маъмурий бирликларга бўлинган. Ушбу маъмурий бирликларнинг барчасида прокуратура органлари мавжуд бўлиб, мазкур органлар ўзларининг алоҳида интернет саҳифаларида расмий сайтларига эгалар. Хусусан, 3 та республика миқёсидаги шаҳарлар ҳисобланган Нур-Султон, Олмата ва Чимкент шаҳарларининг ҳамда 14та вилоят Оқмола, Олмота, Ақтўбе, Атирау, Шарқий Қозоғистон, Жамбул, Ғарбий Қозоғистон, Қарағанди, Қўстанай, Қизилўрда, Манғистау, Павлодар, Шимолий Қозоғистон ва Туркистон вилоятлари прокуратуралари интернет глобал тармоғида ўз расмий сайтларига эгалар. Бундан кўзланган мақсад – фуқароларга прокуратура органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган хабарлар бериб бориш, ҳудуддаги жиноятчилик аҳволи ҳақида маълумотлар бериш, статистик маълумотлар, ҳар бир шаҳар ва вилоят прокуратуралари раҳбариятининг қабул қилган ҳақида фуқароларни таништириб бориш, прокуратура органларига ҳар бир расмий сайт орқали электрон мурожаатлар бериш имкониятларини яратишдан иборат.

Ҳар бир вилоят прокуратурасининг расмий сайти ташкил этилганидан сўнг, электрон мурожаатлар билан ишлаш механизми қуйидагича бўлиши мумкин.

Яъни, фуқаро маълум бир вилоят прокуратураси сайти орқали электрон мурожаат қилганида, унинг электрон мурожаати қабул қилинган сана, мурожаатни қабул қилган ходимнинг исм-шарифи, мурожаатнинг рўйхатга олинган рақами ҳақида фуқаро (мурожаат қилаётган вақтда у томонидан кўрсатилган электрон почта)га унинг мурожаати қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат шаклида электрон тартибда юборилади. Бунга, хориж

¹ <http://proacademy.uz/uz>

² <https://mib.uz/home>

тажрибасидан Литва давлатининг мурожаатларга оид қонунчилиги нормасини мисол қилиб келтириш мумкин¹.

Электрон тарзда мурожаат йўллаётган фуқаронинг шахсини тасдиқлаш тўғрисида сўз борганда, электрон рақамли имзо ёки ID-карта маълумотларини киритиши кифоя бўлишини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда электрон рақамли имзоси бўлмаган фуқаролар мурожаат йўллай олмайдиларми? деган ўринли савол туғилиши мумкин. Бунинг ечими сифатида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги² қарори қабул қилинди. Хужжатда қайд этилишича, 2021 йил 1 январдан бошлаб барча янги туғилган чақалоқларга, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига биометрик паспорт ўрнига 10 йил муддатга хужжат эгасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи хужжат сифатида идентификация ID-картаси берилади. Мана шу картага ҳар бир фуқаронинг электрон рақамли имзосини махсус чип сифатида ҳам киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу йўл билан электрон тарзда йўлланадиган мурожаатларнинг муаллифлари ҳақида тўғри ва аниқ маълумотларга эга бўлиниши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида хориж тажрибасига мурожаат қилинганда, Эстония давлатининг тажрибаси қизиқиш уйғотади. Бу давлатнинг фуқароларга давлат хизматларининг 90% дан ортиғи электрон тарзда кўрсатилишини, фуқаролар ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат органларига мурожаатлар йўллашларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Ҳозирги кунда, Эстония фуқароларини интернет глобал тармоғида шахсни идентификациялашнинг уч усули мавжуд бўлиб, улар ID-карта, Digi-ID карта ва Mobil-ID иловаларидан иборат. Бу келтирилганлар Эстонияда фуқароларни идентификациялашнинг энг кенг тарқалган воситаларидан ҳисобланиб, уларнинг ичида ID-карта кенг тарқалган бўлиб, у анъанавий паспортнинг ўрнини босувчи икки асосий вазифани бажаради:

Биринчидан, реал ҳаётдаги фуқарони идентификациялашнинг оддий воситаси ҳисобланади;

Иккинчидан, ID-карталарнинг иккита иловаси мавжуд бўлган чиплар жойлаштирилган, PIN-кодли идентификация қилувчи ҳамда ўзининг PIN-коди билан электрон рақамли имзо иловаси³.

Электрон мурожаатларга фуқаролар томонидан мурожаатга тааллуқли хужжатлар илова қилиниши ҳам мумкин. Унинг мурожаати қонуний муддатларда кўриб чиқилганидан сўнг, тегишли раҳбарнинг имзоси билан яна қайта фуқаронинг электрон почтасига мурожаатининг жавоби йўлланиши мумкин.

Бундан ташқари, пандемия шароитида фуқароларнинг уйларида чиқа олмаганликлари, уларни прокуратура органларида қабул қилишнинг чекланганлиги, карантин даврида масофадан туриб ишлашнинг зарурати пайдо бўлганлиги инобатга олинса, жойлардаги прокуратура органларининг ўз интернет сайтларини яратишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

➤ Ҳар бир бўғиндаги прокуратура органларининг интернет глобал тармоғида ўз сайтларига эга бўлишлари фуқаролар учун қулайлик ва енгилликларни яратади;

➤ Пандемия шароитида фуқароларнинг мурожаат ҳуқуқларини амалга оширишлари учун, уларнинг бу ҳуқуқлари чекланмаслигини олдини олиш мақсадида ҳам прокуратура органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқиш тартибларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

¹ <http://medialaw.asia/document/-6735>

² <https://www.uz24.uz/society/gzbekistonda-ikki-turdagi-pasport-va-id-karta-zhoriy-uilnadi>

³ Юсупов С.Б. “Давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” // фалсафа фанлари доктори (Phd) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 113-б.

➤ Интернет саҳифасига эга бўлиш орқали фуқароларнинг ҳам, прокуратура органлари ходимларининг ҳам ортқча вақтлари сарфланишининг олди олинишига эришиш мумкин.

Прокуратура органларида мурожаатлар билан бундай электрон тартибда ишланишидан кўзланган асосий мақсад, фуқароларга қулайлик яратиш, уларнинг сарсон бўлмасликлари, шаҳар марказларидан узоқда яшовчи фуқароларнинг овора бўлиб, вилоят марказларига келиб мурожаат қилишларининг олдини олиш ҳисобланади. Бундан ташқари, электрон тартибда мурожаатлар билан ишлашда прокуратура органлари ходимларининг ортқча вақт сарфлашларини ҳам камайтиришдан иборат.

ГАРАНТИИ РАССМОТРЕНИЯ ОБРАЩЕНИЙ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ

ИСАБАЕВ Акмалжон,

заведующий Народной приёмной Президента
Республики Узбекистан по Ташкентской области,
самостоятельный соискатель Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан

***Аннотация.** Мақолада коронавирус инфекцияси пандемияси шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг қабул қилиш, мурожаатларини ташкил этиш, шунингдек, уларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш хусусиятлари хусусида сўз боради.*

***Калит сўзлар:** Фуқаролар мурожаатлари, халқ қабулхоналари, миллий Қонунчилик, мурожаатларни ўрганиш, фуқаролар мурожаатлари институти, коронавирус пандемия даврида.*

***Abstract.** The article deals with the organization of reception, appeals of individuals and legal entities in the context of a pandemic of coronavirus infection, as well as the features of their consideration and resolution on the merits.*

***Key words:** Citizens' appeals, People's reception rooms, national legislation, study of appeals, Institute of citizens' appeals, during the coronavirus pandemic.*

***Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы организации приёма, обращений физических и юридических лиц в условиях пандемии коронавирусной инфекции, а также особенности их рассмотрения и разрешения по существу.*

***Ключевые слова:** обращения граждан, Народные приёмные, национальное законодательство, изучение обращений, институт обращений граждан, в период пандемии коронавирусной инфекции.*

Взаимодействие общества и государства непосредственно связано с обеспечением прав и свобод граждан, что во многом достигается рассмотрением и реализацией их обращений. Эти основные функции сводятся к тому, что государственные структуры должны обеспечивать своевременное правовое регулирование общественных отношений, а законотворческий процесс полностью обеспечивать нужды практики, базироваться на ее материалах, чутко реагировать на изменения в обществе, что в свою очередь выявляется при реализации норм права и изучении правоприменительной практики, которая рассматривается в основном при осуществлении контроля за реализацией законов и самих обращений граждан. Следовательно, контроль, осуществляемый как со стороны государственных органов, как например парламент, народные приемные или прокуратура либо общественных формирований, к примеру Общественная палата, является эффективным средством совершенствования законодательства и одновременно оперативного выявления

запросов общества. Верховенство закона в реализации обращений граждан необходимое и первостепенное условие их объективного и должного рассмотрения в установленные сроки. В этой сложной кропотливой процедуре, когда необходимо выявить истинные права и охраняемые законом интересы обращающихся, необходимо неуклонное обеспечение законности и контроля за рассмотрением обращений, что является необходимым условием перехода к социально ориентированной рыночной экономике, становления подлинного народовластия, а законность характеризуется не столько наличием качественных законов, сколько их реальным действием, поскольку самый прекрасный закон ничего не стоит, если он практически не исполняется. Поэтому для нас всегда актуальным является вопрос внедрения законов в повседневную жизнь. Еще французский просветитель Ш. Монтескье писал: «Когда я отправляюсь в какую-либо страну, я проверяю не то, хороши ли там законы, а то, как они осуществляются, ибо хорошие законы встречаются везде»¹. Платон, обозначая ряд начал демократического правления, высказал пророческие слова о роли законов в государстве: «Я вижу близкую гибель того государства, где закон не имеет силы и находится под чьей-либо властью. Там же, где закон – владыка над правителями, а они его рабы, я усматриваю спасение государства и все блага, какие только могут даровать государству боги»². И если обеспечение верховенства закона достигается прежде всего реализацией заложенных в нем положений, поскольку законность есть исполнение закона, то контроль за его реализацией и есть важное условие обеспечения законности и справедливости, которая обязательно должна характеризоваться наличием эффективного механизма защиты прав и свобод граждан, что особенно ярко проявляется в реализации их обращений.

Понятие института обращения позволяет, в свою очередь, выявить сущность конституционного права граждан на обращение, его критерии. Первый критерий выражается в том, что граждане участвуют в управлении государством путем внесения в органы государственной власти предложения; второй – это содействие в реализации права посредством заявления; третий – это защита (восстановление) личностью своих прав посредством жалобы. Данный институт «один из основных элементов взаимодействия общества и государства»³, «наиболее массовая из всех форм взаимодействия»⁴.

Важно также отметить, что обращение во все исторические периоды рассматривалось именно как уникальная форма диалога граждан с властью. Таким образом, право граждан на обращение – это способ выражения мнения и средство получения информации о качестве и недостатках работы, о проблемах и трудностях, встающих перед гражданами, что представляет органам власти возможность направлять и корректировать государственный механизм согласно с народными потребностями, своевременно решать проблемы, которые заявляют о себе. Сегодня человек, его права и свободы как высшая ценность в формировании правового государства и гражданского общества, закрепленные в Конституции, являются гарантией проводимых в стране преобразований. Вместе с тем, только закрепление указанных идей в Основном законе еще недостаточный процесс. В целях обеспечения реализации этих положений народными приемными за последние годы проведена значительная работа⁵.

В соответствии с Конституцией Республики Узбекистан в нашей стране поэтапно совершенствуется нормативно-правовое регулирование отношений, связанных с реализацией конституционного права граждан на обращения. В этих целях с 26 сентября 2016 года начала работу виртуальная приемная Премьер-министра (Сейчас Президента Республики Узбекистан). Одним из первых нормативно-правовых актов в этом плане является Указ Президента Республики Узбекистан от 28 декабря 2016 года УП-№4904 «О мерах по коренному совершенствованию системы работы с обращениями физических и юридических

¹ Монтескье Ш.Л. О духе законов. Избр. произведения. В 2-х т. Т. 1. М., 1955. С. 508.

² Платон. Соч. Т. 3 (2). М., 1972. С. 188–189.

³ Чичерин Б.Н. О народном представительстве. М., 1999. С. 54.

⁴ Кабашов С. Ю. Организация работы с обращениями граждан в истории России. М., 2010. С. 160.

⁵ Исабаев А. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан илаш; ўқув-услубий қўлланма. Т., 2020. Б. 3.

лиц». Затем были приняты Постановление Президента Республики Узбекистан от 6 января 2017 года ПП-№2721 «Об организации деятельности службы аппарата Президента Республики Узбекистан по координации и контролю работы с обращениями физических и юридических лиц», Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 января 2017 года ПП-№2721 «О мерах по коренному преобразованию национальной системы оказания государственных услуг населению», Закон Республики Узбекистан от 11 сентября 2017 года в новой редакции «Об обращениях юридических и физических лиц», Указ Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года П-№5633 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы по рассмотрению проблем населения», Постановление Кабинета Министров от 5 января 2018 года №341 «Об утверждении Примерного положения о порядке работы с обращениями физических и юридических лиц государственными органами, государственными учреждениями и организаций с участием государства», Постановление Кабинета Министров от 7 мая 2018 года №7 «Об утверждении Примерного положения о порядке работы с обращениями физических и юридических лиц органами самоуправления граждан» и другие документы. основополагающим актом, регулирующим право обращения граждан, является Постановление Президента Республики Узбекистан от 9 февраля 2019 года ПП-№4197 «Об утверждении положений, связанных с деятельностью народных приемных», и другие нормативно-правовые документы. Работа в этом плане продолжает развиваться и совершенствоваться. Особый характер она приобретает в эти дни, когда после тяжелых испытаний, связанных с глобальной эпидемией коронавируса в нашей стране, как и во всем мире, по-прежнему хотя и существует риск нового развития этой болезни, но все же в результате принятых Президентом Республики Узбекистан своевременных и эффективных мер по ее пресечению удалось не только остановить распространение болезни, но и приобрести ценный мировой опыт по излечению и восстановлению здоровья наших граждан, в том числе и соотечественников, оказавшихся по воле судьбы в других странах. В соответствии с Указами Президента Республики Узбекистан УП-№5969 от 19 марта 2020 года «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия пандемии коронавируса и глобального кризиса на сектора экономики» и УП №-5978 от 3 апреля 2020 года «О поддержке населения, отраслей и предприятий» и другими актами, принятыми в период карантина, принимаются меры по расширению социальной поддержки населения и отраслей экономики непосредственно связанных с пандемией, обеспечению устойчивой работы секторов экономики. Установлены льготы и преференции субъектам хозяйствования, бесперебойная выплата заработной платы, пенсий, стипендий и надбавок работникам организаций, финансируемых из государственного бюджета Республики Узбекистан. Для оказания дополнительной поддержки лицам, которые потеряли свои основные источники дохода во время борьбы с распространением инфекции, уязвимым группам населения и предприятиям с 1 апреля 2020 года по 1 октября 2020 года Общественному благотворительному фонду «Махалла», Фонду «Саховат ва кўмак», Общественному фонду «Милосердие и здоровье», их филиалам в Республике Каракалпакстан, областях, г.Ташкенте, районах и городах, поручено также оказывать поддержку лицам, включенным в список лиц, нуждающихся в социальной поддержке, составленным местными органами государственной власти, и оказывать им недискриминационную помощь.

В целях защиты жизни и здоровья граждан, прибывающих регулярными рейсами из других стран, приняты необходимые меры по их временной изоляции, с соблюдением карантинных условий постепенно начали проведение общественных мероприятий на территории Республики Узбекистан, в том числе международных встреч и спортивных соревнований, а также театральных, кино и концертных программ и свадеб, семейных торжеств, церемоний в учебных заведениях. В связи с приостановкой учебного процесса во внешкольных и дошкольных образовательных учреждениях, а также во всех негосударственных образовательных учреждениях прием граждан и субъектов хозяйствования в государственных органах и организациях, а также предоставление им государственных и других услуг осуществляется «в режиме онлайн».

В связи с введением карантинных мер в Республике Узбекистан с 15 марта 2020 года Народная приемная Президента Республики Узбекистан приняла все необходимые меры для предотвращения отравления рабочих и служащих и граждан инфекцией COVID-19. и удаленная работа организована и работает в полном составе (за исключением сотрудников, находящихся в периодическом отпуске). В частности, в зданиях Народной приемной Президента Республики Узбекистан в Ташкентской области, районе и городе установлены специальные ящики для письменных обращений, жалоб и предложений в удобных для всех местах. Заявления, жалобы и предложения от физических и юридических лиц регистрируются в тот же день, отправляются через виртуальную систему для рассмотрения в соответствующий отдел, предприятие и организацию, и их реализация обеспечивается. В частности, с 1 апреля по настоящее время в Виртуальную приемную поступило 3940 обращений граждан, связанных с карантинной обработкой, из общего числа 4662 обращений по различным вопросам, которые были направлены компетентным органам для оперативного рассмотрения и решения. Из них 3083 апелляции были рассмотрены ответственными органами и организациями, из которых 2229 или 72,2% были разрешены положительно, и 857 апелляций находятся на рассмотрении. Среди них были обращения по вопросам, связанным с продуктами питания, лекарствами, финансовой помощью, уязвимыми гражданами (семьями) в период карантина. Списки наиболее уязвимых граждан (семей), имеющих в базе данных общественных приемов (на основе обращений, мобильных приемов, от двери до двери), был отправлены в Районные комиссии по координации благотворительности на карантине, созданных в регионах для оказания помощи. Народными приемными установлен систематический контроль за рассмотрением обращений, полученных через систему виртуального приема и отправленных в соответствующие органы, даны рекомендации для быстрого и оперативного рассмотрения обращений граждан, связанных с наиболее насущными потребностями.

В связи с этим основное внимание уделяется одиноким гражданам, которые потеряли кормильцев, являются инвалидами, не имеют стабильного источника дохода или имеют очень низкие доходы. Народная приемная приняла меры по расширению возможностей для оказания дополнительной практической помощи нуждающимся гражданам, привлечения к этой работе руководителей секторов и других ответственных лиц, спонсоров. Контролируется не только разовая помощь населению, но и непрерывная помощь в течение периода карантина. Кроме того, Народные приемные уделяют особое внимание решению проблем, связанных со здоровьем граждан, особенно постоянным обеспечением жизненно важных видов лечения (гемодиализ, химиотерапия и другие виды лечения), от употребления наркотиков (диабет, эндокринные и другие заболевания), установлено эффективное сотрудничество с департаментами здравоохранения и другими учреждениями. Совместно с хокимиятами и органами самоуправления граждан также планируется обеспечить работой 14 537 молодых людей в карантинный период 2020 года в соответствии с «Адресным планом» и «Дорожной картой», разработанными и утвержденными в каждом районе и городе Ташкентской области. Работы, проводимые в этом направлении, регулярно контролируются. В частности, по результатам мониторинга, в I квартале этого года хокимиятами, руководителями секторов и государственными органами было занято в общей сложности 4825 молодых людей. В связи с карантинными мерами в стране Народные приемные Президента Республики Узбекистан принимают меры для обеспечения непрерывной и единой организации работы с обращениями населения и оперативного рассмотрения актуальных вопросов.

Таким образом, наше государство взяло на себя основную заботу по защите прав и свобод своих граждан и теперь, после некоторого смягчения обстановки, вновь открывается возможность обращения граждан в государственные органы и нарастает потребность в их реализации. В этой связи постепенно начали свою, прерванную из-за пандемии, деятельность предприятия, учреждения и организации. По-прежнему много людей обращаются в правоохранительные органы по защите нарушенных прав и законных интересов. Необходимо отметить, что при этом несколько не снижается отношение к

коронавирусу, соблюдению мер профилактики и санитарной гигиены как со стороны должностных лиц, организующих прием и создающих безопасные условия работы, тех, кто непосредственно рассматривает обращения и самих граждан. Неоднократные обращения Главы нашего государства и других ответственных за эти вопросы должностных лиц дают свои положительные результаты. Нисколько не умаляя имеющей место опасности коронавируса вопросы решения проблем и обращений населения становится еще более важной, еще более ответственной задачей поскольку сами обращающие пока не могут воспользоваться как раньше общественным транспортом, чувствуется их некоторое скопление в судах, агентствах по оказанию услуг населению да и самих народных приемных, поскольку накопилось много нерешенных вопросов. По этой причине обращения, поступившие в Народные приемные Президент Республики Узбекистан, находятся под строгим контролем, а их своевременное исполнение остается ответственным делом каждого чиновника, независимо от его уровня и рассматриваемого вопроса, поскольку поднятые в обращения проблемы всегда очень важны для обращающихся. Примером такого государственного подхода к этим вопросам может служить и действия в этом плане Администрации Президента Республики Узбекистан, который, несмотря на свою исключительную занятость все же нашла время чтобы обеспечить для населения более комфортные условия в период карантина проявляет заботу чтобы эта работа в то же время соответствовала всем санитарным требованиям. Были организованы, региональные, районные и городские общественные приемы для приема заявок от граждан. Специальные ящики для апелляций были установлены перед каждым Народным приемом. Напоминаем, что при строгом соблюдении правил карантина вы можете обратиться в Народную приемную Президента Республики Узбекистан, не выходя из дома, для обеспечения безопасности себя и членов вашей семьи.

Обеспечение защиты прав и законных интересов граждан, в том числе и через суды в условиях карантина важнейшая задача проводимых правовых реформ в Узбекистане, поскольку оказание юридической помощи населению является государственным делом, где следует установить достаточно эффективный контроль со сторон органов юстиции за качеством оказываемых гражданам услуг¹. Основным законом, регулирующим правоотношения в сфере реализации права граждан на обращения в органы государственной власти и местного самоуправления, а также порядок их рассмотрения, является закон «О порядке рассмотрения обращений физических и юридических лиц»², принятый в 2014 г., в который в последующие годы вносились изменения и дополнения. Сегодня положения Закона соответствуют международным стандартам в этой сфере, и прежде всего Модельному закону СНГ «Об обращениях граждан и юридических лиц».

Соблюдение прав и свобод человека государством – это пассивная форма поведения государственных институтов, выражающаяся в воздержании последних от совершения противоправных действий в отношении человека и выполнении тем самым возложенных на них обязанностей. Однако права и свободы человека не всегда соблюдаются государством. В связи с чем Конституция Узбекистана предполагает наличие в нашей стране механизма защиты прав и свобод человека. При этом ряд исследователей отмечают, что, помимо защиты прав и свобод человека государством, существует также механизм охраны прав и свобод человека. Верховенство закона в реализации обращений граждан необходимое и первостепенное условие их объективного и должного рассмотрения в установленные сроки. В этой сложной кропотливой процедуре, когда необходимо выявить истинные права и охраняемые законом интересы обращающихся, необходимо неуклонное обеспечение законности и контроля за рассмотрением обращений, что является необходимым условием перехода к социально

¹ Саидов А.Х. Правовой путь в третье тысячелетие: концепция судебно-правовой реформы в Узбекистане // Хукук-Право-Law. 2000. № 1. С. 16.

² Закон Республики Узбекистан от 11 сентября 2017 г. «Об обращениях физических и юридических лиц» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2017. № 37. Ст. 977; Национальная база данных законодательства, 30.01.2018 г., № 03/18/463/0634; 11.03.2020 г., № 03/20/608/0278.

ориентированной рыночной экономике, становления подлинного народовластия. Сегодня человек, его права и свободы как высшая ценность в формировании правового государства и гражданского общества, закрепленные в Конституции, являются гарантией проводимых в стране преобразований. Вместе с тем, только закрепление указанных идей в Основном законе еще неостаточный процесс. В целях обеспечения реализации этих положений народными приемными за последние годы проведена значительная работа¹.

Состояние работы с обращениями граждан на примере Ташкентской области показывает, что за время начала работы Народных приемных при карантине до настоящего времени к ним поступило более 40 тысяч обращений от физических и юридических лиц, из которых 17424 за 2018 год, 16932 за 2019 год и 4237 за первое полугодие 2020 года². Динамика обращений заметно снижается, что говорит: Во-первых, о постепенном решении поднятых гражданами проблем и интересующих людей вопросов. Во-вторых, о своевременном принятии мер организационного и нормативно-правового регулирования взаимоотношений личности и государства. Созданные в целях своевременного разрешения поднимаемых населением насущных вопросов, Народные приемные взяли на себя основную нагрузку и стали поистине ведущими органами по обеспечению своевременного и качественного рассмотрения обращений. В-третьих, исследование поступивших в эти органы обращений показывает, что большинство из них находят свое разрешение на местном территориальном уровне и только треть направляется для рассмотрения в вышестоящие органы. Так, например при рассмотрении с начала 2020 года и в период пандемии в народных приемных Ташкентской области из 4237 обращений – 1324 направлены в вышестоящие органы, 3513 – в территориальные организации, 185 рассмотрены непосредственно Народными приемными Президента Республики Узбекистан. Изучение всех обращений показывает, что большинство из них должны быть реализованы в территориальных органах власти, которые допустили недоработки и вынудили своих граждан обращаться в вышестоящие органы и Приемные Президента. Большинство обращений были решены положительно, третья часть из их общего числа удовлетворены разъяснением прав граждан и юридической консультацией.

Судя по содержанию обращений граждан и практике их рассмотрения, многим руководителям органов государственной власти и структурам, занимающимся организацией их рассмотрения, прежде всего, не хватает правовой подготовки. За годы независимости создана практически новая нормативно-правовая база в стране по рассмотрению обращений физических и юридических лиц. Но закон, а тем более законодательство в целом недостаточно хорошо знают не только граждане, но и многие государственные служащие, что влечет за собой неисполнение и грубые нарушения порядка реализации права граждан на обращение. Этим объясняют заявители полученные отписки в удовлетворении обоснованных на законе просьб и требований.

В условиях пандемии коронавируса повсеместно во многих сферах меняются тренды, пересматриваются приоритетные направления. В Узбекистане как и во многих развитых странах экономические процессы даже в этих особых условиях продолжают наращиваться и развиваться так же как собственно и сам уровень жизни населения. Несомненно, в результате реформирования в экономике и социальной сфере произошли существенные изменения, которые нельзя игнорировать. Так, например, жизненно важной необходимостью стало расширение социальной поддержки населения, обеспечение бесперебойной работы отраслей экономики и резкое усиление внимания к социальным сферам, особенно связанными с защитой населения от коронавируса. В Ташкентской области, как и во всей стране, своевременно были приняты беспрецедентные меры по организации в самые короткие сроки бесперебойной работы медицинских учреждений, санитарных служб и других органов по защите от пандемии и обеспечению их соответствующими специалистами и всеми необходимыми средствами для полноценной деятельности.

¹ Исабаев А. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан илаш: ўқув-услубий қўлланма. -Т., 2020. -Б. 3.

² Из годового отчета Народной приёмной Президента Республики Узбекистан по Ташкентской области.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ОҚИБАТЛАРИ (ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА)

КАЛАНДАРОВА Маликахон,

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси мудири,

юримдик фанлар номзоди, доцент в.б.

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф томонидан давлат харидлари соҳасида форс-мажор ҳолатларининг юз бериш хавфи, форс-мажор ҳолатлари юз берганда вужудга келадиган муаммолар ўрганилган ҳамда унинг давлат харидлари иштирокчиларига салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган таклифлар билдирилган.

Калим сўзлар: форс-мажор ҳолатлари, енгиб бўлмайдиган куч, шартнома мажбуриятлари, мажбуриятларни таъминлаш.

Abstract. The Relevance of this work is due to the existing risk of force majeure in the process of purchasing and ordering. In this study, the author of the article considers the problems that arise when they occur; and also suggests ways to minimize the negative impact of force majeure events on procurement participants.

Key words: force majeure, force majeure, contractual obligations, enforcement of obligations.

Аннотация. Актуальность данной статьи обусловлена существующим риском возникновения форс-мажорных обстоятельств в процессе осуществления закупок и заказов. В данном исследовании автором статьи рассмотрены проблемы, которые возникают при их наступлении, а также предложены способы минимизации негативного влияния форс-мажорных событий на участников закупок.

Ключевые слова: форс-мажорные обстоятельства, непреодолимая сила, контрактные обязательства, обеспечение исполнения обязательств.

Бугун бутун ер шарини камраб олаётган эпидемиологик вазият минг афсуски, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Пандемия нафақат халқимиз саломатлиги ва фаровонлигига балки, мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда¹.

Коронавирус инфекцияси давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидлари билан алоқадор давлат буюртмачилари ҳамда давлат харидлари ижрочиларининг ўзаро муносабатларини қайта кўриб чиқишини ҳам тақозо этади. Харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиси ва ижрочилар коронавирус туфайли маълум бир муаммоларга дуч келган бўлишига қарамасдан, мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сон; 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5978-сон; 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5986-сон; 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 5996-сон фармонлари қабул қилинди.

инобатга олган ҳолда, буюртмачиларни ишлаб чиқаришида узилишлар рўй бермаслиги учун зарур товарлар етказиб берилиши (ишлар, хизматлар) тўхтатилиши мумкин эмас.

Шу ўринда, давлат эҳтиёжларини таъминлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилганлиги иқтисодиётни ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш орқали давлат буюртмачилари, буюртмаларни ижро қилувчилар ва ижро қилувчиларни танловчи иштирокчилар манфаатлари мувозанатини таъминлашга эришиш мумкин.

Давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган давлат харидлари билан боғлиқ шартномавий муносабатларни бажармасликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва форс-мажор ҳолатларининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, COVID-19 коронавирус пандемияси мавжуд шартномалар доирасида юзага келган муносабатларга шартномаларни бажариш ва жавобгарликдан озод бўлиш нуктаи назаридан ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари соҳасида буюртмаларни амалга ошириш ва жойлаштириш жараёнида ҳам маълум бир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган, фавқулодда олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир¹.

Агар шартномада форс-мажор ҳолатлари, айниқса, эпидемияларнинг бошланиши ва уларнинг ўзига хос оқибатлари тўғрисида батафсил назарда тутилмаган бўлса, ҳатто эпидемия каби назорат қилиш имконсиз бўлган ҳолатларни ҳам шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Агар ушбу шартда эпидемия юзага келганида, шартномаларнинг ижроси тўхтатиб қўйилиши аниқ кўрсатилган бўлса, унда бажариш муддатини кечиктириш мумкин. Шунинг қайд этиш керакки, форс-мажор бу, биринчи навбатда, шартномани амалда бажариш имконсизлигидир, ресурслар ёки истакларнинг етишмовчилиги эмас. Масалан, бош ҳисобчи ёки директорнинг карантинга жойлаштирилиши ва давлат идоралари томонидан уларнинг банк ҳисоб рақамига кириш учун электрон калитлар билан қўл телефонларининг олиб қўйилиши бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Бундай ҳолда объектив ҳолатлар сабабли шартномани бажариш имконсизлиги кўриниб туради².

Форс-мажор ҳолатлари юз берганда давлат харидларига оид муносабатлар боғлиқ айрим масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида савдо битишувлари ва халқаро шартномалар шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби мавжуд бўлиб, бироқ мазкур тартиб давлат харидларига оид барча муносабат субъектларига тўғридан-тўғри тадбиқ этилмайди.

С.В.Зимнева, Г.У.Поповаларнинг фикрича, ташқи савдо битишувлари ва халқаро шартномалар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартибини фуқаролик муносабатларининг самарадорлигига ва давлат контрактларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ низоларни камайишига хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, давлат контрактларига нисбатан ҳам форс-мажор ҳолати юз берганлиги ҳақидаги сертификатларни тақдим этиш тартибини жорий этиш лозим³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида” Низом // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 7-сон. 56-модда; 34–36-сон. 264-модда; 2017. 29-сон. 693-модда.

² www.centil.law.

³ Зимнева С.В., Попова Г.У. Непреодолимая сила как основание освобождения от ответственности за нарушение государственного (муниципального) контракта // Вестник экономики, права и социологии. 2017. № 2.

Назаримизда, давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларда давлат бюджети маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлаш, шунингдек, форс-мажор ҳолатларига баҳо беришда ваколатли органнинг ҳулосаси мавжудлиги давлат харидлари билан боғлиқ шартномалар ижросини таъминлашда ва уни ижро этилмаслигининг салбий оқибатларини бартараф этишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат эҳтиёжлари учун чет элдан товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишни зиммасига олган давлат харидлари ижрочилари пандемия шароитида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинмаганлиги намоён бўлди. Чунки, давлат хариди ижросиси чет давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартнома тузган ҳолатда чет элнинг ўзида ҳам коронавирус туфайли товарларни чиқиб кетишига айрим чекловлар ўрнатилди.

Давлат харидлари ижрочилари томонидан дуч келинган энг катта масала бу четдан келадиган товарлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолатда эпидемиологик вазият туфайли давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб берувчилар давлат харидлари тўғрисидаги шартнома ижросини таъминлай олмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Фикримизча, пандемия шароитида давлат харидларининг ижросини таъминлаш ёки бошқа моддий оқибатларни олдини олиш мақсадида қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши билан боғлиқ истисно ҳолатни давлат харидларига оид муносабатларда назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Учинчидан, давлат харидлари тўғрисидаги битимларда, одатда форс-мажор ҳолатида шартнома шартларини ўз муддатида бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод бўлишини назарда тутувчи келишув мавжуд бўлади. Бироқ, мазкур ҳолатларни бевосита назарда тутувчи норма “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилмаган.

Шу сабабли, товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олишда форс-мажор ҳолатларининг оқибатларини назарда тутувчи махсус нормаларнинг мавжуд бўлиши давлат харидлари субъектлари ўртасидаги низони бир хилда ва тўғри ҳал этилишига имкон яратади.

Тўртинчидан, қонунчилик форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари тўғрисидаги шартномага ўзгартириш киритиш асосларидан бири эканлигини белгиламаган.

З.Мадыбаеванинг фикрича, форс-мажор ҳолатларининг вужудга келиши, ўз навбатида, шартнома мажбуриятларининг ижросини ҳам тўхтатилишига олиб келади, шу сабабли, қонунчиликда давлат буюртмаларига нисбатан форс-мажор ҳолатлари мавжуд бўлганда шартномани ўзгартириш асосларидан бири сифатида назарда тутилиши лозим. Бу эса, шартнома томонларига унинг шартларини ҳеч қандай зарар кўрмасдан ижро этилишини таъминлайди¹.

Э.Мазурова, А.Сафинларнинг фикрича, енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг рўй бериши ўзича тарафларга бир тарафлама тартибда шартнома шартларини ўзгартиришни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди. Шартнома нархи, тўловни амалга ошириш шартлари ва усуллари ва ҳ.к.ни ўзгартириш мумкин эмас. Уни бажариш муддатлари сурилиши мумкин ва у ҳам бўлса – фақат форс-мажорни амал қилиш муддатига. Пандемия тугагандан кейин

¹ Мадыбаева З. Государственные закупки и обстоятельства непреодолимой силы (форс-мажор) / [Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: <https://online.zakon.kz>.

шартномани бажариш имконияти мавжуд бўлса, тарафларнинг мажбуриятлари тўхтатилиши мумкин эмас. Тўғри, тарафлардан ҳеч бири, форс-мажор туфайли юзага келган муддат ўтказиб юборилиши оқибатида унинг шартномага бўлган қизиқиши йўқолган тақдирда шартномадан воз кечиш ҳукукидан маҳрум қилинмаган. Қизиқиш йўқолганлигини ҳам исботлаш лозим бўлади.

Қарздор ўз шартномалари бўйича муаммоларни ҳал қилишда ўзининг етказиб берувчилари ёки пудратчилари айби билан юзага келган муаммоларга ҳавола келтириши лозим эмас. Контрагентларда юзага келган мураккаблиklar форс-мажор деб тан олиниши мумкин эмаслиги қонунчиликда мустаҳкамланган. Бунинг устига – республика ичидаги битимлар бўйича “ФОРС-МАЖОР” сертификатини олиб бўлмайди. Шу сабабли, контрагентга таъсир кўрсатадиган чеклов чоралари бошқа битимлар учун оқлаш бўлиб хизмат қилмайди¹.

Назаримизда, давлат харидлари бевосита бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадилилик хусусиятини инобатга олган ҳолда, эпидемия ҳолатларида шартномани ўзгартириш асоси сифатида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларида давлат буюртмачисининг харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг гаров, кафолат, заклад тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисида талаб белгилашга ҳақлилиги назарда тутилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 32-моддасига кўра, давлат буюртмачиси таклифни таъминлаш суммаси тўланишини қуйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;

давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши, агар давлат хариди шартларида бундай қайтариб олишга йўл қўйилмаслиги айтиб ўтилмаган бўлса².

Россия Федерациясининг қонунчилигига кўра, форс-мажор ҳолатлари давлат харидлари тўғрисидаги шартнома тузилгунга қадар юз берса ва иштирокчилар томонидан таклифлар пул маблағлари кўринишида таъминланса ҳамда бу ҳолат 30 кунлик муддатдан ошганда, иштирокчига пул маблағларини қайтариб берилиши ва танлов ўтказилмаган деб топилиши асосларидан бири бўлиб ҳисобланади³.

А.К.Агеева, К.А.Пауловларнинг фикрича, қонунчиликда назарда тутилган ушбу тартибни енгиб бўлмайдиган ҳолатлар юз берганда банк кафолатини тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади⁴.

Назаримизда, давлат харидлари билан боғлиқ шартномаларни тузишда форс-мажор ҳолатлари тугагунга қадар давлат харидлари ижрозисидан таклифни таъминлашдан озод этишга оид талабни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Яна бир ҳолат, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи билан тасдиқланган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг

¹ Мазурова Э., Сафин А. «Форс-мажор» ҳақида ўн та янглиш фикр / [Электронный ресурс]. Режим доступа: URL: <https://norma.uz>.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.04.2018 й., 03/18/472/1050-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

³ Федеральный закон РФ от 05.04.2013 п 44-ФЗ (ред. от 24.04.2020) «О контрактной системе в сфере закупок товаров, работ, услуг для обеспечения государственных и муниципальных нужд» // pravo.gov.ru.

⁴ Агеева А.К., Паулов П.А. Форс-мажорные обстоятельства и их влияние на процесс закупок // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2020. № 4-2.

238-бандига кўра, харид қилиш тартиб-таомили натижаси бўйича тузилган шартномага қўшимча қилиш унинг муҳим шартларини ўзгартирмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиши мумкин¹.

Айтайлик, давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш жараёнида шартномада назарда тутилган шартларда маҳсулотларни етказиб беришнинг пандемия ҳолати туфайли имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, қонунчиликда шартноманинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган шартнома баҳосини ваколатли органни ёзма равишда хабардор этган ҳолда, тарафлар ўртасида шартномага ўзгартириш киритилишига оид норманинг мустаҳкамланганлиги, келгусида тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг шартларини жиддий равишда бузиш каби салбий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Олтинчидан, коронавирус инфекциясининг тарқалиши натижасида давлат харидлари иштирокчилари шартнома ижросини лозим даражада таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келишмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2020 йил 28 апрелдаги 8-сонли қарори билан мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этилиши лозимлиги юзасидан тушунтириш берилган.

Халқаро савдо палатасининг “Форс-мажор ҳақидаги (жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги) қўшимча қилишув”га кўра, тарафлар шартномани ижро қилиб бўлмаслиқни исботлаган тақдирда, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиниши шартлари назарда тутилган².

Назаримизда, форс-мажор ҳолати юз берганлиги сабабли неустойка шаклидаги жавобгарликдан озод қилишда ушбу ҳолат шартномани ижро этилишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатганлиги ва шартномани ижро қилувчи томон бу ҳақда бошқа тарафни огоҳлантирганлиги асос бўлиб ҳисобланиши лозим. Шу сабабли, давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларда тарафларни бартараф этиб бўлмайдиган молиявий қийинчиликларга дуч келишини олдини олиш мақсадида форс-мажор ҳолатлари юзасидан хабар бериш муддатини қатъий назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Еттинчидан, пандемия шароитида харид қилиш тартиб-таомилларига риоя қилиниши даражаси ҳам алоҳида ўрганилиши талаб этилади. Форс-мажор ҳолатида давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларни электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион, танлов, тендер шаклида ўтказилиши орқали тузилиши кўп муддат сарф этилишини талаб қилади. Шу сабабли, форс-мажор ҳолатида ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари тизимидан фойдаланишнинг янги механизмларини давлат буюртмачисининг ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантириш учун давлат харидларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги, товарни (ишни, хизматни) танлашнинг, унинг истеъмол хусусиятларининг (тавсифининг), сифат кўрсаткичлари ва қийматининг асосланганлиги ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширилиши билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.05.2018 й., 10/18/3016/1279-сон; 22.04.2019 й., 10/19/3016-1/2984-сон; 04.07.2019 й., 10/19/3016-2/3379-сон; 13.04.2020 й., 10/20/3016-3/0460-сон).

² Галкин И.В. Системные риски как источник обстоятельств непреодолимой силы (форс-мажора): к проблеме нормативной квалификации // Государственное управление. Электронный вестник. 2017. № 64.

Саккизинчидан, форс-мажор ҳолати юз берганлиги сабабли харид қилиш тартиб-таомилининг туридан қатъи назар шартномани имзолашдан бош тортиш ҳуқуқини давлат харидлари билан боғлиқ муносабатларга тадбиқ этилишига оид нормаларнинг қонунчиликда акс этиши келгусида давлатнинг эҳтиёжи йўқолган товарлар (ишлар, хизматлар) асоссиз етказиб берилиши ва бюджет маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига олиб келади.

Тўққизинчидан, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка кўра, харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича белгиланган шартларда давлат буюртмачиси билан шартнома тузишни ва давлат харидларини амалга оширишни рад этган ёки бошқача усулда бўйин товлаган харид қилиш тартиб-таомиллари ғолиблари инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилиши мумкин. Бироқ, назаримизда, форс-мажор ҳолатида бу ҳақда огоҳлантирган давлат харидлари ижрочисини инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилишига йўл қўйилмаслигига оид қонданинг белгиланиши, огоҳлантириш муддатларининг назарда тутилиши келгусида уларнинг давлат харидлари жараёнида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилиб, уч йил давомида давлат харидларида иштирок эта олмаслик каби салбий оқибатларни олдини олишга хизмат қилади.

ПОСЛЕДСТВИЯ COVID 19 ДЛЯ СПОРТА И ПРАВО НА ЗАНЯТИЕ СПОРТОМ

КАЮМОВ Фаррух,

соискатель Университета мировой экономики и дипломатии

Аннотация. Мақола COVID-19 пандемиясининг спортга таъсирига бағишланган. Муаллифнинг таъкидлашича, навбатдаги молиявий инқирозга сабаб бўлган пандемия спорт ривожига салбий оқибатларга олиб келади. 2008 йилги инқироз оқибатларини таҳлил қилиб, муаллиф COVID-19 пандемияси оқибатида юзага келган инқироз оқибатлари ҳақида прогноз беради ва унинг оқибатларини юмшатиш бўйича қатор таъаббусларни илгари суради.

Калим сўзлар: спорт, спорт бизнеси, спорт тадбирлари, спорт билан шугулланиш ҳуқуқи.

Abstract. The article is about the impact of COVID-19 pandemic on sports. The author predicts that the pandemic, causing another financial crisis, will have negative consequences for the development of sports. Having analyzed the consequences of Global Financial Crisis of 2008, the author provides a forecast of the consequences of the crisis caused by COVID-19 pandemic and puts forward a number of initiatives to mitigate its consequences.

Keywords: sport, sports business, sporting events, the right to practice sports.

Аннотация. Статья посвящена влиянию пандемии COVID-19 на спорт. Автор отмечает, что пандемия, вызвав очередной финансовый кризис, будет иметь негативные последствия на развитие спорта. Анализируя последствия кризиса 2008 года, автор дает прогноз последствий кризиса, вызванного пандемией COVID-19 и выдвигает ряд инициатив для смягчения его последствий.

Ключевые слова: спорт, спортивный бизнес, спортивные мероприятия, право на занятие спортом.

Спорт составляет часть национальной и мировой культуры. Физическая культура формирует и развивает культуру тела и души человека. Без воспитания необходимого ее уровня у населения личные права не будут способствовать формированию гражданской ответственности; реализация политических прав приведет ни к демократии, а к охлократии и диктатуре; социальные права создадут благоприятную среду для иждивенчества; обладание

экономическими правами не обеспечит появление гражданского общества, а, наоборот, станет основой для расслоения¹.

Сегодня вспышка COVID-19 переросла в пандемию, охватившую многие страны мира. Эпидемия коронавируса в мире уже меняет целые отрасли и модели поведения компаний и потребителей. Несет потери малый и средний бизнес стран, затронутых вирусом.

Не стал исключением и спорт. В частности, два главных события предстоящего лета – чемпионат Европы по футболу и летняя Олимпиада в Токио – отменены. Остановлены ведущие профессиональные лиги в США, остановлены футбольные чемпионаты в Европе, остановлена баскетбольная Евролига, Формула-1, профессиональный бокс, ММА и другие наиболее прибыльные мероприятия. Остановка соревнований означает коллапс этого сверхдоходного бизнеса. Можно сказать, что профессиональный спорт в какой-то мере оказался не готов к столь серьезному противнику.

Помимо финансовых потерь, к сожалению, есть и человеческие потери. Число нынешних и бывших спортсменов, которые заразились коронавирусом, достигает уже более сотни.

Последствия пандемии охватили и право на спорт. Занятие физической культурой и спортом состоит из двух взаимосвязанных, но имеющих самостоятельный характер прав: 1) занятие физической культурой; 2) участие в спортивных соревнованиях. Право на занятие физической культурой и спортом включает следующие правомочия: а) свободное распоряжение своими спортивными способностями; б) доступ к спортивным объектам; в) членство в спортивных объединениях; г) собираться для публичного выражения мнения о спортивных событиях; д) участвовать в зрелищных мероприятиях; е) мигрировать для реализации права на труд сфере спорта; ж) заниматься профессиональным спортом; з) получать физическое воспитание в образовательных учреждениях; и) оказание медицинской помощи, гарантии неиспользования допинга; к) обеспечение личной и общественной безопасности; л) содействие развитию физической культуры и спорта инвалидов, лиц с ограниченными возможностями здоровья; м) получение квалифицированной юридической помощи; н) передача, распространение соответствующей информации через средства массовой информации любым законным способом; о) передвижение и выезд за пределы страны для удовлетворения спортивных интересов; п) обращение лично, направление индивидуальных и коллективных обращений в государственные органы и органы местного самоуправления; р) получение помощи от спонсоров; с) государственная защита и доступ к правосудию². Пандемия стала причиной очередного мирового кризиса. В сложных условиях экономического кризиса отрасль физической культуры и спорта как составная часть социальной сферы также подвергается серьезным негативным воздействиям.

А для того, чтобы понять как очередной кризис повлияет на спортивный мир, вспомним кризис 2008 года. Мировой экономический кризис 2008 года отразился на всех аспектах жизни общества, включая сферу физической культуры и спорта. В частности, в 2008 г. в результате мирового кризиса отмечалась, прежде всего, явная тенденция к урезанию финансирования спорта. Можно констатировать, что в будущем году расходы бюджета на развитие сети спортсооружений, поддержание их в оптимальном состоянии, расширение материальной базы будут сведены к минимуму. И хоть пока количество спортивных школ не сокращается и массовые увольнения не предвидятся, можно сделать прогноз о том, что они фактически могут быть поставлены в условия выживаемости. То есть, все текущие расходы спортивные школы будут нести за счет введения абонементной системы. Таким образом, это финансовое бремя ляжет на плечи занимающихся, что автоматически приведет к «отсеиванию» малообеспеченных слоев.

¹ Журавлев В. Право каждого на занятие физической культурой и спортом в системе конституционных прав человека // Вестник Саратовской юридической академии. – 2012. – № 4. – С. 215.

² Журавлев В. Право каждого на занятие физической культурой и спортом в системе конституционных прав человека // Вестник Саратовской юридической академии. – 2012. – № 4. – С. 213.

Кроме того, финансовый кризис 2008 г. очень сильно скорректировал планы спортивных организаций. На определенный период времени свернуты все спортивные проекты и направления. При этом самое главное, руководство спортивных организаций понимает, что независимо от кризиса спортклуб должен сохранить свое существование и спортивная сфера деятельности корпорации и спортивного клуба не должна быть полностью приостановлена. Важно отметить, что начальная подготовка спортсменов во многих странах начала осуществляться за счет самих занимающихся, что привело к уменьшению количества занимающихся¹.

Аналогичные последствия следует ожидать от кризиса, вызванного пандемией 2020 года. Однако, эксперты рейтингового агентства Moody's предсказывали, что пандемия коронавируса может иметь более серьезные последствия чем финансовый кризис 2008 года.

1) Очевидно, что в условиях финансового кризиса расходы из бюджета на развитие спорта значительно сократят, уже сейчас многие виды спорта отменили проведение национальных чемпионатов в связи с тяжелым финансовым положением. Можно предположить, что ни материально-техническая база, ни спортивный процесс не будут финансироваться на должном уровне. Специалисты прогнозируют, что станет меньше спортивных мероприятий, придется сокращать расходы на питание спортсменов и, возможно, отказываться от участия в международных соревнованиях. Однозначно будет наблюдаться отток спортсменов, уменьшение количества занимающихся спортом и снижение количества и уровня соревнований.

2) Вполне очевидно, что в период кризиса количество городских и районных спортивных праздников сведется к минимуму, а это будет иметь негативный эффект, поскольку праздники такого рода пропагандируют здоровый образ жизни и занятия спортом, прежде всего, среди детей и молодежи. Кроме того, значительная часть населения в условиях кризиса меняет свои привычки в области питания и досуга, отказываясь от дорогостоящих продуктов и мероприятий. Не стоит забывать и о колоссальном упадке в европейских экономиках, который приведет к снижению покупательной способности населения, а это означает, что люди будут тратить меньше денег на развлечения.

3) Тем не менее, профессиональный спорт менее пострадает в условиях экономического спада. Однозначно можно сказать, что в любом случае не утонут наиболее коммерциализированные виды: футбол, теннис, бокс. Собственно, перечисленными выше видами спорта хоть какая-то стабильность заканчивается. Во всех остальных можно ожидать самых неожиданных метаморфоз и выживание спорта будет делом рук самих спортсменов и предпринимателей. Вместе с тем, отметим, что в зависимости от вида спорта, федерации и сборные команды имеют разные источники финансирования. Стратегически важные, исторически сильные виды спорта (плавание, легкая атлетика, художественная гимнастика), которые практически на 100% финансируются государством, могут ощутить последствия финансового кризиса в меньшей степени. Федерации же тех видов спорта, которые финансируются частично или полностью за счет спонсорских средств, скорее всего, значительно пострадают.

4) Кризис, скорее всего, приведет к тому, что многие структуры этого сектора начнут урезать финансирование кампаний по спонсорству как футбола, так и других видов спорта, которые для них со стратегической точки зрения не являются жизненно необходимыми. На финансовом здоровье футбола в перспективе скажется общее снижение покупательной способности болельщиков из-за надвигающейся рецессии.

5) Согласно опросам британских СМИ, не менее 90% респондентов выступают за 30-процентное сокращение зарплаты футболистам. Но профсоюз игроков всячески отказывается от подписания соглашения, чем вызывает бурю негодования общественности,

¹ Иванов А.В., Иванченко Ю.Н. Влияние финансового кризиса на развитие физической культуры и спорта // *Pedagogy of Physical Culture and Sports*, 2009 // <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-finansovogo-krizisa-na-razvitie-fizicheskoy-kultury-i-sporta-v-ukraine/viewer>.

которая называет действия футболистов постыдными. В других ведущих футбольных странах вопрос социального неравенства так остро не стоит. Игроки клубов ранее согласились с сокращением заработной платы ради сохранения мест обслуживающего персонала. Например, игроки испанских «Барселоны» и «Атлетико» пошли на 70-процентное сокращение.

6) Еще можно обратить внимание на данные Transfermarkt.de – главного сайта в Интернете, который отслеживает рыночную стоимость футболистов. Звезды там подешевели на 40 процентов, а это означает, что у экспертов имеется мнение, что финансовые объемы в профессиональном спорте сократятся на огромную сумму¹.

Меры для минимизации негативных последствий и обеспечения права на занятия спортивной деятельностью в условиях борьбы с пандемией:

Вопрос заключается в том, как именно кризис повлияет на инновационные процессы в спорте, на его развитие в долгосрочной перспективе. Если говорить, как кризис отразится на инновационных процессах в спорте, то можно выделить следующие моменты:

1. Очищение рынка от «мыльных пузырей». Наверняка большинство «надуманных» видов спорта, не имеющих серьезной материальной и финансовой базы, уйдут. Таким образом, на арене останутся сильнейшие федерации, достойные бороться за государственное финансирование.

2. Оптимизация финансового менеджмента в спорте. Дело в том, что раньше команды брали одновременно из трех-четырех источников, хотя при грамотном планировании для полноценного развития хватило бы и одного.

3. Усиление государственного контроля над расходованием бюджетных средств.

4. Переход спортивных клубов на рациональную систему управления затратами, урезание расходной части бюджета спортивных клубов.

5. Приостановление исследований и разработок в области высокотехнологичных спортивных материалов и оборудования, экипировки. Предположительно снизит темпы развития спортивная медицина и фармакология. Что, однако, имеет и свой положительный эффект: снизится применение допинговых средств, различных «пищевых добавок», «сжигателей жира» и др.

Многие конференции по спорту перешли в онлайн формат, ФИФА предлагает продлить контракты до новой даты, когда сезон фактически закончится (то есть, если сезон заканчивается 15 июля, контракты с истекающим сроком действия игроков будут продлены до тех пор).

Не исключается вариант, при котором во избежание скандалов и прочих внештатных ситуаций спортивные чиновники в ближайшее время примут решение проводить все матчи без зрителей.

Еще одной мерой станет развитие киберспорта. В Узбекистане уже официально объявлено несколько турниров на официальном уровне, также школы и клубы объединяются и сами устраивают кибертурниры. Это одно из самых перспективных спортивных направлений в мире.

С учетом международного опыта можно рассмотреть вопросы о создании в Министерстве по делам спорта антикризисного комитета и разработке плана действий по минимизации негативных последствий пандемии, в котором будут отражены лучшие практики по оптимизации спортивного менеджмента, финансированию и организации спортивных мероприятий в условиях экономического спада.

Важно обеспечить принятие вышеуказанных мер, так как занятия спортом особенно актуальны в настоящее время, поскольку укрепляют иммунитет.

¹ <https://sensaciy.net/sport-postradayet-ot-krizisa-v-ekonomike/>

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР: НАЗАРИЯ ВА РЕАЛИЯ

КАРИМОВ Абдорбек,

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси,
Фарғона вилояти иқтисодий суди судьяси

Аннотация. мақола инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми – фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан таъминлашнинг айрим жиҳатларига бағишланган бўлиб, унда кун мавзуси бугунги глобал пандемия шароитида ушбу ҳуқуқни реал вақт режимида амалга ошириш масалалари қиёсий таҳлил қилинган. Яқунда муайян таклиф-тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: соғлиқни сақлаш, фуқаро – бемор, шахсий номулкий ҳуқуқлар, COVID-19, коронавирус пандемияси, карантин, тиббий хизмат, тиббий муолажа, “электрон соғлиқни сақлаш”, Соғлиқни сақлаш кодекси.

Abstract. The article is devoted to some aspects of an integral part of human rights - the provision of civil legal means of public health, in which the theme of the day is a comparative analysis of the implementation of this right in real time in the context of a modern global pandemic. Concrete recommendations are given at the end.

Keywords: healthcare, citizen – patient, personal non-property rights, COVID-19, coronavirus pandemic, quarantine, medical care, medical treatment, e-health, Health code.

Аннотация. Статья посвящена некоторым аспектам неотъемлемой части прав человека – обеспечению гражданско-правовых средств общественного здравоохранения. В конце даны конкретные рекомендации.

Ключевые слова: здравоохранение, гражданин – пациент, личные неимущественные права, COVID-19, пандемия коронавируса, карантин, медицинская помощь, медицинское лечение, «электронное здоровье», Кодекс здравоохранения.

Бутун дунёда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли ва самарали тизимини яратиш жараёни кетмоқда. Глобал пандемия шароитида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, COVID-19 ёки коронавирус пандемиясига қарши вакцина яратиш, даъволашнинг самарали ва мақбул усулларини яратиш борасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда дунё ҳамжамияти томонидан кўрилаётган чоралар инсоният мавжудлиги ва кейинги ҳаёти учун нақадар аҳамиятли эканлиги кўзга ташланмоқда. Шу сабабли пандемиядаги дунё давлатлари томонидан ўрнатилаётган чекловлар ва қатъий талабларнинг белгиланиши фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ этишга нисбатан интилишларни кўрсатади.

Бу шароитда эса, ҳуқуқшунослик олдидан янги чақириқлар юзага келмоқда. Зеро, глобаллашув жараёнига ўтиб бўлган дунё давлатлар томонидан чегараларнинг ёпилиши, ҳар бир давлат, аввало, ўз фуқароларининг соғлиғини сақлашга нисбатан уринишлари, пандемияга қарши курашни бирламчи ва энг устувор вазифага айланиши, соғлиқни сақлашнинг бошқа йўналишлари ва соҳаларига нисбатан эътиборнинг сусайтирилишига олиб келмоқдаки, бу вазият фуқаролар соғлиғини сақлашнинг барча соҳа ва йўналишларда ҳуқуқий муҳофаза ва таъсир чораларини белгилашни тақозо этади. Шу боис, бугунги кунда тиббий хизматни ҳар томонлама ва сифатли амалга ошириш, ҳудудларда шифохоналар ва бошқа тиббий муассасаларнинг ёпилиши, шартнома асосида режалаштирилган тиббий муолажаларнинг кечиктирилиши ва бекор қилиниши каби ҳуқуқий ечимини топиши зарур бўлган муаммолар юзага келмоқда.

Шу маънода мамлакатимизда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш соҳасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги ҳамда бугунги пандемия муносабати билан жорий этилган карантин тадбирлари шароитида фуқаролар соғлиғини сақлашни ҳуқуқий тартибга солиш изчиллиги ва мақбуллигини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ишлар тизими хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир. Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ¹.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бошчилигида ҳақиқатан ҳам шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, хусусан, ҳар бир инсон учун энг муҳим ўрин тутадиган ва жамиятда энг олий кадрият сифатида эътироф этиладиган ҳаёт ва соғлиқни сақлашни ҳуқуқий таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бусиз инсоният тараққиётини тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Бу борада, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Бироқ бугунги кунда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг ҳуқуқий таъминланиши масалалари, хусусан, ушбу соҳани фуқаролик-ҳуқуқий нормалар билан таъминланиши етарли даражада, деб бўлмайди. Бинобарин, фуқаролар соғлиғини сақлашни ҳуқуқий таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий нормалар муҳим ўрин тутгани ҳолда, кўп ўринларда қонунчиликдаги бўшлиқлар сабаб бу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг имконияти мавжуд эмас.

Юридик адабиётларда фуқаронинг соғлиғи тушунчасига алоҳида юридик категория сифатида эмас, шахснинг номулкий ҳуқуқлари таркибидаги элементлардан бири сифатида қараш ҳоллари учрайди. Хусусан, айрим муаллифларнинг фикрича, “соғлиққа бўлган ҳуқуқ жисмоний шахс – фуқаронинг шахсий номулкий ҳуқуқи бўлиб, унинг муҳофазасини амалга оширишни талаб қилиш ва унинг бузилмаслигига бўлган ҳуқуқ, одатда, фуқаролик-ҳуқуқий воситалар билан амалга оширилади. Шу сабабли, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи ёки фуқаронинг ўз соғлиғига бўлган ҳуқуқи шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ФКнинг 99-моддасида ўз ифодасини топган”².

Фуқаронинг соғлиғи масаласи ўзига хос номоддий неъмат ва ижтимоий кадрият, шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ҳар томонлама талқин этилиши ва тушунилиши мумкин бўлган категория ҳисобланади. Бунда фуқаро соғлиғи тушунчаси, энг аввало, фуқаронинг инсон – биологик индивид сифатидаги организмларининг тўлиқ ва белгиланган даражада ишлаши сифатида тушунилиши ҳам мумкин. Бироқ юридик категория сифатида фуқаронинг соғлиғи аввало унинг шахсий номулкий ҳуқуқи ҳамда фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида номоддий неъматдир. Шу сабабли мазкур номоддий неъматнинг фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимидаги ўрни белгиланиши талаб этилади. ФКнинг 81-моддаси фуқаролик ҳуқуқлари объектлари таркибига шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар қиради, бу эса, ўз навбатида, юридик категория сифатида фуқароларнинг соғлиғи шахсий номулкий ҳуқуқ ва номоддий бойлик сифатида тан олиншини кўрсатади.

Соғлиқ шахснинг функционал ва руҳий ҳолати сифатида кишининг алоҳида индивид ва жамият аъзоси сифатидаги самарали ҳаёти билан уйғунлик касб этади. Бунда фуқароларнинг соғлиғини таъминлаш тизимли амалга оширилиши ҳамда аҳолининг барча қатламларини бирдай қамраб олиши лозим. Аҳолининг соғлиғи – жамият аъзоларининг барчаси учун умумқабул қилинган атама бўлиб, уни битта кишига нисбатан алоҳида ҳолда талқин этиш мумкин эмас³.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // president.uz расмий сайти.

² Якубова И.Б. Япония ва Ўзбекистон қонунчилигида шахсий-номулкий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши: юрид. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 2018. – Б. 8.

³ McCartney G., Popham F., McMaster R., Cumbers A. Defining health and health inequalities // Public Health. Volume 172, July 2019. P. 22–30.

Фикримизча, фукаро соғлиғига бўлган ҳуқуқни мутлақ субъектив сифатида амалга ошира олмайди. Бу ҳолат COVID-19 пандемияси шароитида яна бир бор яққол намоён бўлмоқда. Бунда фукаронинг ўз соғлиғига нисбатан нафақат манфаатдорлик, балки масъулияти ҳам мавжуд. Карантин шароитига риоя этиш, ўз соғлиғига эътиборли бўлиш ва масъулият билан ёндашиш фукаронинг мажбурияти бўлса, соғлиғининг муҳофаза қилиниши ва таъминланишини талаб қилиш, сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини талаб қилиш фукаронинг ҳуқуқидир. Мазкур омиллар бугунги кунда фукароларнинг соғлиғини сақлашга нисбатан замонавий юриспруденциядаги қарашлар ва ёндашувларнинг буткул ўзгаришига олиб келмоқда. Чунки, соғлиқни сақлаш тизими ҳам бугунги кунда бозор иқтисодиётига асосланган тизимга ўтаётганлиги, хусусан, “тиббий сугурта”, “электрон соғлиқни сақлаш” тизимлари жорий этилаётганлиги, даволаш ва диагностика ишларида хусусий секторга кўплаб хизмат турларини кўрсатишга рухсат берилаётганлиги, қолаверса, дунёда суррагат, трансплантация каби замонавий шартномавий муносабатлар ривожланиб бораётганлиги фукароларга соғлиқни сақлаш ҳуқуқини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб берса-да, бироқ, шахсни ушбу имкониятлардан фойдаланиши аҳолининг ёки умумхалқнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқига дахл қилмаслиги лозим. Шу муносабат билан, қонунчиликда қуйидаги икки тушунча акс эттирилиши лозим:

– **Фукароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи** – бозор иқтисодиётига асосланган, объекти соғлиқни сақлаш бўлган, мақсади эса, фойда олиш бўлган, давлатнинг назорат қилувчи функциялари орқали тиббий таълим, даъволаш, диагностика ишларининг ва дори воситаларининг сифати кафолатланган соғлиқни сақлаш тизими;

– **Аҳолининг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи** – объекти ва мақсади фақатгина соғлиқни сақлаш бўлган, давлатнинг назорат қилувчи функциялари орқали тиббий таълим, даъволаш, диагностика ишларининг ва дори воситаларининг сифати кафолатланган, барча даволаш ва диагностика, санитария-профилактика ишлари давлат томонидан таъминланадиган, давлат бошқаруви функциясига эга бўлган соғлиқни сақлаш тизими.

Қонунчиликда фукароларнинг ва аҳолининг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларининг алоҳида тартибга солиниши лозимлигини бугунги кундаги дунёда ҳукм сураётган пандемия ҳолати ҳам кўрсатиб турибди. Аҳолининг соғлиғини сақлаш тизимини бозор иқтисодиётига асосланган соғлиқни сақлаш тизимидан ажратиш муҳим эканлиги, фақатгина бозор иқтисодиётига асосланган соғлиқни сақлаш тизими пандемия ҳолатида ўзини оқламаслигини кучли бозор иқтисодиётига асосланган АҚШ, Италия, Испания давлатларидаги коронавирус юқумли касаллиги пандемияси ҳолатларидан ҳам тушуниш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5590-сон Фармони билан 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани тиббиёт соҳасида янги даврни бошлаб берди¹.

Фармонда соғлиқни сақлаш соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилиш, соғлиқни сақлашни замонавий ташкил этиш, бошқарув ва молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳудудларда “кластер” моделини шакллантириш, тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш, оналик ва болалик муҳофазасини кучайтириш, хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат хусусий шериклик ва тиббиёт туризмининг ривожлантириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш, фармацевтика тармоғи, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тиббиёт фанини ривожлантириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари ва “электрон соғлиқни сақлаш”ни кенг жорий этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Соғлиқни сақлаш кодексига фукароларнинг соғлиғини сақлашга бўлган ҳуқуқи нафақат шахсий номулкӣ ҳуқуқи, балки унинг мажбурияти эканлигини, айрим ҳолатларда,

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2018 йил, 06/18/5590/2285-сон.

фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган шахсий номулкий ҳуқуқларига нисбатан аҳолининг ёки умумхалқнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлари устувор эканлигини белгиловчи нормалар киритиш ва бунда фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлари ва аҳолининг ёки умумхалқнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларининг ўртасидаги чегараларни ва фарқларни белгилаб берувчи мезонларни назарда тутувчи нормаларни киритиш, бепул даволаниш ҳуқуқига эга шахсларни ва бепул даволаш лозим бўлган касалликлар турларининг аниқ рўйхатини белгилаш лозим.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ДАВЛАТНИНГ БОШ ИСЛОҲОТЧИ ВАЗИФАСИДА БЎЛИШИ – МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИДИР

АЗИМОВА Дилафруз,

Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси

***Аннотация.** Мазкур мақолада иқтисодий глобллашувнинг чуқурлашуви, турли эпидемик ва пандемия ҳолатларининг ҳам тарқалиши ортидан давлатларнинг фавқуллодда харажатларининг ортиши, шунингдек, давлат қарзининг ривожланиш тенденциялари ва уни бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси, давлат қарзи, давлат бюджети, давлат бюджети ижроси (профицит/дефицит), ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши, макроиқтисодий барқарорлик.*

***Abstract.** This scientific article analyzes the deepening of economic globalization, the increase in emergency spending of countries due to the spread of various epidemics and pandemics, as well as the development trends of public debt and the current state of its management.*

***Key words:** Anticrisis Fond, public debt, state budget, state budget execution (surplus / deficit), share of external debt in GDP, macroeconomic stability.*

***Аннотация.** В данной статье анализируется углубление экономической глобализации, увеличение чрезвычайных расходов стран в связи с распространением различных эпидемий и пандемий, а также тенденции развития государственного долга и текущее состояние его управления.*

***Ключевые слова:** Антикризисный фонд, государственный долг, государственный бюджет, исполнение государственного бюджета (профицит / дефицит), доля внешнего долга в ВВП, макроэкономическая стабильность.*

Коронавирус пандемияси туфайли жаҳон иқтисодиёти янги иқтисодий инқирозга юз тутди. Афсуски, мазкур пандемия ҳам, у сабабли юзага келган глобал инқироз ҳам Ўзбекистонни ҳам чеклаб ўтмади. Дастлаб асосий савдо ҳамкорларида бошланган оғир иқтисодий ҳолат миллий иқтисодиётимизга ўз салбий таъсирини ўтказа бошлаган бўлса, ундан сўнг, мамлакат ичида карантин чораларининг амалга оширилиши туфайли ички иқтисодий фаоллик пасайди. Бирок, аввалбошданоқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топириғига кўра, Ҳукумат ва иқтисодий блокадаги барча идоралар эҳтимолий инқирозни бартараф этиш ва унинг хатарларини юмшатиш чораларини тайёрлаган ва уни фаол амалга оширмоқда.

Дунё тажрибасидан маълумки, бюджет тақчиллиги ва инқирозли ҳолатларнинг вужудга келиши давлат қарзининг ошишидаги сезиларли аҳамиятга эга бўлган омиллардан бўлиб хисобланади.

Бизнинг асримизда геосийёсий вазиятнинг кескинлашуви ва иқтисодий глобаллашувнинг чуқурлашуви ортидан давлат қарзининг ортиши тенденциялари кучайиб бормокда. Шу билан бирга, турли эпидемик ва пандемия ҳолатларининг ҳам тарқалиши давлатларнинг фавқуллода харажатларининг ортишига бўлган заруратни юзага чиқармокда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сонли Фармони асосида Ўзбекистон 1 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги ташқи қарзни жалб этиши кўзда тутилди. Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг фонди 10 трлн. сўм этиб белгиланди. Ҳолбуки, ушбу жамғарма глобал эпидемик вазиятнинг кескинлашуви ортидан ташкил этилишига зарурат туғилди. Ушбу жамғарма доирасидаги харажатлар фавқуллода хусусиятга эга бўлиб, давлатнинг ташқи қарз жалб этиши билан молиялаштирилиши мумкинлиги кўзга ташланadi. Мазкур фармонга кўра қуйидаги йўналишларда маблағлар сарф этилиши кўзда тутилган¹:

1. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан:

- даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

- хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юктирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

- коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш;

- юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни куриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

2. Қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан, биринчи навбатда, ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

- республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини куриш;

3. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан, қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

- Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оила-ларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

4. Қуйидагилар орқали иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

- ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъект-лари транспорт харажатларининг бир қисmini компенсация қилиш;

¹ <https://lex.uz/docs/4770761>.

– коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

– уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг суғлаштириш муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

Демак, давлат қарзининг юзага келиши бевосита бюджет харажатларини ортиши натижасида юзага келиши мавжуд экан. Ушбу ҳолатнинг юзага келиши макроиқтисодий мувозанатни сақлаб қолиш учун давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши билан изоҳланади. Таъкидлаш лозимки, давлат қарзи ва бюджет дефицити ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, йирик дефицитлар қарзнинг асосий омили бўлиб қолаверади.


Мазкур пандемия натижасида нафақат давлатнинг қарзи ошиши, балки қуйидаги иқтисодий ҳолатлар юзага келиши мумкин:

1. Мамлакатларда иқтисодий ўсиш даражаси ўрта муддатли даврда пасайиши кузатилади.
2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш қийинлашиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун, миллий фонд бозори барқарорлигини сақлаб туриш учун ички истеъмолни таъминлаш лозим бўлади.

3. Мамлакатларда макроиқтисодий мувозанат нобарқарорлашуви ортидан ЯИМ ҳажми қисқаради. Мувозанат бузилишига импорт самараси таъсирини камайтириш учун фоиз ставкаларини тушириш орқали ички истеъмолни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Натижада, инсонларнинг кредитлар олиш имконияти ошиб, ялпи талаб ва таклиф мувозанатига эришиш мумкин.

4. Туризм соҳасида турғунлик юзага келиши кузатилади. Натижада, ишсизликнинг юзага келишига шароит яратилиши ва иқтисодий ўсишга ҳам салбий таъсири кузатилиши мумкин.

Ўзбекистонда давлат қарзи статистикаси ташқи ва ички манбалар орқали жалб этилган маблағлар кесимида, шунингдек, муддатлари бўйича ҳам таҳлил қилиб борилади. Аксарият ҳолларда, ташқи ва ички қарз тенденциялари шаклида ўрганилишига сабаб, биринчидан, миллий валюта сўмда ташқи маблағлар жалб этиш имкони мавжуд эмаслиги, иккинчидан, ички манбалардан ресурс жалб этиш 1998 йилдан 2017 йилларгача кузатилмаганлиги ташқи қарз статистикасининг шаклланишига шарт-шароит яратган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи динамикаси¹, млрд. АҚШ доллари

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020 йил март. 2019 йил учун Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи.

Мамлакат ташқи қарзи динамикаси бўйича ўрганишларимиз натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик (1-расм):

- 2012–2019 йилларда давлат жами ташқи қарзи 8 млрд. дан 24,4 млрд. АҚШ долларигача ўсган бўлиб, ўзгариш 3 баробарни ташкил этган;

- 2019 йилда ўтган йилга нисбатан давлат ташқи қарзининг кескин ўсиши кузатилган бўлиб, 1,6 баробарни ташкил этган;

- 2012–2017 йилларда хусусий ташқи қарз жами ташқи қарздаги улуши 50 фоиздан юқори бўлиб, 2014 йилда 60 фоиз атрофида бўлган;

- 2018 йилдан бошлаб давлат ташқи қарзи хусусий қарзга нисбатан йириклашиши бошланган;

- 2019 йилда хусусий қарз ўтган йилга нисбатан 1,4 млрд. АҚШ долларига кўп бўлган бўлса-да, давлат қарзининг деярли ярмига тенг бўлган.

Давлат қарзи мамлакат иқтисодиётига нисбатан йириклашиб боргани сари миллий иқтисодиёт учун хавф ортиб бориши мумкин. Шу билан бирга, ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши қанчалик ортса, макроиқтисодий барқарорлик шунчалик мураккаблашиб бораверади. Жаҳоннинг йирик суверен кредит рейтингларини аниқлаш ва баҳолаш билан шуғулланувчи агентликлари ҳам ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор қаратади.

Умуман, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан 55 фоизгача жалб этишни мўътадил ёки барқарор деб баҳолашини маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

Зеро, Ўзбекистоннинг айни пайтда, ташқи қарз олиши масаласи муҳим. Чунки пандемия давридаги иқтисодий ҳаракатсизлик ҳолатида ялпи талаб ва таклифни таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни минимал даражасида сақлаб туришга имкон беради. Таъкидлаш лозимки, ҳукумат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ушбу олинadиган қарзларнинг самарали ишлатилишига кафолат бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА НИКОҲДАН ЎТИШ ВА ОИЛА ҚУРИШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

НИЗОМОВ Фарҳод,

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси

Миллий маркази етакчи мутахассиси

***Аннотация.** Мақолада COVID-19 пандемиясининг инсон ҳуқуқларига таъсири, шунингдек, пандемия даврида мамлакатимизда вояга етган шахсларнинг никоҳ шартномаси тузиш ва оила қуриш ҳуқуқидан фойдаланишини таъминлаш борасида амалга оширилган ўзгаришлар атрофида таҳлил қилинган.*

***Калим сўзлар:** COVID-19, инсон ҳуқуқлари, никоҳ, оила, тўй.*

***Abstract.** The article provides a detailed analysis of the impact of the COVID-19 pandemic on human rights, measures taken to prevent the spread of infection in Uzbekistan, as well as changes made during the pandemic to ensure the right of adults to enter into marriage contracts and families.*

***Key words:** COVID-19, human rights, marriage, family, wedding.*

***Аннотация.** В статье приводится анализ влияния пандемии COVID-19 на права человека, в частности, обеспечение права заключать брачные контракты и создавать семьи.*

***Ключевые слова:** COVID-19, права человека, брак, семья, свадьба.*

Илк бор 2019 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Ухань шаҳрида аниқланган COVID-19 инфекцияси бутун дунё бўйлаб тарқалиб, пандемия даражасига етди. АҚШнинг Жон Хопкинс (Johns Hopkins) университети маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 11 июнь ҳолати бўйича жаҳон миқёсида касалликка чалинганлар сони 7 миллион 480 минг нафардан ортиб, қурбонлар сони 419 минг 469 нафарни ташкил этмоқда¹.

Коронавирус пандемияси инсониятга ажал уруғини сепиш билан бир қаторда, яна кўплаб глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Глобал иқтисодий инқироз, қашшоқлик даражасининг ошиши, ишсизлар сонининг кўпайиши, ички ва ташқи миграциянинг чекланиши, туризм соҳасининг мислсиз талофот кўриши, фаол ижтимоий муносабатларнинг чекланиши кабилар билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир.

Шунингдек, мазкур пандемиянинг олдини олиш мақсадида жаҳон миқёсида кўрилаётган чора-тадбирлар Инсон ҳуқуқларининг қисман чекланишига олиб келаётгани ҳам айни ҳақиқат. **БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши раиси, Австриянинг Женевадаги Доимий вакили Элизабет Тихи-Фисслбергер** таъкидлаганидек, **“Ҳозирги вазиятда мамлакатлар, бир томондан, инсон соғлиғини асраш, ҳаётини ва яшаш учун зарур манбаларни сақлаб қолиш, иккинчи томондан, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ҳаракатланиш эркинлиги ва тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқини таъминлаш ўртасида ўта қийин мурося йўлини излаб топишларига тўғри келмоқда”².**

Пандемия билан боғлиқ мураккаб вазият, афсуски, мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Жорий йилнинг 15 март санасида Ўзбекистонда COVID-19 инфекциясига чалинган илк бемор аниқланган бўлса, орадан деярли уч ой ўтиб, 11 июнь санасида коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар сони 4695 нафарга етди, шундан 3532 нафар бемор эса бутунлай касалликдан фориғ бўлди³. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ўз вақтида тезкорлик билан кўрилган муҳим чора-тадбирлар самараси натижасида коронавирус инфекцияси тарқалишини сезиларли даражада камайтиришга, вазиятни назорат остида сақлашга эришилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида COVID-19 инфекцияси аниқланган дастлабки кунларданок жисмоний ва юридик шахсларнинг коронавирус пандемияси шароитида турли қийинчиликларга учрашининг олдини олиш, юзага келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида тезкор зарурий чоралар кўрилди, жумладан, **Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан бир неча бор халқимизга мурожаат қилинди, қатор муҳим ҳужжатлар⁴ имзоланди, топшириқлар бериб борилди, ушбу топшириқлар ижроси юзасидан Ҳукумат ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан ҳам қатор ҳужжатлар қабул қилинди⁵.** Табиийки, кўрилаётган бундай муҳим чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида таъсис этилган коронавирусга қарши курашиш бўйича махсус комиссия қарори билан 2020 йил 16 мартдан бошлаб мамлакатимизда карантин эълон қилинди.

¹ Қаранг: <https://www.worldometers.info/coronavirus>.

² БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши раиси Э.Тихи-Фисслбергернинг 2020 йил 9 апрелда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан ташкил этилган COVID-19 пандемиясининг инсон ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги илк норасмий виртуал мулоқотда сўзлаган нутқи. Қаранг: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/HRC/Pages/NewsDetail.aspx?NewsID=25784&LangID=E>

³ Қаранг: <https://www.worldometers.info/coronavirus>.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида” фармойиши; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони ва бошқалар.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги 08-сон “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.

Карантин шароитида инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдалана олмайди, ижтимоий муносабатларни амалга оширишда турли мураккаб ҳолатларга дуч келади. Карантин тартиби қатъийлашгани сари шахснинг ижтимоий фаоллиги суғлашиб боради. Мураккабликларга қарамадан, пандемия даврида карантин шароитида ҳам ҳаёт ўз йўлида давом этиши, туғилиш, ўлим, оила қуриш каби табиий демографик жараёнлар тўхтаб қолмаслиги тайин. Бу ўринда ижтимоий муносабатлар ва демографик жараёнларни амалга оширишнинг мавжуд тартиб-таомилларини пандемия шароитига мослаштириш талаб этилади.

Ўзбекистонда ҳам пандемия даврида карантин шароитида инсонларнинг қонуний никоҳдан ўтиш ва оила қуриш билан боғлиқ ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлаш мутлақо янги мезон ва механизмлар асосида йўлга қўйилди.

Маълумки, вояга етган шахсларнинг никоҳдан ўтиши ва оила қуриши ҳам халқаро, ҳам конституциявий, ҳам қонуний асосларга эга бўлган ҳуқуқ ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, “Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирки, миллати ёки дини бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин. Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли”¹, дея белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида эса, “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”², дея қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига биноан, “Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади”³.

Пандемия даврида карантин шароитида никоҳ тузиш ва оила қуришда юзага келган мураккабликларни, асосан, икки йўналишга ажратиш мумкин:

биринчидан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳ шартномасини тузиш билан боғлиқ мураккабликлар;

иккинчидан, оила қуриш муносабати билан ўтказиладиган тўй-ҳашам ва турли миллий маросимларни ташкил этишдаги муаммолар.

Амалдаги тартибга кўра никоҳланувчи шахслар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига (ФХДЁ) бориб, никоҳдан ўтишни сўраб ариза ёзишлари, йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтишлари, уларнинг аризаси бир ой муддатда кўриб чиқилиши, шундан сўнг, гувоҳлар иштирокида никоҳ шартномаси тузилиши ва гувоҳнома берилиши ёки ариза рад этилиши мумкин.

Карантин шароитида ФХДЁ органларига бориб ариза топшириш инфекция юктириш хавфини келтириб чиқаришини инобатга олиб, мамлакатимизда онлайн ариза бериш тартиби жорий қилинди. Бу карантин туфайли аксарият ходимларини масофавий ёки тўлиқсиз иш куни тартибига ўтказган ФХДЁ органларида мурожаатчиларнинг узундан-уzun навбатлари юзага келишининг ҳам олдини олади.

Тиббий кўрикдан ўтиш ва гувоҳлар иштирокида никоҳ шартномаси тузиш жараёнларини масофавий амалга ошириш имконияти эса мавжуд эмас.

Сабаби, Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ **фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида** тузилиши, шунингдек, никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1998. – Б. 23.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2019.

³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://www.lex.uz/docs/104720>.

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин, **шахсан уларнинг иштирокида** амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Оила кодексининг 14-моддасига биноан, никоҳ тузиш ихтиёрий ҳисобланади ҳамда никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилятига эга бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган **“Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондалари”нинг¹** 87-бандига кўра, никоҳни қайд этиш **фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида** амалга оширилади.

ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканига ишонч ҳосил қилиши керак. Никоҳнинг ишончнома бўйича ёки вакил орқали, шунингдек, тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмаганда қайд этилишига йўл қўйилмайди.

Мазкур Қоидаларнинг 88-бандида эса никоҳланувчилардан бири бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмайдиган истисно ҳолларда, никоҳ тузилганлиги шифохонада, уйда ёки бошқа тегишли жойда, **никоҳланувчи иккала шахснинг иштирокида** қайд қилиниши белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, ҳатто никоҳланувчилардан бирининг бетоблиги сабабли ФХДЁ органига кела олмаслиги ҳам никоҳланувчилардан бирининг иштирокисиз никоҳни қайд этишга асос бўла олмайди.

Бундан ташқари, 91-бандга кўра, никоҳ тузилганлиги қайд қилинаётганда эр ва хотиннинг паспортларига ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларига штамп қўйилади ва никоҳнинг тузилган вақти ва жойи, далолатнома ёзуви рақами, эр (хотин)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади.

Кўриниб турибдики, бу талабларни интернет орқали никоҳ шартномаси тузиладиган бўлса, бажариш имконсиз.

Никоҳ шартномаси тузилганидан сўнг, халқимиз, одатда, миллий урф-одатлар асосида тўй-ҳашам ва бошқа маросимларни ўтказиш ташвишига тушади. Пандемия даврида карантин шароитида кўпчиликнинг бир ерга тўпланиши ва тўйу маросимларни нишонлаши инфекция тарқалиши хавфини ниҳоятда ошириб юборади. Аммо халқимизда тўй ўтказмасдан оила қуриш мумкин эмас, деган стереотип шаклланган. Бу менталитетимиз билан боғлиқ ҳолат.

Ўзбекистонда никоҳ тўйи ва у билан боғлиқ бошқа маросимлар **Олий Мажлиснинг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми²** билан тартибга солинади.

Мазкур Низомга мувофиқ, Оилавий тадбирларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалок тўй-ҳашамларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида пандемия даврида ушбу тартибга ўзгартиришлар киритилди.

2020 йил 23 март куни қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** билан мамлакатимиз ҳудудида барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан, байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10–15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилди.

Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 8 майдаги йиғилиши баёнига мувофиқ, юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалиши ҳолатининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили,

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/docs/3064981>.

² Қаранг: <https://uznews.uz/uz/article/16858>.

касаллик аниқланган беморларнинг даволаниш (соғайиш) динамикаси ҳолатидан келиб чиққан тарзда республика ҳудудлари жорий йилнинг 11 майидан эътиборан туман ва шаҳарлар даражасида “яшил”, “сарик” ва “кизил” тоифаларга ажратилиб, махсус комиссиянинг кейинроқ қабул қилган қарори билан 2020 йил 1 июндан бошлаб «яшил» ҳудудларда бир қатор фаолият турлари қаторида оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни ўтказишга ҳам рухсат берилди. Бунда тантана ва маросимлар фақатгина фуқароларнинг уй-жойи ва ҳовлисининг ўзида 30 кишидан кўп бўлмаган ҳолда ўтказилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Бундай чора-тадбирлар инфекция тарқалиши хавфини камайтиришга ёрдам бериши кўзда тутилган.

Шунга қарамай, мазкур тартиб-қоидаларга аҳоли орасида риоя этилмаслиги, тўй-ҳашам ва бошқа тантаналарда кўплаб инсонларнинг тўпланиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу эса, ушбу жабҳада назоратни, айниқса, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш кераклигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, COVID-19 пандемияси бутун дунёда улкан муаммоларни келтириб чиқармоқда. Давлатлар олдида пандемияга қарши чоралар кўришда инсон ҳақ-ҳуқуқларини имкон даражасида чекламаслик вазифаси турибди. Мамлакатимиз ҳам глобал дунёнинг бир бўлаги сифатида пандемия таъсиридан четда қолмади. Ўзбекистонда ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли ҳозирда коронавирус инфекцияси тарқалиши жиловлаб турилибди. Республикамизда пандемия даврида карантин шароитида кўплаб ижтимоий фаолият турларида муайян ўзгаришлар жорий этилди. Жумладан, никоҳ шартномаси тузиш ва оила қуриш жараёнлари ҳам пандемия даври шароитларига мослаштирилди, бу жараён узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Никоҳ тузиш ва оила қуриш табиий демографик жараён, ҳар бир шахснинг чеклаб бўлмас ҳуқуқи бўлгани боис уни пандемия даврида тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмас.

Мамлакатимизда никоҳ тузиш ва оила қуриш жараёнини пандемия даври карантин шароитларига янада мослаштириш, шунингдек, бугунги ҳодисалардан хулоса чиқариб, айрим ўзгаришлардан пандемиядан кейинги даврда ҳам фойдаланиш мақсадида қуйидаги таклифларни билдиришни ўринли деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, никоҳ шартномаси учун онлайн ариза топшириш шаклини пандемиядан кейин ҳам сақлаб қолиш керак;

иккинчидан, тиббий кўрик маълумотномасини ФХДЁ органига етказишда, шунингдек, гувоҳлар иштирокида никоҳ шартномаси тузишда онлайн тарзда олдиндан маълум бир вақтни белгилаш ва белгиланган вақтдагина ФХДЁ органига бориш тартибини йўлга қўйиш зарур;

учинчидан, гувоҳлар иштирокида никоҳ шартномаси тузиш жараёни ижтимоий масофа сақлаган ҳолда, махсус дезинфекцияланган хоналарда ўтказилишини таъминлаш лозим;

тўртинчидан, тўй ва бошқа оилавий маросимларни Республика махсус комиссияси рухсат берган шаклда ўтказиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур;

бешинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали тўй-ҳашамларни ихчам шаклда карантин талаблари асосида ўтказиш тўғрисида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

ЭРНАЗАРОВ Эркин,

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журнали

бош муҳаррирининг ўринбосари

Аннотация. Мақолада глобал коронавирус пандемияси шароитларида Ўзбекистонда каттаёшдаги фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда кенг фойдаланиш масалалари баён қилинган.

Калим сўзлар: кексалар, коронавирус пандемияси, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсия таъминоти.

Abstract. The article focuses on the issues of social support for senior citizens in the context of the global COVID-19 pandemic, the extensive use of their rich life experience to improve the socio-spiritual climate in makhallas (local communities).

Keywords: senior citizens, coronavirus pandemic, social support, pension provision.

Аннотация. В статье изложены вопросы социальной поддержки пожилых граждан в условиях глобальной пандемии коронавируса, широкое использование их богатого жизненного опыта для улучшения социально-духовного климата в махаллах.

Ключевые слова: пожилые граждане, пандемия коронавируса, социальная поддержка, пенсионное обеспечение.

Халқимизда азал-азалдан ёши улуг кексаларга эҳтиром кўрсатиш эзгу инсонпарварлик фазилати шаклланган. Маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган бу миллий анъанамиз “Қариси бор уйнинг – париси бор”, “Қариялар – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси”, “Қари билганини пари билмас”, “Қариликни донолик безар”, “Қар кексада бир накл” каби ҳикматларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат парламентиغا Мурожаатида ҳам “Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратиладиган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқилиши керак” деб алоҳида таъкидлаган¹.

Жаҳонда хавфли коронавирус инфекциясининг тарқалиши сабабли, катта ёшдаги фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бериш заруратга айланди. Чунки ёш улғайиши билан инсон иммунитетининг юқумли касалликка бардош бериш қобилияти сусайиши табиий ҳол. Кексалар, сурункали касалликлари мавжуд ва иммунитети пасайган одамларда касалликнинг оғир кечиши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун коронавирус инфекцияси тарқала бошланиши биланоқ, 65 ёшдан ошган кишилар, биринчи навбатда, ўзини ўзи яқкалаш тартибига ўтказилди.

Шу билан бирга, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чоралари кўрилди. Хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлар бепул таъминланадиган асосий озик-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида бир марталик никоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси билан тўлдирилди. Ижтимоий нафақалар ва моддий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2020. – 25 январь.

ёрдам тўлашни узайтириш билан боғлиқ харажатлар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қопланадиган бўлди¹.

Ўзбекистонга коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ҳамда коронавируснинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус штабининг қарорига мувофиқ пенсионер ва нафақа олувчиларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига кўра, республикадаги эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар 2020 йилнинг май ойидан пенсия ва нафақаларни тўлаш тўлиқлигича банк пластик карталари орқали амалга ошириш белгиланди.

Пенсия ва нафақа олувчиларга очилган банк пластик карталари маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича белгиланган пенсия ва нафақаларни етказиш графикларига мувофиқ, “Халқ банки”нинг сайёр кассалари томонидан фуқароларнинг яшаш манзилларига етказилади. Пенсия ва нафақа олувчиларга очилган банк пластик карталари учун фуқаролардан ҳеч қандай тўлов ва ҳақ олинмайди. Сайёр кассалари томонидан банк пластик карталарини етказиш чоғида, фуқароларнинг хоҳишига асосан банк картасидаги пуллар фойсиз нақдлаштириб берилади.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин даври аҳолининг ижтимоий таъминотига ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмаслигига эришиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз фаолиятини масофавий ва “онлайн” тарзда йўлга қўйди. Замонавий веб-технологиялар асосида ишлаб чиқилган “Пенсия” дастурий мажмуаси ёрдамида тизимдаги барча мутахассислар билан масофадан туриб ишлаш йўлга қўйилди. Хизмат кўрсатишнинг “онлайн” тартибига ўтилиши, пенсиялар, нафақалар, компенсация пуллари ва бошқа тўловларнинг молиялаштирилиши ва улар устидан назоратни олиб бориш фаолиятини такомиллаштириш имконини берди.

Ўзбекистондаги демографик вазият аҳоли умумий сони таркибида пенсия ёшидагилар салмоғи ортиб бораётганлигидан далолат беради. Статистика маълумотларига кўра, агар 2010 йилда пенсия ёшидагилар аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ортган, 2025 йилга бориб эса 11 фоизга етиши башорат қилинмоқда.

Пенсия таъминоти тизими меҳнатга лаёқатсиз ва кам таъминланган фуқароларни турмуш даражасини таъминлашга ва кўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳукукий, ижтимоий ва ташкилий характерга эга бўлган қатор чора-тадбирлар комплексининг амалга оширилишини назарда тутди. Ушбу тизим ҳозир мамлакатимизда 3,3 миллиондан ортиқ фуқароларни қамраб олган. Шу жумладан, ёшга доир пенсия олувчилар – 2502,6 минг, ногиронлик пенсиясини олувчилар – 360,3 минг, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар – 168,5 минг ва ижтимоий нафақа олувчилар – 294,1 минг нафарни ташкил этади².

Дунёда эркаклар ва аёллар учун ўртача пенсия ёши 62 ёшни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 57,5 ёш эканлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Қарилик бўйича биринчи ялпи пенсия таъминоти Пруссияда канцлер Отто фон Бисмарк томонидан 1889 йилда мамлакатнинг бутун аҳолиси учун жорий этилган. Ушбу давлатнинг пенсия таъминоти мажбурий ижтимоий суғурталашга асосланган. Мазкур тизим жаҳондаги аксарият мамлакатлар учун намуна вазифасини ўтаган. Қарилик бўйича пенсиялар Янги Зеландияда – 1898, Австралияда – 1908, Голландия ва Швецияда – 1913, Италияда – 1919, Канадада – 1927, АҚШда – 1935 йилда жорий этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари // <http://pfru.uz>.

1891 йилда эса, жаҳонда биринчи марта Данияда қарилик бўйича пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ, мамлакатнинг 60 ёшга тўлган ҳар бир фуқароси даставвал ижтимоий суғурталаш учун бадал тўламасдан давлат газнаси ва маҳаллий жамоаларнинг даромадлари ҳисобидан умрининг охиригача тўғридан-тўғри пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган. Данияда қарилик бўйича пенсиянинг миқдори бугунги кунда ҳам жаҳонда энг юқоридир.

Пенсия таъминотининг асосий уч модели мавжуд:

1. Ижтимоий ёрдам. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида у камбағалликка қарши кураш механизми ҳисобланади.

2. Барча иш билан бандларни ва аҳолининг мустақил равишда ўзини-ўзи иш билан таъминлаётганларни мажбурий пенсия суғуртаси тизими.

3. Шахсий қўнғилли пенсия суғуртаси тизими.

Ушбу моделларни қўллаш давлат пенсия тизимининг икки асосий функцияси: даромадларни қайта тақсимлаш ва пенсия тўлашга маблағларни жамғариш мақсадлари учун хизмат қилади.

Давлат томонидан барча пенсионерлар учун улар ҳар бирининг ушбу тизимга шахсий ҳиссасидан қатъи назар базавий пенсиясини таъминлаш ушбу тизимнинг биринчи таянч қисми ҳисобланади. Ушбу дастурни молиялаштиришнинг манбаси солиқлардир. Мазкур солиқларнинг турлари ҳар бир муайян давлатнинг қонунчилик асосларига боғлиқдир.

Бу тизимнинг иккинчи таркибий қисми иқтисодий фаол аҳолининг мажбурий пенсия суғуртаси тизимида иштирок этишини назарда тутди. Пенсия учун маблағларни мажбурий жамғариш кўпчилик ёлланма ходимларнинг ўз пенсия таъминоти учун етарлича маблағ тўплай олмаслиги билан изоҳланади.

Давлат пенсия тизимининг учинчи таркибий қисми айрим ҳолатларда юқоридаги иккинчи таркибий қисм ўрнига қўлланилади. У ходимларни ўз пенсияси учун ихтиёрий равишда шахсий даромадларидан маблағ жамғаришга даъват этилган¹.

Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда демографик муаммолар (аҳолининг қариши) муносабати билан давлатнинг пенсия сиёсати қайта кўриб чиқилмоқда. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларида қарилик пенсиясига чиқишнинг ўртача ёши 65 ёшдир. 2010 йилда Европа Иттифоқи Комиссияси пенсияга чиқиш ёшини 70 ёш деб белгилаш тавсиясини берган.

Аҳолининг кексايши – аҳоли умумий сонидан катта ёшдагилар улушининг ортишидир. Одатда демографик қариш аҳоли таркибида 60–65 ёшдагиларнинг улушига қараб аниқланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари дунё мамлакатларида демографик қаришни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келди:

- 36 та мамлакатнинг аҳолиси демографик қаришнинг жуда юқори даражасида;
- 7 та мамлакатнинг аҳолиси демографик қаришнинг ўртача даражасида;
- 9 та мамлакатнинг аҳолиси демографик қаришнинг бошланғич бўсағасида;
- 10 та мамлакатнинг аҳолиси демографик қариш бўсағасида;
- 17 та мамлакатнинг аҳолиси демократик қаришнинг биринчи бўсағасида;
- 100 та мамлакатнинг аҳолиси демографик ёш.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг прогнозларига мувофиқ, 2050 йилга бориб дунёда энг юқори демографик қаришнинг даражаси 72,7 % га етиши тахмин қилинмоқда. Аҳолининг қариши натижасида пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Чунки, мамлакатда пенсионерлар улуши тобора кўпайиб боргани ҳолда пенсия жамғармаларига бадал тўлаб борадиган иш билан банд бўлганлар салмоғи қисқаради.

Ўзбекистонда 60 ёшдаги ва ундан юқори ёшдагилар аҳолининг 9,0 % ни ташкил этади ва мамлакат аҳолиси ҳозирча демографик нуқтаи назардан ёш ҳисобланади. Кекса ёшдаги фуқароларимиз пенсияга чиққандан кейин ҳам мамлакатимизнинг жамоат ва ижтимоий-

¹ Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр. – Т.: “Фан” нашриёти, 2019. – Б. 492–493.

иқтисодий ҳаётида тенг иштирок этиб, ёшларга ўзларининг касбий маҳорати, бой ҳаётӣ ва меҳнат тажрибаларини ўргатмоқдалар. Мамлакатимизда ана шундай 118 минг нафардан зиёдроқ ишловчи пенсионерлар мавжуд. 2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўланадиган бўлди.

Бундан ташқари, юқори иш ҳақи ҳисобидан пенсияга чиққан фуқароларга муносиб пенсия миқдорини белгилаш орқали ижтимоӣ адолат принципини қарор топтириш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилди. Ҳолбуки, илгари амалдаги тартибга асосан, юқори миқдорда ойлик иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсияни ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олиниб, ундан юқори қисми ҳисобга олинмас эди¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1 октябрь – “Халқаро кексалар куни”, деб эълон қилинган. Бу санани ҳар йили мамлакатимизда муносиб нишонлаш, кекса авлод вакилларини ижтимоӣ ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечиришларини таъминлаш, бой ҳаётӣ тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди.

Кексаларнинг муаммоларини манзилли ўрганиш ва бартараф этиш, кекса авлод вакилларининг бой ҳаётӣ тажрибасидан оилалар ва маҳаллаларда ижтимоӣ-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда кенг фойдаланиш, уларнинг ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлаш учун фуқаролар йиғинларида “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилди.

Ушбу гуруҳларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- маҳаллаларда аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва идоралар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаш-тириш тўғрисида”ги Фармони асосида маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;
- ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва огоҳлигини ошириш, жаҳолатга қарши таъсирчан ҳамда кучли маърифат тарғиботини, умумтаълим мактабларида қийиниш маданияти, ўқувчиларнинг давоматини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;
- кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоӣ фаоллигини ошириш, маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш, миллий урф-одат, анъана ва маросимларни ташкил этиш ҳамда ўтказишда йўл-йўриқ кўрсатиш;
- маҳаллаларда ижтимоӣ-маънавий муҳитни барқарорлаш-тиришда фуқаролар йиғинига кўмаклашиш;
- кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ёлғиз, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоӣ қўллаб-қувватлашда давлат ва жамоат ташкилотларига кўмаклашиш;
- маҳаллаларда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия машғулотлари гуруҳларини шакллантириш, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиш;
- ижтимоӣ, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуснинг маҳаллаларда амалга оширилишида фаоллик кўрсатиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоӣ қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон

– лоқайдлик, оилавий келишмовчиликлар ва ёшлар ўртасида «оммавий маданият» кўринишидаги салбий иллатлар тарқалишини олдини олиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жамоатчилик муносабатини шакллантириш;

– кексалар орасида спорт-соғломлаштириш, муваффақиятли қариш, саломатлик учун шахсий масъулиятни юксалтириш каби тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

– ижтимоий ҳимояга олинган ёлғиз кексаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилиши, қаровчисиз қолган фуқароларнинг амбулатор-стационар ҳамда уй шароитида даволаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга тиббий-ижтимоий хизматларнинг ташкил этилишини назорат қилиш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган пенсия ёшидаги кишиларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви, бандлигини таъминлаш, пенсия ёшидаги кишилар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этилишига кўмаклашиш;

– “Мурувват” ва “Саховат” уйлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб бориш, эҳтиёжманд, боқувчисиз қолган ёлғиз кексаларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш;

– тўй ва бошқа оилавий тадбирларни ихчам, ижтимоий табақаланишга йўл қўймаган ҳолда ўтказиш бўйича маҳаллада тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

– илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, касаначилик, томорқа маданияти, тадбиркорлик каби турли соҳалар бўйича катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга кексалар иштирокида аҳоли орасида тадбирлар ўтказиш;

– Ҳаж ва Умра зиёратларига тавсия этиладиган фуқаролар бўйича таклифлар бериш;

– ёлғиз кексалар ҳамда пенсионерлар учун тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларга мунтазам саёҳатлар уюштириш¹.

“Кексалар ҳафталиги” давомида ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож қатлам учун тор мутахассислар ҳамда кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорларидан иборат таркибда “Тиббиёт автобуси” ташкил этилиб, улар кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишди. Шунингдек, кекса авлод вакиллариининг имтиёзли тарзда театр ва музейларга, тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳларга ташрифлари амалга оширилади. “Ҳар куни 5 минг қадам” шиори остида ўтадиган пиёда юриш марафонлари эса кексалар саломатлигини сақлашда муҳим омил бўлади.

Кексалик комиллик фасли, инсон ўз қилган меҳнатларининг меvasини, роҳатини кўрадиган даврдир. Шунинг учун улар умрнинг ҳар дами ғанимат эканлиги, ҳар бир кунни яхшилиқлар, эзгуликлар йўлига сарфлаш зарурлигини ҳис этган ҳолда жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Кекса авлод вакиллариининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.09.2019 й., 09/19/816/3823-сон.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

КОМИЛОВ Авазбек

Мустақил изланувчи, Ўзбекистон Республикаси

Бош прокуратураси Академияси катта ўқитувчиси,

Аннотация: мазкур мақолада коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органларининг вазифалари ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари ёритилган. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тадбиркор, прокуратура органлари, прокурор назорати, вазифа, ҳуқуқий асос.

Annotation: This article outlines the objectives of prosecutorial bodies and legal basis of their activity during the coronavirus pandemic. Legal basis of prosecutorial supervision over the execution of laws on legal protection of entrepreneurs are analyzed.

Key words: entrepreneur, prosecutorial bodies, prosecutorial supervision, objective, legal basis.

Аннотация: в данной статье рассмотрены задачи органов прокуратуры и правовые основы их деятельности по защите прав предпринимателей в период коронавирусной пандемии. Проведен анализ правовых основ прокурорского надзора в сфере исполнения законодательства по правовой защите предпринимателей.

Ключевые слова: предприниматель, органы прокуратуры, прокурорский надзор, задача, правовая основа.

Бугунги кунда ҳар қандай давлат иқтисодиётининг тараккий этиши тадбиркорлик соҳаси билан чамбарчас боғлиқ. Ўз навбатида, давлат ҳам тадбиркорликнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, эмин-эркин ривожланиши учун қулай шароит яратишни ўз олдига энг асосий вазифалардан бири сифатида қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тадбиркорлик фаолиятининг тўсқинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар, ўз-ўзидан, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бирок, жаҳон микёсида коронавирус инфекцияси тарқалиши мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди. Ўз навбатида, глобал

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришни тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 15.

иктисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иктисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир килмоқда, бу эса ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар қўришни талаб қилади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

Юридик адабиётларда пандемия шароитида давлат ўз ваколати доирасида тадбиркорлик субъектлари учун маънавий ёрдам, кредитлар ва субсидиялар тизимини яратиши, буларнинг барчаси тадбиркор учун пандемия сабабли вужудга келадиган салбий оқибатларни юмшатишга қаратилганлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади¹. Шу сабабли, прокуратура органларининг бутун диққат-эътибори мазкур жараёнларда қонунлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, пандемия даврида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорларга босим ўтказилишининг олдини олиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашув, уларни ноқонуний текширишга йўл қўймаслик кабиларга қаратилмоғи лозимдир. Ўз-ўзидан равшанки, прокуратура идоралари томонидан ушбу йўналишда ишларни ташкил этишда унинг ҳуқуқий асослари алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти муҳим ва долзарб, аҳамияти бугунги ва эртанги кун учун ниҳоятда юқори бўлган соҳа бўлиб, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокуратура органларига тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи бошқа қонун ҳужжатлари билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилмаган қўшимча вазифа ва ваколатлар ҳам юклатилади. Чунки, “тадбиркорлик фаолияти ҳар доим муайян ҳуқуқий майдонда амалга оширилади, муайян ҳуқуқий нормалар таъсирида бўлади. Давлат қонунлар ва қонуности ҳужжатлари орқали тадбиркорлик субъектлари фаолиятига мақсадга мувофиқ таъсир қилади, йўналтиради”².

Бу ўринда Т.Гарретнинг қонун ҳужжатлари тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳитини шакллантиришда бекиёс аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги қарашлари диққатга сазовор. Унинг фикрича, ҳукумат тадбиркорлик ва иқтисодий ўсиш ҳамда ривожланиш ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, сиёсат юритади. У асосан фаол ва нофаол сиёсат тарзида амалга оширилади. Нофаол сиёсат ўзида тадбиркорликни рағбатлантирувчи ишчан муҳитни таъминлаш ва бизнес юритиш харажатларини қисқартиришга қаратилган қонунлар ҳамда норматив ҳужжатларни қамраб олади. Нофаол сиёсат юритишда ҳукуматнинг вазифаси муайян ташкилот ёки шахслар гуруҳи учун эмас, тадбиркорлар учун дўстона муҳит яратишдан иборат. Тадбиркор учун айнан ушбу қулай муҳит ҳар қандай инсон ёки бизнес учун унинг қўлами, ҳудудий жойлашуви ёки миссиясидан қатъий назар, кенгайиш ва гуллаб-яшаш имконини беради³.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган асосий ва умумий аҳамиятдаги нормалар тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг навбатдаги ҳуқуқий асослари бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, Ер, Божхона, Солиқ ва Иқтисодий процессуал кодекслари, қонунлар, шу жумладан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар

¹ Окилов О. Пандемия ва бизнес // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lesson press”. 2020. – Б. 170.

² Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялашга оид қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати: услубий қўлланма / – Т.: «NAFIS BEZAK», 2011. – Б. 34.

³ Thomas A. Garrett. Entrepreneurs Thrive in America – Federal, State Policies Make a Difference for Those Facing Risk // Spring-2005 | Bridges. – 5 p // Электрон манба: (мурожаат вақти: 08.07.2020).

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларида ривожлантириб борилган. Улар тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиши билан бир қаторда, ўз навбатида, тадбиркорлар учун ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида учрайдиган турли тўсиқ ва муаммоларни енгиб ўтишда ёрдам бери.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ичида қонун ости ҳужжатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари алоҳида ўрин эгаллайди. Профессор О.Оқюлов таъбири билан айтганда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини қонуний асослари туркумида қонунлардан қўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари алоҳида бунёдкорлик ва услубий методологик аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этиш жоиз. Президент конституциявий ваколатлари асосида мамлакат иқтисодий ривож стратегик йўналишлари ва мақсадларини белгилаш вазифаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларини махсус ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими асосларини шакллантирди. Агар бу борада қабул қилинган Президент фармонлари тизимли таҳлил этилса, уларни нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжат, балки ўзига хос концепция – методологик характерга эга сиёсий ҳужжат сифатида ҳам баҳолаш мумкин¹.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этди. Масалан, Фармоннинг 5-бандига асосан, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этмаслик тартиби жорий этилишининг ўзи тадбиркорлар учун жуда катта амалий ёрдам бўлди².

Бундан ташқари, пандемия даврида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларида прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий ҳамда ташкилий буйруқлари катта роль ўйнайди ва улар мазкур назорат йўналиши ҳуқуқий асосларининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Чунки, баъзи тадқиқотчилар қайд этганидек, прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибга солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади³.

Хусусан, Бош прокурорнинг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғининг 4-бандида прокуратура органлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида назорат тадбирларини ўтказишда барча давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан:

– тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир қонун ҳужжатлари ижросига;

¹ Оқюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография / Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, юридик фанлар доктори, профессор Ҳ.Р.Раҳмонқулов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 58.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.07.2020 й., 06/20/6027/1071-сон.

³ Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // «Вестник ТГУ», 2015, №5 (145). – С. 203.

– тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, тўскинлик қилиш, фаолиятини асоссиз тўхтатиш, қонунчиликда назарда тутилмаган ахборот, ҳисобот, маълумот ва бошқа ҳужжатларни асоссиз талаб қилишнинг олдини олишга;

– хом ашё ва бошқа моддий ресурслар, шу жумладан, кредит маблағларидан фойдаланилиши, тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар тақдим этилишига оид қонун ҳужжатлари ижросига;

– хўжалик юритувчи субъектларни текшириш тартиби, даврийлиги ва муддатларига риоя этилишига, хўжалик фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари сўзсиз таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиши, бу борада йўл қўйилган қонунбузилишларнинг ҳар бир ҳолати юзасидан айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланиши лозимлиги қайд этилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд этишни истардикки, гарчи тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмаса-да, бизнингча, прокуратура органларининг ҳайъатлари қарорлари ҳам пандемия даврида тадбиркорларни ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси саналади. Сабаби, Бош прокуратура, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳайъат қарорларида пандемия дарида тадбиркорларни ҳимоя қилиш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар баён этилмоқда, қуйи прокурорлар эса ҳайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолиятларини режалаштирмоқдалар ва ишларни ташкил қилмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 2020 йил 6 августда ўтказилган мажлисининг 6-сон баённомасида Бош прокуратуранинг тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги прокурорлар ҳамда Департаментнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқларидан коронавирус пандемияси туфайли мамлакатда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда зиммаларига юклатилган вазифаларни сўзсиз бажариш, қатъий тартиб ва интизомга риоя этиш, юксак масъулият ва фидойилик кўрсатиш талаб этилган. Шу билан бирга, улар олдида иқтисодиёт тармоқларининг барқарорлигини сақлаш, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал қилиш ва фаолиятини тиклаб олишга қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиш, пандемия даврида тадбиркорларга имтиёзлар берилишига оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш, имтиёз қўллашни асоссиз рад қилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш каби вазифалар қўйилган.

Умуман олганда, коронавирус пандемияси даврида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича прокурор назорати йўналишида ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда ҳуқуқий асослар прокуратура органлари фаолиятининг пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу фаолият самарали, мақсадли, айти пайтда, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, иқтисодий тизимни барқарор ишлашини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш вазифалари билан уйғун бўлиши лозим. Прокурор назоратининг иш услуби мазкур мураккаб пандемия шароитида прокуратура ва тадбиркорлар ўртасида мавжуд муносабатларга, шунчаки, субъект ва объект муносабати нуктаи назаридан эмас, балки жонли мулоқот, хайрихоҳлик, қўллаб-қувватлаш руҳида амалга оширилмоғи зарур бўлади.

III БОБ.

КОРОНАВИРУС

ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА

СУД АМАЛИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШИКОЯТ ИНСТИТУТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

ҒАФУРОВ Аскар,

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

Аннотация. Ушбу мақолада конституциявий назорат, конституциявий назоратни кучайтириши, конституциявий қонунийлик ва ҳуқуқ устуворлиги принциплари, Ўзбекистон Республикасида конституциявий шикоят институтини жорий этиши, хорижий мамлакатларда конституциявий шикоят институти моделлари, конституциявий шикоятларни қўриб чиқишнинг тартиб-таомиллари, пандемия шароитида суд ишларини юриштишни йўлга қўйиши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: конституциявий назорат, конституциявий шикоят, Конституция ва қонунлар устунлиги, конституциявий қонунийлик, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, пандемия шароити.

Abstract. In this article analyses the issues of constitutional control, strengthening constitutional control, effective implementation constitutional legalities, introduction of constitutional complaint in the Republic of the Uzbekistan, models of constitutional complaints in foreign countries, specific procedures of consideration of a constitutional complaint, legal proceedings in the context of a pandemic.

Key words: constitutional control, constitutional legality, rule of the Constitution and Law, the Constitutional court of Republic of the Uzbekistan, legal proceedings, the context of a pandemic.

Аннотация. В статье анализируются вопросы конституционного контроля, обеспечения конституционной законности, внедрения института конституционной жалобы в Республике Узбекистан, модели конституционной жалобы в зарубежных странах, процессуальные особенности рассмотрения конституционной жалобы, вопросы налаживания судопроизводства в условиях пандемии.

Ключевые слова: конституционный контроль, конституционная жалоба, приоритет Конституции и законов, конституционная законность, Конституционный суд Республики Узбекистан, в условиях пандемии.

Конституциявий судлов институтининг муҳим вазифаларидан бири инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашдан иборат. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга

мослигини таъминлаш, бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш ва пировард натижада мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир. Унинг вазифаси қонунлар ва Олий Мажлис палаталари қарорларининг, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга мазкур суднинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча принципиал янгиликлар киритилди. Хусусан, Конституциявий суд таркибини шакллантириш янада демократлаштирилди. Конституциявий суд судьялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди. Айни пайтда, Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Конституциявий судга конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангунга қадар ўрганиш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар юклатилди. Конституциявий судга кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди. Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муножаатларни ҳам кўриб чиқиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда, мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашдаги ролини ошириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида “мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида конституциявий назоратни кучайтиришимиз зарур. Бу эса, пировард натижада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг шаъни, кадр-қиммати, мол-мулкнинг дахлсизлигини сақлаш, фуқароларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш каби энг асосий ҳуқуқларини тўла таъминлаш имконини беради”¹, деб таъкидлаган эди.

Мазкур вазифадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унда Конституциявий судга масалалар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларни киритиш орқали кенгайтириш белгилаб қўйилди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // <https://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-u-u-iy-demokratik-davlat-v-07-12-2019>.

Ушбу масалани ҳал этиш “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга принципиал характерга эга бўлган жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади. Бу шунчаки қонунни такомиллаштириш йўлидаги навбатдаги тадбир эмас, балки давлат ва жамиятни янада демократлаштириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини жорий этишни назарда тутди. Фуқаролар Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини Конституцияга зид бўлган қонун ҳужжатлари билан бузилган ҳолларда, Конституциявий судга мурожаат қилиши юридик адабиётларда “конституциявий шикоят” деб юритилади.

Умуман олганда, фуқароларнинг Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси мазмунидан келиб чиқади. Унга кўра, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”. Ушбу конституциявий норма фуқароларни одил судловга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Одил судловга бўлган ҳуқуқ конституциявий одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳам ўз ичига олади.

Россия Федерацияси Конституциявий судининг раиси В.Д.Зорькин “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доктринасини ишлаб чиқишда кенг маънода жисмоний ва юридик шахсларга конституциявий судлов органига шикоят билан мурожаат қилиш сифатида тушуниладиган конституциявий одил судловга эга бўлиш муаммосига алоҳида эътибор қаратиш лозим”, деб таъкидлайди¹. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун фуқароларга конституциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий шикоят институтининг қўлланилиши Конституциявий суд фаолиятининг том маънода мазмуни ва моҳиятини белгилаб беради, аксинча, унинг йўқлиги конституциявий назоратнинг аҳамиятини пасайтиради.

Конституциявий шикоят институтининг мазмуни ва моҳияти фуқаронинг конституциявий назорат органига ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш талаби билан мурожаат қилишдан иборат. Конституциявий шикоят институти суд ҳимоясигина эмас, балки миллий қонун ҳужжатлари сифати ва самарадорлигини оширишга ҳам таъсир қиладиган ҳуқуқий воситадир.

Конституциявий шикоят институтининг хусусияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа механизмларидан фарқли равишда шикоят предмети у ёки бу давлат органи ёхуд мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати эмас, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Яъни, Конституциявий судда конституциявий шикоят доирасида ўрганилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция принциплари ва нормаларига мувофиқлиги нуктаи назаридан текширилади.

Россиялик олим В.С.Кухливскийнинг таъкидлашича, конституциявий шикоят моддий-ҳуқуқий маънода шахсни норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириш талаби билан бевосита конституциявий назорат органига мурожаат қилишини англатади².

Эътироф этиш керакки, конституциявий шикоят институтининг жорий қилиниши конституциявий ҳуқуқ фани назариясининг ривожланишига, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, демократия ва фуқаролик жамиятининг қарор топишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда конституциявий назорат институтини такомиллаштириш бугунги кунда ҳаётий зарурат тақозосидир. Бинобарин, конституциявий шикоят институтини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, айниқса, Европа ва

¹ Зорькин В.Д. Конституционный суд России: доктрина и практика. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2018. – С. 56.

² Қаранг: Кухливский В.С. Конституционная жалоба как элемент правозащитного механизма в Российской Федерации и иных государствах-членах СНГ: автореферат дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2016. – С. 11.

МДХ давлатларининг бу борадаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда конституциявий шикоят институтини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Конституциявий назоратни амалга оширишда ривожланган демократик давлатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, жаҳонда конституциявий назоратни амалга оширишнинг америка ва европа моделлари шаклланганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Бугунги кунда 164 дан зиёд мамлакатда конституциявий назорат амалга оширилади. Шундан 74 та мамлакатда европа модели, 48 тасида америка модели, 30 тасида эса юқоридаги икки моделга асосланган “аралаш” модель амал қилади¹.

Америка моделининг ўзига хослиги шундаки, конституциявий назорат функцияси умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади. Яъни, бундай тизимга асосланган давлатларда конституциявий судлар ташкил этилмаган. АҚШ, Аргентина, Мексика, Норвегия, Япония, Канада, Малайзия ва Ҳиндистон каби давлатларда конституциявий назорат институти америка моделига асосланган.

Конституциявий назоратнинг европа моделида назорат махсус орган – Конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Германия, Испания, Бельгия, Венгрия, Россия, Корея, Туркия ва МДХ мамлакатларида конституциявий судлар мавжуд, яъни ушбу давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда конституциявий назорат европа моделига асосланган.

Конституциявий шикоят институтининг турли мамлакатлар конституциявий судларида қўллаш билан боғлиқ масалалар “Хуқуқ орқали демократия сари” Европа комиссияси (Венеция комиссияси)нинг 2011 йил 27 январда эълон қилган “Конституциявий одил судловга тўғридан-тўғри эришиш”² номли маърузасида батафсил таҳлил қилинган.

Европа мамлакатларида конституциявий шикоят институти XX асрнинг иккинчи ярмида конституциявий назорат институтини ташкил этилиши билан боғлиқ бўлса, МДХ давлатларида XX асрнинг охириги ўн йиллигида, яъни собиқ совет республикаларининг мустақил давлат сифатида ривожланиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда конституциявий шикоят институти МДХ мамлакатларидан фақат Беларусь ва Қозоғистонда мавжуд эмас.

Украинада конституциявий шикоят институтини жорий қилиш борасида 2016 йилда Украина Конституциясига 151¹, 151²-моддаларнинг киритилиши билан биринчи кадам қўйилди³.

Айрим давлатларда конституциявий шикоят институти барча турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича эмас, балки фақат қонунларни конституциявийлиги юзасидан шикоят бериш тартиби жорий этилган. Жумладан, Украина ва Россия Конституциявий судида конституциявий шикоят институти айнан шу тартибга асосланади.

Конституциявий судга мурожаат қилишнинг пировард мақсади қонунни Конституцияга мувофиқ эмас, деб топишдан иборат. Конституциявий шикоятни кўриб чиқиш бўйича конституциявий судлов ишини юритишда тараф бўлиб, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини бузаётган қонунни қабул қилган орган тимсолида давлат ва фуқаро бўлиши мумкин.

Муайян ишда қўлланилган қонун ёки унинг бир қисми конституциявийлигини текшириш тўғрисидаги фуқаро ёки юридик шахснинг талаби шикоят предмети ҳисобланади. Конституциявий шикоятга асос бўлиб, мурожаатчининг фикрича, қонунни Конституцияга номувофиқлиги бўйича ноаниқлик мавжудлиги ҳисобланади.

Конституциявий назорат институти мавжуд бўлган аксарият давлатларда фуқаролар ва юридик шахсларга ўз конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Масалан, Испания Конституциясининг 161.1-моддасида Конституциявий судни қонунлар ва қонун кучига эга бўлган норматив

1 Қаранг: <http://www.concourt.am/Books/harutunyan/monografia/kontr-2.html>.

2 Қаранг: [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=cdl-ad\(2010\)039rev-rus](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/default.aspx?pdffile=cdl-ad(2010)039rev-rus).

3 Қаранг: Внедрение института конституционной жалобы в Украине // https://dominanta.od.ua/news/vnedrenie_instituta_konstitucionnoj_zhaloby_v_ukraine.

хужжатларни конституциявийлиги тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ваколати мустаҳкамланган¹.

Польша Конституциясининг 79-моддасига кўра, конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар бир киши конунни Конституцияга мослиги тўғрисидаги масала билан Конституциявий трибуналга шикоят қилиши мумкин².

Германияда “Ўзининг асосий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблайдиган ҳар бир шахс бирор бир ҳаракатни конституцияга зидлиги юзасидан шикоят билан Федерал Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин”³. 2000 йилларда бир йилда Германия Конституциявий судига 5 мингдан зиёд шикоятлар келиб тушган. Бу судда иш ҳажмининг кескин ошишига олиб келган. Шундан кейин конституциявий шикоятларни дастлабки тарзда ўрганиш йўлга қўйилиб, формал ва юридик жиҳатдан талабларга жавоб бермайдиган шикоятлар кўрилмай қолдирилган. Шу йўл билан мурожаатларнинг 2–2,5 фоизи Конституциявий суд томонидан кўриб чиқилган⁴.

Бугунги кунда Германия Конституциявий судига ҳар йили фуқаролардан 6 мингга яқин шикоятлар келиб тушади. Россияда бу рақам 14–15 мингга ташкил этади. Бу давлатларда конституциявий судлар томонидан кўриб чиқилган ишларнинг аксарият қисми конституциявий шикоятлар асосида кўрилади.

Озарбайжонда “Конституциявий суд тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг, фуқаролардан 3 мингдан зиёд шикоят келиб тушган, шундан фақат 38 таси кўриб чиқиш учун қабул қилинган, 26 таси бўйича қарор қабул қилинган⁵.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, конституциявий шикоят институтининг муайян салбий томони ҳам мавжуд бўлиб, Конституциявий судда иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ошириб кетиши ва ишларни кўриб чиқиш муддатларига риоя қилишнинг қийинчилигини келтириб чиқаради.

«Конституциявий судга фуқаролар мурожаатларининг кўпайиши, – деб таъкидлайди, Словения Конституциявий судининг судьяси М.Крамберг, суд фаолиятини тўхтатиб қўйишга (блокировка) олиб келиши мумкин. Суд мазкур жараёни чеклаш масаласини ўйлаб кўриши керак ёки ўз ваколатини чеклаш йўли билан ёхуд судьялар сонини ошириш билан... Конституциявий шикоятлар Конституциявий суд ваколатига тааллуқли умумий мурожаатларнинг 70 фоизини ташкил этади. Бироқ, 95,6 фоиз ҳолатда мурожаатчиларга уларнинг шикоятини кўриб чиқиш рад этилган”⁶.

Литва Конституциявий суди раиси Эгидиус Курис (2002–2008) фикрича, “фуқароларга Конституциявий судга мурожаат қилишда чексиз имкониятлар яратилиши Конституциявий судда иш ҳажмининг ортиши, суд жараёнининг чўзилиб кетиши, натижада ишларни кўриб чиқиш сифатига таъсир қилади”⁷.

Шубҳасиз, фуқароларнинг Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари бўйича чекловларнинг йўқлиги муайян мезонлар ва тегишли “филтер тизими”ни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди⁸.

¹ Қаранг: Испания Қироллиги Конституцияси // <https://legalns.com/download/books/cons/spain.pdf>.

² Қаранг: Польша Республикаси Конституцияси // <https://legalns.com/download/books/cons/poland.pdf>.

³ Саидов А. Конституционное путешествие по Германии. – Т.: Национальный центр по правам человека, 2019. – Б. 100.

⁴ Қаранг: Конституционный контроль в зарубежных странах / Колл. моногр. Ю.И.Лейбо и др. – М.: МГИМО-Университет, 2015. – С. 26.

⁵ Қаранг: Абдуллаев Ф. Прямой доступ граждан к конституционному правосудию в Азербайджане. Конституционное правосудие // Вестник конференции органов конституционного контроля стран молодой демократии. Вып. 2 (28). – Ереван, 2005. – С. 103.

⁶ Крамберг М. Конституционная жалоба в юриспруденции Конституционного Суда Республики Словения. Конституционное правосудие // Вестник конференции органов конституционного контроля стран молодой демократии. Вып. 2 (28). – Ереван, 2005. – С. 154.

⁷ Курис Э. Субъекты с правом обращения в Конституционный суд. Конституционное правосудие // Вестник конференции органов конституционного контроля стран молодой демократии. Вып. 2 (28). – Ереван, 2005. – С. 86.

⁸ Ўша жойда. – Б. 89.

Мазкур талаблар Конституциявий судда келаётган шикоятлар сонини камайтиришга қаратилган. Айрим давлатларда конституциявий судга мурожаат қилиш ҳукуки асоссиз мурожаат йўллаш билан суиистеъмол қилиш фуқарога жарима солишга олиб келади. Масалан, Испания Конституциясининг 119-моддасига мувофиқ одил судлов текин амалга оширилади. Бироқ, одил судлов бўлган ҳуқуқни суиистеъмол қилишга йўл қўйилганда, Конституциявий суд ҳуқуқбузарга нисбатан 600 дан 3000 еврогача бўлган миқдорда жарима қўллади¹.

Маълумки, судьяларнинг ваколат муддати уларнинг мустақиллиги кафолатларидан бири ҳисобланади. Конституциявий судларда умумий юрисдикция судларидан фарқли равишда умрбод ёки муддатсиз даврга судьяликка сайланиш ёки тайинланиш амалиёти деярли учрамайди. Конституциявий суд судьялари бир марта, айрим давлатларда икки марта 6 йилдан 12 йилгача бўлган муддатга сайланади. Масалан, Испания, Италия, Португалия, Польша, Руминияда бир марта 9 йилга сайланади, Германия, Венгрия, Словакия, Туркияда бир марта 12 йилга сайланади. Нисбатан қисқа муддатга (5–6 йил) сайланган судьялар қоида тариқасида бир ёки икки марта қайта сайланиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам конституциявий шикоят институтини жорий этиш масалалари олимлар, экспертлар томонидан жиддий баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эди. Эндиликда, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга ўзгартириш киритилиши билан фуқароларга тўғридан-тўғри Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти берилди. Конституциявий қонунга конституциявий шикоят институтининг киритилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтириш, конституциявий одил судловнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда конституциявий шикоят институти моделини шакллантириш зарур. Бунда конституциявий шикоят институтининг ҳуқуқий механизмини тартибга солиш, конституциявий шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни аниқ белгилаш, конституциявий шикоят мезони ва мақбуллиги тизимини қонунда мустаҳкамлаб қўйиш лозим бўлади.

Хорижий мамлакатларнинг конституциявий назоратни амалга ошириш соҳасидаги илғор тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятининг самарадорлигини ошириш, унинг фуқаролар ва юридик шахслар мурожаатларига ўз вақтида муносабат билдириш механизмини ишлаб чиқиш, конституциявий одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ процессуал тартиб-тамойилларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги фикр-мулоҳазалар эътиборга олинishi керак.

Фуқаролар томонидан ҳуқуқларининг бузилиш ҳолати бўйича Конституциявий судга шикоят бериш муддатини қонунда аниқ белгилаб қўйиш лозим. Конституциявий судга мурожаат қилган фуқаро ўз ҳуқуқлари Конституция нормаларига зид бўлган қонун билан бузилганлигини исботлаши керак бўлади. Агар қонунда шикоят бериш муддати белгилаб қўйилмаса, судда содир этилган ҳуқуқбузарликни исботлаш қийинчилик туғдириши мумкин. Айрим хорижий мамлакатларда конституциявий шикоят институтини қўллашда конституциявий шикоятга сабаб бўлган ҳолат юз бергандан кейин муайян муддат ичида Конституциявий судга мурожаат қилиш мумкин бўлади. Масалан, Испанияда бундай муддат 20 кун бўлса, Германияда бир йилни ташкил этади.

Конституциявий шикоят институти жорий этилиши муносабати билан қонундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари томонидан Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқи чиқарилиши лозим. Чунки, судьялар томонидан суд мажлисига масала киритилиши ва унинг муҳокамасида иштирок этиши судьянинг ҳолислик тамойилига зид келади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий судларининг тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларининг ваколат муддатларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Қаранг: Конституционный контроль в зарубежных странах / Колл. моногр. Ю.И.Лейбо и др. – М.: МГИМО-Университет, 2015. – С. 176.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши ҳолатини аниқлаш мезонларини белгилаб олиш зарур. Чунки, Конституция принциплари ва нормалари умумий характерда бўлиб, уларнинг бузилишини исботлаш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Конституциявий шикоят предмети муайян ишда қўлланилган қонун бўлиши ва бу масала судда кўриб чиқиб тугалланган бўлиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, конституциявий шикоят институтининг қонунчиликка киритилиши билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизми жорий қилинади. Бу, ўз навбатида, келажакда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, Конституция ва қонун устуворлиги принципини қарор топтириш, мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда, ушбу мавзу доираси бугунги кунда жаҳонда коронавирус пандемияси шароитида одил судлов тизими қандай ўзгаришларга юз тутяпти, пандемия бу суд-ҳуқуқ тизими фаолиятига қандай таъсир килди, деган масалага ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

Пандемия шароитида барча давлатларда судлар ўз ишларини масофадан туриб олиб бориш тизимига ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, суд тарафлар билан видеоалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, уларни суд мажлисига таклиф қилмаган ҳолда ташкил этилмоқда. Масалан, Россия Олий суди Раёсати ва судьялар кенгаши коронавирус хавфи муносабати билан судларда фуқаролар қабулини тўхтатиш тавсия этилган.

Испанияда қироллик фармони билан судларда процессуал муддатларнинг ўтиши тўхтатилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, суд ҳокимияти Бош кенгаши қарори билан бутун мамлакат ҳудудида суд мажлислари бекор қилинган ва суд ишларини юритиш тўхтатилган. Катта ёшдаги судьяларга ўзини ўзи изоляция қилиш тартибига ўтиш тавсия этилган. Суд девони ходимлари масофадан ишлашга ўтган¹.

Италияда жорий йилнинг март ойидан бошлаб қонун ҳужжати билан барча процессуал муддатларни ўтиши тўхтатилган, барча кўриб чиқиш тугатилмаган ишлар тўхтатилган. Италия Конституциявий суди ходимлар учун иш соатларини қисқартирган ва сменали иш тартибига ўтган. Очик суд мажлисида кўрилиши зарур бўлган ишлар қолдирилган. Айти пайтда, ўта муҳим масалалар юзасидан фуқароларнинг мурожаатлари бўйича умумий тартиб сақлаб қолинмоқда².

Туркияда 2020 йил 26 мартдан кучга кирган қонунга кўра, процессуал ҳуқуқларнинг вужудга келиши, амалга ошиши ва тугаши билан боғлиқ муддатларни ўтиши тўхтатиб турилади. Айти пайтда, Туркия Конституциявий суди фуқароларнинг аризаларини қабул қилишни давом эттирмоқда, шу жумладан, кейинга қолдириш мумкин бўлмаган ҳолларда, вақтинчалик чоралар кўриш тўғрисидаги аризалар қабул қилинмоқда. Суд ходимларининг қўпчилиги масофавий ишлаш тартибига ўтказилган, судьялар ўз вазифаларини уйдан туриб бажармоқда ялпи мажлис ва суд таркибларининг мажлислари тўхтатилган³.

Хорватияда 2020 йил 15 мартдан бошлаб Конституциявий суд тарафлардан аризаларнинг суд биносида қабул қилиниши тўхтатилган. Ҳужжатлар почта, электрон почта ва факс орқали юбориш талаб этилмоқда. Ҳужжатларни электрон почта ва факс орқали юбориш процессуал муддатларга риоя қилиш мақсадида вақтинчалик чора сифатида киритилган. Пандемия даври тугаганидан сўнг, тарафлар белгиланган муддатларда тегишли ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим қилишлари шарт⁴.

Ҳозирги кунда, Чехияда Адлия вазирлиги томонидан ҳар қандай тоифадаги ишлар бўйича ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тартибини енгиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Чехия Конституциявий суди фуқароларга суд биносига киришни тўхтатган. Бироқ, мурожаат тақдим қилиш ва иш материаллари билан электрон шаклда танишиш имкониятлари яратилган.

¹ Қаранг: http://rapsinews.ru/incident_publication/20200413/305702705.html.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: http://rapsinews.ru/incident_publication/20200413/305702705.html.

Германия Конституциявий судида фуқароларни қабул қилиш тўхтатилган. Хужжатлар электрон кўринишда ёки почта орқали қабул қилинмоқда. Конституциявий суд мажлислари масофадан туриб ўтказилмоқда. Мазкур судда кўп қарорлар аввал ҳам ёпиқ тартибда қабул қилинган. Конституциявий суд тўғрисидаги қонун бунга йўл қўяди.

Шуниси эътиборлики, Германия Федерал Конституциявий судида 2020 йил 8 апрелда пандемия шароитидаги чекловлар билан боғлиқ иш кўриб чиқилган. Конституциявий суд Баварияда коронавирус пандемияси шароитида ўрганилган чекловларни бекор қилишни рад этди. Бавариялик даъвогар Федерал Конституциявий судга мурожаат қилиб, дўстлари билан учрашиш, ота-оналарни бориб кўриш ёки бошқа шахслар билан учрашишга рухсат этилган, унинг фикрича, ўта қаттиқ тақиқларни бекор қилишни сўраган. Шунингдек, даъвогар чекловчи чораларни бизнес учун салбий иқтисодий оқибатларини ҳам руқач қилган. Суд конституция бўйича давлатнинг мажбурияти инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини максимал даражада муҳофаза қилиш учун шахсий эркинликларни вақтинча чеклаш мумкин, деган ҳулосага келган¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам пандемия шароитида ўз фаолиятини тўхтатмаслик чораларини кўрган. Аксарият ишлар ёзма шаклда кўриб чиқилиши мумкин, деб таъкидлайди Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди судьяси Дмитрий Дедов, унинг фикрича, электрон одил судловни жорий этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар фақат пандемия шароитида эмас, балки келажакда зудлик билан фавқулодда қарорлар қабул қилмаслик учун ҳам ҳар доим қўлланилиши керак. Вазиятнинг мураккаблигига қарамай, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди фаолиятини давом эттирмоқда, деб таъкидлайди Дмитрий Дедов. Одил судловга бўлган ҳуқуқни сақлаб қолиш ва судга келатган шахслар ва судда ишлаётганларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўймаслик мақсадида суд ходимлари масофадан туриб ишлаш тизимига ўтказилган².

Ўзбекистонда ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2020 йил 28 апрелда “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ҳам бу борада муайян чоралар кўрилган. Чунончи, пандемия шароитида суд фуқароларнинг қабулини вақтинча тўхтатган. Катта ёшдаги судьялар ва суд девони ходимларига ўзини ўзи чеклаш тартибига ўтиш тавсия этилган. Хужжатларни электрон кўринишда ёки почта орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. Конституциявий суд девонининг айрим ходимлари масофадан ишлашга ўтказилди.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, келажакда пандемия шароитида тўпланган тажрибадан конституциявий судлов ишларини юритишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу, биринчи навбатда, мурожаатларни қабул қилиш ва уларга ўз вақтида муносабат билдиришда электрон ҳужжат айланиш тизими, электрон почта, ижтимоий тармоқлардан ва бошқа замонавий коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишни талаб этади.

¹ Қаранг: <https://www.dw.com/ru/a-53065263>.

² Қаранг: <https://www.advgazeta.ru/novosti/usovershenstvuet-li-pandemiya-sudebnuyu-sistemu>.

КОРОНАВИРУС ДАВРИДА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

МАРИПОВА Севара,

Юристар малакасини ошириш маркази

кафедра мудири, доцент

Аннотация. Мақола карантин даврида суд ишларини юритишнинг муаммоли жиҳатлари, шунингдек, низоларни ҳал этишнинг муқобил усули сифатида медиациянинг самарали восита эканлигини ўрганишга бағишланади. Муаллиф хорижий давлатлар мисолида медиациянинг қийсий-ҳуқуқий таҳлилини келтириб, унинг айрим муаммоларини очиб беради ва уларни ҳал этиш йўлларини таклиф қилади.

Калит сўзлар: медиация, келишув битими, яраштириш тартиб-таомиллари, Ўзбекистонда медиация келишуви, ортиқча сарф-харажатни олдини олиш, пандемия, карантин, суд ишларини юритишнинг муаммоли жиҳатлари.

Abstract. The article is devoted to the study of problematic aspects of legal proceedings during the period of quarantine and pandemic diseases, as well as the effectiveness of mediation as an alternative method of resolving disputes in achieving a mutually acceptable solution. The author considers conducting a comparative legal analysis of mediation on the example of foreign countries, reveals certain problems of mediation and suggests ways to solve them.

Key words: mediation, amicable agreement, conciliation procedures, mediation in Uzbekistan, procedural economy, pandemic, quarantine, problematic aspects of legal proceedings.

Аннотация. Статья посвящена исследованию проблемных аспектов судопроизводства в период карантина, а также эффективности медиации как альтернативного метода разрешения споров в достижении взаимоприемлемого решения. Автор приводит сравнительно-правовой анализ медиации на примере зарубежных стран, раскрываются отдельные проблемы медиации и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: медиация, мировое соглашение, примирительные процедуры, медиация в Узбекистане, процессуальная экономия, пандемия, карантин, проблемные аспекты судопроизводства.

Айни пайтда, коронавирус аталмиш офат бутун дунёни бирдек ташвишга солаётгани ҳаммамизга маълум. Бу касаллик бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу боис, шахсан Президентимиз бошчилигида Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан комплекс ва тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур инфекциядан зарарланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳар куни янги ахборот ва маълумотлар, шифокор ҳамда мутахассисларнинг тавсия ва кўрсатмалари бериб борилмоқда. Шу кунгача айни тоифадаги беморларнинг 70 фоизи соғайгани ҳам қувонарли ҳол.

Шунингдек, барча таълим ва диний муассасалар вақтинча ёпилди, интернет ва телевидение орқали масофавий таълим амалиёти йўлга қўйилди, халқаро ва ички транспорт қатновлари тўхтатилди, йирик шаҳарлар, ҳудудлараро автотототранспорт ҳаракатланиши чекланди, ёлгон хабарлар тарқатиш ва карантин қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Қатор олий ўқув юртлари, жумладан, Тошкент давлат юридик университети томонидан масофавий таълим тизими йўлга қўйилди. Мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчилари учун бир нечта телеканал орқали машғулотлар эфирга узатилмоқда. Бундай иш формати, айниқса, аҳолининг интернетга уланиш имкони бўлмаган қишлоқ жойлари ва олис туманларда ўзини оқлади.

Карантин даврида давлат бошқаруви тизимида ҳам ўзгаришлар қилинди. Давлат хизматлари ҳам онлайн тарзда my.gov.uz портали орқали, ўта зарур ҳолларда эса, давлат хизматлари биноларида кўрсатилмоқда. Республика комиссияси фаолиятининг мутлақо

очиклиги таъминланди. Аҳолини хабардор қилиш бўйича штаб ташкил этилди. Хусусан, аҳолини тезкор ва ҳаққоний равишда хабардор қилувчи 1,5 миллион нафардан зиёд обуначига эга махсус Telegram-канал фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, COVID-19 инфекциясининг оммавий тарқалиши хатарини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда қорхона ва ташкилотлар, жумладан, давлат органлари ходимларига мулкчилик шаклидан қатъи назар меҳнат таътили берилди, уларнинг бир қисми масофадан туриб ишлашга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2020 йил 28 апрелда “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”¹ги¹ қарори қабул қилинганлиги пандемия даврида судга мурожаат қилиш ва суд ҳимояси масалаларига ойдинлик киритди.

Пандемия тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб карантин жорий этилган бўлиб, бу суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди.

Ушбу чоралар бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”² 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли ҳамда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³ 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁴ 2020 йил 23 мартдаги 176-сонли қарори ҳамда Коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорларига асосан жорий этилди.

Карантин амал қилиши даврида даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига асосан тўхтатилди. Шунингдек, судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозим.

Шу билан бирга, жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳаракатларни карантин жорий этилиши муносабати билан амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда, судлар процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра, ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда узайтириш ва тиклаш масаласини ҳал этиши зарур, башарти, қонун бундай муддатларни узайтириш ёки тиклашга йўл қўйса.

Бироқ, карантин жорий этилиши ушлаб туриш, камокда сақлаш, уй қамоғида бўлиш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораларининг қонунда белгиланган муддатларини, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш муддатлари ўтишини тўхтатмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори 28.04.2020 й. № 08 // <https://lex.uz/docs/4805217>

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон.

Шу муносабат билан, жиноят ишлари бўйича судлар эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш, эҳтиёт чоралари муддатларини узайтириш, касаллиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида карантин шартларига риоя этган, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқади.

Судларнинг қамоқдан ва уй қамоғидан озод қилиш тўғрисидаги ҳукмлари, ажримлари, қарорлари дарҳол ижрога қаратилади. Карантин жорий этилгунга қадар қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, шунингдек, карантин даврида чиқарилган ва карантин жорий этилиши муносабати билан апелляция тартибда шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) суд қарорлари карантин амал қилиши бекор қилингандан сўнг ижрога қаратилади.

Ўзбекистон Республикасидаги коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2020 йил 6 майдаги йиғилиши баёнига мувофиқ, коронавирус тарқалиши ҳолатининг ҳудудлар кесимидаги таҳлилидан келиб чиқиб, карантин чекловлари жорий йилнинг 8 майдан бошлаб “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифага кирувчи ҳудудларга ажратилиб, босқичма-босқич бекор қилиб борилиши белгиланган¹.

2020 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорига мувофиқ “қизил” ва “сарик” тоифага кирувчи ҳудудлардаги судларда фуқароларнинг шахсий қабули тўхтатиб турилади ҳамда фуқароларга ҳужжатларни судларга фақат электрон шаклда ёки почта орқали юбориш тавсия этилади. “Яшил” тоифага кирувчи ҳудудлардаги судларда фуқаролар қабулига рухсат берилади. Башарти, судлар томонидан бундай чоралар кўришнинг ҳамда процесс иштирокчиларининг иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, иш кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади. Албатта, бу тартиб кечиктириб бўлмас, буйруқ тартибдаги, соддалаштирилган тартибдаги ишларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Белгиланган карантин қоидаларига қатъий риоя қилсак, бу синовдан муваффақиятли ўтишимиз шубҳасиз. Бунинг учун эса, ҳамжихатлик, меҳр-окибат ва сабр-тоқат сингари халқимизга хос фазилатларни намоён этишимиз муҳим. Айниқса, келажагимиз эгалари бўлмиш фарзандларимизга нисбатан назоратни кучайтиришимиз, уларнинг қўни-қўшни ёки бегона болалар билан мулоқотини вақтинча чеклашимиз, бунинг ўрнига тарбиявий-маърифий теледастурлар ва кўрсатувларга кўпроқ жалб қилишимиз, қолаверса, кўпроқ китоб ўқишга шароит яратишимиз лозим.

Юртдошларимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали бу турдаги қонунбузилиши ҳолатлари учун белгиланган маъмурий ва жиноий жавобгарликлар ҳақида ҳар куни бохабар бўлиб боришмоқда. Бироқ ўзининг пешонаси деворга урилмагунча кўзи очилмаётган ёки карантин қоидаларини менсимаётган кимсалар ҳам учраётгани ачинарлидир. Бунинг қоидабузарлар сони тобора ортиб бораётганлиги тўғрисида ИИБ томонидан бериб борилаётган ахборотлардан ҳам билиб турибмиз.

Шундай экан, карантин даврида бир-биримизни қўллаб-қувватласак, бошқача айтганда, биз учун ўз хузур-ҳаловатидан кечиб меҳнат қилаётган шифокорлар ва давлат хизматчиларининг фаолиятини кадрласак, уйда қолсак ҳар қандай дардни, ҳар қандай синовни мардонавор енгиб ўтамиз. Зеро, бағрикенг ва заҳматкаш халқимиз бундан оғир синов ҳамда машаққатларни ҳам матонат билан ортда қолдирган.

¹ <https://telegra.ph/Respublika-mahsus-komissiyasining-ahboroti-05-06-3>.

ПАНДЕМИЯ COVID-19, ГОСУДАРСТВЕННЫЕ УСЛУГИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЮРИДИЧЕСКИХ СЛУЖБ

ФАЙЗИЕВ Хайриддин,

самостоятельный соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. Мақолада COVID-19 пандемияси шароитида давлат хизматларини кўрсатиши, юридик хизматлар бозорининг ривожланиши ва юридик хизматлар фаолияти таҳлил қилинган. Бундан ташқари, пандемия шароитлари ушбу соҳада ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳимлигини яна бир бор исботлади.

Калим сўзлар: пандемия, коронавирус, COVID-19, карантин, юридик хизмат, АКТ, юрисконсульт, давлат хизматлари.

Abstract: The article analyzes the provision of public services, the development of the legal services market and the work of legal services in the context of the COVID-19 pandemic. In addition, it is noted that the conditions of the pandemic once again proved the importance of introducing information and communication technologies in this area.

Keywords: pandemic, COVID-19, quarantine, legal services, ICT, legal adviser, public services.

Аннотация. В статье освещается деятельность предоставления государственных услуг, развития рынка юридических услуг и работа юридических служб в условиях пандемии COVID-19. Кроме того, отмечается, что условия пандемии еще раз доказали важность внедрения информационно-коммуникационных технологий в эту сферу.

Ключевые слова: пандемия, COVID-19, карантин, юридическая служба, ИКТ, юрисконсульт, государственные услуги.

Реакция рынка юруслуг на вспышку коронавируса и последовавшие за ней карантинные меры оказалась слишком разной и непропорциональной: одни компании испытали прилив клиентов для решения проблем, в том числе связанных с пандемией, а другим пришлось сильно урезать корпоративные бюджеты. Тем не менее, несмотря на такую противоречивую реакцию, аналитики сходятся в одном: перспективы правовой отрасли далеки от оптимизма, а пережить эпидемию без перемен и сложностей не получится¹.

С началом пандемии COVID-19 в Узбекистане введен наиболее гибкий из режимов – ограничительные мероприятия, то есть карантин. В этой связи приняты административные, медико-санитарные и иные меры по предотвращению распространения инфекции, предусматри-вающие особый режим хозяйственной и другой деятельности, ограничение передвижения населения и транспортных средств. В частности, временно закрыты все образовательные учреждения, приостановлено международное и внутреннее транспортное сообщение, ограничено движение автототранспорта в крупных городах, между регионами республики, усилена уголовная ответственность за распространение фейков и нарушение правил карантина.

Кроме того, государственное управление в период карантина переведено в так называемый ручной режим. Сформирован штаб по информированию населения. Так, действует специальный Telegram-канал с более 1,3 млн подписчиками, который оперативно и достоверно информирует население о распространении инфекции и принимаемых мерах. Для сокращения риска массового распространения COVID-19 работникам предприятий и организаций, независимо от формы собственности, в том числе и в государственных органах, предоставлен отпуск, часть из них переведена на дистанционную работу. Наличие

¹ Коронавирусная депрессия: как рынок юридических услуг реагирует на пандемию // <https://pravo.ru/story/220385/>.

электронного взаимодействия позволило продолжить деятельность госорганов в штатном режиме.

В условиях карантина законотворческая сфера оказалась наиболее подготовленной к подобного рода изменениям благодаря информационным технологиям. С прошлого года функционирует порядок электронной разработки и согласования проектов нормативно-правовых актов, к которой подключено более 200 организаций, включая крупнейшие компании, банки, ассоциации и концерны страны. Благодаря этому эффективно продолжается процесс законотворчества в республике и оперативно принимаются новые законодательные акты по борьбе с вирусом. К примеру, приняты более 30 нормативно-правовых актов, в частности, законы по усилению ответственности за распространение не соответствующих действительности сведений (фейков) и нарушений правил карантина, консолидации Государственного бюджета.

Использование электронных онлайн-механизмов считается приоритетом и в сфере оказания государственных и юридических услуг. Так, нотариусы принимают только в случае срочной необходимости после регистрации в электронной очереди через сайт «e-notarius.uz». Государственные услуги оказываются через единый портал my.gov.uz в режиме онлайн и только в случаях крайней необходимости в зданиях центров госуслуг. Возрастает также перевод на электронную платформу систему оказания правовой помощи гражданам, т.к. функционирования системы электронного правосудия «E-sud» создает необходимую онлайн-платформу для обмена правовой информацией в период пандемии.

Вместе с тем, из-за пандемии коронавируса рынок юридического консалтинга переживает рост по целому ряду направлений. Бизнес генерирует огромный спрос на разъяснения многочисленных изменений законодательства – новых ограничений и запретов, обязательств перед работниками и контрагентами, наконец, возможностей использования мер финансовой и налоговой поддержки, которые гарантируется государством. Разобраться во всем этом без подсказки предпринимателям не под силу. Соответственно, даже те клиенты, кто годами не пользовался услугами юридических служб, вынуждены сегодня обращаться за консультациями, чтобы быстро разобраться во всем объеме новой правовой информации.

Кроме того, огромная нагрузка на медицинские учреждения вызвала взрывной рост этого еще недавно периферийного сегмента юридического рынка. В тренде такие вопросы, как оказание медицинской помощи в условиях нормативных ограничений (распределение потоков, обеспечение медперсонала средствами индивидуальной защиты и обязанности работодателя в связи с этим, запрет на выполнение плановых амбулаторных приемов и ограничения госпитализаций), юридические аспекты сохранения бизнеса, работа медицинских учреждений в условиях пандемии, телемедицинские сервисы.

В современных условиях политико-правового и социально-экономического развития Республики Узбекистан, вопросам предоставления государственных правовых услуг отводится особое внимание со стороны руководства страны»¹.

Реализация данных задач требует повышения качества и эффективности правовой работы в системе публичного (государственного и общественного) управления. Это в свою очередь усиливает требования к организации и деятельности юридических служб, как основных исполнителей мероприятий правовой работы.

Юридической службе без преувеличения принадлежит ключевое место в организационной конструкции всех государственных органов и организаций, поскольку от правильной организации правовой работы зачастую зависит эффективное функционирование всей системы публичного управления. Начиная с первых лет государственной независимости и по настоящее время, в Узбекистане принят ряд комплексных мер по развитию данной сферы. В результате, в целом сформированы организационно-правовые основы института юридической службы, содержащие также институциональные и нормативные механизмы

¹ См.: Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса, г. Ташкент, 22.01.2020 г. <https://president.uz/uz/lists/view/3310>.

материально-технического обеспечения юридической службы, стимулирования труда и социальной защиты её работников¹.

Вместе с тем одна из последних новелл законодательства в сфере организации и деятельности юридической службы касается создания при территориальных органах юстиции центров, которые будут оказывать юридические услуги государственным органам и организациям. В частности, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики» в качестве эксперимента предусмотрено создание при отделах юстиции в городе Намангане и Каршинском районе центров по оказанию юридических услуг в целях «обеспечения оказания качественных юридических услуг государственным органам и организациям»². Данным нормативным актом установлено, что Центры по оказанию юридических услуг будут созданы за счет сокращения действующих штатных единиц юридических служб государственных органов и организаций района (города), финансируемых из бюджета, и будут осуществлять возложенные законодательством на юридические службы задачи и функции в соответствующей организации.

Во исполнение данного Указа главы государства Министерство юстиции подготовило соответствующий проект постановления Правительства³, в котором определены организационно-правовые условия деятельности Центров по оказанию юридических услуг. При этом ряд положений этого проекта вызывает вопросы. Так, небесспорным с точки зрения эффективности организации правовой работы является сокращение большого числа штатных единиц работников юридических служб территориальных органов государственного управления.

Как усматривается из проекта, Центры по оказанию юридических услуг будут организованы кроме г. Намангана и Каршинского района, также и в Мархаматском районе. В Центре по оказанию юридических услуг при отделе юстиции г. Намангана предусмотрено создание 5 штатных единиц работников (из них 1 шт.ед. руководителя центра) за счет сокращения 9 штатных единиц должности юрисконсульта в 9 государственных органах г. Намангана⁴. В аналогичных центрах при отделах юстиции Каршинского района и Мархаматского района – 3 и 4 шт. ед. соответственно, за счет 7 шт.ед. юрисконсульта государственных структур в каждом из указанных районов.

Представляется, что с учетом большого спектра функций юридической службы (всего 39 функций⁵), количество предусмотренных штатных единиц работников центров для эффективной организации правовой работы явно недостаточно. Между тем не совсем понятно, были ли приняты во внимание нормативные требования «Минимальных нормативов и критериев образования юридических служб в государственных органах и организациях», утвержденных Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 мая 2017 года №250⁶.

¹ Примечательно, что по сравнению с другими странами СНГ, в Узбекистане нормотворческие процессы по вопросам организации деятельности данной сферы имеют более выраженную тенденцию развития.

² См. п. 10 Указа Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2020 года № УП-5997 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики», <https://lex.uz/ru/docs/4820075>.

³ Проект размещен для общественного обсуждения на портале СОВАЗ. См.: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Наманган шаҳар, Қарши ва Марҳамат туман адлия бўлимлари ҳузурида эксперимент тарикасида Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизматлар кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси, ID-18568, <https://regulation.gov.uz/uz/document/18568>.

⁴ Так, проектом определены следующие территориальные подразделения органов государственного управления по городу Наманган: налоговая инспекция, отдел внебюджетного пенсионного фонда, финансовый отдел хокимията, отдел народного образования, отдел дошкольного образования, отдел культуры, городское медицинское объединение, городское лесное хозяйство и управление благоустройства.

⁵ См.: п.16 Положения о юридической службе государственных органов и организаций, утвержденное Постановлением Президента Республики Узбекистан от 19 января 2017 года № ПП-2733, <https://lex.uz/docs/3098961>.

⁶ См.: Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 мая 2017 года №250 «О мерах по реализации Постановления Президента Республики Узбекистан от 19 января 2017 года № ПП-2733 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности юридической службы», <https://lex.uz/docs/3189360>.

Отдельные вопросы вызывает установленный административно-правовой статус работников центра. Так, не определяя работников центра в качестве сотрудников органов юстиции, разработчики проекта устанавливают за ними обязанность соблюдения ими требований этических правил сотрудников Министерства юстиции. Непонятна позиция разработчиков проекта и в части регулирования взаимоотношения работников центра с руководителями территориальных подразделений органов государственного управления, обеспечения правовой работы которых возлагается на центр. Так, положения проекта не содержат норм, регламентирующих право руководителя указанных государственных структур давать указания правового характера работникам центра. При этом такое право вытекает из самой сущности правовой работы.

Вышеуказанные обстоятельства требуют подробного изучения с учетом требований действующего законодательства и положительного опыта зарубежных стран. Выступая в целом за централизацию государственных правовых услуг, хотелось бы привести некоторые выводы и рекомендации, которые были сформулированы автором по итогам изучения, проведенного в рамках диссертационного исследования на тему: «Совершенствование организационно-правовых основ системы юридической службы в органах государственного управления».

В частности, рассматривая вопросы дальнейшего совершенствования института юридической службы в системе государственных органов и организаций, следует обратить внимание на особенности *«канадской модели»* государственной юридической службы. Данная модель организации деятельности юридических служб характеризуется интеграцией всех юристов, осуществляющих деятельность в качестве юрисконсультов в органах исполнительной власти, в Министерстве юстиции Канады.

Принимая во внимание результаты изучения законотворческого и правоприменительного опыта функционирования канадской модели государственной юридической службы, представляется целесообразным разработать в Узбекистане модель, предусматривающую создание и функционирование в системе Министерства юстиции Республики Узбекистан юридических служб по правовому обеспечению деятельности органов государственного управления и органов исполнительной власти на местах.

Министерство юстиции – это ключевой орган правительства, ответственный за проведение «единой государственной правовой политики, координацию и повышение эффективности правотворческой деятельности»¹. В этой связи, а также принимая во внимание общие задачи органов исполнительной власти, считаем было бы целесообразным, если правовую работу всех государственных органов, входящих в систему исполнительной власти, в том числе органов исполнительной власти на местах (хокимияты), будут осуществлять сотрудники Министерства юстиции и его территориальных органов.

Вместе с тем, полагаем, что специально сформированный состав из числа сотрудников органов юстиции должен быть закреплен за соответствующими органами исполнительной власти, как на республиканском, так и региональном уровнях. К тому же, исходя из сущности правовой работы, рабочие места таких сотрудников органов юстиции должны находиться непосредственно в самих органах исполнительной власти, где им следует создать все необходимые условия для их полноценной деятельности.

Результаты проведенного исследования показывают, что введение такой модели юридической службы в правовую практику Узбекистана позволит:

- 1) повысить качество и своевременность правовой работы;
- 2) обеспечить объективность и независимость правовой работы, поскольку сотрудники органов юстиции принимаются на работу министром юстиции и руководителями территориальных органов юстиции, а также не зависят в карьерном отношении от руководителей государственных структур, с которыми они работают;

¹ См. п.1. Постановления Президента Республики Узбекистан от 13.04.2018 г. № ПП-3666 «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности министерства юстиции Республики Узбекистан», <https://lex.uz/docs/3681788>.

3) создать возможности карьерного роста для юрисконсультов, поскольку им представится возможность заниматься более многоплановой работой и получать более высокую заработную плату;

4) добиться последовательности и согласованности осуществления всех видов правовой работы;

5) оптимизировать бюджетные расходы.

Таким образом, есть все основания полагать, что централизация юридических служб в подобном формате сможет обеспечить государственные правовые услуги высокого качества и организовать работу юридической службы как единого, отлаженного механизма, что позволит Министерству юстиции эффективно проводить единую правовую политику в стране.

Пандемия коронавируса дала вынужденный толчок цифровизации госструктур. В условиях карантина, когда многие учреждения закрыты или переведены на особый режим работы, спрос на госуслуги в режиме онлайн резко вырос и во многих странах превысил возможности используемых государствами ИТ-инфраструктур, что местами вызвало массовое недовольство населения.

Нынешние условия пандемии еще раз доказали важность внедрения информационно-коммуникационных технологий и развития телекоммуникационного направления. Стало очевидно, что образование, государственные услуги, система государственного управления, торговля и сервис во многом зависят от информационных технологий. Услуги, которые не предоставлялись удаленно в течение многих лет, за считанные дни перешли в онлайн-режим.

По мнению экспертов, в ближайшие три года благодаря цифровизации экономики 22 процента рабочих мест в мире будут созданы с использованием интернет-технологий. В ходе реализации Государственной программы в Год развития науки, просвещения и цифровой экономики с целью развития телекоммуникационной инфраструктуры в течение 2020 года будет установлено 800 тысяч портов для широкополосной Интернет-связи, проложено 12 тысяч километров оптико-волоконных линий связи.

Начиная с объявления карантинного режима всеми операторами был обеспечен бесплатный доступ учащимся общеобразовательных школ и воспитанникам дошкольных образовательных учреждений на образовательные сайты с целью беспрепятственного обучения в домашних условиях, а также на информационные веб-сайты, официальные источники информации.

Пандемия подтолкнула к массовому переходу в цифровую среду. Это был тот промежуток времени, когда электронное правительство вынужденно было стать действительно электронным. Одной из позитивных сторон является то, что благодаря вынужденной цифровизации, цифровая грамотность среди населения повысилась. Этот тренд будет сохраняться, и в будущем планируется перевести все государственные услуги на цифровую платформу.

Но для этого необходимо проделать огромную работу над улучшением качества предоставляемых государственных услуг в электронном формате. Во-первых, необходимо провести интеграцию государственных органов; во-вторых, необходимо повысить производительность и пропускную способность государственных серверов; в третьих, целесообразно сократить излишнее бюрократические справки, сделать процесс получения электронных государственных услуг максимально простыми и удобными для получения, и наконец важно провести информационную работу с гражданами для повышения их осведомленности о функциях и способах получения электронных государственных услуг.

СУД ТОМОНИДАН ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ИШЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

СУЛАЙМАНОВ Одилжон,

Судьялар олий мактаби бош мутахассиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

Аннотация. Мақолада коронавирус пандемияси даврида ишнинг мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига оид халқаро ва миллий стандартлар ўрганилган. Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон судларида ишларни кўриб чиқишнинг айрим масалалари тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: коронавирус пандемияси, халқаро ва миллий стандартлар, инсон ҳуқуқлари, мустақил ва ҳолис суд, пандемия даврида судларда ишни кўриш.

Abstract. The article examines international and national standards regarding the right for an independent and impartial judiciary during coronavirus pandemic. Several issues regarding the review of cases during coronavirus pandemic in the courts of Uzbekistan were given consideration.

Key words: Coronavirus pandemic, international and national standards, human rights, an independent and impartial judiciary, litigation during a pandemic.

Аннотация. В статье исследуются международные и национальные стандарты, касающиеся права на независимый и беспристрастный суд во время пандемии коронавируса. Были изучены некоторые вопросы рассмотрения дел во время пандемии коронавируса в судах Узбекистана.

Ключевые слова: пандемия коронавируса, международные и национальные стандарты, права человека, независимый и беспристрастный суд, рассмотрение дел в судах во время пандемии.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йил 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилган бўлиб, бу давлат органлари ва бошқа муассасаларнинг ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгартиришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди. Ўзбекистонда коронавирус пандемияси даври қонунчиликка мувофиқ Ҳақулодда вазият сифатида расман эълон қилинмади¹. Ушбу мақолада коронавирус пандемияси даврида ишнинг мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқига оид халқаро ва миллий стандартлар таҳлил қилинган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 14-моддаси 1-банди қуйидагиларни кўзда тутди: “Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва ҳолис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқиши ҳуқуқига эга”². Ушбу пактга давлатлар томонидан риоя қилиниши мониторинги учун масъул бўлган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси таъкидлашича, ишнинг мустақил ва ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи “ҳеч қандай истисноларга йўл қўймайдиган мутлақ ҳуқуқ”³ ҳисобланади.

¹ Мақолада Ҳақулодда ҳолат дейилганда, шартли равишда коронавирус пандемияси даври назарда тутилмоқда.

² “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт // Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т.: Адолат, 2004. Б. 41.

³ González del Río v Peru, HRC Communication 263/1987, UN Doc CCPR/C/46/D/263/1987.

Шунингдек, Қўмита, ҳатто уруш даври ёки ғавқулда вазиятларда ҳам фақатгина суд бирон бир шахсни жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиши мумкинлигини ойдинлаштириб берди. Шундай экан, бу ҳуқуқ барча ҳолатларда ва барча оддий, махсус судларга нисбатан ҳам қўлланилади. Демак, коронавирус пандемияси даврида ҳам ишлар мустақил ва ҳолис суд томонидан қўрилиши, инсон ҳуқуқлари тўлақонли таъминланиши шарт.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг 1984 йилда қабул қилинган 13-сонли умумий тартибдаги мулоҳазаларида қуйидаги нуктаи назар ифодаланган: “14-модда қодалари барча, оддий ва махсус судларга, ушбу модда билан қамраб олинган трибуналларга нисбатан қўлланилади. Қўмита қўлаб мамлакатларда оддий шахсларнинг ишларини қўриб чиқувчи ҳарбий ва махсус судларнинг мавжудлигини қайд этади. Бу эса, судловнинг адолатли, ҳолис ва мустақил амалга оширилишида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай судлар ташкил қилинишининг кўп учрайдиган сабабларидан бири шундан иборатки, одатдаги адолатли судлов меъёрларига тўғри келмайдиган ғавқулда тартибларни қўллаш имкониятини беради. Пакт судларнинг бундай тоифаларини тақиқламаса-да, шунга қарамай, уларда кўзда тутилган шароитлар аниқ шунга ишора қиладики, ғуқаролик ишларининг бундай судлар томонидан қўриб чиқилиши ғавқулда асосларда амалга оширилиши мумкин ва 14-моддада кўзда тутилган шароитларда қўлланилиши керак [...]. Агарда аъзо давлатлар мамлакатдаги ғавқулда ҳолатда, 4-моддада кўзда тутилганидек, одатдаги тартибдан чекинишга, 14-моддада кўзда тутилган тартибга риоя қилишга қарор қилган бўлса, улар ушбу чекинишлар амалдаги ҳолат кескинлиги туфайли зарурий доирадан ташқарига чиқмаслиги ҳамда 14-модданинг 1-банди шартларини қондириши зарур”¹.

“Ғуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 4-моддаси 1-бандига мувофиқ, “Давлат ғавқулда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда ушбу Пактда иштирокчи-давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар қўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга ҳилоф бўлмаслиги ва ирки, тана ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатдан камситишга олиб келмаслиги керак”², деб қайд қилинган.

Пактнинг 4-моддасига мувофиқ, давлат ғавқулда ҳолат юз берган даврда мазкур Пакт бўйича олган мажбуриятларидан чекиниши мумкин, лекин бу халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларга ҳилоф бўлмаслиги ва инсон ҳуқуқларини камситишга олиб келмаслиги лозим. Ҳар қандай вазиятда ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминланиши шарт.

В государственные органы различных стран поступают обращения адвокатских палат по вопросам обеспечения безопасности участников судопроизводства при рассмотрении дел и поддержки адвокатского сообщества в период пандемии. Адвокатское сообщество просит судебные и правоохранительные органы обязать сотрудников неукоснительно соблюдать необходимые меры безопасности, а также предлагают судам реализовать ряд мер для повышения безопасности участвующих в рассмотрении дел адвокатов и их доверителей в условиях пандемии. Кроме того, адвокаты обращаются по вопросу снижения размера арендных платежей за помещения, занимаемые адвокатскими образованиями, предоставления налоговых льгот в период пандемии.

Поскольку адвокатская профессия является свободной, а адвокатская деятельность в ряде стран не относится к предпринимательской, меры экономической поддержки бизнеса на неё зачастую не распространяются. Но именно адвокатам в данной ситуации сложнее всего перейти на дистанционную работу, обеспечивая при этом сохранение адвокатской тайны и полноценное оказание юридической помощи доверителям. Так, достаточно непросто переоборудовать своё место проживания в помещение для консультирования доверителей и хранения конфиденциальных данных. При этом спрос на правовую помощь и в период кризиса сохраняется довольно высоким, особенно он ощутим в сфере трудового права, банкротства, страхового права, семейного права и наследства.

Однако главной задачей адвокатуры остаётся обеспечение верховенства права и доступа к правосудию. Во многих странах отмечается, что адвокатам необходимо соблюдать баланс между правом на жизнь и охрану здоровья и получением квалифицированной юридической помощи, которые являются фундаментальными и неотчуждаемыми конституционными правами человека, не подлежащими ограничению, в том числе, в условиях чрезвычайного положения.

Невозможность участия адвоката в судебном заседании, следственном или ином процессуальном действии в силу распространяющихся на него запретов и ограничений, должна признаваться уважительной причиной неявки адвоката, и такие ситуации должны разрешаться в соответствии с действующим процессуальным законодательством.

С наступлением кризиса вновь остро встаёт вопрос внедрения цифрового судопроизводства. Европейский Суд и Европейский Суд по правам человека, суды ряда стран, сейчас рассматривают наиболее приоритетные дела в помещении судов. На сегодняшний день известно, что успешный переход на систему электронного судопроизводства осуществлён в 27 государствах. Представители судебных систем Австралии, Великобритании, Ирландии заявили о полной готовности к запуску системы электронного судопроизводства в дополнение к уже функционирующему электронному документообороту в судебной системе.

Опыт Китайской Народной Республики по цифровизации судопроизводства является одним из самых показательных. Эпидемия коронавируса не застала врасплох судебную систему Китая, где электронное судопроизводство функционирует с 2015 года, и по состоянию на февраль 2020 года в этой системе было вынесено более 81,5 миллиона судебных решений¹.

Цифровизация судопроизводства является сложной задачей, и было бы наивно полагать, что при переходе в новую эру ведение судебного процесса онлайн не будет ничем отличаться от судебных заседаний в обычном режиме. Однако при готовности к сотрудничеству со стороны государства, судов и адвокатов и согласия в том, что переход к виртуальному судопроизводству

¹ Коронавирус бросает вызов адвокатам всего мира // <https://fparf.ru/news/law-chambers/koronavirus-brosayet-vyzov-advokaturam-vsego-mira/>

имеет ключевое значение для обеспечения дальнейшего его осуществления, эта задача может быть решена в достаточно короткий срок.

Животрепещущим вопросом для адвокатов всего мира является обеспечение конфиденциальности при использовании социальных сетей, различных сайтов и программ для организации видеоконференцсвязи при общении с доверителями или коллегами (например, Zoom, Microsoft Teams, Join.Me или Skype for Business). Так, недавно стало известно, что несколько тысяч записей видеозвонков сервиса Zoom попало в открытый доступ в сети. Отмечается, что среди них были как частные разговоры пользователей, так и рабочие видеоконференции различных компаний¹.

Органы самоуправления национальных адвокатских объединений в ускоренном режиме разрабатывают стратегии по поддержке своих адвокатов. Эти пакеты мер можно условно разделить на меры по поддержанию безопасности и здоровья и инструменты поддержки института адвокатуры как элемента гражданского общества и функционирования системы правосудия. В некоторых национальных адвокатских ассоциациях были созданы горячие линии, принимающие звонки от адвокатов, столкнувшихся с проблемами различного характера, вызванными пандемией.

Согласно информации Палаты адвокатов Узбекистана, обращение с просьбой обеспечить защитникам свободу передвижения во время эпидемии коронавируса было направлено в адрес Республиканской комиссии и Министерства юстиции.

Адвокатскому сообществу предстоит дать достойный ответ на новый вызов, связанный с пандемией и связанными с ней ограничительными мерами. Этот ответ формируется по ходу событий, и потому опыт коллег во всём мире особенно важен и ценен.

По мере распространения пандемии многие люди сталкиваются с необходимостью получения юридических консультаций в связи с потерей места работы или жилья, необходимостью получения страховых выплат, государственных пособий и иных льгот, предусмотренных мерами государственной поддержки. Масса вопросов возникает и у работодателей, руководителей компаний.

Многие адвокаты адаптируются к новой реальности, проводя онлайн-консультации, записывая ролики в социальных сетях, комментируя законодательства в приложениях и телеграм-каналах, выступая в качестве экспертов на радио и телевидении, создавая горячие линии для ответов на животрепещущие вопросы граждан.

В этой связи примечателен опыт Американской ассоциации юристов (ABA), создавшей общенациональную рабочую группу, состоящую из опытных юристов и судей, для бесплатного консультирования граждан по любым вопросам, возникающим в связи с пандемией коронавируса. В состав целевой группы АВА входят эксперты по реагированию на стихийные бедствия, законодательству в области здравоохранения, страхованию, трудовому, налоговому, семейному праву.

Кроме того, настала пора развитие системы «Электронная адвокатура», которая будет интегрирована с системой «Электронный суд». В условиях пандемии использование электронных систем позволяет минимизировать личные контакты адвокатов с доверителями и представителями судов.

Следует также начать работу над мобильным приложением, с помощью которого адвокаты смогут оказывать квалифицированную юридическую помощь гражданам.

¹ <https://www.washingtonpost.com/technology/2020/04/03/thousands-zoom-video-calls-left-exposed-open-web/>

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛИҚ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ИШЛАРНИ КЎРИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

ТАЖИБОЕВ Маъруфжон,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги

Судьялар олий мактаби илмий изланувчиси

***Аннотация.** Мақолада пандемия шароитида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқаролик ишларини сиртдан иш юритиши ҳамда сиртдан ҳал қилув қарорлари чиқариши йўли билан фуқароларга қулайлик яратиши кўрсатилган.*

***Калим сўзлар:** фуқаролик ишлари, пандемия, карантин, сиртдан иш юритиши, сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарори.*

***Abstract.** The article specifies ways to create convenience for citizens by conducting legal proceedings and making decisions in absentia in civil cases in civil courts during the pandemic.*

***Key words:** civil case, pandemic, quarantine, proceedings in absentia, default judgment.*

***Аннотация.** В статье рассказывается о ведении и принятии заочных решений по гражданским делам в судах во время пандемии.*

***Ключевые слова:** гражданское дело, пандемия, карантин, заочное производство, заочное решение.*

Аникланишича, биринчи эпидемия Афинада милoddан аввалги 431 йилдан 427 йилгача, Пелопоннес уруши даврида келиб чиққанлиги тахмин қилинади ва унда 30 мингга яқин одам унинг курбонига айланганлиги кўрсатилади.

Шунингдек, Ўрта ер денгизи бўйида ўлат эпидемияси икки аср милoddан аввалги 541 йилдан 750 йилгача, Европа, Шимолий Африка, Марказий Осиё ва Арабистонлардаги эпидемияларда ҳам кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлганлиги кўрсатилади. Чечак касаллиги туфайли Хитой ва Кореянинг аҳолиси чоракка, Япония аҳолиси эса 40 фоизга камайган, XVII–XVIII асрларда Европа ва Россияда йилига 1,5 миллион киши чечак касаллигидан вафот этганлиги маълум. Европада энг сўнгги чечак касаллиги 1871–1873 йилларда қайд этилган¹.

Бугунги кунда дунёда тўртта эпидемия фаол бўлиб қолмоқда: ОИТС/ОИВ(СПИД/ВИЧ), сил, безгак ва грипп касалликлари.

Мана бир неча ойдирки нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан кураш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ушбу касалликка қарши карантин чоралари кўрилатган бир пайтда, фуқаролик ишлари бўйича судларда фуқаролар ўртасидаги низолар тўхтагани йўқ. Бу қуйидаги статистик маълумотларда ҳам яққол намоён бўлади. Хусусан, агар фуқаролик ишлари бўйича республика судларида кўрилган ишларга эътибор берсак, жами 36 мингдан ортиқ ишлар кўрилган бўлиб, шулардан 27 мингга яқини фуқаролик ишлари, 9 мингдан ортиқроғи эса суд буйруқларидир².

Дастлабки, карантин бошланган вақтда судьялар суд биносида бирон бир ишларни кўрмаган бўлсалар, кейинчалик ишларни масофани сақлаган ҳолда, сайёр судларда, биноларнинг ташқарисида ва ишларни сиртдан кўриш тартибида кўришни бошладилар. Судлар томонидан жами кўрилган фуқаролик ишларининг деярли 23% сиртдан кўриб, ҳал этилган. Бир сўз билан айтганда, пандемия шароитида фуқаролик ишларини сиртдан, яъни судда иш жавобгарнинг иштирокисиз мазмунан кўриб, ҳал этилиши самарали усуллардан бири эканлиги намоён бўлиб бормоқда.

¹ Интернет сайтидан олинган маълумотлар: <https://sof.uz/post/tarixdagi-eng-katta-epidemiya-va-pandemiya-infografika>.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судларидан олинган маълумот.

Агар фуқаролик ишлари бўйича сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш масаласига эътибор қаратадиган бўлсак, 1998 йил 1 январда қучга кирган ва 2018 йил 1 апрелгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)¹ қабул қилингунга қадар мамлакатимиз тарихида фуқаролик ишларини сиртдан кўриш ва сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мавжуд бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамиятлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши туфайли қонун ижодкорлигида тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилди². Шу маънода фуқаролик ишларини сиртдан кўриш институти 1997 йил 30 августда қабул қилинган мамлакатимиз ФПКда илк бора ўз ифодасини топди.

Сиртдан иш кўриш институтининг мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилишидан кўзланган асосий мақсад тарафларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарлик даражасини ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни мазмун-моҳиятини йўқотмасдан белгиланган вақтда тўғри кўриш ва ҳал этиш, шу орқали низоли ўз вақтида ҳал этишга қаратилган. Бундан ташқари, сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидан фойдаланиш вужудга келди.

Сиртдан қарор чиқариш институти амалга оширилиши зарур бўлган низоларни тезлатиш, шунингдек, суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларнинг суд иш юритувида тўпланиб қолишини олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, бутун дунёда бўлиб турган “пандемия” шароитида ишларни бундай иш юритувида кўриш, барча суд муҳокамасининг тарафларига бир қатор қулайликларни вужудга келтиради.

Шу ўринда эътироф этиш мумкинки, муқаддам Собиқ Шўро тузуми вақтида кўриладиган фуқаролик ишлари бўйича судларнинг умумюрисдикция судлари билан бирга бўлганлиги, фуқаролик ишларининг сони жуда камчиликни ташкил этганлиги, асосий эътибор жиноий ишларга қаратилганлиги сабабли фуқаролик ишларини кўришга катта аҳамият қаратилмаган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Яъни, фуқаролик ишлари бўйича вужудга келган низоларга “иккинчи” даражали ишлар, деб қараб келинганлиги учун ҳам ишларни ўз вақтида ва соддалаштирилган ҳолда кўрилишига аҳамият берилмаган. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, инсон омили биринчи ўринга чиққанлиги, хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши натижасида фуқаровий муносабатларни такомиллаштириш фуқаровий низоларнинг сони ошиши оқибатида, айнан фуқаролик ишларининг кўрилишини такомиллаштириш зарурияти вужудга келган эди.

Қолаверса, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамияти ўртасида ўзининг муносиб ўринини эгаллаши туфайли қонун ижодкорлиги масаласида ҳам тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгарнинг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўладиган ҳолатлардан биридир. Ўз навбатида, суд мажлисига жавобгарнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини кечиктиради ҳамда даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тикланишига тўсқинлик қилади. Юридик адабиётларда ушбу ҳолат даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва муайян мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида ҳам эътироф этилади. Ўз навбатида, жавобгарнинг суд процессига узрли сабабларсиз келмаслиги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган давонинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнини кечиктиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси <https://lex.uz/docs/3517337>.

² Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм / Дарслик. – Тошкент. “ХТИ” нашриёти. 2018. – 121 б.

Шу ўринда, республикамиз фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари томонидан 2019 йилда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларига оид кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, сиртдан иш юритиш институтининг самарали эканлиги тўғрисидаги хулосага келишимиз мумкин бўлади. Хусусан, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари мазкур судлар томонидан 2018 йилда жами 21160 та, 2019 йилда эса 21576 та қарорларни ташкил этган. 2019 йилдаги шу даврдагига нисбатан ишларни сиртдан кўриш бир неча баробар ошганлигини кўриш мумкин¹.

Таъкидлаш жоизки, сиртдан иш юритиш нафақат мамлакатимизда, балки Ҳамдўстлик таркибидаги давлатлар суд амалиётида ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Биргина Россия Федерациясининг Иркутск вилояти жаҳон судлари 2003 йилнинг 6 оyi мобайнида фуқаролик ишлари бўйича 5.526 та сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган, бу кўрсаткич 2002 йилнинг 6 оyi мобайнида чиқарилган ҳал қилув қарорларидан 2.585 тага кўп ҳисобланади. Бунда 2003 йилнинг 6 оyi мобайнида сиртдан ҳал қилув қарори жаҳон судлари томонидан чиқарилган жами қарорларнинг 15 фоизини ташкил қилган.

Бизнинг фикримизча, сиртдан ҳал қилув қарорларини чиқариш бўйича юқоридаги кўрсаткичлар мазкур институтнинг самарадорлиги билан асосланади.

Юридик адабиётларда, хусусан, суд амалиётида ҳам “сиртдан иш кўриш”, “сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш”, “сиртдан иш юритиш” тушунчалари қўлланилади. Лекин асосий мазмун-моҳият ишни сиртдан кўриб ҳал қилишга бориб тақалади. Аслида, бу тушунча иш кўришнинг бир шакли саналиб, фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган умумий процессуал тартиб-қоидаларга (айрим истиснолар билан) асосланади.

Айтиш керакки, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори даъвогарнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлар билан мустаҳкамлайди, тарафларнинг, айниқса, жавобгарларнинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Шунингдек, даъвогарнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қайта тикланишига қўмаклашади, энг асосийси, жавобгарнинг суд томонидан ишни мазмунан қонун доирасида кўриш даврида бўлар-бўлмас вазият билан суд мажлисини кейинга қолдиришининг олдини олишга хизмат қилади.

Сиртдан иш юритишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида² белгиланган нормалардан келиб чиқиб, қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

1) қонунда белгиланган тартибда жавобгар хабардор қилинганлигига қарамай, жавобгарнинг суд жараёнида иштирок этмаслиги;

2) жавобгар иштирокисиз иш кўришга даъвогарнинг розилиги олинishi шартлиги;

3) иш материалларида жавобгарнинг хабардор қилинганлигига оид ҳужжатларнинг бўлиши шартлиги;

4) сиртдан иш кўришга сиртдан иш юритиш ҳақидаги ажрим асосида йўл қўйилиши;

5) сиртдан иш юритишда суд мавжуд далиллар доирасида ишни кўриши шартлиги;

6) даъвогар иш сиртдан кўрилганда даъвонинг предмети ёки асоси ўзгартирилиши ёхуд даъво талабларининг миқдори қўпайтирилиши мумкин эмас;

7) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини уни чиқарган суд томонидан жавобгарнинг аризаси асосида қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги;

8) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида шу судга ариза берганлик учун давлат божи тўланмаслиги;

9) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан тарафлар апелляция, кассация шикоят ва прокурор протести келтирилиши мумкинлиги.

Ҳуқуқшунос олима З.Эсанова сиртдан иш юритишнинг аҳамияти қуйидагиларда кўринишини айтиб ўтади:

биринчидан, тарафларнинг суд олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўғри англашларига имконият яратилади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати маълумотномасидан.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <http://lex.uz/docs/3517337#3525624>.

иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг мавжуд процессуал тартибга риоя қилишлари таъминланади;

учинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг одил судловни амалга оширишга бўлган масъулиятини кучайтиришга ҳаракат қилинади;

тўртинчидан, вақтни тежаш, процессуал муддатларга риоя қилиш таъминланади¹.

Фуқаролик ишларини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган бир қатор тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида, уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг кафолати ҳисобланади.

Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилик даъвогарга ўз процессуал ҳуқуқларини сунистеъмол қилишга ҳуқуқ беради. Хусусан, даъвогар судга асослантирилмаган даъво тақдим этиб, кейинчалик суд мажлисида ҳозир бўлмаслиги орқали суд процессини атайлаб чўзишга ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Даъвогарнинг ҳозир бўлмаслиги эса, иш кўришни кейинга қолдирилишига ва иш кўришнинг янги вақтини белгиланишига олиб келади. Бу эса, жавобгарнинг манфаатларига мувофиқ келмаслиги билан бирга, судьяларнинг ҳам иш юкламаларини кўпайтиришга, ишнинг мазмунан ҳал этилмай, ойлаб чўзилиши каби нохуш ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, қонунга итоат этувчи жавобгар бунинг натижасида молиявий харажатлар қилиши, вақтини беҳудага ўтказиши ва энг ёмони руҳан эзилиши мумкин. Зеро, жавобгарнинг уйига ёки иш жойига унинг муайян иш бўйича жавобгар сифатида жалб этилиши турли нохуш ҳодисаларни юзага келтириши ҳеч кимга сир эмас.

Юқоридаги олимларимиз фикрига қўшилган ҳолда, ҳақиқатдан ҳам сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш фуқаролик ишларини ўз вақтида кўрилишини таъминлаши, даъвогарни сарсон қилмаслик, яъни унинг талабларини ўз вақтида ҳал этилиши билан бир вақтда, жавобгарни агар узрли сабаблар асосида суд мажлисига кела олмаган тақдирда, унинг аризасига асосан низо бўйича қабул қилинган суд ҳал қилув қарорини бекор қилиш имконияти туғилганлиги билан аҳамиятлидир. Бунда энг асосий талаблардан бири жавобгарни ҳақиқатдан ҳам суд мажлисига келолмаганлиги сабаби узрли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш масъулиятини юклаш билан бир вақтда, Кодекснинг талабларига асосан сиртдан қайта кўришни сўраб судга мурожаат қилиш муддатига ҳам қатъий риоя қилинганлигидир.

Маълумки, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш процессини узайтирувчи ҳамда даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қайта тиклашга тўсқинлик қилувчи, даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган, белгиланмаган бир шакли ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур шахсларнинг процессга келмаслиги ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган тарафнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнини кечиктириши мумкин.

2018 йил апрель ойидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКда ҳам сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш билан боғлиқ нормалар мавжуд. Хусусан, ФПКнинг “Сиртдан иш юритиш” номли 26-бобида суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган, келмаганлигининг узрли сабаблари борлиги ҳақида хабар бермаган ва ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисида сўрамаган тақдирда, агар даъвогар бунга эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши ҳамда ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд тегишли тартибда ажрим чиқариши белгиланди. Ишни сиртдан кўришга асос бўладиган талаблардан бири бу жавобгар тегишли тарзда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши керак.

Мазкур Кодекснинг моддаси талабининг эътиборли жиҳатларидан яна бири, агар ишда бир нечта жавобгар иштирок этган ва суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирдагина, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

¹ Эсанова З.Н., Собирова С.И. Фуқаролик ишлари бўйича сиртдан иш юритиш // Ўқув қўлланма. – Т., 2007.

Суднинг ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўрилишига қуйидаги шаклдаги талабларнинг барчасини бўлишлиги талаб қилинар экан, агар улардан бирортасининг бўлмаслиги ишни сиртда кўрилишига монелик қилиши аниқ экан:

Ишни сиртдан кўрилишига сабабчи бўлган жавобгар (жавобгарлар) бўлса, суд ишни сиртдан кўриш учун, албатта, даъвогарнинг розилигини олиш керак, агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга янги суд муҳокамасининг вақти ва жойи ҳақида такроран хабар юборади.

2018 йил 1 апрелгача қонуний кучда бўлган Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 225-моддаси талабларида ҳам айнан шу нормалар мавжуд бўлиб, ишни сиртдан кўриш учун даъвогарда эътироз мавжуд бўлган тақдирда судья ишни сиртдан кўра олмас эди. Янги қабул қилинган ФПКнинг 281-моддасига киритилган янги қисмда айнан мазкур муаммоларнинг ҳал этганлигини кўриш мумкин, хусусан тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига такроран келмаса, суд даъвогарнинг фикридан қатъи назар, ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриши белгиланганлиги судьянинг ишни ўз вақтида кўришга бўлган имкониятини кенгайтирди, десак бўлади.

Д.Хабибуллаев фикрича, умумий асосларда чиқарилган ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг баён ва асослантириш қисмларида жавобгарнинг эътирозлари ва бошқа шу қабила бўлмайди. Шунингдек, энг муҳим фарқ – сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши талаб этилади. Фуқаролик процессуал кодексининг 285-моддасига кўра, жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли бўлади. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим¹.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги ҳулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби, сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

Шундай экан, фикримизча, ФПКнинг 285-моддаси² биринчи қисмига ўзгартиш ва қўшимча киритилиб, уни қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинади: “Жавобгар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилган судга шу ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза беришга ҳақли”.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда коронавирус (COVID-19) инфекциясининг юртимизда тарқалиши оқибатида аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эътибор одатдагига қараганда анча юксалганлиги, техника, ахборот воситалари ёрдамида жавобгарларга сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаларини юбориш имконияти кенгайиб, судга мурожаат қилиш муддатларини қисқартириш кузатилаётган бир пайтда, “ўн беш кунлик” муддатни “ўн кун” қилиб белгилаш тўғри бўлади. Қолаверса, муддатнинг қисқартирилиши жавобгарларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга рағбатлантиради, ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилинишининг олди олинади, суд фаолиятида тезкорликни таъминлайди, пировардида эса, суднинг инсон манфаатларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш бўйича ўз вазифаларини самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

¹ Хабибуллаев Д. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар). Ўқув қўлланма. Тўлдирилган ва қайта ишланган 3-нашр. Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <http://lex.uz/docs/3517337#3525624>.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АХОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА ҚЎТАРИЛАЁТГАН СУД-ХУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД АЙРИМ МУАММОЛАР

ФАЙЗИЕВ Олим,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада коронавирус пандемияси даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига оид мурожаатларида қўтарилган масалалар чуқур таҳлил қилиниб, муаммолар ечими юзасидан муаллиф таклифлари баён этилган.

Калим сўзлар: коронавирус пандемияси, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, инсон ҳуқуқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мажбурий ижро бюроси.

Abstract. This article introduces a through analysis of the issues raised in the appeals of individuals and legal entities regarding the judicial system during the coronavirus pandemic, as well as the author's suggestions concerning the relevant court rulings.

Keywords: coronavirus pandemic, appeals of individuals and legal entities, human rights, virtual and public receptions of the President of the Republic of Uzbekistan, Supreme Court of the Republic of Uzbekistan, General Prosecutor's Office, Ministry of Internal Affairs, Compulsory Enforcement Bureau.

Аннотация. В статье представлен анализ вопросов, затронутых в обращениях физических и юридических лиц относительно судебно-правовой системы во время пандемии коронавируса, а также пути их решений.

Ключевые слова: пандемия коронавируса, обращения физических и юридических лиц, права человека, виртуальные и народные приёмные Президента Республики Узбекистан, Верховный суд Республики Узбекистан, Генеральная прокуратура, Министерство внутренних дел, Бюро принудительного исполнения.

2020 йил бутун дунё, хусусан, мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам ҳар қачонгидан кўра синовли бўлмоқда. Санитария-эпидемиологик муҳит – вазият мураккаблашди, коронавируснинг янги тури 2019-nCoV деярли барча давлатлар ҳудудига кириб борди, улар томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида турли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ушбу хавф юзага келган илк кунларданок инфекция кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, беморларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича кечиктириб бўлмас зарур амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада, 2020 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниб, Бош вазир раҳбарлигида Республика комиссияси ташкил этилиб, унга бир қатор муҳим вазифалар юклатилди¹. Давлат раҳбарининг топшириқларига биноан Республика махсус комиссияси, Ҳукумат қарорларига² мувофиқ вазиятни мунтазам ва атрофлича таҳлил қилиб бориш асносида тезкор равишда зарур чоралар кўрилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида вирус кенг тарқалиб кетишининг олдини олишга қаратилган турли чеклов ва тақиқлар ўрнатилди.

Карантин даврида аҳоли томонидан давлат органларига йўлланган мурожаатлар мазмунидан кўриш мумкинки, халқ саломатлигини таъминлаш мақсадида ўрнатилган

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2020 й., 07/20/5537/0116-сон.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон.

карантин чекловлари айрим соҳалар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишига муайян даражада салбий таъсир ўтказди. Табиийки, бундай шароитда инсон ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мураккаб вазифа ҳисобланади ва ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ресурс сарфлашни тақозо қилади. Юридик фанлари доктори Б.Саломовнинг фикрича, “карантин билан боғлиқ тартибларни ўрнатиш жараёнида инсон ҳуқуқлари таъминланиши борасида айрим эътирозли ҳолатлар ҳам учраб турибди. ОАВ ва ижтимоий тармоқда бу йўналишда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, шошма-шошарликлар ҳақида тез-тез кўзга ташланаётган турли хил баҳс-мунозаралар ҳам шундан далолат беради”¹.

Ана шундай мезондан келиб чиқиб, ушбу мақолада коронавирус пандемияси даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига оид мурожаатлари ва уларда кўтарилган айрим ўзига хос масалаларга илмий-ҳуқуқий муносабат билдирилган. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, карантин даврида кўрилган чора-тадбирлар, қабул қилинган қарорлар натижасида мурожаатларда суд-ҳуқуқ соҳасида илгари учрамаган, мазмун-моҳиятига кўра янги масалалар ҳам кўзга ташланмоқда.

Таҳлилий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда карантин чекловлари ўрнатилган 2020 йил 16 мартдан 1 июнгача биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига суд-ҳуқуқ масалалари бўйича аҳолидан қарийб 40 мингта мурожаат келиб тушган ва бу мурожаатлар мазмунан кўриб чиқиш учун тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мажбурий ижро бюросига юборилган. Ҳозирга қадар (2020 йил 10 июнь ҳолатига) уларнинг 78,6 %и кўриб чиқилган².

Юқорида кўрсатиб ўтилган факт ва рақамлар шундан далолат берадики, ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам аҳолида мурожаат қилиш, фуқароларда мутасадди идора ва ташкилотлардан ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини талаб қилиш эҳтиёжи сақланиб қолаверади. Аммо шунга қарамайдан, айрим ташкилотлар томонидан карантин шароитини рўқач қилиб, фуқаролар мурожаатларини қабул қилишни рад этиш, аҳоли муаммоларига кўз юмган ҳолда, уларни ўзидан узоклаштириш ҳолатлари ҳам кузатилди. Табиийки, бу ҳодиса ҳар томонлама атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг бундай муносабатига тегишли баҳо берилиши принципиал аҳамиятга эга масала ҳисобланади.

Айни пайтда, бу борада юзага келган вазият мурожаатлар билан ишлаш соҳасида электронлаштиришни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, жумладан, тармоқ ва ҳудудлар кесимида аниқ муддатлари кўрсатилган дастур ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Яна бир муҳим амалий аҳамиятга эга жиҳат шундаки, келгусида олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, қонун ҳужжатлари ва амалиётда ечимлари аниқ ифода этилмаган бу сингари ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатли таъминлашнинг аниқ механизмларини қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши, тарқалиши шароитида, шунингдек, инсон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар келиб чиққанда мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутувчи нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Карантин чекловлари амалда бўлган даврда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларида суд-ҳуқуқ йўналиши бўйича қуйидаги ўзига хос муаммолар кўпроқ кўтарилганини кузатиш мумкин:

– кўриб чиқиш учун юборилган ҳужжатларни судлар томонидан қабул қилиш рад этилганлиги, ўрнатилган чекловлар сабабли айрим иштирокчилар суд мажлисига кела олмаганлиги, суд ҳужжатларидан нусхалар ва кўчирмалар олиш имкони бўлмаганлиги (ўрганишлар бундай мурожаатлар келиб тушишига суд органларида жорий этилган интерактив хизматларни кўрсатишда тез-тез кузатилаётган техник муаммолар мавжудлиги

¹ <http://advokatnews.uz/xabar/1843.html>

² <https://pm.gov.uz/uz#/>

ва фуқароларда улардан фойдаланиш кўникмалари етарли эмаслиги сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда);

– судлар томонидан ишларнинг (жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иктисодий) кўрилиши тўхтатилганлиги (бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2020 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси судларида (COVID-19) коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тўғрисида”ги қарори¹ ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги 08-сон “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” қарори²да батафсил тушунтириш берилган);

– дастлабки тергов жараёнида шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қўлланилган, бироқ карантин сабабли тергов ҳаракатлари тўхтатиб қўйилиши оқибатида айбли ёки айбсиз эканлиги масаласи ҳал этилмаган шахсларнинг қамокда сақлаш жойларида узоқ муддат қолганлиги (бизнингча, амалда барча транспорт воситалари ҳаракати чекланганлиги, давлат чегаралари ёпилганлиги ва бошқа омиллар ҳисобга олиниб, бундай шахслар учун қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини шахс қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш масаласи ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ эди) ёки тергов ҳаракатлари тамомланган ишлар судлар томонидан кўриб чиқилмаганлиги;

– суд процесси бўлиб ўтадиган вақт ва манзил ҳақида илгари маълум қилинган ишлар ҳам кўрилмасдан қолганлиги, бироқ бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилмаганлиги оқибатида фуқаролар сарсон бўлиб қолганлиги (кўринадик, карантин сабабли суд органлари фаолиятида рўй берган ўзгаришлар ҳақида аҳоли, айниқса, манфаатдор шахсларни олдиндан хабардор қилиш ишларида сусткашликка йўл қўйилган);

– айрим ҳолларда карантин асос қилиб олиниб, жиноят ишларини кўзғатиш рад этилганлиги, шахсларни карантин талабларини инобатга олмасдан тергов ҳаракатларига жалб этиш ҳолатлари кузатилганлиги;

– қамокда сақлаш жойлари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар билан учрашувлар тўхтатилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) расмий сайтида тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари биноларида фуқаролар ва уларнинг ишончли вакилларини қабул қилиш тўхтатилгани қайд этиб ўтилган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 76 ва 77-моддаларига мувофиқ, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларга узоқ ва қисқа муддатли учрашувлар телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиб, уларнинг яқинлари билан алоқа қилишлари йўлга қўйилгани³ таъкидланган. Аммо, бизнингча, бу ечим ҳам анча баҳсли ҳисобланади);

– кўпгина ҳолларда, фуқаролар карантин қоидаларини бузмаган бўлса-да, жазога тортилгани ёки транспорт воситаларида ҳаракатланишига асос бўлган омиллар чуқур ўрганилмасдан маъмурий баённомалар тузилиб, транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддаси талабларига зид равишда жарима майдончаларига қўйилгани, жавобгарликка тортилган шахсларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланмагани;

– фуқароларнинг давлат санитария назорати ва ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилиги кўпайганлиги. Таъкидлаш лозимки, карантинли шароитда давлат санитария назорати органларининг аксарият ходимлари (улар илгари бундай ишларни бажармаган) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштирди, бироқ келиб тушган мурожаатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда

¹ <https://teletype.in/@oliysud1/i13zgN2lrq>

² <https://lex.uz/docs/4805217>

³ http://ombudsman.uz/uz/press_center/news/ombudsman/tergov-ibskhonalari-va-zhazoni-izhro-etish-muassasalarida-koronavirus-infektsiyasi-tar-alishini-oldi/

эълон қилинган материаллар таҳлили айти йўналишда қонун нормаларини амалда тўғри қўллаш, фуқароларнинг асосли савол ва эътирозларига профессионал даражада жавоб кайтаришда, муомала маданиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатди;

– карантин шароитида ижро ҳаракатлари билан боғлиқ баҳсли масала ва ҳолатлар юзага келганлиги.

Мурожаатларда қўтарилган муаммолардан шу нарса аён бўладики, ҳар қандай шароитда ҳам қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Чеклов ва тақиқларни фақат қонунлар билан белгилаш, жамоатчилик, фуқаролар ҳуқуқларига дахл қиладиган, қонун ҳужжатлари нормаларига давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни аниқ-равшан кўрсатиб берадиган, аҳолининг барча тоифасига мансуб фуқаролар учун бирдек тушунарли бўлган расмий шарҳлар бериб бориш амалиётини кенгайтириш, қонунчиликда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида, инсонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар келиб чиққан вазиятларда ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоидаларни белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари ўртасида интеграциялашган электрон иш юритиш тизимини жорий қилиш, дастлабки тергов ва суд ишларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада чуқурлаштириш, ишларни масофадан, хусусан видеоконференцалоқа шаклида кўриш, иш материаллари, ҳужжатлар ва даъво аризаларини белгиланган талаблар бўйича асослантирилган даражада максимал электрон равишда қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтириб ўтилган фикр ва илмий ҳулосалардан келиб чиқиб, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– карантин вақтида келиб тушган суд-ҳуқуқ соҳасига оид мурожаатларни чуқур ва тизимли ўрганиш, уларда қўтарилган муаммоларни таҳлил қилиш, ишларни судда кўриб чиқиш бўйича ҳозирги кунда юзага келган номутаносибликни танқидий таҳлил қилган ҳолда, Олий суд томонидан қўриладиган ишларни вилоят даражасидаги судларга ўтказиш, бу жараёнда мавжуд тартиб-таомилларни аҳолига имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, ишларнинг сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш;

– судлар фаолияти, авваламбор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ эканини ҳамда карантин сабабли кўрилмасдан қолган ишларнинг тўпланиб қолиб, кейинчалик уларнинг сифатли кўриб чиқилишига салбий таъсир қилишини инобатга олиб, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик тоифасидан қатъи назар, карантин қоидаларига сўзсиз риоя қилган ҳолда фуқароларни қабул қилиш, ишларни кўриб чиқишни одатдаги тартибда давом эттириш;

– ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилган карантин қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ барча маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар қонунийлигининг судлар томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш (бу борада карантин чекловлари билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги, амалий қўникмалар шаклланмагани, фуқароларга карантин даврида янги жорий қилинган тартиблар мазмун-моҳиятини етказиш борасида етарли даражада иш олиб борилмагани, иқтисодий инқироз туфайли муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондириш имкониятларидан маҳрум бўлган минг-минглаб инсонларда юзага келаётган ижтимоий қайфиятни инобатга олган ҳолда, жавобгарликка тортилган шахсларни судлар томонидан вазиятга ҳар томонлама ҳолисона баҳо берган ҳолда, маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ёки уларга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш амалиётини кенгайтириш мақсадга мувофиқ);

– давлат санитария назорати органлари ходимларини тегишли қонун ҳужжатлари нормаларини амалда қўллаш, уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича билимларини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўриш;

- маҳкумларнинг карантин вақтида фойдаланилмай қолган ёзишмалар олиб бориш, учрашувлар, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон орқали сўзлашиш борасидаги ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини яратиш;
- жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабул қилишда ҳамда жиноят процессида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш борасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

СУДЫ И КОРОНАВИРУС (COVID-19)

АТАЖАНОВ Азизбек,

самостоятельный соискатель Высшей школы судей при
Высшем судейском совете Республики Узбекистан

Аннотация. Мазкур мақолада пандемия шароитида тартибга солинган маъмурий судлар фаолияти кўрсатилган. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари келтириб ўтилган. Тадқиқотда Олий суд томонидан пандемия шароитида судлар иш фаолиятини янги шаклга олиб чиқиш бўйича қилинган ишлар ёритилган. Пандемия шароитида суд амалиёти ва ишларни кўришда мавжуд муаммолар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: пандемия, маъмурий судлар, маъмурий жавобгарлик, мажбурият чораси, республика махсус комиссияси, қонун устуворлиги.

Abstract. This article shows the smooth operation of the courts in a pandemic. The legal framework for combating the threat of a pandemic coronary virus virus COVID-19 is listed. The study examined the actions of the Supreme Court in a pandemic in establishing an effective transfer of the entire justice system in the Republic of Uzbekistan to the new principles and formats of legal proceedings in a pandemic. The author examined the judicial practice and the existing problems in the administration of justice in a pandemic.

Key words: pandemic, administrative courts, administrative punishment, coercive measure, special republican commission, rule of law.

Аннотация: В статье перечисляются правовые основы борьбы с угрозой пандемии коронавируса COVID-19, рассмотрены действия Верховного суда в налаживании эффективного перевода всей системы правосудия в Республике Узбекистан на новые принципы и форматы судопроизводства в условиях пандемии. Автором рассмотрена судебная практика и существующие проблемы в отправлении правосудия в условиях пандемии.

Ключевые слова: пандемия, административные суды, административное наказание, принудительная мера, специальная республиканская комиссия, верховенства права.

В соответствии источникам международного права в области прав человека, в рамках чрезвычайных положений в сфере общественного здравоохранения, таких как пандемия COVID-19, государства обязуются защищать права на жизнь и права на здоровье проживающих на их территории и находящихся под их юрисдикцией лиц.

Государства всегда должны помнить, что соответствующие меры защиты должны соответствовать требованиям законности, недискриминации, необходимости и соразмерности.

Уполномоченным органам действующих от имени государства (в случае Узбекистана это Специальная республиканская комиссия) следует регулярно возвращаться к вопросу о необходимости и соразмерности ограничений и отступлений, в том числе посредством постоянной оценки воздействия данных мер; по мере получения опыта и знаний о новой

коронавирусной инфекции любые меры, которые больше не представляются необходимыми или оказываются несоразмерными, следует изменить или отменить.

Всем известно, что в связи с мировой пандемией корона вируса COVID-19 на территории Республики Узбекистан с 16 марта 2020 года введены особые меры (карантин), направленные на предотвращение распространения коронавирусной инфекции (COVID-19), повлекшие внесение существенных изменений в порядок функционирования государственных органов в том числе судебной власти.

Государством приняты соответствующие нормативные акты для создания правовой основы борьбы, с данной угрозой мирового масштаба.

В частности распоряжением Президента Республики Узбекистан от 29 января 2020 была образована Специальная республиканская комиссия по подготовке программы мер по предупреждению завоза и распространения нового типа коронавируса в Республике Узбекистан.

В соответствии пункта 12 Постановления Кабинета министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах против распространения коронавирусной инфекции» от 23 марта 2020 года нормативные акты принимаемые Специальной республиканской комиссией являются обязательными для всех учреждений вне зависимости их подчинения¹.

26 марта 2020 года был принят закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан и кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности.

В соответствии с данным законом Кодекс об административной ответственности (КоАО) дополнился статьей 29². Она предусматривает применение принудительных мер медицинского характера в условиях распространения карантинных и других опасных инфекций при наличии медицинских оснований к лицу, нарушившему правила борьбы с эпидемиями.

Принудительная мера применяется вместе с назначением административного взыскания сроком до 30 суток и исполняется в местах, определенных органами государственного санитарного надзора. Исполнение принудительной меры обеспечивают органы государственного санитарного надзора, внутренних дел и Национальной гвардии.

Надо подчеркнуть то, что в действующем кодексе отсутствовали правовые основы для принятия принудительных мер в отношении лиц, нарушавших санитарные правила или правила борьбы с эпидемиями, при достаточных основаниях полагать, что у этого лица есть или могут быть симптомы болезни. Соответственно эти меры позволят принудительно лечить путем изолирования лиц, которые нарушали санитарные правила и правила борьбы с эпидемиями и могут вызвать еще более широкое распространение заболевания».

Изменение коснулась и статьи 54 КоАО. В соответствии изменениям конкретизируются виды нарушения правил борьбы с эпидемиями.

Нахождение в общественных местах без маски в условиях возникновения и распространения карантинных и других опасных инфекций вопреки специальным требованиям уполномоченного органа влечет наложение штрафа до 5 БРВ.

Нарушение обязательных правил, установленных для предупреждения возникновения или распространения карантинных и других опасных инфекций, в том числе: несоблюдение внутреннего распорядка лечебного учреждения, невыполнение без уважительных причин требований о прохождении медицинского обследования и лечении, прибытии в места прохождения карантина и непокидании их, разглашении сведений о лицах, с которыми был контакт, и местах посещения в период риска заражения заболеванием, а также других законных требований органов государственного санитарного надзора влечет наложение штрафа на граждан от 20 до 30 (ранее – от 3 до 5), а на должностных лиц – от 30 до 50 БРВ (ранее – от 10 до 15).

¹ Национальная база данных законодательства, 24.03.2020 г., № 09/20/176/0358.

В условиях пандемии со стороны Верховного суда Республики Узбекистана были приняты оперативные меры по переводу всей системы правосудия на новые принципы и форматы судопроизводства.

Президиумом Верховного Суда Республики Узбекистан от 20 марта 2020 года было принято постановление, содержащие рекомендации и указания о порядке работы судов.

В пункте 2 постановления Президиума Верховного суда указаны категории дел, подлежащие к рассмотрению в период пандемии. К ним относятся:

- категории дел безотлагательного характера;
 - дела, рассматриваемые в порядке приказного производства;
 - дела о признании в установленном порядке недееспособным;
- Категория дел «безотлагательного характера» относятся следующие дела:
- об избрании, продлении, отмене или изменении меры пресечения;
 - административный арест;
 - некоторые дела об административных правонарушениях¹.

Был приостановлен личный прием граждан в судах и рекомендовано подавать процессуальные документы посредством почтовой связи и в электронном виде.

Соблюдая эти рекомендации, административными судами в период с 20 марта по 1 июня этого года рассмотрено свыше 38 тысяч дел в отношении 48 тысяч лиц связанные с правонарушениями.

Анализ рассмотренных дел показывает резкий рост количества дел об административных правонарушениях в условиях пандемии (нарушение санитарного и карантинного режимов гражданами, ограничений на въезд-выезд из населенных пунктов, передвижений между регионами и т.д.).

Ежедневный анализ судебной практики административных судов свидетельствует о том, что суды приняли жесткую позицию в отношении правонарушителей, которые нарушали правила борьбы с эпидемией. Такой подход, конечно, связан с быстрым ростом уровня заболеваемости в нашей республике в тот период.

Судебная практика показывает, что правонарушители, совершая правонарушения предусмотренные ст. 54 (нарушения правил борьбы с эпидемией) Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, совершают и другие правонарушения предусмотренные в данном кодексе.

Дела связанные именно с нарушениями правил борьбы с эпидемией (ст. 54 КоАО) в период с 16 марта по 1 июня составили более 2.800.

Как выше указывалось в условиях пандемии суды рассматривали категории дел безотлагательного характера. В связи с чем после окончания карантина загруженность судов увеличится в разы. Поэтому данный вопрос находился в центре внимания и на заседании Пленума Верховного суда, который состоялся 28 апреля 2020 года. На заседании было принято постановление Пленума Верховного суда «О некоторых вопросах применения судами законодательства в условиях введения на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19)».

Постановление Пленума Верховного суда разъясняет следующие вопросы.

В соответствии с законом лица, участвующие в уголовном, гражданском, административном, экономическом судопроизводстве, утрачивают право на совершение тех или иных процессуальных действий с истечением процессуальных сроков, установленных законодательством или назначенных судом.

В случае невозможности осуществления процессуальных действий в период условий карантина судам необходимо в установленном законом порядке решить вопрос о восстановлении любых процессуальных сроков как пропущенных по уважительным причинам.

¹ Постановление Президиума Верховного суда 20.03.2020 г № РС-13-20.

Введение карантина не приостанавливает течение установленных законом сроков задержания, содержания под стражей, нахождения под домашним арестом, а также сроков применения условно-досрочного освобождения от наказания и замены наказания более мягким наказанием.

Приговоры, определения, постановления судов об освобождении из-под стражи и домашнего ареста должны немедленно приводиться в исполнение.

Пленум Верховного суда также даёт разъяснение по срокам исковой давности. Так в соответствии п. 3 выше упомянутого постановления определено, что в период действия карантина срок исковой давности приостанавливается на основании пунктов 1 и 2 части первой статьи 156 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

При этом следует обратить внимание, что течение срока исковой давности приостанавливается, если карантин введен или продолжал действовать в последние шесть месяцев срока давности, а если этот срок менее шести месяцев, – в течение срока давности.

Со дня прекращения карантина, послужившего основанием приостановления срока давности, течение срока давности продолжается, при этом оставшаяся часть срока удлиняется до шести месяцев и, если срок исковой давности был менее шести месяцев, – до срока исковой давности¹.

Надо заметить, что в Постановлении Верховного суда есть некоторые недостатки. Например, не поднят гендерный вопрос. В нынешней ситуации судам следовало бы уделять больше внимание положению женщин и детей, лиц старшего возраста, лиц с инвалидностью, признавая безотлагательность обращений в суд по вопросу о предоставлении защитных мер, поступающих от представителей указанных групп, которые сталкиваются или могут столкнуться с повышенной угрозой насилия, злоупотреблений или халатности по сравнению с остальным населением, будь то в результате действия общих ограничительных мер, или же лиц, которые по иным причинам столкнулись бы с повышенной угрозой, если бы их доступ к иным защитным механизмам был приостановлен или ограничен.

Верховным судом не выработан процессуальный механизм для групп граждан по обжалованию необоснованного использования полномочий по введению карантина. В правовом государстве суды всегда должны быть доступны для граждан в любых условиях.

Несмотря на недостатки принятое Постановление Пленума устранил различные проблемы, возникающие в судебной практике, будет способствовать правильному применению законодательных мер, обеспечению законности в деятельности судов.

В конце хотелось бы сказать, что именно судебная власть является центральным звеном в защите принципа верховенства права, посредством обеспечения действий иных ветвей власти в рамках закона. Данная роль особенно важна во время нынешней ситуации. К сожалению, именно в таких ситуациях данная функция чаще всего становится предметом ограничений или оказывается под угрозой. Фактом остаётся то, что сегодня исполнительная власть наделена соответствующими полномочиями. Безусловно, наделения такими полномочиями направлено на оперативное реагирование, вызванное пандемией COVID-19. Но надо помнить, что всегда возникает угроза умышленных злоупотреблений по ненадлежащим мотивам, а ограничение способности судов контролировать действия исполнительной власти и реагировать соответствующим образом существенно усугубляет данную угрозу. Суды всегда должны предвидеть такие действия и исходя из своих полномочий должны, раскрывать и пересекать такие злоупотребления. Ведь от этого зависит права человека и верховенства закона.

¹ Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 08 от 28.04.2020 г.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ ВА СУД БУЙРУҒИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

АЗИЗОВ Насимбек

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси доценти, адлия кичик маслаҳатчиси

Аннотация: мазкур мақолада соддалаштирилган тартибда иш юритиш ва суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг фарқли жиҳатлари, бу соҳадаги процессуал нормаларни такомиллаштириш, суд амалиётидаги айрим муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечими борасида таклифлар илгари сурилган.

Калим сўзлар: суд буйруғи, соддалаштирилган тартибда иш юритиши, иқтисодий суд.

Annotation: This article analyzes the importance of considering the case in the summary procedure and court orders and their differences, the improvement of procedural rules in this area, some of the problems of judicial practice and makes proposals for their solution.

Key words: court order, summary procedure, economic court.

Аннотация: В данной статье анализируется важность и различия между упрощенным производством и выдачей судебных приказов, совершенствование процессуальных норм в этой сфере, некоторые проблемы судебной практики и вносятся предложения по их решению.

Ключевые слова: судебный приказ, Упрощенное производство, экономический суд.

Бугун дунёда содир бўлган пандемия ва унинг салбий оқибатлари тадбиркорлик субъектларининг нормал фаолиятига сезиларли таъсир этди, иқтисодий низолар билан боғлиқ низоларни ҳал этишга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тадбиркорлар шартнома мажбуриятини бажара олмаслиги оқибатида иқтисодий низолар кўпайди. Шунингдек бугунги кунда судда қатнашмасдан иқтисодий низоларни (ишларни) ҳал этиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Пандемия пайтида карантин қоидалари шароитида судларда буйруқ тартибидаги, соддалаштирилган тартибдаги ишлар давом эттирилиши белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий низоларига ўз вақтида тўғри ва аниқ ҳал этилишида иқтисодий судлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Тадбиркорлик субъектлари, даъвогар ёки жавобгар сифатида яъни судда иштирок этувчи шахслар сифатида пандемия шароитида соддалаштирилган тартибда иш юритиш ва суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларнинг аҳамиятини ва фарқларини билишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда кўп миқдорда бўлмаган пул маблағларини ундириш билан боғлиқ соддалаштирилган тартибда иш юритувчи судларнинг мавжудлиги кўпгина давлатларнинг халқаро рейтинг кўрсаткичларидаги ўрнига таъсир этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 20.03.2019 йилдаги “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Иқтисодий процессуал кодекс “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган 23¹-боб билан тўлдирилди.

Иқтисодий суднинг судьялари иш ҳажмининг ортиши иқтисодий судлар тизимини оптималлаштириш, иқтисодий низоларни судга қадар ҳал этиш турларини ривожлантириш ҳамда айрим турдаги низосиз, мураккаб бўлмаган ишларни ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини иқтисодий процессуал қонунчилигида мустаҳкамлашни тақозо этди. Иш ҳажмининг ортиши иқтисодий судлар томонидан ҳам айрим процессуал ҳуқуқ нормаларига

тўла рия килмасдан қарорлар қабул қилиш, ишларни лозим даражада тайёрламасдан иқтисодий ишларини судда кўриб чиқиш, судда иштирок этувчи шахсларни суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилмасдан ишни кўриш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Ҳукушунос процессуалист олим М.Мамасиддиқов соддалаштирилган тартибда иш юритиш аҳамиятига алоҳида тўхталиб, ишларни судда кўриш ва ҳал этиш нафақат судьялар сонини кўпайтириш орқали, балки суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-таомилларини жорий этиш эвазига ҳам тезлашишини таъкидлаган¹.

Тадқиқот давомида айнан иқтисодий процессуал кодексда мавжуд соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш бўйича қандай маблағлар тежалиши мумкинлиги таҳлил этилади. Чунки ушбу иш юритишда бирор бир давлат божини тўлаш бўйича имтиёз мавжуд эмас. Фақат суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртirmасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқиши сабабли қанчадир миқдорда тарафлар маблағ тежаллари мумкиндир. Соддалаштирилган тартибда иш юритишни суд буйруғи тартибидаги иш юритишдан бир неча фарқи кейинги ўринларда таҳлил этилади. Шу билан бирга, суд буйруғи тартибидаги иш юритишнинг хусусияти сифатида билдирилган талаблар суд буйруғи тартибидан ташқари аризачининг хоҳишига кўра даъво аризаси сифатида ҳам берилиши мумкин. Иқтисодий суд ва процессуал қонунчилик фақат суд буйруғи бериш бўйича ариза тақдим этишга мажбурлай олмайди. Бироқ соддалаштирилган тартибда иш юритиш тартибида ихтиёрий танлов мутлақо тан олинмайди. ИПКнинг 203²-моддасига мувофиқ агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса – беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши “лозимлиги” белгиланган. Бу дегани даъво аризаси мана шу кўрсатилган мезонга тушса албатта соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланган. Бироқ иқтисодий процессуал қонунчиликда жавобгарга даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини билдириши учун даъво аризасининг кўчирма нусхасини топшириш мажбурияти даъвогарга юклатилганлигини аниқлаш мумкин. Шу сабабли ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасига ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги далиллар илова қилиниши лозим. Ушбу 2 та зарурий элементдан келиб чиқиб айтиш мумкинки соддалаштирилган тартибда кўриш фақат даъво суммаси миқдорига боғлиқ бўлмай, даъво аризасининг жавобгарга албатта топширилишига ҳам боғлиқдир. Бундан келиб чиқиб, ҳар доим ҳам, яъни жавобгар даъво аризасини олмаган ҳолларда даъво суммаси кичик бўлган тақдирда ҳам (изоҳ: соддалаштирилган тартибда иш юритиш мезонларига миқдори жиҳатидан мос бўлса) албатта соддалаштирилган тартибда кўрилиши лозим деган ҳулосани рад этишини кўриш мумкин.

Юқоридаги соддалаштирилган иш юритиш процессуалист олим Қ.Авезовнинг фикрича, соддалаштирилган тартибда кўрилган иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори тўғридан тўғри ижрога қаратилмай, балки даъвогар томонидан ижро варақаси беришни сўраб илтимоснома киритилгач берилиши ҳам маълум маънода ушбу институтнинг кемтик масалаларидан бўлиб қолмоқда, шу сабабли, ушбу тоифадаги ишларни кўришда тарафларга қулайлик яратиш мақсадида, ишни қайси тартибда кўришни даъвогарнинг ихтиёрига қўйиб бериш мақсадга мувофиқ².

¹ Мамасиддиқов М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. 2017 йил 3-сон. 13-бет (Mamasiddiqov M. The main directions of improvement of civil procedural legislation of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Academy of the Ministry of Internal Affairs. №3, 2017. – p.13.

² Қ.Авезов. Иқтисодий процессда тарафларнинг ҳукукий макomini такомиллаштириш. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: 2019. – Б. 142.

Суд буйруғи бериш учун асослар мавжуд бўлганда ариза берувчи шахсда суд ишини юритишни танлаш имконияти мавжуд. Ушбу асослар бўйича умумий тартибда даъво аризаси ҳам бериши мумкин.

Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш асослари ва шартлари ИПКда аниқ ажратиб кўрсатилмаган. Масалан бу тоифадаги иш юритишда фақат даъвонинг баҳоси асос сифатида кўринади. Фақатгина агар 203²-модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши мумкин. Яъни бунда даъвогарнинг илтимосномаси ва жавобгарнинг розилиги кўшимча асос сифатида кўрсатилмоқда. Лекин бу бошқа ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш пайтидагина вужудга келади холос. ИПКда соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишнинг муҳим шarti сифатида эса даъвогар томонидан даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги далилларни тақдим этиши ҳисобланади.

Суд буйруғи тартибида иш юритишда суд буйруғи бериш бўйича талаблар ИПКнинг 135-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган. Масалан, ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб билдирилган бўлса суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш мумкин. Шу билан бирга бу талаб низосиз ҳаратерга эга ҳисобланади. Айнан шу талаб бўйича низо пайдо бўлганда ёки эътироз билдирилган бўлса, келгусида бу умумий тартибда даъво тартибидаги иш юритиш амалга оширилади. Ана шунда ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида низоларни соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш асосларига киритиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу тан олишни даъвони тан олиш процессуал тартибига тенглаштириш зарур. Ёки даъвони тан олиш процессуал тартибига тенглаштирилмаса ҳам, уни соддалаштирилган тартибда иш юритиш учун даъво аризасини тақдим этишнинг бир шarti сифатида, худди жавобгарнинг розилиги каби белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатда жавобгар даъвони тан олган ҳисобланмайди ва унда ёзма фикр бериш ҳуқуқи сақланиб қолинади.

Шунингдек суд буйруғи у берилганидан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради. Энг муҳими суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга ва у суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ижро этилиши лозим. Яъни ундирувчи суд буйруғи ихтиёрий бажарилмаса кўшимча равишда ижро варақаси олиши талаб этилмайди.

Бироқ соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилиши белгиланган. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради. Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган биринчи масала бу – соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича қайси ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган бўлса, ўша ҳал қилув қарори **тарафларнинг илтимосномаси** бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида ИПКнинг V бўлимининг қоидаларига биноан, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилиши лозим. Шу сабаби ИПКнинг 203⁵-моддасига қуйидаги мазмундаги янги хатбоши киритиш орқали ҳал қилув қарори ижроси самарадорлиги оширилади:

“Иқтисодий процессуал кодексда Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори белгиланган тартиб ва муддатларда ижро этилмаслиги суд томонидан манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича ижро варақаси бериш учун асос бўлади. Ижро варақасини бериш масаласи суд томонидан тарафлар чақирилмасдан ИПКнинг V бўлими қоидалари бўйича кўрилади. Зарурат туғилганда суд ижро варақаси бериш масаласини суд мажлисида кўриб чиқишга ҳақли”.

Умуман бу процессуал механизм тарафлар учун яна ортиқча оворагарчиликни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ҳам соддалаштирилган иш юритиш бўйича ҳал қилув қарорини бошқа ҳал қилув қарорлари каби ижро варақаси автоматик тарзда бериладиган тоифага киритиш мақсадга мувофиқ.

Эътиборга молик иккинчи масала шуки, даъвони таъминлаш бўйича чоралар кўриш, келишув битимини тасдиқлаш, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий тартибда ижрога қаратиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ажримлар каби соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши лозим.

Суд буйруғидан яна бир фаркли жиҳати шуки, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари устидан апелляция шикояти (протести) берилиши мумкинлидир. Ҳозирги суд-ҳуқуқ ислохотларини инобатга олиб, куйидаги 2 та қондани таҳлил қилиш зарурияти мавжуд. Биринчиси суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага эътироз (бунда қарздор кредиторнинг талабларига қарши эътирозини суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси унга топширилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда судга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли) ва иккинчиси суд буйруғини бекор қилиш (агар қарздор узрли сабаб билан ўз вақтида кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли) ҳолатларида ушбу муддатларни қарздор томонидан узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилиши мумкин. Бунда процессуал муддатларни тиклаш имконияти имкон қадар ҳал этили мумкин. Бироқ қарздорнинг суд буйруғи қонунийлигини текшириш имконияти иктисодий процессуал қонунчиликда белгиланмаган. Суд буйруғи устидан шикоят билдирилмайди. Бироқ хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 229.5-моддаси 11-бандига асосан қонуний кучга кирган суд буйруқлари устидан кассация тартибидаги шикоят берилиши мумкинлиги белгиланган (изоҳ: шикоят бериш муддати 2 ойни ташкил этади).

Шу сабабли ҳам юқоридаги таҳлилларга кўра имкон қадар соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш тартиби ва суд буйруғи тартибидаги иш юритиш турларининг фаркли ва ўхшаш жиҳатларини қайта кўриб чиқиб, имкон қадар иш юритиш тартибини такомиллаштирувчи тақлифлар ишлаб чиқиш лозим.

Суд буйруғи тартибида иш юритиш низосиз талаблар бўйича амалга оширилса, соддалаштирилган тартибда иш юритиш бўйича низо мавжуд бўлади.

Даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши мумкин. Бироқ ИПКнинг 135-моддасида назарда тутилган суд буйруғи бериш бўйича талабларнинг рўйхати тугал ҳисобланади ва у кенгайтирилган тарзда талқин этилмайди. Жавобгарнинг розилиги қандай шаклда бўлиши қонунчиликда аниқ белгиланмаган.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишда даъводан ёки суд буйруғи бўйича эса талабдан воз кечиш қандай оқибатларни келтириб чиқариши таҳлил қилинганда куйидагилар аниқланди:

агар суд буйруғи берилгунга қадар кредитордан суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш ёки талабдан воз кечиш ҳақида ариза берилган бўлса, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза ИПК 141-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан қайтарилиши белгиланган;

суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг қайтарилганлиги кредиторнинг судга бундай ариза билан қайта мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди;

соддалаштирилган тартибда иш юритишда даъводан воз ечиш масалалари ва механизми аниқ кўрсатилмаган.

Россия Федерацияси Олий арбитраж судининг 13.08.2004 йилдаги ахборот хатига асосан соддалаштирилган тартибда иш кўришда даъводан воз кечиш тартиби қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган¹.

¹ Информационное письмо Президиума ВАС РФ от 13.08.2004 N 82 (ред. от 01.07.2014) «О некоторых вопросах применения Арбитражного процессуального кодекса Российской Федерации» (http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_49121/25dacf3180f5ff0b69bc5483e763351e822bfbc6/)

Бирок Олий суд Пленуми қарорларида ёки ИПКда айнан соддалаштирилган тартибда иш юритишда даъводан воз кечиш ва унинг оқибатлари аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Фақат соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш ИПКда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланганли сабабли даъводан воз кечиш ҳам умумий қоидалар асосида ҳал этилиши мумкинлигини билдирмоқда.

Демак соддалаштирилган тартибдаги иш юритишда даъводан воз кечиш иш юритишни тугатишга олиб келса, талабдан воз кечиш эса суд буйруғи тартибидаги ишларда аризани қайтарилишига олиб келади деган ҳулосага келиш мумкин.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасидан ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади. Ушбу иш юритиш тартиби буйруқ тартибида иш юритишга ўхшаб кетсада, фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан буйруқ тартибидаги иш юритишда низосиз ишлар кўриб чиқилади. Масалан, суд буйруғи судья томонидан солиқ қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса, солиқ қарзининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги лозим, яъни қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари мувофиқ тасдиқланган (изоҳ: қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг тасдиқланган энг кам миқдорлари юридик шахсларга – 4 054 600 сўм, жисмоний шахсларга – 1 013 700 сўм¹). Бу шунга аниқлашдики, ҳатто суд буйруғи тартибидаги ишларда ҳам талаб суммаси юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг деярли 20 бараваридан, жисмоний шахсларга нисбатан 5 бараваридан ортиқ бўлиши лозим. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида эса бу миқдор юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравардан, яъни тартибдаги тадбиркорларга нисбатан 5 баравардан ошмаслиги зарур. Миқдор жиҳатдан соддалаштирилган тартибда иш юритиш суд буйруғида талаб этиладиган миқдордан ҳам кам миқдорни ташкил этмоқда. Сўровнома натижаларига кўра, соддалаштирилган тартибда иш юритиш учун даъвонинг баҳосини сезиларли даражада оширишни қўллаб-қувватлашмоқда. Бирок соддалаштирилган тартибда иш юритиш даъво баҳосини кўпайтириб қўйиш осонгина ҳал этиш мумкин. Бирок “Бизнес юритиш” халқаро рейтинг ҳисоботларида айнан кичик миқдордаги даъволарни кўриб чикувчи судлар борлиги ва соддалаштирилган тартиб бўйича процессуал механизмлар борлигига эътибор қаратилади. Шу сабабли соддалаштирилган тартибдаги иш юритиш бўйича даъво баҳосини юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача, яъни тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорни белгилаш ўз самарасини берган бўларди. Чунки айнан даъво баҳосининг камлигини қувиб ўтиб, соддалаштирилган иш юритиш тартибини четлаб ўтишга ҳаракатлар ҳам бўлиши мумкин.

Ҳулоса қилиб айтганда, иқтисодий судлар ҳам низоларни ҳал этишда пандемия пайтида тадбиркорлик субъектларига яратиб берилган имтиёзлар ва имкониятларни ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тўғри қўллашлари лозим бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори. (<https://www.lex.uz/docs/4131684>)

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА СУД ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

ИСМОИЛОВ Олимжон,

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактабининг мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада пандемия ва карантин даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилишга оид долзарб муаммолар ёритилган. Хорижий давлатлар тажрибаси асосида судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши шароитида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: пандемия, карантин, суд орқали ҳимоя, фуқаролик процесси, хорижий тажриба, электрон одил судлов, электрон суд тизими.

Аннотация. В этой статье рассматриваются актуальные вопросы, связанные с эффективной судебной защитой прав и свобод человека во время пандемии и карантина. Исходя из опыта зарубежных стран, разработаны предложения по некоторым вопросам применения судами законодательства в связи с введением на территории Республики Узбекистан мер по предотвращению распространения коронавирусной инфекции (COVID-19).

Ключевые слова: пандемия, карантин, судебная защита, гражданский процесс, зарубежный опыт, электронное правосудие, электронная судебная система.

Abstract: This article examines topical issues related to the effective judicial protection of human rights and freedoms during a pandemic and quarantine. Based on the experience of foreign countries, the courts have developed proposals on some issues of law enforcement in the context of the introduction of measures against the spread of coronavirus infection in the territory of the Republic of Uzbekistan.

Key words: pandemic, quarantine, judicial protection, civil procedure, foreign experience, electronic justice, electronic court system.

2020 йил аллақачон дунё тарихига кириб улгурди ва бу йил коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемиясининг деярли бутун сайёрада фаол тарқалиши билан ажралиб туради. Шундай қилиб, 2020 йилнинг 11 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг ихтисослашган агентлиги, коронавирус инфекциясини расмий равишда COVID-19ни пандемия деб эълон қилди, бу бизнинг мамлакатимизда ҳам бу билан боғлиқ глобал ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020 йилнинг 16 мартдан бошлаб коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар (карантин) жорий этилди. Бу давлат органлари ва бошқа муассасалар ишлаш тартибига, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жиддий ўзгартиришлар киритилишига, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига, шу жумладан, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига сабаб бўлди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида назарда тутилган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши билан боғлиқ нормалар¹ коронавирус

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 10.

инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган махсус чоралар сабабли бир мунча чекланди.

Бу каби чекловларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сонли¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5978-сонли Фармонлари², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 176-сонли қарори³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларини кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда мамлакатимизда амал қилиб турган эпидемиологик вазиятларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган судлар қандай фаолият юритиши кераклиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қуйи судларга тушунтиришлар бериши талаб этилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрель кuni бўлиб ўтган мажлисида “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши шароитида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди ва қарор қабул қилинди⁴.

Мазкур Пленум қарори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши, суд амалиётида муаммолар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида тайёрланган бўлиб, унда айнан эпидемиологик вазиятларда судлар қандай фаолият юритиши юзасидан тушунтиришлар берилди.

Пленум қарори билан фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасидаги тушунтиришлар ва уларга алоқадор айрим масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги қарорида карантин амал қилиши даврида даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси (даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши) биринчи қисмининг 1- ва 2-бандларига асосан тўхтатилиши тушунтирилди. Унга кўра, агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилиш давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво муддатининг тўхтатиб турилишига асос бўлган карантин барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади⁵.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.04.2020 й., 07/20/5986/0510-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5978-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.04.2020 й., 07/20/5986/0510-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 176-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.03.2020 й., 09/20/176/0358-сон, 17.04.2020 й., 09/20/234/0453-сон.

⁴ Олий суд Пленумида судларнинг эпидемиологик вазиятларда фаолият юритиши муҳокама қилинди // <https://kun.uz/news/2020/04/28/oliy-sud-plenumida-sudlarning-epidemiologik-vaziyatlarda-faoliyat-yuritishi-muhokama-qilindi>.

⁵ <https://lex.uz/docs/4805217>.

Фукаролик кодекси 333-моддаси (мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари) нинг учинчи қисмига асосан башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Шу муносабат билан, судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар), мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин шартлари жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришни рад этиши лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Қонунга мувофиқ жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича, маъмурий ва иқтисодий судлар иш юритувида иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, карантин шартлари даврида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолда, судлар ҳар қандай процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда тиклаш масаласини ҳал этиши зарурлиги белгиланди.

Тегишли процессуал қонунда назарда тутилган фуқаролик, жиноят, маъмурий, иқтисодий иш бўйича иш юритишни тўхтатиш асослари тугал эканлиги сабабли, судлар мазкур ишлар бўйича иш юритишни карантин жорий этилиши муносабати билан тўхтатишга ҳақли эмас ва уларни ўз вақтида, карантин шартларида белгиланган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиши, бундай чоралар кўришнинг ҳамда процесс иштирокчилари иштирокини амалда таъминлашнинг имконияти бўлмаганда, ишни кўришни маълум муддатга қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим.

Бунда карантин жорий этилиши муносабати билан қолдирилган ишларни кўриш муддатлари бузилиши ҳоллари судьялар айби билан йўл қўйилган деб баҳоланиши мумкин эмас.

Шу билан бирга, ушбу қоидалар қуйидагиларга:

буйруқ тартибда кўриладиган ишларга;

соддалаштирилган тартибда кўриладиган ишларга;

тарафлар томонидан ишни уларнинг иштирокисиз кўриш ҳақида илтимоснома берилган ишларга, башарти суд суд мажлисида тарафлар иштирок этишини шарт деб топмаган бўлса;

кечиктирмай кўрилиши талаб этиладиган бошқа ишларга татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, коронавирус инфекцияси (COVID-19) пандемиясининг тарқалишига қарши чоралар кўриш мақсадида бошқа чет эл давлатлари суд тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, **Германия** Федерал Олий суди тажрибаси шуни кўрсатадики, Олий суд ташқаридан ташриф буюрувчилар учун ёпилиб, суд эшитувлари жорий йил май ойининг бошига қолдирилган эди.

Германия Федерал маъмурий судида бир неча ходим Коронавирус билан касалланганлиги тасдиқлангандан сўнг, суд ходимларининг ва судга ташриф буюрувчиларнинг соғлигини сақлаш мақсадида 2020 йилнинг 18 мартидан 2020 йилнинг 19 апрелигача Федерал маъмурий суд ўз фаолиятини чеклаган эди. Ушбу даврда, шошилинч ҳолатлардан ташқари, ҳеч қандай оғзаки эшитувлар ўтказилмади. Ушбу даврга белгиланган эшитувлар ва учрашувлар бекор қилинди. Суд биноси жамоатчилик учун ёпилди. Бир вақтнинг ўзида ҳудудий судларга ҳам кириш ҳуқуқи чекланди.

Мюнхен туман суди биносига кириш ҳамма учун, шу жумладан, партиялар учун ҳам ёпилган бўлиб, шошилинч учрашувлар бундан мустасно. Шошилинч йиғилишларга кириш олдиндан ва қатъий қилишилган.

Аммо шу билан бирга, судга мурожаат қилувчилар ҳужжатларни топширишлари мумкин ва бунинг учун алоҳида хона ажратилган.

Юқорида белгиланган даврда суднинг кутубхонаси, суд архиви ҳам ўз ишини давом эттирган.

АҚШ Олий суди биноси судга ташриф буюрувчилар учун ёпилган. Жамоатчилик муҳокамаси номаълум муддатга қолдирилди. Бинога киришга факат суд ходимлари учун рухсат берилади.

Олий судга ариза бериш муддати охирги бахсли суд ҳужжати қабул қилинган кундан бошлаб 150 кунга узайтирилди.

Италия Олий Кассация суди тажрибаси шуни кўрсатадики, Кассация судининг 8 мартдаги қарори билан суд муҳокамаси 15 апрелга қолдирилган, суд маъмурияти ходимларнинг максимал сони мослашувчан иш режимига ўтказилиб, масофавий ишларга юборилди.

Бироқ 2010 йил 1 апрелдаги буйруқ билан юқоридаги муддатлар узайтирилган ҳолда қайта кўриб чиқилди.

Фуқаролик процессида барча мураккаб, шов-шувли суд муҳокамалари 30 июнга қолдирилди. 30 июндан сўнг, ишлар устуворлиги баҳолангандан кейин тайинланадиган бўлди.

2020 йилнинг 11 майдан бошлаб ҳар бир палата учун қатъий белгиланган жадвалга биноан, жамоатчилик томонидан тингланадиган ишларни муҳокама қилиш учун палаталар тўпланиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят процессида ишлар 15 апрелга қадар қолдирилган, аммо шошилинч ишлардан ташқари, кўпчилик ишлар жорий йилнинг 30 июнигача қолдирилиши айтилган.

Қозғоғистон Олий суди тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Нур-Султон ва Олма-Ота шаҳарларида, COVID-19 коронавирус инфекцияси билан боғлиқ ишларнинг кўпайиши муносабати билан, Олий суд фавқулодда вазиятлар пайтида суд процессларида қатнашган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш ўртасида мувозанатни сақлаш чораларини кўрмоқда.

Республика судларига ташриф буюрувчилар орасида коронавирус тарқалишининг олдини олиш учун карантин чораларини қатъиян бажариш тўғрисида кўрсатма берилган.

Баъзи судьялар ва суд ходимлари учун мослашувчан иш жадвалини белгилаш тавсия қилинган, қолганлари таътилга юборилиб, қисқа иш кунига ёки масофавий иш режимига узатилган.

Маҳаллий судларга ҳужжатларни иложи борица қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилган.

Бундан ташқари, қуйидаги:

- а) тергов судлари ишида;
- б) кўчирилиши ёки қолдирилиши мумкин бўлмаган;
- с) фавқулодда ҳолат тугагунга қадар қолдирилиши ёки кечиктирилиши мумкин бўлган суд ишлари ва материалларини кўриб чиқиш муддатларини белгилаш ва рўйхатларни тузиш бўйича кўрсатма берилган.

Нур-Султон ва Олма-ота шаҳарларида карантин муносабати билан тегишли ҳудудий судларга фавқулодда ҳолат режимининг бузилиши билан боғлиқ ишларда, шунингдек, маъмурий, тергов ва бошқа миллий судлар томонидан кўриб чиқиладиган миллий хавфсизликка оид, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим соҳалари фаолиятини таъминлаш, шахсий эркинликка оид конституциявий ҳуқуқни чеклаш билан боғлиқ ишларда одил судловни амалга ошириш учун суд ҳокимияти вакилларининг минимал сонини қолдириш тавсия этилган.

Шунингдек, судларни ҳимоя қилиш ва фаолият юритиши учун зарур бўлган энг кам сонли ходимларни жалб қилиш йўлга қўйилди¹.

¹ Суды мира во время пандемии, 9 апреля 2020 г. // http://www.supcourt.ru/press_center/news/28842/

Россия Федерацияси Олий суди Президиуми ва Россия Федерацияси Судьялар Кенгаши Президиумининг 2020 йил 8 апрелдаги “Россия Федерацияси ҳудудида янги коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалишига қарши курашиш учун судлардаги чеклов чоралари тўғрисида” 821-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур Қарор 2020 йил 8 апрелдан 2020 йилнинг 11 май кунигача амал қилиши белгиланган¹.

Юқорида келтирилган хорижий давлатлар (ГФР, АҚШ, Италия, Россия ва Қозоғистон) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши шароитида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдирмоқчимиз: **биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши чоралар жорий этилиши шароитида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” қарорини қабул қилишга асос сифатида қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари асосан амалдаги қонунлар: 1999 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 824-I-сонли Қонуни² ҳамда 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” ЎРҚ-393-сон Қонуни³ қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш асос қилиб олинishi лозим эди. Бинобарин, 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 824-I-сонли Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонуннинг 9-моддасида вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари назарда тутилган.

Иккинчидан, ўрганилган бошқа хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, муайян муддатга фуқароларнинг судларда шахсий қабулини тўхтатиб туриш ва судларда ҳужжатларни Интернет орқали электрон қабул қилиш ёки почта орқали топширишни тавсия этиш юзасидан тушунтиришлар берилиши лозим. Биргина мисол, Россия Федерациясида фуқароларни судларда шахсан қабул қилиш тўхтатилиб, келиб тушган ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш ва рўйхатдан ўтказиш таъминланган ҳолда, процессуал ҳужжатларни почта орқали ва электрон шаклда юбориш, шошилинч тусга эга бўлган ишларни, буйруқ тартибида ва соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш, суд мажлисида ишларни агар уларнинг иштироки мажбурий бўлмаса, ўзларининг шахсан иштирокисиз кўришни илтимос қилган барча иштирокчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди. Ушбу тавсияларга мувофиқ судлар 2020 йилнинг 18 мартдан 20 апрелигача 2 миллиондан ортиқ иш ва материалларни кўриб чиқдилар⁴.

Учинчидан, судларга почта орқали ва электрон шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат шаклида тақдим этилган ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш ва рўйхатдан ўтказишни таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, судларга, агар техник жиҳатдан имкони бўлса, процесс иштирокчиларининг фикрларини инобатга олган ҳолда, видеоконференцалоқа тизимидан ва (ёки) веб-конференция тизимидан фойдаланиб, фавқулодда тусга эга бўлган ишлар ва материалларни, шу жумладан, фуқароларнинг эркинликлари ва шахсий дахлсизликка бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқ ва мулкни ҳимоя қилиш, вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишлар (материаллар) бўйича суд муҳокамаларини ўтказиш тавсия этилиши лозим.

¹ <https://base.garant.ru/73859490/>

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2010. – № 37. – 316-модда; 2014. – № 4. – 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 34. – 451-модда; 2019. – № 2. – 47-модда.

⁴ Работа отечественных судов в условиях пандемии // http://www.supcourt.ru/press_center/news/28858/ 21 апреля 2020 года.

Суд мажлисида веб-конференция орқали иштирок этиш учун процесс иштирокчилари судга электрон шаклда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза юборадилар.

Шу ўринда хорижий давлатлар тажрибаси, хусусан, Қозоғистон тажрибаси шуни кўрсатадики, 2020 йилнинг 16 мартдан бери Қозоғистон судларига берилган 32 мингдан ортиқ аризаларнинг 92 фоизи электрон кўринишда берилган. 2020 йилнинг 3 апрель ҳолатига кўра, 1825 та суд мажлиси бўлиб ўтди, уларнинг 80 фоиздан ортиғи видеоконференция орқали (фуқароларга, хусусан, смартфонлардан фойдаланишга рухсат берилган)¹.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилдан бери Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ЮСАИД ва БМТТДнинг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги учун ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси томонидан Ўзбекистонда фуқаролик судларида Е-СУД электрон суд тизимини ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Е-СУД ҳужжатларни жиддий камайтиради ва суд ишларини кўриб чиқиш ҳамда суд қарорларини эълон қилиш вақтини қисқартириш ҳисобига суд жараёнларининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам берди. 2020 йилнинг январь ойида Е-СУД тизими иқтисодий, маъмурий ва жиной судларнинг кенгроқ Е-СУД ахборот тизими билан бирлаштирилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ягона электрон суд тизими яратилди.

Ўзбекистонда коронавирус тарқалгандан сўнг, ушбу ягона электрон одил судлов тизими карантин пайтида миллий суд тизимининг ишлашини таъминлашнинг муҳим воситасига айланди.

Электрон одил судлов тизими карантинни бузмасдан фуқаролар учун адолатни излашнинг самарали усули сифатида ўзининг асл қийматини намоён этмоқда.

Е-СУДнинг барча судларда ишлаши туфайли нафақат адвокатлар, балки суд ходимлари ва судьяларга ҳам ўз уйларида ишлаш имкониятлари яратилган.

Бешинчидан, барча судья ва суд аппарати ходимларига, агар касалликнинг енгил белгиси бўлган тақдирда ўз-ўзини изоляция қилиш кераклиги юзасидан тушунтиришлар берилиши лозим.

¹ Суды мира во время пандемии COVID-19 // http://rapsinews.ru/incident_publication/20200413/305702705.html.

**IV БОБ.
КОРОНАВИРУС
ПАНДЕМИЯСИ ВА ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ**

ЗАЩИТА ПРАВ ЖЕНЩИН И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УСЛОВИЯХ БОРЬБЫ С КОРОНАВИРУСОМ

БАКАЕВА Фарида,

начальник отдела анализа и исследований
в области прав человека Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека,
кандидат юридических наук

КВИТКОВ Ярослав,

главный специалист отдела анализа и исследований
в области прав человека Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека

АБДУВАЛИЕВА Шахзода,

сотрудник редакции журнала
«Демократизация и права человека»

***Аннотация.** Мақолада дунёда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва коронавирус пандемияси шароитида гендер тенглигини таъминлаш соҳасидаги вазият, шунингдек, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади.*

***Калим сўзлар:** ҳимоя, аёллар ҳуқуқи, гендер тенглик, пандемия, коронавирус, COVID-19, БМТ, Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун.*

***Abstract.** The article analyzes global situation in the field of protecting women's rights and ensuring gender equality during coronavirus pandemic, as well as measures taken to protect women's rights in Uzbekistan.*

***Key words:** protection, women's rights, gender equality, pandemic, coronavirus, COVID-19, UN, Commission for Family and Women Affairs, The Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men Act, The Protection of Women from Harassment and Violence Act.*

***Аннотация.** В статье анализируются ситуация в мире в области защиты прав женщин и обеспечения гендерного равенства в условиях пандемии коронавируса, а также меры, принимаемые по защите прав женщин в Узбекистане.*

***Ключевые слова:** защита, права женщин, гендерное равенство, пандемия, коронавирус, COVID-19, ООН, Комиссия по вопросам семьи и женщин, закон «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин», закон «О защите женщин от притеснения и насилия».*

Ситуация в мире в области защиты прав женщин и обеспечения гендерного равенства в условиях пандемии

Пандемия, связанная с распространением коронавируса, практически во всем мире привела к значительным человеческим жертвам, негативно отразилась не только на всех аспектах жизненного уровня и деятельности людей, но и нанесла невосполнимый урон социально-экономическому развитию даже самых развитых стран. Она выявила проблемы обеспечения государствами прав, свобод и законных интересов граждан в условиях чрезвычайной ситуации, прежде всего основных социально-экономических прав, направленных на защиту прав в области охраны здоровья, получения образования, реализации трудовых прав и государственной поддержки наиболее уязвимых слоев населения.

В результате государственных мер борьбы с коронавирусом возникли проблемы, связанные с реализацией гражданских и политических прав: правами на свободу и личную неприкосновенность, свободу передвижения, въезда в страну и выезда из неё, осуществления общественной активности граждан в форме собраний, а также реализации права на объединение.

Структуры ООН по вопросам прав человека констатируют, что пандемия особенно сильно отразилась на жизни бедных, малообеспеченных и многодетных семей, людей пожилого возраста, детей, молодежи, женщин, инвалидов и одиноких граждан, мигрантов, безработных и других, социально уязвимых слоев населения. Во многих странах наблюдается усиление социального и гендерного неравенства в виду нежизнеспособности в условиях ЧП, созданных систем здравоохранения и социальной защиты.

«Мы, безусловно, должны бороться с коронавирусной инфекцией во имя всего человечества. Наши усилия направлены на помощь людям, в особенности тем, кто более всего пострадал в результате пандемии, включая женщин, пожилых людей, молодежь, низкооплачиваемых работников, представителей малого и среднего предпринимательства, неформального сектора, а также социально незащищенные группы населения»¹, – подчеркнул Генеральный секретарь Антониу Гутерриш.

Коронавирусная инфекция усугубила и без того нелегкое положение женщин по всему миру. Глубокий анализ причин и условий, способствующих ухудшению ситуации с правами женщин, свидетельствует о наличии следующих негативных факторов, требующих принятия эффективных и последовательных мер по их устранению.

Во-первых, большой опасности подвергается жизнь и здоровье женщин, работающих в системе здравоохранения, которые имеют непосредственные контакты с больными коронавирусом, ухаживают за ними и практически без выходных, не нормировано выполняют свои трудовые обязанности. Следует усилить их защиту путем удовлетворения потребностей в гигиенических средствах защиты от заражения инфекцией, обеспечения питанием, выплат компенсаций за бесперебойную работу и т.д.

Во-вторых, в условиях введения карантинных мероприятий и самоизоляции населения по месту жительства, нахождения дома одновременно всех членов семьи (пожилых, детей, молодежи, супругов и иных родственников) значительно повысился уровень неоплачиваемой невидимой домашней работы женщины по уходу за всеми членами семьи, связанной не только с готовкой еды, уборкой, стиркой, но и воспитанием детей различного возраста. Анализ опыта различных стран показывает, что, к сожалению, большая часть мужчин не принимает активного участия в оказании реальной помощи женщинам.

В этих условиях следует заниматься перевоспитанием мужчин и мальчиков путем вовлечения их в выполнение семейных обязанностей, однако это не решит проблемы уменьшения домашней нагрузки на женщин. Необходимо совершенствование деятельности социальных служб, оказывающих услуги семьям в выполнении домашней работы, расширения

¹ См. подробнее: URL: <https://www.un.org/ru/coronavirus/gender-equality-time-covid-19>

системы негосударственных организаций социального характера, оказывающих помощь в уходе за детьми, пожилыми и больными людьми.

Независимый британский фонд New Economics Foundation (NEF) опубликовал в 2009 году исследование самых полезных для экономики профессий¹. Первые места заняли сиделки, уборщицы и няни. Сегодня сюда можно добавить еще профессию курьера. Но это самые малооплачиваемые и социально незастрахованные профессии в мире.

Трудовое законодательство должно создавать социальные гарантии для такой работы. В настоящее время необходимо в два, а может быть, в двадцать раз больше сиделок, медсестер и уборщиц для работы в медицинских, социальных и иных учреждениях, а также оказания помощи многодетным семьям, одиноким престарелым гражданам, беременным и разведённым женщинам.

Вопрос защиты и поощрение реализации прав лиц с инвалидностью, ликвидации дискриминации, обеспечение полного их участия в жизни общества (социальной интеграции), а также подготовки к ратификации Конвенции ООН «О правах инвалидов» Республикой Узбекистан включен в проект «Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека».

В период пандемии нового коронавируса COVID-19, во многих странах введены комплексные ограничения на передвижение. А значит, правительства должны использовать все средства для обеспечения доступа к дистанционному обучению школьников и студентов. Кроме того, государства обязаны предоставить уязвимым слоям населения продовольственные товары и предметы первой необходимости. И в этом случае важно, чтобы никто не остался без внимания.

Все больше стран вводят строгие меры, которые непосредственно затрагивают права человека. Ограничение перемещения, карантин и другие подобные меры по сдерживанию распространения COVID-19 и борьбе с ним должны осуществляться при строгом соблюдении правозащитных стандартов и соответствовать уровню риска.

Специальный докладчик ООН по правам инвалидов Каталина Девандас Агилар выразила обеспокоенность в связи с недостатком руководства и поддержки, необходимых для защиты лиц с ограниченными возможностями во время пандемии, несмотря на то что многие из них принадлежат к группе повышенного риска. «Люди с инвалидностью чувствуют, что о них забыли», – заявила правозащитница. Она пояснила, что «меры, предпринимаемые по сдерживанию распространения заболевания, включая социальное дистанцирование и самоизоляцию, не всегда могут соблюдаться теми, кто зависит от посторонней помощи при выполнении таких повседневных действий, как прием пищи, одевание и умывание»⁴. Такая поддержка им жизненно необходим, а также во избежание финансовых трудностей и еще большей уязвимости, людям с инвалидностью и их семьям могут потребоваться дополнительные средства.

Для этого в нашей стране создан Антикризисный фонд при Министерстве финансов для смягчения негативного воздействия COVID-19 на экономику.

В период пандемии в Узбекистане сформирована система оказания безвозмездной адресной помощи лицам с ограниченными возможностями, малообеспеченным и уязвимым слоям населения. Так, в Указе Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» в п. 3 сказано «дополнить на период действия карантинных мероприятий Перечень основных продуктов питания и товаров гигиены для бесплатного обеспечения одиноких престарелых и инвалидов, нуждающихся в постороннем уходе, комплектами одноразовых масок, антисептических средств и антибактериальным мыло»⁵.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2018 й., 10/18/2983/0908-сон.

² Национальная база данных законодательства, 12.03.2018 г., № 09/18/190/0877.

³ Национальная база данных законодательства, 04.12.2017 г., № 06/17/5270/0348; 11.12.2019 г., № 06/19/5892/4134, 14.12.2019 г., № 06/19/5894/4161; 20.03.2020 г., № 06/20/5971/0348.

⁴ <https://www.un.org/ru/coronavirus/un-working-ensure-vulnerable-groups-not-left-behind-covid-19>

⁵ Национальная база данных законодательства, 03.04.2020 г., № 06/20/5978/0393.

На эти цели из Антикризисного фонда было выделено 3 триллиона сумов. Кроме того, для обеспечения экономической активности начаты новые инвестиционные проекты на сумму более 1 триллиона сумов.

На дальнейшую поддержку экономики и граждан будет направлено из бюджета дополнительно более 2 триллионов сумов.

В целях расширения социальной поддержки населения путем обеспечения нуждающихся продуктами питания, средствами гигиены и лекарствами организован Центр координации спонсорской деятельности при Министерстве по поддержке махалли и семьи.

Пандемия позволила продемонстрировать здоровый пример сплоченности нашего общества, где стирается какая-либо грань между возрастами, этническими группами, религиями, регалиями. Группа COVIDarnost Taskent («Помощь одиноким старикам и людям с инвалидностью») помогает пожилым и семьям, где есть люди с инвалидностью по всему городу, понимая, что особенно им сложно будет пережить карантин без помощи соцработников¹.

Республиканской специальной комиссией и Специальным штабом от 14 апреля 2020 года принято совместное решение, согласно которому выплата пенсий (пособий) гражданам, чей срок инвалидности истекает в период карантина, будет продолжаться с автоматическим продлением сроков нетрудоспособности без их повторного обследования.

В заключении хочется отметить, что Всемирная организация здравоохранения признала, что совместные усилия государственных органов и общественности по борьбе с распространением пандемии коронавируса в Республике Узбекистан организована на самом высоком уровне среди стран СНГ.

ПРАВА МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА

ПАЛЬНОВА Марианна,

начальник редакционно-издательского отдела

Национального центра Республики Узбекистан по правам человека

САФАРОВА Нонна,

сотрудник Национального центра Республики Узбекистан

по правам человека

Аннотация. Мақолада фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини амалга ошириш, яъни COVID-19 коронавирус инфекциясига чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларга кафолатлар бериш масалалари кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: тиббиёт ходими, давлат сиёсати, соғлиқни қўриқлаш, тиббий ёрдам, соғлиқни сақлаш, эпидемиологик вазият, коронавирус инфекцияси, COVID-19.

Abstract. The article discusses a guaranteeing of the rights of citizens for protection of health and medical care, the observance of rights and the provision of guarantees to medical workers who provide medical care to patients with a new coronavirus infection COVID-19.

Key words: medical worker, state policy, health protection, medical care, healthcare, epidemiological situation, coronavirus infection, COVID-19.

¹<https://uz.sputniknews.ru/society/20200403/13844584/Bezzaschitnaya-sotszaschita-izlechit-li-karantin-sistemu-podderzhki-grazhdan.html>

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы реализации прав граждан на охрану здоровья и медицинскую помощь, соблюдения прав и предоставления гарантий медицинским работникам, оказывающим медицинскую помощь пациентам с новой коронавирусной инфекцией COVID-19.

Ключевые слова: медицинский работник, государственная политика, охрана здоровья, медицинская помощь, здравоохранение, эпидемиологическая ситуация, коронавирусная инфекция, COVID-19.

В современном цивилизованном обществе жизнь и здоровье человека являются высшими социальными ценностями. Право граждан на здоровье, в отличие от других прав человека, сравнительно недавно стало законодательно закрепляться в правовых актах, в том числе в конституциях стран мирового сообщества. Вплоть до середины прошлого столетия в конституциях государств всего мира отсутствовало упоминание о праве граждан на здоровье, хотя многие другие права человека уже были провозглашены.

В Конституции Республики Узбекистан это право закреплено в статье 40, в которой говорится, что каждый имеет право на квалифицированное медицинское обслуживание¹.

Международное законодательство в области медицинского права в основном сводится к декларативным документам, провозглашающим морально-этические принципы оказания медицинской помощи, принципы отношения медиков друг к другу, к пациентам и т. п. К этим документам можно отнести: Всеобщую декларацию прав человека (принята Генеральной Ассамблеей ООН, Нью-Йорк, 1948 г.)²; Устав Всемирной организации здравоохранения (принят Международной конференцией здравоохранения, Нью-Йорк, 1946 г.); Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (принят Генеральной Ассамблеей ООН, Нью-Йорк, 1966 г.)³; Лиссабонская декларация о правах пациента (принята 34-й Всемирной Медицинской Ассамблеей, Лиссабон, 1981 г.); Декларация о политике в области обеспечения прав пациентов в Европе (принята Европейским совещанием по правам пациента, Амстердам, 1994 г.); Конвенция о защите прав и достоинства человека в связи с использованием достижений биологии и медицины (принята Советом Европы, Страсбург, 1996 г.) и др.

С момента образования Республики Узбекистан в основу социального направления государственной политики положен принцип обеспечения конституционных прав и свобод граждан и создание в стране качественной системы здравоохранения, обеспечивающей сохранение и улучшение здоровья населения, формирование условий для воспитания здорового поколения, позволяющих каждому человеку реализовать свое право на охрану здоровья.

Государственная политика в области здравоохранения создает единый правовой механизм, в результате которого складываются взаимоотношения между пациентом и медицинским работником. Если для пациента при обращении за медицинской помощью важен, в первую очередь, результат лечения, то для медицинских работников на первое место выходят четкое определение своих прав и обязанностей по отношению к пациенту и

¹ <https://lex.uz/docs/35869>

² В статье 25 говорится, что каждый человек имеет право на такой жизненный уровень, включая пищу, одежду, жилище, медицинский уход и необходимое социальное обслуживание, который необходим для поддержания здоровья и благосостояния его самого и его семьи, и право на обеспечение на случай безработицы, болезни, инвалидности, вдовства, наступления старости или иного случая утраты средств к существованию по не зависящим от него обстоятельствам // <https://www.un.org/ru/universal-declaration-human-rights/>

³ Статья 12 гласит: «1. Участвующие в настоящем Пакте государства признают право каждого человека на наивысший достижимый уровень физического и психического здоровья.

2. Меры, которые должны быть приняты участвующими в настоящем Пакте государствами для полного осуществления этого права, включают мероприятия, необходимые для:

a) обеспечения сокращения мертворождаемости и детской смертности и здорового развития ребенка;
b) улучшения всех аспектов гигиены внешней среды и гигиены труда в промышленности;
c) предупреждения и лечения эпидемических, эндемических, профессиональных и иных болезней и борьбы с ними;
d) создания условий, которые обеспечивали бы всем медицинскую помощь и медицинский уход в случае болезни» // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml

ответственность перед ациентом и законом за результаты своей деятельности, а также правовая защищенность при необоснованных и неправомерных претензиях со стороны пациентов. Так, в Указе Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» одним из главных направлений реформирования системы здравоохранения указано «совершенствование законодательства в сфере здравоохранения путем его унификации и принятия законов прямого действия, направленных на повышение качества медицинских услуг и защиту прав пациентов, а также усиление ответственности и защищенности медицинских работников»¹.

И если главной фигурой в правоотношениях, призванных обеспечивать реализацию права человека на охрану здоровья и оказание медицинской помощи, выступал пациент, то, к сожалению, к сегодняшнему дню сложилась ситуация, когда все больше врачей нуждаются в защите. В последние годы наблюдаются случаи оскорбления врачей, и даже нанесение телесных повреждений, что доказало потребность в создании механизмов защиты для людей в «белых халатах». Очень немногие медицинские работники осведомлены о том, что кроме обязанностей они обладают и правами, и еще меньше знают, как на практике отстаивать свои интересы и защитить себя.

С этой целью Национальной палатой инновационного здравоохранения Республики Узбекистан изучен международный опыт в этом направлении и существующая нормативно-правовая база Узбекистана. В результате проведенной работы создан документ «Практические рекомендации по защите врачей», который содержит наиболее характерные проблемные ситуации, при которых требуется защита, и алгоритм решения каждой указанной проблемы².

И сегодня, когда весь мир оказался в тяжелом положении из-за распространения коварного невидимого врага, это право стало особенно востребовано. Как отметила верховный комиссар ООН по правам человека, Мишель Бачелет: «COVID-19 является тестом для нашего общества, мы все учимся и адаптируемся, реагируя на вирус. Человеческое достоинство и права должны быть в центре этих усилий, а не тем, о чем вспомнят в последнюю очередь»³. Убивая коронавирус мы не должны убивать демократию и основные права.

Важно проводить мониторинг, анализ и борьбу с дискриминационными инцидентами, связанными с пандемией COVID-19, включая случаи стигмы в отношении людей, страдающих этим заболеванием, выздоровевших людей и членов их семей, врачей, работающих с пациентами с COVID-19, а также представителей определенных расовых, этнических групп или национальных групп.

К сожалению, в последнее время по всему миру фиксируются случаи, когда люди не могут справиться с эмоциями и выплескивают агрессию на медиков, видя в них некую угрозу⁴.

Сейчас население планеты зависит от профессионализма наших врачей, которые оказались на острие проблемы и сражаются с вирусом «не на жизнь, а на смерть». Вместе с врачами борется весь медперсонал – медсестры, санитары, технический персонал. Им всем необходима защита, так как именно от их здоровья зависит, скольким людям они смогут помочь и даже сохранить жизнь. Всемирной организацией здравоохранения были разработаны рекомендации, в которых освещаются права и обязанности работников здравоохранения, включая конкретные меры, необходимые для минимизации рисков безопасности труда и здоровья⁵.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» // Национальная база данных законодательства, 07.12.2018 г., № 06/18/5590/2285.

² <https://www.pv.uz/ru/news/o-zaschite-vrachej>

³ Права человека в период пандемии COVID-19. Руководство // https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/ohchr_on_covid_and_human_rights_25_march_2020_ru.pdf

⁴ <https://www.msn.com/en-us/news/world/as-coronavirus-fears-grow-doctors-and-nurses-face-abuse-attacks/ar-BB12kjM9>

⁵ Временное руководство Всемирной Организации Здравоохранения от 19 марта 2020 г. «Коронавирусная болезнь (COVID-19): права, роль и ответственность медицинских работников, включая основные рекомендации по профессиональной безопасности и здоровью» // <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/331510/WHO-2019-nCov-HCWadvice-2020.2-eng.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

Защита медицинского персонала во время пандемии должна быть приоритетом для правительств и общества. Медицинские работники являются первой линией сдерживания вируса и, следовательно, им нужны средства индивидуальной защиты для выполнения своей работы.

Однако, во многих лечебных учреждениях, врачи заразились в результате того, что не имели достаточной информации по симптомам заболевания и технической возможности принять необходимые меры для своей защиты.

Работа медицинского персонала не во всех странах оценивается социально и экономически так, как она того заслуживает. Пандемия COVID-19 подчеркнула важную роль медицинских работников в обществе. По этой причине правительства некоторых стран уже назначили дополнительные выплаты медперсоналу во время пандемии.

Президент Ш.М.Мирзиёев также подписал постановление «О дополнительных мерах по поддержке сотрудников медицинских и санитарно-эпидемиологических служб, участвующих в борьбе с распространением коронавирусной инфекции»¹. В постановлении дается четкое определение мер, которые будут применяться ко всем категориям медперсонала в различных ситуациях, сложившихся на текущий момент. Определены меры финансовой поддержки всем, кто непосредственно общается с пациентами, заражёнными коронавирусной инфекцией и несущих свою опасную вахту во всех учреждениях, включенных в решение с эпидемиологической ситуацией. При этом будут выполняться все финансовые обязательства, предусмотренные законодательством, коллективными и трудовыми договорами и другими локальными документами по выплатам в случае причинения вреда здоровью работника или его смерти.

«Защита медицинских работников и надлежащая оплата их труда должны стать одной из основных задач. Следует отметить, что 70 процентов работников сферы здравоохранения в мире – это женщины, у многих из которых есть дополнительная нагрузка», отметила в своем Заявлении Верховный комиссар ООН по правам человека Мишель Бачелет во время брифинга по COVID-19².

Испытываем большую надежду, что крайних, наиболее трагических случаев не последует и право на здоровье для врачей будет полностью осуществлено, через обеспечение всех необходимых мер безопасности – это и наличие необходимых средств защиты в достаточном количестве; вовремя полученных дополнительных знаний для борьбы с заболеванием; создания наиболее подходящих условий для их работы и своевременного отдыха.

В случае, когда у сотрудников лечебных учреждений хорошее физическое и психологическое состояние, то их работа будет иметь наибольший положительный результат. Соответственно, большему количеству заболевших людей, будет оказана необходимая медицинская помощь. В результате мы выйдем из этой катастрофической ситуации с наименьшими потерями.

Отдельно можно отметить тот момент, что медикам необходима помощь государства для осуществления их права на здоровье – как со стороны исполнения соответствующих законов, так и обеспечение их всеми необходимыми средствами личной защиты в достаточном количестве. У врачей всего мира существует необходимость изучения опыта врачей других стран, которые также столкнулись с этим заболеванием.

На сегодняшний день в Узбекистан прибыли и работают, делясь своим опытом в борьбе с вирусом китайские специалисты. Они проводят лекции для местных врачей, дают свои предложения по устройству больниц, делятся своим клиническим опытом, осматривают пациентов и вносят предложения по лечению. Китайские коллеги передали местным медикам сбор материалов о вирусе³.

¹ <https://www.stv.uz/news/newsuz/13552-shavkat-mirziyev-ustanovil-dopolnitelnye-vyplaty-medrabotnikam.html>

² Заявление Верховного комиссара ООН по правам человека Мишель Бачелет // <https://www.ohchr.org/RU/NewsEvents/Pages/DisplayNews.aspx?NewsID=25785&LangID=R>

³ <https://uzdaily.uz/ru/post/51100>

В этом аспекте также хочется отметить работу Национальной палаты инновационного здравоохранения Республики Узбекистан со своим партнером Международным королевским колледжем Канады в ситуации с пандемией. У канадской стороны есть успешный опыт в таком направлении как цифровые возможности здравоохранения и телемедицины. И сегодня команда специалистов с канадской стороны, разработавшая онлайн-симулятор CyberPatient, открыла свободный доступ к этой цифровой платформе на время карантина¹. Это позволит повысить квалификацию, приумножить свои знания в области определения диагноза, повысить качество ухода, предоставляемого пациентам всем медикам, задействованным в этот момент. «Врачи по всему миру, в том числе в нашей стране проявляют преданность своей профессии, дено и ночно трудятся во имя здоровья нашего народа, родителей, детей, что является образцом отваги для всех нас», отметил Ш. Мирзиеёв во время видеоселекторного совещания по вопросам усиления противодействия распространению коронавирусной инфекции².

Все граждане, со своей стороны, должны проявлять сознательность и не усложнять ситуацию, нарушая режим самоизоляции и личной гигиены. Увеличивая шанс заражения, люди прибавляют работу медикам и соответственно, им приходится трудиться сверх меры, что оказывает отрицательное влияние на их здоровье. Думается, что врачи, медицинский и санитарно-эпидемиологический персонал поддержат призыв ко всему населению страны быть аккуратными, внимательными и ответственными по отношению к своему здоровью и здоровью своих близких. Тем самым они помогут медикам сконцентрировать свое внимание на людях уже нуждающихся в их профессионализме. Пока мы находимся на карантине, они исполняют свой профессиональный и человеческий долг, в сложных условиях эпидемиологической ситуации.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ҲАРАКАТЛАНИШ ЭРКИНЛИГИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

ИСОҚОВ Лукмонжон,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада COVID-19 пандемияси шароитида миграция ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири – ҳаракатланиш эркинлигининг чекланиши билан боғлиқ айрим масалалар кўриб чиқилган. Хусусан, инсон эркинлиги ва жамоат хавфсизлиги тушунчаларининг ўзаро мувофиқлиги таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: вабо, COVID-19, гигиена, инсон, қонун, мигрант, миграция, пандемия, эркинлик, ҳуқуқ.

Abstract. In this thesis describes some issues related to the restriction of freedom of movement are the important institutions of migration law in the context of COVID-19 pandemic. In particular, the problems of compatibility of the concepts of human freedom and public security are analyzed.

Keywords: plague, COVID-19, hygiene, human, law, migrant, migration, pandemic, freedom, right.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы, связанные с ограничением свободы передвижения как одного из важных институтов миграционного права в условиях пандемии COVID-19. В частности, проанализировано совместимость понятий свободы человека и общественной безопасности.

¹https://www.pv.uz/ru/news/vrachi-uzbekistana-poluchili-dostup-k-cyberpatient?utm_source=yxnews&utm_medium=desktop&utm_referrer=https%3A%2F%2Fyandex.uz%2Fnews

² Шавкат Мирзиёев: труд врачей, их преданность профессии – образец отваги // <https://president.uz/ru/lists/view/3472>

Ключевые слова: чума, COVID-19, гигиена, человек, закон, мигрант, миграция, пандемия, свобода, право.

Тарихдан маълумки, вабо тарқалган пайтда миграция ҳуқуқининг энг муҳим институтлари-дан бири ҳисобланган ҳаракатланиш эркинлиги кескин чекланишни талаб этган. Масалан, кўчиб юриш ёки ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш амалиёти биринчилардан бўлиб Қадимги Мисрда қўлланилган. Масалан, Қадимги даврда Ливия, Сурия ва Миср ҳудудида кенг тарқалган Бубон (юнон. βουβών – лимфа безларининг шишуви) вабосини эслайлик. Бубон пандемияси Нил дарёси бўйидаги ҳудудларни қамраб олган даврда Қадимги Миср фиръавни Аменхотеп III (милоддан аввалги 1388–1353) тери касаллигига чалинганларнинг барчасини Мисрдан чиқариб юборганлиги ва мамлакат бўйлаб ҳаракатланиш чекланганлиги ҳақида маълумотлар етиб келган.

Инсон ва унинг теварак атрофидагилар учун фойдали бўлган ҳолатларда ҳаракатланиш эркинлиги муайян даражада чекланиши мумкинлиги муқаддас динимиз – Исролда ҳам учрайди. Ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш бўйича қуйидаги ҳадислар келтирилган: “Агар бир ерда вабо пайдо бўлса, у ердан чиқиб кетманглар. Агар бир ерда вабо борлигини эшитсангиз, у ерга борманглар” (Имом Аҳмад ривоятлари).

2019 йилнинг сўнги ойларида пайдо бўла бошлаган пандемия бутун дунё бўйича соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқуллодда ҳолат бўлиб қолмай, балки иқтисодий ва ижтимоий инқироз ҳам ҳисобланади. Ўз навбатида, бу умуминсоний инқирозга ҳам тезда айланишга улгурмоқда. Аксарият мамлакатлар бевосита инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи, хусусан, ҳар бир шахснинг миграция ҳуқуқи ҳисобланган эркин ҳаракатланишни чеклашга доир қаттиқ чораларни жорий этмоқда. Хавфсизликни таъминлаш бўйича карантин билан боғлиқ фавқуллодда ҳолатлар ва чоралар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига асосланган бўлиши лозим.

Ўзбекистонда мазкур инфекциянинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик ва касалланганларни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма тузилди¹ ва унинг ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлаш учун маблағ ажратилди, коронавирус инфекциясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонлари билан бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда, чет элдаги фуқароларимиз босқичма-босқич юртимизга қайтарилди, уларга зарурий тиббий хизматлар кўрсатилди. Айни пайтда, чет элдаги фуқароларимизни ватанга қайтариш учун чартер рейсларни амалга ошириш давом этмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар Конституциямизнинг 22-моддасига тўлиқ жавоб бермоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди².

Дунёдаги мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир давлат ўзининг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммони ҳал қилиш учун муайян ишларни ташкиллаштирди. Бироқ уларнинг ҳаммасида ҳам кутилган натижа кузатилмаганлиги турли полемикаларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, COVID-19 пандемияси фуқаролик жамияти мавжуд бўлишининг анъанавий ҳуқуқий тизимининг мустаҳкамлигини шубҳа остига олишга эришди. Вирус тарқалиши жаҳон миқёсида ўтган асрлардан бери сақланиб қолган ҳуқуқий “қолиплар”ни ўзгартириш долзарблигини кўрсатмоқда. Сиёсий нутқимизда янги мавҳум тушунча сифатида кенг қўллана бошланган “ижтимоий масофа” сўз бирикмаси “ижтимоий гигиена” билан маънодош сўзга айланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2019. 2-сон. 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

Пандемия даврида эркин ҳаракатланишни чеклаш қўпчилик томонидан уй қамоғи сифатида қабул қилинади. Эпидемиянинг тарқалишини олдини олиш учун жорий қилинган бир қатор шошилиш чоралар карантин тугагач ҳам сақланиб қолиш эҳтимоли тобора ошиб бормоқда. Балки давлат томонидан аҳолининг уйда қолиши учун яратилаётган улкан имкониятлар бунга туртки бўлиши мумкин. Айни пайтда, шу мақсадда зарурий инфратузилма ва янги иш меъёрлари шаклланимоқда.

Вируснинг биринчи белгилари намоён бўлишигача меҳнат ва турмуш тарзини бу каби виртуаллаштириш “ижтимоий гигиена”нинг муҳим қисми ҳисобланади¹. Масалан, ўтган йилнинг ўзида озиқ-овқат ва бошқа хизматларни уйга етказиб беришнинг тезкорлик билан ошиб кетиши қўпгина ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилган эди. Ахборот коммуникация технологияларининг тараққий топиши инсонларнинг ўзаро яқин мулоқотда бўлиш эҳтиёжидан халос этди. Масофавий ёки онлайн ишлаш тартиби ўрта синфнинг айрим вакиллари учун пандемиягача қисматига айланиб бўлган эди. Эндиликда ушбу имтиёз ва енгиллик давлат дастурлари туфайли барчага татбиқ этилиши мумкин. Бу иқтисодиёт ва ҳаётни янада рақамлаштиришга олиб келади. Шунингдек, касалхоналар қурилиши ва шифокорлар меҳнати учун шароитлар яратиш бўйича шошилиш чоралар, пандемиядан кейинги ҳаётда ҳам соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш ва фуқаролар турмуш сифатини оширишга хизмат қилади.

Умумий ҳуқуқлар тизими ўрнига, ҳимояланмаган аҳоли тоифаларининг имкониятлари чекланганлигидан келиб чиққан ҳолда, ўз иштирок даражасини мутаносиб равишда ошириб боровчи давлат томонидан тартибга солиш тизими ўрнатилади.

Бу Хитойнинг ижтимоий рейтинглар тизимини эслатади. Унда давлат томонидан ҳимояланадиган ижтимоий меъёрларни инкор этиб, ўзининг мақоми ҳақида қайғурмаса ҳам бўлади. Давлат бу каби эркинлик учун жазолай олмайди, лекин ҳеч қандай хизматларни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. Ва, аксинча, давлат кредитларидан фойдаланиш ёки эркин ҳаракатланиш истаги жамоат хавфсизлиги учун жавобгарлик кўзда тутилади. Йўл ҳаракатида тезликни ошириш сингари, ихтиёрий равишда ўзини яккалаш тартиби ҳам мустаҳкамланади.

Европаликлар ривожланган демократик мамлакатлар авторитаризм йўлини танлаши мумкинлигидан эмас, балки фуқароларнинг ўзлари коронавирус олдидаги қўрқув туфайли кучли лидерларга улкан умидлар билдириши ва ҳаракатланиш эркинлигини янада чеклашига розилик беришидан хавотирда қолмоқда.

Шу тариқа, пандемия бозор иқтисодиёти “яхши баҳо”га топшира олмаган биринчи имтиҳон бўлди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, мазкур вирус инфекциясининг оқибатида глобаллашув жараёни тескарига қараб ҳаракатланади. Зеро, пандемия яқин кунларга қадар мавжуд бўлган оламдаги кадриятлар тизимининг ишончли эмаслигини кўрсатди.

Ҳозирги кунда БМТнинг бир неча универсал ва махсус халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларида мигрантлар ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, 1990 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” конвенцияни қабул қилган². Мазкур Конвенциянинг асосий мақсади мигрантлар учун инсон ҳуқуқларига риоя этишни яхшилашдан иборат. Конвенция янги ҳуқуқларни яратмайди, бироқ мигрантлар ва маҳаллий фуқаролар ўртасидаги тенгликни кафолатлашга қаратилган. Унда меҳнаткаш-мигрант тушунчасига кенг таъриф берилганлиги ҳамда меҳнаткаш ва унинг оиласига қўп жиҳатли ҳимояни кафолатлаганлиги билан характерланади.

Конвенция ҳақ тўланадиган бандликни қабул қилиш, шунингдек, ноқонуний меҳнат миграциясига барҳам бериш мақсадида мамлакатлараро қўчиб юривчи шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоялашга қўмаклашишга йўналтирилган. Мазкур

¹ Павленко Е.В. Киберпространство медицины: интернет как враг и союзник врача и пациента // Социология медицины. 2013. № 1. С. 42–46.

² International Convention on the Protection of the Rights of All Migrant Workers and Members of Their Families // Электрон манба: <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/CMW.aspx>.

хужжатда нафақат меҳнаткаш-мигрантлар, балки мавсумий ёки чегарадош ҳудудларда меҳнат қилувчилар, шунингдек, денгизчи, балиқчи, хорижда аниқ лойиҳалар бўйича банд кишилар ҳамда бошқалар ҳуқуқ ва эркинликлари камраб олинган¹.

93 моддадан иборат Конвенция меҳнаткаш-мигрантларнинг имкон қадар тўла равишда барча асосий фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ўзида мужассам этган. Хужжатда меҳнаткаш-мигрантлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий субъект сифатида ҳам қаралган. Конвенция ноқонуний меҳнат мигрантдан қонуний меҳнат мигрантни ажратган, лекин уларнинг ҳаммасига камида асосий ҳуқуқлар ҳимояси қафолатланган. Шунингдек, хужжатда ноқонуний миграция ҳаракатига қарши курашиш бўйича айрим чоралар ҳам тавсия этилган.

Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлашдаги мураккаблик шундаки, улар иккала юрисдикциянинг субъектига айланади. Яъни бир томондан, ўзининг чиққан давлати ва иккинчи томондан келиб ишлаётган ёки иш қидириб келган давлат қонунчилигига бўйсунушидаги ҳуқуқий ҳолатидир. Ушбу иккала давлат қонунчилигидаги фарқ нафақат мигрантни у ёки бу ҳуқуқларидан фойдаланишни мураккаблаштиради, балки уларни бузишга ҳам имкон яратиб беради.

Энг қизиқарли жиҳати шундаки, халқаро-ҳуқуқий хужжатдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни

амалга оширишни талаб қилиши боис, йирик миқдорда хорижий ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлардан бирортаси ҳам ушбу Конвенцияга қўшилмаган. Чунки ушбу давлатлар ўз фуқароларининг хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганда дуч келиши мумкин бўлган бир қатор салбий оқибатлар келтирувчи ҳолатлардан шу тарзда суғурталанишга интилади.

Яна бир муҳим халқаро-ҳуқуқий хужжат – БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил 19 декабрь куни қабул қилинган **“Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома (пакт)”**. Ушбу хужжат илк маротаба миграциянинг барча жиҳатларини камраб олувчи 23 та мақсадни ўз ичига олган “Марокаш пакти” номи билан тарихда қолди².

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ушбу халқаро ҳуқуқий хужжатлар пандемия шароитида мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ожиз. COVID-19 пандемияси халқаро даражада қабул қилинган универсал халқаро шартномалар ва келишувларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Чунки пандемия шароитида кўпгина мамлакатлар чегараларни ёпишди ёки уларни кесиб ўтишни чеклашди. Бундай чекловлар билан бир пайтнинг ўзида инсон ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш мумкинлигини кўрсатди. Масалан, аксарият мамлакатларда ёки чегара олди ҳудудларда қолиб кетган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиб, карантинга олишган. Айрим давлатлар мигрантларга нисбатан бундай чоралар кўрмаганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Пандемия оқибатида жаҳон иқтисодиётининг меҳнаткаш-мигрантлар банд бўлган секторлар жабр кўрмоқда. Ўз навбатида, бу мигрантларнинг уйига пул ўтказмаларини кескин қисқартирди. Айниқса, мигрантлар бўйича донор ҳисобланган Филиппин ёки Бангладеш каби мамлакатларнинг иқтисодиёти жиддий зарар кўриши, натижада, дунё бўйлаб камбағаллик ва иқтисодий тенгсизликнинг кучайиши табиийдир.

Бундан ташқари, айрим мамлакатлар COVID-19 инкирозини енггандан кейин ҳам қиритилган миграцион чекловларни қолдириши эҳтимоли мавжуд. Шу тариқа, улар ўз фуқароларини иш билан бандлигини таъминлаб олиш, ундан кейингина мигрантларни жалб

¹ Ушбу халқаро хужжат БМТнинг “Мигрантлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция номи билан ҳам оммалашган. Аслида мигрантлар ҳуқуқлари бўйича БМТнинг бундан ташқари бошқа халқаро конвенцияси мавжуд эмаслигини ёдда тутиш лозим.

² Хавфсиз, тартибли ва қонуний миграция бўйича глобал шартнома (пакт) / Pacte mondial pour des migrations sûres, ordonnées et régulières // Электрон манба: <https://undocs.org/fr/A/CONF.231/3>.

килишга интилади. Чет элда ишлаш учун қонуний йўлларнинг камайиши мигрантларнинг ночор қолишига хавф солади. Оқибатда улар жиноятга қўл уриши ёки чет элга чиқишнинг ноқонуний йўллари танлаши орқали уюшган жиноий гуруҳларнинг хуфёна иктисодиётига қўмаклашиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис, COVID-19 пандемияси шароитида миграция ҳуқуқининг асосини ташкил қилувчи ҳаракатланиш эркинлигини таъминлашда давлатлар ушбу масаланинг бир қатор жиҳатларини инобатга олиши зарур, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, мазкур салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида, давлатлар ҳаракатланиш эркинлигини оммавий тарзда ҳаддан зиёд чекламаслиги ва ҳар бир ҳудуд бўйича манзилли ва индивидуал ёндашув асосида чоралар қўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда, Ўзбекистон тажрибаси намуна сифатида олинishi мумкин. Жумладан, мамлакатимизда карантин чоралари юмшатиладиган ҳудудларни белгилаш аниқ мезонлар асосида баҳоланмоқда. Масалан, “ўзини яқкалаш” ҳаёт тарзи жорий этилиб, 65 ёшдан юқори бўлган фуқароларга уйдан ташқарига чиқиши ман этилди, зарурат бўлган тақдирдагина яқин атрофдаги дорихона, озиқ-овқат ва биринчи навбатдаги товарлар дўконига чиқишга рухсат этилди ҳамда туманлар ва шаҳарлар “қизил” (юқори хавфли), “сарик” (ўрта хавфли), “яшил” (хавфсиз) ҳудудларга ажратилди.

Иккинчидан, ҳаракатланиш эркинлиги чекланишидан қўриладиган зарарларни камайтириш ва бартараф этиш мақсадида, карантин жорий этилган мамлакатларда давлат ҳокимияти аҳолининг озиқ-овқат, сув, тиббий ёрдам билан жойларнинг ўзида таъминлаши лозим. Чунки аксарият ёши кекса, бемор ва имконияти чекланган шахсларнинг эҳтиёжи шунини тақозо этади. Бу борада, мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нархлар барқарорлигини назорат қилиш, фуқаролар бир жойга тўпланишини олдини олиш мақсадида маҳаллаларда арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат қўчма бозорлар ташкил этилди.

Учинчидан, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш инсон ҳуқуқларининг асосий принципларига зид келмаслиги лозим¹. Бунда ҳаракатланиш ва сафарларни тақиқлашнинг мақсадга мувофиқлиги чуқур ўйланган бўлиши талаб этилади. Баъзи ҳолларда бу каби чоралар номутаносиб бўлиб, чекловчи таъсирга эга ва ҳар доим ҳам касалликнинг тарқалишини олдини олавермайди. Бунинг натижасида одамлар “эгри” йўлларни излаш, касаллик белгиларини яшириш ва бу ҳақда хабар бермасликка мажбур этади, жавоб чоралар самарадорлигини йўқотади.

COVID-19 пандемиясига қарши курашишда ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, қаттиқ чораларни қўллаш демократик тамойилларга мос равишда олиб борилиши зарур. Ҳар бир қўриладиган чора, аввало, қонуний асосга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, сиёсатчилар фавқулодда вазиятлар режимини суиистеъмол қилишни бошласа ёки ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган ҳар қандай ҳаракати (ҳаракатсизлиги) жамоат тартиби ва халқ кайфиятига салбий таъсир ўтказиши. Бундай шароитларда қарорлар демократик йўл билан қабул қилиниши зарур.

Зеро, COVID-19 пандемияси шароитида миграция ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири – ҳаракатланиш эркинлигини чеклашда инсон эркинлиги ва жамоат хавфсизлиги тушунчаларининг ўзаро мувофиқлигини сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракатланиш эркинлигини чеклашда аниқ ҳолатларнинг ўзига хос жиҳатларини ва рационал чегараларини инобатга олиш зарур ҳисобланади. Бунинг учун ушбу меъёрлар ва мезонларнинг давлат томонидан белгиланиши қонун ости ҳужжатлар билан эмас, балки конституциявий қонун ёки қонун нормалари орқали амалга оширилиши тақозо этилади.

¹ Права человека в период COVID-19. Уроки эпидемии ВИЧ-инфекции: эффективное реагирование силами сообщества. Женева: ЮНЭЙДС, 2020. С. 14.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ, ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ХУҚУҚ-ТАРТИБОТНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

ТУЛЯГАНОВ Абдуманноб,

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар

вазирлиги академияси профессори, юридик фанлари доктори

Аннотация. Мақолада коронавирус пандемияси пайдо бўлиши, унинг салбий оқибатлари, ушбу инфекция шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиши, уларнинг мажбуриятларини таъминлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблиги масалалари кўриб чиқилади. Унда пандемия ва карантин шароитида Фарбда ва Шарқда шаклланган қарама-қарши дунёқараиш, сиёсий ва ижтимоий қадриятлар, ҳуқуқий таъсир чоралари борасида фикр юритилади. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот мутаносиблиги масалаларида Ўзбекистон Республикаси амалиёти мисолида эътиборга лойиқ айрим фикр-мулоҳазалар баён этилади.

Калим сўзлар: Коронавирус пандемияси, инсон ҳуқуқлари, БМТ ва ЖССТ фаолияти, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятлар мутаносиблиги, карантин ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш қоидалари.

Abstract. The article highlights the issues of combating the coronavirus pandemic, its negative consequences, as an example, the daily practice of the Republic of Uzbekistan, ensuring the rights and freedoms of citizens, the need to exercise their responsibilities in this direction, and the balance of human rights and obligations are given. It contains thoughts on the formation of differing opinions in the West and East on pandemic and quarantine issues, forms and methods of combating them. In addition, in this regard, some judgments are given on studying the daily experience of the Republic of Uzbekistan in combating a pandemic and on the advisability of using this experience in the overall fight against this infection.

Key words: Coronavirus pandemic, human rights, activities of the UN and WHO, correlation of rights, freedoms and duties in an emergency, ensuring the rights of citizens in quarantine.

Аннотация. В статье освещаются вопросы борьбы с пандемией коронавируса, в качестве примера приводится повседневная практика Республики Узбекистан, обеспечения прав и свобод граждан. Кроме этого, приводятся некоторые суждения по изучению повседневного опыта Республики Узбекистан по борьбе с пандемией и о целесообразности использования данного опыта в общей борьбе с данной инфекцией.

Ключевые слова: Пандемия коронавируса, права человека, деятельность ООН и ВОЗ, соотношение прав, свобод и обязанностей в условиях чрезвычайной ситуации, обеспечение прав граждан в условиях карантина.

Инсоният бошига келиб тушган ташвишларнинг энг хавфлиларидан бири бу коронавирус десак, муболаға бўлмайди. Сўнгги вақтларда Европа ва Американинг айрим худудлари инфекциянинг янги марказига айланганлиги, дунёнинг бошқа минтакаларида эса – Лотин Америкаси, Осиё ва Яқин Шарқда бу ҳолатлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги ҳам фактдир.

Ўзбекистон Республикаси географик жиҳатдан Осиё худудига тегишли бўлганлиги учун янги вирус пайдо бўлган Хитой давлатига географик жиҳатдан яқин жойлашган бўлишига қарамай, COVID-19 эпидемияси авж олишига давлат даражасида самарали равишда тўсқинлик қилинмоқда. Буни расмий равишда келтирилган статистик маълумотлардан ҳам кўриш мумкин¹.

¹ Қаранг: Кун.уз сайти. 2020 йилнинг 23.04, 27.04, 6.05 ва 13.05 сонлари.

Шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятда катта мавқега эга бўлган Марказий Осиё минтақасининг қоқ марказида жойлашган бўлиб, халқаро савдо алоқалари ва иқтисодий трассалар ўтадиган чорраҳада фаолият юритади.

Афсуски, халқаро ҳамжамиятда баландпарвоз гаплар кўплигига қарамай, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа ташкилотлар ушбу балони олдини олиш ҳамда уни бартараф этиш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқа олмади, бундан ташқари, унга қарши самарали бўлган дори воситаси ҳам ҳанузгача мавжуд эмас.

Мамлакатлар даражасида (хусусан, Ўзбекистон Республикасида) ишлаб чиқиладиган ва кашф этилиши кутиладиган дори воситалари ҳали турли даражадаги синовлардан ўтиши лозим. Пандемияга қарши самарали кураш олиб боришга ҳалақит қиладиган энг асосий сабаблардан бири ҳам айнан шудир.

Давлатимиз раҳбари ушбу коронавирус пандемиясига муносабат билдириб, “бу пандемия, ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди”¹, деб таъкидлаб ўтдилар.

Жаҳон миқёсида коронавирус пандемияси шароитида қандай ишлар амалга ошириладиганини қуйидаги жавобларда кўриш мумкин:

Биринчидан, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, одатда, инсоният бошига тушган инқироз даврларида одамлар, жамоалар ва, ҳатто, бутун бошли мамлакатларнинг асосий, чуқур ва ўзгармас фазилатлари намоён бўлади (буни ўрта асрларда Европада тарқалган қора ўлат мисолида, 1919 йилда бутун дунёга тарқалган испан гриппи мисолида кўриш мумкин)²;

Иккинчидан, ҳар бир халқ, миллат, жамият ва давлат ўзининг ўзига хос хусусиятларидан, менталитетидан, маданиятидан, маънавиятидан келиб чиқиб, пандемия фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига ёндашмоқда;

Учинчидан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлиги, халқаро ташкилотлар ҳамда алоҳида олинган айрим давлатлар коронавирус пандемиясининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга бўлган умумий таъсир даражасини юмшатишга доимо ҳаракат қилмоқда (мамлакатимиз ҳам);

Тўртинчидан, мамлакатимиз раҳбари ҳамда ҳукуматимиз коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш масаласига жуда катта эътибор бермоқдалар;

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси коронавирус пандемияси шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари масаласида энг мақбул бўлган тартибни ишлаб чиқишга ва амалиётга жорий этишга ҳаракат қилмоқда;

Олтинчидан, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблигини пандемия шароитида таъминлаб бериш масаласида ҳаммага маъқул бўладиган тайёр андозаларнинг ўзи йўқлигини, жамият ҳам уларни секин-асталик билан шакллантираётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эътиборингизни энг асосий бўлган бир муаммога қаратмоқчимиз. Пандемия шароитида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қандай таъминланади? Умумий ва хусусий чеклов жараёнлари одамларнинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари билан боғлиқ ҳаракатлар қандай равишда амалга оширилади?

Фикримизча, коронавирус пандемияси шароитида ҳуқуқ ва мажбуриятлар мутаносиблиги масаласини муваффақиятли ҳал этиш муаммоси энг долзарб ва ечимини кутаётган масаладир.

Тан олиш керакки, ўрнатилган карантин чекловлари ҳолатида мамлакатимиз фуқароларининг бир қисми (бемалол айтсак бўладики, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти оқсётганлиги ачинарли ҳолат) ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланганлиги масаласини нотўғри тушуниб, нотўғри ҳулосаларга келмоқдалар.

Улар тарихга назар солиб, инсоният айнан айрим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни чеклаб, шу соҳадаги тегишли мажбуриятларни кучайтирибгина турли хил ўлатлар ва

¹ Қаранг: Салимов О., Кудбиев Ш., Қуранбоев К., Бирдамлик халқнинг қудратли кучидир. Т., 2020. Б. 3.

² Қаранг: Дарё.уз. сайти. 14.04.2020 сони.

касалликларнинг олдини олганлигини билиб олсалар ёмон бўлмас эди (буни тарихий ривожланиш жараёнларининг собиқ СССР, Франция, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Африка мамлакатларидаги тенденциялари исботлаб турибди).

Ҳозирда ҳуқуқ ва эркинликлар мутаносиблигини таъминлаш мақсадида биз томонимиздан узоқ йиллар давомида етарли даражада эътиборга олинмаган “қонунга итоаткорлик принципи” (жамиятга, давлатга, айрим олинган шахсга, вазирга, оқсоқолга эмас)ни тарғиб ва ташвиқ этиш ишларини кучайтиришимиз лозим.

Умуман олганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқда Ғарбдан фарқли равишда азал-азалдан (Сомонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Ўзбек хонликлари тажрибасига мурожаат этинг)¹, биринчи навбатда, мажбуриятлар орқали ҳуқуқлар таъминланганлигини кўриш мумкин. Шарқ мамлакатларида тарихан жамоа манфаатлари алоҳида олинган шахс манфаатларидан устун қўйилишини эсдан чиқармаслик зарур (Ғарбда эса жамоавий манфаатлардан кўра хусусий манфаатлар устуворлиги доимо таъминланади). Яъни ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятлари орқали бошқа фуқаронинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга интилган ва, аксинча. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қонунга итоаткорлик принципи устуворлигини таъминлашга етарли эътибор бермаганимиз жиддий муваффақиятлар билан бирга, айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келганлигини ҳамма билади.

2016 йилдан кейин вазият ижобий томонга ўзгарганлиги ҳам қувонарли ҳол. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаб бериш борасида амалга оширилаётган сиёсат, биринчи навбатда, энг олий кадрият бўлган инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш ҳамда тўлиқ муҳофаза этишга қаратилган. Пандемия шароитида давлат органларининг асосий саъй-ҳаракатлари ҳам айнан шу масаланинг ечимини топишга қаратилмоқда.

Коронавирус пандемияси давом этар экан, юқоридаги фикрлардан фарқли равишда қўплаб давлатлар аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишдан кўра, жамиятда норозилик кайфиятини бостиришга ҳаракат қилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси пандемия шароитида ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятлар мутаносиблигини таъминлаш масаласини қуйидаги сермазмун ишлар орқали ҳал этаётгани диққатга сазовордир:

1. Жамиятда қонунга итоат этиш принципини куч ишлатмасдан, сунъий равишда сингдирмасдан босқичма-босқич равишда аста-секинлик билан киритилаётгани;

2. Ҳукумат ва барча бўғинлардаги давлат органларининг пандемия шароитида очиқ ва шаффоф ишлаётганлиги;

3. Аҳолига коронавируснинг жиддий хавф эканлиги билан бирга, унга қарши кураш борасидаги ҳаракатлар тушунтириб борилаётганлиги;

4. Аҳолига пандемия шароитида чекловларнинг зарурлиги ва вақтинчалиги мунтазам равишда етказилаётгани;

5. Пандемия шароитида иқтисодий тармоқларининг ривожланишини иложи борида таъминлаб берилаётганлиги;

6. Фуқаролар ўрнатилган чекловларга мунтазам амал қилишлари зарурлиги тушунтириб борилаётганлиги;

7. Фуқаролик жамияти институтлари фаол ҳаракатларининг таъминланаётгани;

8. Мамлакатда вужудга келаётган барча қийинчиликларга қарамай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда барқарорлик ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувликнинг таъминлаб келинаётгани;

9. Давлатимиз, биринчи навбатда, Осиё мамлакати эканлиги, аҳолининг аксарияти ислом динига эътиқод қилиши, жамиятимиз шарқона урф-одатлар устуворлиги асосида ҳаёт кечириши, шунинг учун инсонларнинг кўпчилиги пандемия шароитида ўрнатилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги чекловларни айнан шу жиҳатларини ҳисобга олиб қабул қилинаётганлиги (буни сунъий тарзда ўрнатиладиган тақиқ билан аралаштириш ярамайди);

¹ Қаранг: Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Т., 2012. – Б. 251–255.

10. Аксарият аҳоли учун маҳалла нима дейди, қўшнилар нима дейди, салбий қилмишлар содир бўлса қандай бош кўтариб юраман, деган оддий принциплар жуда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун республикамызда пандемия шароитида ўрнатилган талабларни писанд қилмаётган ёки уларни бузаётганларни жамоавий тарзда “изза” қилиш ҳам энг таъсирчан чоралардан бири бўлиб қолаётганлиги.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, халқаро ҳамжамият даражасида пандемия шароитида ҳуқуқлар ва эркинликларни муҳофаза этиш, мажбуриятларни таъминлаш, улар ўртасида ҳаммани қониқтирадиган мутаносибликни таъминлаш борасида барча учун мақбул бўлган андозалар ёки қоидалар ишлаб чиқилгани йўқ.

Назаримизда, БМТ зудлик билан айрим давлатларнинг пандемияга қарши кураш ва унинг салбий оқибатларини минималлаштириш борасида эришаётган ютуқлари ва натижаларини ўрганиб (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Япония, Франция, Туркия, Ўзбекистон Республикаси ва бошқалар), тегишли андозаларни ишлаб чиқиши лозим.

Бу эса, ўз навбатида, жаҳонда мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий парокандаликни олдини олиб, кўпгина мамлакатларга бундан кейинги ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам берган бўлар эди.

ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

МЎЙДИНОВ Файзулло,

Андижон вилояти Улуғнор тумани

адлия бўлими бош маслаҳатчиси

***Аннотация.** Мақолада COVID-19 пандемияси шароитида аҳоли бандлигини таҳминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилган. Жумладан, янги қабул қилинган қонунлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:** COVID-19, аҳоли бандлиги, меҳнат ҳуқуқлари, пандемия, ХМТ.*

***Abstract.** In this article describes issues related to the employment of population and labor rights' protection in the context of COVID-19 pandemic. In particular, it is analyzed a new adopted laws and organizational measures.*

***Keywords:** COVID-19, employment of population, labor rights, pandemic, ILO.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы занятости населения и защиты трудовых прав в условиях пандемии COVID-19. В частности, проанализированы принятые новые законы и осуществляемые меры.*

***Ключевые слова:** COVID-19, занятость населения, трудовые права, пандемия, МОТ.*

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалиши иқтисодиётга катта зарар етказиши ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди. Коронавирус пандемиясининг дунё миқёсида кенг тарқалиши миллионлаб ишчилар ва корхоналарни хавф остига қўйиб, меҳнат бозорларининг заифлигини кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги масаласига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа

глобал хавф-хатарлар даврида иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш вазифаларини юклармоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро меъёрларда белгилангани каби юртимизда ҳам ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Аҳоли бандлиги масаласи бугунги коронавирус пандемияси шароитида янада долзарблик касб этмоқда. Маълумки, COVID-19 туфайли дунёнинг барча мамлакатларида ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бу глобал иқтисодиётнинг умумий муаммосига айланди. Ана шундай таҳликали шароитда Ўзбекистонда ушбу масала Президент, Парламент ва Ҳукуматнинг доимий диққат марказида. Давлатимиз раҳбари 22 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қабул қилинган “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ги қонуни бугунги кун талабига мос равишда тўғридан-тўғри амал қилувчи хусусиятга эга бўлиб, 3 та қонун, давлатимиз раҳбарининг 12 та Фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат миграциясини ташкил этиш бўйича қабул қилинган 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаган.

Янги қабул қилинаётган қонун Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди, унда бандлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, йўналишлари ва воситалари аниқ очиб берилмоқда. Меҳнат органларининг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Қонун билан ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатлар кучайтирилмоқда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларда баён қилинмоқда.

Алоҳида янги моддаларда бандликни таъминлашда хусусий бандлик агентликлари иштироки, янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш, жамоат ишлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, микрокредитлаш дастурларини молиялаштириш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармалари маблағларидан самарали фойдаланиш тартиблари белгилаб берилган.

Шунингдек, ишсиз шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш қафолатлари кучайтирилмоқда. Хусусан, банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш, энг муҳими ва эътиборли жиҳати фаол иш қидираётган ишсизларга нафақа тайинлаш ва тўлаш шартлари батафсил кўрсатиб ўтилмоқда.

Қонун нормалари билан меҳнат бозори ва бандлик, меҳнат ресурслари баланси, ташкил этилаётган иш ўринлари ҳақидаги ҳолис, мунтазам янгилаб бориладиган маълумотлар базасини ўз ичига олган, иш берувчилар ва ходимларга меҳнат муносабатларини электрон шаклда расмийлаштириш, ишга жойлашишнинг шахсга доир тарихи, бўш (вакант) иш ўринлари, ходимларнинг сон ва сифат таркиби тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда сақлаш учун электрон ахборот тизими – «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобидан бериладиган молиявий ёрдам – субсидиялар, ажратиладиган пул маблағлари ва моддий ресурслар – грантларнинг кимлар ва нима мақсадларда берилишига онд нормалар алоҳида моддаларда белгилаб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн. сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

биринчидан, коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш; иккинчидан, тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, жумладан, республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш;

учинчидан, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан, кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ҳамда нафақа олувчилар сонини ошириш, Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш, “Ишга марҳамат” мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш.

Таҳлилларга кўра, пандемия иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш, қурилиш каби қатор соҳалари, кичик бизнесда фаолият юритаётган ёшлар ва хотин-қизлар бандлигига салбий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда инкирозга қарши амалга оширилган чоралар ХМТнинг пандемияга қарши кураш борасида ишлаб чиққан тўрт асосий тамойилларига тўла мос келади. Юртимиздаги саъй-ҳаракатлар иқтисодиёт ва бандликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш корхоналари, улар даромадлари, иш ўринларини сақлаб қолишни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, меҳнат муносабатлари иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ўзаро ижтимоий мулоқотга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан турмуш шароити оғир oilалар бандлигини таъминлаш орқали улар даромадларини яхшилаш тартиби ишлаб чиқилди. Жамоатчилик жамғармаси маблағлари ҳисобидан 230 мингга яқин ишсиз ҳамюртимиз иш билан таъминланди, 33 мингдан зиёд oilага шахсий томоркани ривожлантириш ва кишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этиш учун субсидиялар берилди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган субсидиялар ҳисобига 3 минг нафар ҳамюртимиз иш билан таъминланди, 20 минг кишига ишсизлик нафақаси берилди.

Мамлакатимизда қонун устуворлиги, гендер тенглиги, иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларида меҳнат муносабатлари иштирокчилари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Айни вақтда, коронавирус пандемияси шароитида меҳнат қонунчилигини қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлгани айтиб ўтилди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар карантин-чеклов чоралари шароитида ўз фаолиятларини масофавий тартибга мослаштиришди. Бундай иш тартибига ўтиш ва барча меъёрларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида Меҳнат вазирлиги «Ходимларни масофавий иш усулига ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқди ва жорий этди.

Низом карантинга оид чоралар амал қилиш даври учун тасдиқланган бўлсада, мамлакатимиз меҳнат муносабатлари соҳасидаги ноодатий иш билан бандлик бўйича дастлабки асос солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида иш берувчилар ва ишга ёлланувчилар томонидан фойдаланилмоқда. Қайт этишимиз лозимки, мамлакатимизда карантин даврида ижтимоий тармоқлар орқали ўтказилган онлайн сўровнома маълумотида кўра, қарийб 30 фоиз корхона ва ташкилотларнинг ходимлари масофавий иш усули тартиби бўйича фаолият юритаётганини қайд этди.

Ходимлар масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ишларини ўз уйларида, oilаси билан бажаришлари учун эркинлик берилди. Масофавий ишга вақтинчалик ўтказилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда қонун нормаларига амал қилинди. Ходимларни мослашувчан иш графигига ўтказганингизда уларнинг таътиллار жадвалига мувофиқ меҳнат таътили, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа олиш ҳамда қонун ҳужжатларида ва жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини сақлаб қолинган. Мослашувчан

иш графигига ўтказилган ходимларга меҳнат ҳақини ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда тўланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, жумладан карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмайди. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилади.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишнинг йиллик режасидан қатъи назар йиллик меҳнат таътили тақдим этилди.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектилари қуришга йўналтирилди. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 млрд. сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларига қўмаклашилди.

Меҳнатга оид миллий ва халқаро нормалар инқироздан сўнг, барқарор ва адолатли тикланиш мақсадида қабул қилинаётган сиёсий чораларнинг тасдиқланган ва ишончли пойдевори ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти эркак ва аёлларни тенг ҳуқуқлар асосида, эркинлиги, хавфсизлиги ва кадр-қимматини инобатга олиб, муносиб ва самарадор бандлик билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган халқаро меҳнат нормалари тизимини ишлаб чиқган.

Мазкур масалалар миллий қонунчилигимизда, Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва меҳнат муносабатларини тартибга солувчи, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

COVID-19 пандемияси шароитида меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда меҳнат стандартлари компас вазифасини бажаради.

Биринчидан, ХМТнинг меҳнат стандартларида меҳнат муҳофазаси ва меҳнат шароитлари, алоҳида тоифадаги ходимлар ҳимояси, меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг (дискриминация) таъқиқланиши, бандлик ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалаларда миллий ва халқаро меҳнат стандартларини бажариш, ходимлар, иш берувчилар ва ҳукуматни COVID-19 пандемияси шароитида муносиб меҳнатни таъминлашида кафолати дейишимиз мумкин.

Иккинчидан, ХМТнинг меҳнат стандартларида бандлик, ижтимоий ҳимоя, меҳнатга ҳақ тўлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, меҳнат соҳасида ҳамкорликка оид аниқ берилган инсон манфаатига йўналтирилган сиёсий тавсиялар инқироз ва унинг оқибатларини енгиб ўтишда ёрдам беради.

Учинчидан, ХМТнинг меҳнат стандартлари ходимларнинг касалликларга чалиниши эҳтимолини камайтириш, уларнинг меҳнат қилиши учун хавфсиз шароит яратиш имконини беради.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

НОДИРОВ Давурхон,

Бош прокуратура Академияси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақолада аграр ва озиқ-овқат соҳаларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, унинг ҳуқуқий асослари, қонунчилик таҳлили ва амалиётдаги муаммолар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инсон ҳуқуқлари, аграр ва озиқ-овқат соҳаларига оид қонунчилик, прокурор назорати, қонунлар ижроси устидан назорат.

Abstract. This article discusses the prosecutor's control over the implementation of legislation in the agricultural and food sectors, its legal framework, analysis of legislation and practical problems.

Key words: human rights, legislation in the field of agriculture and food, prosecutorial control, control over the implementation of laws.

Аннотация. В данной статье обсуждается прокурорский надзор за выполнением законодательства в сельскохозяйственном и продовольственном секторах, его правовая база, анализ законодательства и практические проблемы.

Ключевые слова: права человека, законодательство в области сельского хозяйства и продовольствия, прокурорский контроль, контроль за исполнением законов.

Бугунги пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакатимиз хавфсизлигининг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Мазкур тушунча мамлакат аҳолисининг фаол ҳаёт тарзини юритиш учун етарли даражада ва нархларда озиқ-овқат билан таъминланганлик даражасини назарда тутди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги фуқароларнинг соғлиги, узок умр кечириши, шунингдек, юқори турмуш даражасини шакллантириш асносида мамлакатнинг демографик сиёсатининг ўзаги ҳисобланади. Шубҳасиз, бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий мақсади фуқароларни зарурий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда агросаноат соҳаси энг муҳим ўринни тутди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, прокуратура органлари қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлаш орқали мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартдаги “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4643-сонли қарори билан киритилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва вилоят прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси Бош вазир ўринбосарига юклатилган вазифаларни амалга оширишга қўмаклашиши белгиланган.

Мамлакатимиз янги жамият қуриш йўлидан дадил одимламоқда, шу боис, ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи ҳам демократиянинг энг муҳим шарти ва белгиси сифатида намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратурага алоҳида (XXIV) боб бағишланганлиги, яъни мазкур давлат органи ҳокимиятнинг **қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг бирортасига ҳам киритилмаганлигини** прокуратура органларида бошқарув фаолияти

ўзига хос хусусиятларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларда ифодаланиши десак, хато қилмаган бўламиз.

Прокуратура органларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнига доир масалалар бўйича мамлакатимиз ва хорижда монографик тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, уларда прокуратура органларида бошқарувнинг мазмуни тўла ва батафсил таҳлил қилинган эмас¹.

Прокуратура органларида бошқарув фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари такомиллашув зарурлиги шу билан изоҳланадики, ўзининг ташқи сиёсатида суверен ва мустақил бўлишга интилан ҳамда ўзининг ички муаммоларини ижобий ҳал қилишга қодир бўлган давлатда қонун устуворлиги таъминланган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз тараққиётининг барча босқичларида қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартибот барқарорлигини сақлашда, инсон ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг муносиб ҳиссаси бор. Прокуратура органларига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш вазифалари юклатилди. Мазкур вазифаларни амалга оширишда прокуратура органларида бошқарув фаолиятининг тўғри ва самарали ташкил этилиши муҳим ўрин тутди.

Бугун дунё аҳлида тобора кизикиш уйғотаётган мамлакатимиз бозор иқтисодиётига асосланган, ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўлига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояси йўлида дадил қадам ташламоқда. Демократик институтларни шакллантириш, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш, давлат иқтисодини мустаҳкамлаш масалалари давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари сифатида намоён бўла бошлади. Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозликдан бутунлай воз кечган Ўзбекистон аста-секинлик ва изчиллик билан барча турдаги мулк шакллариининг ўзаро тенглик ҳамда эркин тадбиркорликка кенг йўл бериладиган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда².

Бозор иқтисодиёти ҳам, ўз навбатида, тадбиркорликка асосланувчи иқтисодий тизимдир. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳўжалик юритиш шароитида тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга бугун энг долзарб ва муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда, республикаимиз сиёсати стратегиясини ҳам айнан иқтисодиётнинг шу тармоқларини вужудга келтириш ва ривожлантириш ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган тақдирдагина иқтисодиётнинг тараққий топиши ҳамда ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилган бўлади.

Бу борада, тадбиркорлик фаолиятининг йўналишларидан бири бўлган аграр ва озиқ-овқат соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ўрни ва аҳамияти катта бўлиб, ушбу назорат тизими мамлакатда ушбу соҳадаги қонунчиликнинг самарали амал қилишини таъминлайди ҳамда шу йўсинда аграр ва озиқ-овқат соҳаларига оид ижтимоий муносабатларнинг изчил ва мустақил ривожланиши учун муносиб шарт-шароит яратади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлатлар ўз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини етарли равишда таъминлай олмаса, аҳолининг катта қисми, энг ачинарлиси, асосан ёш болалар очликдан азият чекади. Бунинг олдини олиш учун, албатта, аграр соҳада кенг ислохотларни амалга ошириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини жорий этиш лозим. Сабаби, бугунги кунда табиатга бефарқ муносабат, унга антропоген

¹ Ҳалимов А. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. – Т., 2006. – Б. 3.

² Собиров М. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши жараёнида иқтисодий жиноятчилик. – Т.: Янги аср авлоди, – 2002. – Б. 3.

таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илгор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқармоқда. Ноз-неъматларимиз, чучук сув, уммонлар, ўрмонлар, биологик хилма-хиллик кескин суръатларда камайиб бормоқда, ер унумдорлиги пасайиб, тупроқ деградацияга учрамоқда. Оқибатда, БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда жаҳон аҳолисининг 815 миллиони оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу сон 2 млрд. кишига етади. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Беш ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг 45 фоизи айнан тўйиб овқат емаслик натижасида келиб чиқармоқда. Ҳозирги кунда ҳар йили 3,1 нафар бола айнан шу сабаб ҳаётдан кўз юммоқда. Қолаверса, сайёраимиздаги ҳар тўрт боланинг бир нафари ўз ёшига нисбатан ўсмай қолгани аниқланган. Мактаб ёшидаги 66 млн. ўғил-қиз дарсларга беихтиёр оч келади. Шулардан 23 млн Африкада истиқомат қилади¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти статистикасига кўра, дунёда ҳар йили қарийб тўрт млрд. тонна озиқ-овқат ишлаб чиқарилади, агар улардан оқилона фойдаланилиб, тақсимланса, бу аслида сайёра аҳлининг барчасига етган бўларди. Юқоридаги каби омиллар туфайли дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиб борапти. Охириги ўн йилда кузатилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози эса, мазкур муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлди. Унинг асоратлари ҳамон сезиляпти².

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи барча давлатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш гарови ҳисобланади. Юртимизда бу муаммо ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, айти пайтда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда, аҳоли сони ўсиши асносида жон бошига истеъмол кўпаймоқда.

Бинобарин, сўнгги уч йилда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарди, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг тўрт таркибий қисмлари (озиқ-овқатнинг мавжудлиги, уни харид қилиш қобилияти, ундан фойдаланиш ва унинг барқарорлиги) бўйича озиқ-овқат хавфсизлигининг давлат сиёсати ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Аҳоли сонининг ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, 12,1 кўрсаткич билан “мўътадил” даражага эришди. Бироқ, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти барқарорлигига эришиш, кам даромадли оилаларнинг харид қобилиятини ошириш, маҳсулотлар нархи ва миқдори кескин ўзгаришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади. Мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади – республиканинг барча аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишдан иборат. Устувор йўналиш аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан, БМТнинг 2-БРМ “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш

¹ <http://www.xs.uz>. “Халқ сўзи” газетасининг расмий веб-сайти.

² unstats.un.org.

ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш”да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади¹.

Конун устуворлигини таъминлаш, конунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг конун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари мамлакатимизда аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги борасида бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этиш мақсадида “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 мартда қабул қилинган ПҚ-4643-сон қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимлари киритилди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси деб қайта номланди;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари деб қайта номланиб, уларга қўшимча 145 та штат бирликлари ажратилди.

Янги киритилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва вилоят прокурорларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчилари янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида Бош вазирнинг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига юклатилган вазифаларни амалга оширишга қўмаклашади.

Юқоридаги Фармонга кўра қуйидагилар Бош вазирнинг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислохотларни самарали амалга оширишни ташкил этиш ва таъминлаш;

- қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, унга замонавий менежмент механизмларини жорий этиш, соҳани рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш;

- соҳага алоқадор вазирлик ва идораларни кластерлар, кооперациялар ва фермер хўжаликларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари, уруғ ва навларни тўғри танлаш, зарарқундаларга қарши курашиш, маҳсулотни бозорини топиш бўйича замонавий хизмат кўрсатувчи ташкилотларга айлантириш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасига бозор механизмларини кенг жорий этиш, пахта ва ғаллачиликда давлат буюртмасини босқичма-босқич бекор қилиб, соҳага хусусий секторни тўлиқ олиб кириш, кластерлар, кооперациялар ва фермерликни ривожлантириш, соҳада давлат иштирокини камайтириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 06/19/5853/3955-сон.

- кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг лаборатория текшируви ва сертификатлаш тизимини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, савдо инфратузилмаси ва агрологистика марказларини ташкил қилиш;

- халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда tutувчи қулай агробизнес муҳитини яратиш;

- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш;

- боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона хўжаликлари, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик каби аграр соҳанинг муҳим тармоқларини янада ривожлантириш;

- агротехник тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлигини ҳамда соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

- бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан аграр ва озиқ-овқат соҳасига ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш;

- кишлоқ хўжалиги соҳасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ҳамда фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни қайта фойдаланишга киритиш;

- кишлоқ хўжалиги тармоқларида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига, янги иш ўринларининг яратилишига қўмаклашиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш;

- кишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти ва илм-фан соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, таълим ва маслаҳат хизматларини ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, уруғчилик ва наслчилик мактабларини яратиш, илғор инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш¹.

Назаримизда, аграр ва озиқ-овқат соҳалари фаолияти соҳасидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини моҳиятан икки гуруҳга ажратган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: биринчи гуруҳга бевосита ушбу фаолият билан машғул бўлган фуқаролар томонидан соҳа қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат; иккинчи гуруҳга эса, масъул ва мансабдор шахслар томонидан аграр ва озиқ-овқат соҳалари фаолияти соҳасидаги қонунлар ижро этилишини прокуратура органлари томонидан назорат қилиниши киради.

Аграр ва озиқ-овқат соҳаларидаги қонунлар ижросини текшириш ушбу соҳадаги қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда, қонунда белгиланган тартибда ўтказилади. Давлатимиздаги қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни ва вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш масалалари айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган прокурор ходимларига кўп жиҳатдан боғлиқ десак адашмаган бўламиз. Чунки қонун билан зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошира туриб айнан прокурорлар биринчи бўлиб бундай ҳолатлар билан тўқнаш бўладилар ёки ўз ваколатлари доираларига кўра бошқа назорат этувчи идоралардан келиб тушган ҳужжатлар бўйича қарор қабул қиладилар, бу идоралар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунчилигига баҳо берадилар. Ушбу ҳолатлар ҳам сўнгги уч йилда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини оширишга бўлган ёндашув мутлақо ўзгарганини, бу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилаётганини англатади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари нархини пасайтириш, сифат ва хавфсизлигини таъминлаш, бюрократияни бартараф этиш, хорижий инвесторлар ва ҳамкорлар билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.03.2020 й., 07/20/4643/0332-сон.

мунтазам мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги барча муаммо ва сунъий ғовларга чек қўйилмоқда.

Хулоса ўрнида айтишимиз керакки, аграр ва озиқ-овқат соҳаларидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда қўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, биз учун ҳаётий муҳим масаладир. Такрор айтаман, тинчлик ва соғлиқни таъминласак, қолган ҳамма нарсага эришамиз. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда қўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliasy-28-12-2018>.

V БОБ.

**КОРОНАВИРУС ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИГИ ТАРҚАЛИШИГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ
ОҚИБАТЛАРИНИ
ЮМШАТИШГА ДОИР
ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ШАРҲИ**

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ТРУДОВЫЕ СТАНДАРТЫ И ТРУДОВОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА

ОЛИМОВА Камила,

главный специалист отдела по работе с обращениями
физических и юридических лиц Национального центра
Республики Узбекистан по правам человека,
кандидат юридических наук

Аннотация. Мақолада коронавирус COVID-19 тарқалиши шароитида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмлари сифатида халқаро меҳнат ҳуқуқлари ва бандлик, ижтимоий ҳимоя, иш ҳақи масалалари бўйича Халқаро меҳнат ташиқоти (ХМТ) томонидан ишлаб чиқилган аниқ тавсиялар, шунингдек, инсоннинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, COVID-19 коронавирус инфекциясининг тарқалиши хавфи билан боғлиқ эпидемиологик шароитда меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича профилактика чораларини кўриш зарурлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: халқаро меҳнат нормалари, мақбул меҳнат шароитлари, иш берувчи, ходим, меҳнат шартномаси, масофавий ишлаш усули, уй шароитидаги меҳнат, иш кунининг давомийлиги, меҳнат муҳофазаси.

Abstract. The article presents specific recommendations developed by the International Labor Organization (ILO) on labor rights, employment, social protection, and wages as effective mechanisms for the protection of workers' rights in the context of the spread of coronavirus COVID-19, as well as international legal standards in the field of human rights protection will be considered. Furthermore, the need to take preventive measures to protect labor and the environment in epidemiological conditions associated with the risk of spreading COVID-19 coronavirus infection is highlighted.

Keywords: international labor standards, optimal working conditions, employer, employee, employment contract, remote working method, home-based work, length of working day, labor protection.

Аннотация. В статье рассмотрены международные трудовые права и конкретные рекомендации по вопросам занятости, социальной защиты, заработной платы, разработанные Международной организацией труда (МОТ) как механизмы эффективной защиты трудовых прав сотрудников в условиях вспышки COVID-19, а также международно-правовые стандарты в сфере защиты трудовых прав человека. Кроме того, подчеркивается необходимость проведения профилактических мер по охране труда и окружающей среды в

условиях эпидемиологической ситуации, связанной с угрозой распространения коронавирусной инфекции COVID-19.

Ключевые слова: *международные трудовые нормы, оптимальные условия труда, работодатель, сотрудник, трудовой договор, дистанционный метод работы, надомный труд, продолжительность рабочего дня, охрана труда.*

Эпидемия коронавируса, уже названная Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ) пандемией. COVID-19 стал не только угрозой здоровью людей по всей планете, но и непосредственной угрозой соблюдения трудовых прав работников во всем мире.

Как известно, Международной организацией труда (МОТ) разработаны большое количество международных трудовых прав, направленных на развитие возможностей женщин и мужчин иметь достойную и продуктивную занятость в условиях свободы, равенства, безопасности и достоинства. Международные трудовые нормы являются ориентиром по обеспечению достойного труда в контексте кризисного реагирования на вспышку COVID-19.

Вместе с тем, выполнение основных положений международных трудовых норм, связанных с охраной труда и его условиями, защитой отдельных категорий работников, недопущением дискриминации, социальной защитой и защитой занятости, является гарантией того, что работники, работодатели и государственные органы обеспечивают достойную занятость в условиях пандемии коронавируса.

МОТ также разработала конкретные рекомендации по вопросам занятости, социальной защиты, заработной платы, развития малого и среднего бизнеса, способствующие выработке подхода к кризису и преодолению его последствий¹.

Соблюдение содержащихся в трудовых нормах рекомендаций способствует поддержанию культуры социального диалога и сотрудничества в сфере труда, являющихся залогом восстановления и предотвращения ухудшения ситуации с занятостью и условиями труда вовремя и после кризиса. Данные международные трудовые нормы реагируют на изменения в сфере труда с целью защиты работников с учетом потребностей устойчивых предприятий. В 2019 году Декларация столетия МОТ о будущем сферы труда подтвердила, что установление, продвижение, ратификация международных трудовых норм и контроль за их выполнением имеют для МОТ первоочередное значение. Все правовые инструменты МОТ устанавливают базовый минимум социальных норм, согласованных всеми участниками глобальной экономики. Страны могут обеспечивать и более высокий уровень защиты, а также усиливать меры с целью более эффективной борьбы с последствиями кризиса.

Международные трудовые нормы содержат рекомендации по обеспечению достойного труда в условиях кризиса, включая рекомендации, которые могут оказаться полезными в условиях вспышки COVID-19.

Одна из принятых в последнее время международных трудовых норм – Рекомендация 2017 года о занятости и достойном труде в целях обеспечения мира и потенциала противодействия (№ 205), принятая подавляющим большинством членом МОТ – подчеркивает, что при осуществлении мер в ответ на кризисные ситуации необходимо соблюдение всех прав человека и верховенства права, в том числе основополагающих принципов и прав в сфере труда, и международных трудовых норм². Рекомендация предлагает стратегический подход к принятию мер в ответ на кризисную ситуацию, включая:

– стабилизацию источников средств к существованию и доходов посредством незамедлительных мер в сфере социальной защиты и занятости;

¹ <https://www.ilo.org/moscow/office/lang--ru/index.htm>

² Рекомендация 2017 года о занятости и достойном труде в целях обеспечения мира и потенциала противодействия (№ 205), преамбула и пп. 7(b) и 43.

– содействие экономическому восстановлению в целях создания возможностей в сфере занятости и возможностей получения достойной работы, а также обеспечения социально-экономической реинтеграции;

– содействие стабильной занятости и достойному труду, социальной защите и социальной интеграции, устойчивому развитию, созданию жизнеспособных предприятий, в первую очередь малых и средних предприятий, переходу от неформальной к формальной экономике, обеспечению справедливого перехода к экологически устойчивой экономике и доступа к государственным услугам;

– осуществление оценки воздействия национальных программ восстановления;

– предоставление рекомендательной помощи и поддержки работодателям, с тем чтобы они принимали действенные меры по выявлению, предотвращению и смягчению рисков пагубных последствий для прав человека и трудовых прав, связанных с их деятельностью, продуктами, услугами или деятельностью, с которой они могут быть непосредственно связаны, а также по учёту того, как они реагируют на эти риски;

– поощрение социального диалога и коллективных переговоров;

– формирование или восстановление учреждений рынка труда, включая службы занятости, в целях обеспечения стабилизации и восстановления;

– расширение потенциальных возможностей правительств, включая региональные и местные органы власти и организации работодателей и работников;

– принятие мер, сообразно обстоятельствам, в целях социально-экономической реинтеграции лиц, которые пострадали в условиях кризиса, в том числе посредством программ профессионального обучения, нацеленных на обеспечение возможностей их трудоустройства.

Экономическая стагнация и меры, направленные на борьбу с пандемией, создали много сложностей в отношениях между работниками и работодателями. Прогнозы относительно рынка труда после пандемии неутешительные: около 25 миллионов людей потеряют работу в результате кризиса, вдвое сокращается объем мировой торговли. Миллионы компаний по всему миру находятся под угрозой быть вытесненными с рынка с серьезными последствиями для занятости. Ситуация вынуждает сесть за стол переговоров работника, работодателя и государство, чтобы найти решение проблемы, в том числе, соблюдения Целей устойчивого развития (ЦУР) 3 вместе с ЦУР 8 – Достойный труд и экономический рост.

Как и во всем мире, в Узбекистане обеспечивается создание оптимальных условий труда и организации трудовой деятельности с целью охраны здоровья работников, а также проведение профилактических мер по охране труда и окружающей среды в условиях эпидемиологической ситуации, связанной с угрозой распространения коронавирусной инфекции COVID-19.

Так, в целях противодействия угрозе распространения коронавирусной инфекции утвержден временный порядок перевода работников на дистанционный метод работы, гибкий рабочий график или работу на дому (рег. № 3228 от 28.03.2020 г.), согласно которому работодатель может переводить сотрудников с их согласия на дистанционный метод работы, гибкий рабочий график или работу на дому. Перевод оформляется приказом работодателя на основании изменений, вносимых в трудовой договор сотрудника. Подписание работником дополнительного соглашения к трудовому договору считается его согласием на такие изменения.

Преимущественным правом перевода на указанные формы работ пользуются беременные женщины, пожилые люди, лица с ограниченными возможностями и страдающие хроническими заболеваниями.

При переводе за сотрудниками сохраняется право на трудовой отпуск согласно графику отпусков, на получение пособия по временной нетрудоспособности и другие права, предусмотренные законодательством и коллективным договором.

Дистанционная работа в рамках акта – это выполнение работником трудовой функции вне места нахождения работодателя, постоянного рабочего места, территории или объекта, прямо или косвенно находящихся под контролем работодателя.

В дополнительном соглашении к трудовому договору, наряду с условиями, предусмотренными статьей 73 ТК¹, устанавливается порядок:

- взаимодействия сторон путем электронного документооборота;
- предоставления работнику оборудования и (или) оргтехники, если есть договоренность о ее использовании;
- обеспечения работника средствами связи, включая доступ к сети Интернет, для взаимодействия с работодателем;
- возмещения работником ущерба, связанного с порчей переданного ему оборудования и техники;
- возмещения расходов при использовании сотрудником личного оборудования и (или) оргтехники, а также средств связи, в том числе сети Интернет;
- соблюдения необходимых правил охраны и условий труда;
- перевода дистанционного работника на постоянное место работы в случае производственной необходимости.

Сотрудник самостоятельно устанавливает для себя продолжительность рабочего времени и распорядок работы исходя из объема задания и условий трудового договора. С учетом этого его труд оплачивается в одинарном размере, без соблюдения правил оплаты за сверхурочную, ночную работу, работу в выходные и праздничные дни (ст. ст. 157, 158 ТК).

Дистанционная работа оплачивается:

- при повременной системе оплаты труда – исходя из ранее установленной тарифной ставки (должностного оклада) работника,
- при сдельной оплате труда – исходя из установленных расценок.

Гибкий график может предусматривать установление работнику:

неполного рабочего времени – неполного рабочего дня или неполной рабочей недели (ст. 119 ТК);

времени начала и окончания работы в пределах сокращенной продолжительности рабочего времени (ст.ст. 115–118 ТК), а также времени и длительности перерывов в работе, отличающихся от установленных остальным работникам.

В дополнительном соглашении о временном переводе на гибкий график указываются:

- при неполном рабочем времени – количество рабочих часов в день или рабочих дней в неделю, с указанием времени начала и окончания работы;
- при изменении режима рабочего времени – время ежедневного начала и окончания работы, а также чередование рабочих и нерабочих дней при сменной работе.

Оплата производится пропорционально отработанному времени или в зависимости от выработки.

Надомный труд – это работа сотрудника по производству товаров или оказанию услуг по заказам работодателя по месту своего жительства или в других помещениях, принадлежащих ему или членам его семьи. Эта форма труда допускается, только если работник имеет все необходимые условия для выполнения надомного труда, в том числе жилое помещение².

В дополнении к трудовому договору указываются виды работ, выполняемых на дому, а также порядок:

- предоставления оборудования, инвентаря, комплектующих изделий, сырья, материалов, полуфабрикатов для работы сотрудника;

¹ Трудовой кодекс Республики Узбекистан. Т.: Адолат, 2014. С. 177.

² «Положение о надомном труде» приложение № 1 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 января 2006 г. № 4 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006 г., № 2, ст. 9; 2008 г., № 33, ст. 318; 2010 г., № 13, ст. 96, № 23, ст. 182; 2013 г., № 37, ст. 485; 2017 г., № 33, ст. 863; Национальная база данных законодательства, 11.08.2019 г., № 09/19/661/3571.

- возмещения расходов работника за используемые для работы энергию, воду, связь, а также личное оборудование и прочие условия.

Надомный труд оплачивается:

- при повременной системе оплаты труда – исходя из тарифной ставки (должностного оклада) работника, установленной до перевода на надомную работу;
- при сдельных условиях оплаты – исходя из установленных расценок.

Кроме того, согласно Указу Президента Республики Узбекистан от 19.03.2020 г. «О первоочередных мерах по смягчению негативного воздействия на отрасли экономики коронавирусной пандемии и глобальных кризисных явлений»¹ запрещается расторгать трудовой договор по инициативе работодателя с родителями, опекунами и попечителями ребенка до 14 лет, зараженного коронавирусной инфекцией или помещенного в карантин. Обратите внимание: запрет распространяется только на прекращение с работником трудового договора по инициативе работодателя, т.е. по основаниям, предусмотренным ч. 2 ст. 100 ТК. Он не затрагивает другие основания прекращения трудового договора: по собственному желанию, по соглашению сторон, по истечении срока договора, по обстоятельствам, не зависящим от воли сторон и др.

Поскольку в некоторых странах, а также в Узбекистане меры по изоляции смягчаются частичным открытием рабочих мест, в центре внимания профсоюзов находится работа правительств и работодателей по подготовке к защите работников от COVID-19 по возвращению их на работу.

В этих целях разработаны «Временные санитарные правила и нормы по организации деятельности государственных органов и иных организаций, а также субъектов предпринимательства в условиях пандемии COVID-19 (новая редакция)»², которые устанавливают гигиенические требования к государственным органам и иным организациям, независимо от организационно-правовой формы, формы собственности и ведомственной подчиненности. В документе прописаны процедуры обработки рабочего места, автотранспорта, производственных помещений. Определены средства индивидуальной защиты и социальная дистанция. Расписаны меры по предотвращению коронавирусной инфекции при обнаружении признаков у сотрудника. Нарушение правил влечет дисциплинарную, административную и уголовную ответственность в порядке, установленном законодательством.

Профсоюзы только каждой пятой страны (21%) оценили принимаемые меры по защите работников от распространения вируса на рабочих местах как хорошие. Большинство (54% или 58 стран) оценили меры защиты как достаточные, 26 стран (24%) оценили их как плохие.

Результаты третьего глобального опроса МКП по COVID-19, проведенного в период с 20 по 23 апреля 2020 года, в котором приняли участие 148 профсоюзов из 107 стран, в том числе 17 стран из G20 и 35 стран, входящих в ОЭСР, выявили недостатки в обеспечении безопасности рабочих мест и продемонстрировали глобальную озабоченность по поводу обеспечения работников здравоохранения и сферы по уходу средствами индивидуальной защиты.

Работники нуждаются в официальном признании COVID-19 как профессионального заболевания, отсюда правительства требуют учета и регистрации случаев инфицирования на рабочих местах, а также принятия программ компенсации и медицинской помощи жертвам COVID-19, приобретенного на рабочем месте, и членам семей погибших. Правительства Австралии, Дании, Германии и Малайзии первыми показали путь, которым должны следовать другие.

Почти каждая пятая страна (17%) заявляет о частичном открытии рабочих мест, предприятий, общественных зданий и сооружений.

Из 19 стран, планирующих частичное или полное их открытие, только пять оценивают защиту работников как хорошую; шесть как плохую и восемь как достаточную.

¹ Национальная база данных законодательства, 20.03.2020 г., № 06/20/5969/0341

² <https://www.minzdrav.uz/openData/csv/saphin0372-20new.pdf>

В Северной и Южной Америке 44% стран считают, что меры по обеспечению безопасности на рабочих местах являются неудовлетворительными; в Африке 41% стран считают, что безопасность на рабочих местах является низкой. Только 25% европейских стран оценивают меры по защите работников от распространения вируса как хорошие.

Глобальный опрос МКП показал, что в большинстве стран (61%) распространение вируса сдерживается национальными мерами по изоляции, включая закрытие школ и второстепенных предприятий.

Большинство (54% или 58 стран) считают, что их правительства реагируют достаточно хорошо, в то время, как только 12% (13 стран) считают, что их правительства реагируют очень хорошо.

34% (36 стран) считают, что их правительства реагируют плохо. Это включает 27 стран (25%), которые считают, что они реагируют плохо, и 9 стран (8%), которые считают, что они реагируют очень плохо.

Чуть более половины (51% или 55 стран) считают, что работодатели плохо реагируют на потребности работников. Девять стран (или 8%) считают, что работодатели реагируют очень плохо.¹

Профсоюзные организации работников уже реагируют на кризисную ситуацию, возникшую в связи с пандемией коронавируса, например:

Итальянская Конфедерация труда (CGIL) предоставляет информацию о Коронавирусе на своем веб-сайте. 14 марта 2020 года был подписан совместный протокол между правительством, работодателями и организациями трудящихся. Документ содержит практические меры по сдерживанию распространения Коронавируса на рабочих местах (стимулирует подписание конкретных коллективных договоров с компаниями, которые все еще находятся в производстве: использование общего пространства, дезинфекция рабочих зон и т.д.);

Швейцарский профсоюз (UNIA) поднял тревогу по поводу положения многих временных работников и того факта, что многие работники, которые обязаны не прекращать свою деятельность, подвергаются повышенному риску заражения и распространения вируса;

Конгресс южноафриканского профсоюза (COSATU) предоставляет информацию на своем веб-сайте и дает номер национальной горячей линии. Например, Национальный союз горняков опубликовал список требований для эффективного реагирования на кризис в сотрудничестве с промышленностью и правительством².

В заключении хотелось бы отметить, что в данное время необходимо найти инновационные решения для трудящихся и предприятий, на которые повлияет COVID-19, путем создания устойчивости рынка труда, поддержки и адаптации, с тем, чтобы ограничить последствия безработицы и потери доходов в связи со вспышкой COVID-19.

¹ International Trade Union Confederation (ITUC): Covid-19 News from Unions // <https://www.ituc-csi.org/covid-19-responses>

² Коронавирус: какова роль профсоюзов? Рекомендация 205 Международной организации труда о занятости и достойном труде в целях обеспечения мира и потенциала противодействия.

COVID-19 ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ОЧИЛОВ Ўткир,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги
таҳлил ва тадқиқот бўлими етакчи мутахассиси,
юримдик фанлари номзоди, доцент

Аннотация. Мақолада турли соҳа экспертлари хулосалари асосида пандемия билан боғлиқ инқирознинг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ўрганилган ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан қонунчиликни ислоҳ қилишнинг умумий йўналишларини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Калим сўзлар: коронавирус пандемияси, ҳуқуқий тизим, қонунчилик, юридик семиотика, абдукция, экологик инқироз, соғлиқни сақлаш инқирози, иқтисодий инқироз, гуманитар инқироз, ислоҳот, белгилар тизими.

Abstract. The article studies the characteristic features of the pandemic crisis, its causes and consequences based on the findings of experts from various fields, and presents an attempt to determine the general directions of legislative reforms to combat the pandemic from the standpoint of ensuring human rights.

Keywords: coronavirus pandemic, legal system, legislation, legal semiotics, abduction, environmental crisis, health crisis, humanitarian crisis, reform, sign system.

Аннотация. В статье изучены характерные особенности кризиса пандемии, его причины и последствия на основе выводов экспертов разных областей, и представлена попытка определять общих направлений реформ законодательства по противодействию пандемии с позиции обеспечения прав человека.

Ключевые слова: пандемия коронавируса, правовая система, законодательство, юридическая семиотика, абдукция, экологический кризис, кризис здравоохранения, гуманитарный кризис, реформа, система знаков.

COVID-19 пандемияси оқибатида бутун жаҳонда миллионлаб одамлар инфекция юктириб олди, юз минглаб одамлар хавфли вирус қурбонига айланди, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида инқирозлар келиб чиқди. Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг пандемияга қарши курашиш масалаларига бағишланган видеомулоқот шаклида ташкил этилган навбатдан ташқари саммитидаги нуткида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “ушбу пандемия, ўзининг кўлами ва миқёсига кўра, мислсиз глобал инқирозга, бутун башарият тақдири ва жаҳон иқтисодиёти учун ғоят жиддий синовга айланди”¹, деб айтди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу инқироз 1928–1933 йилларда жаҳонда кузатилган буюк депрессиядан кейин энг йирик инқироз бўлиб, 2021 йил охиригача бутунжаҳон ялпи ички маҳсулот даражаси 5,5 трлн доллар ёки 8 % га тушиб кетади². Шунингдек, инқироз оқибатида 2020 йилнинг иккинчи чораги якуни бўйича бутун жаҳонда 195 млн киши ишсиз қолади ва яна 1,25 млрд кишининг даромадлари кескин камаяди³, камбағаллар сони охириги

¹ Мирзиёев Ш.М. Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқ // <https://president.uz/uz/lists/view/3494>

² Bloomberg оценил потери мировой экономики от коронавируса // <https://www.forbes.ru/newsroom/biznes/397447>

³ Вестник МОТ. Вып. 2. COVID-19 и сфера труда // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/briefingnote/wcms_742254.pdf.

30 йил ичида биринчи марта 400–600 млнга кўпаяди¹. Пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир гуманитар инқирозни келтириб чиқаради. Ҳозирнинг ўзида бутун дунёда 820 млндан ортиқ киши очликдан қийналяпти. Ахвол ўнганмас, бу кўрсаткич икки мартага ортади, жаҳоннинг 30 га яқин мамлакатларида очлик бошланади².

Инқироз тушунчаси салбий, инсониятга зарар келтирадиган жараёнларни англатса-да, лекин унинг мазмунида ижобий ўзгаришларга тўғри бериши мумкин бўлган воқелик маъноси ҳам ётади. Инқироз оқибатида ижтимоий муносабатларнинг амалдаги нуқсонлари кўриниб қолади, унинг ҳуқуқий асосларидаги бўшлиқлар кўзга ташланади, инқироз инсониятни ўз хулқ-атворини ўзгартиришга, келажакда янги истиқболларни белгилайдиган ижобий ислохотларни амалга оширишга мажбур қилади. Инқироздан кейин янги истиқболлар аниқланади. Фақат ана шу истиқболларни тўғри белгилаб олиш ва уларга тўғри ёндашиш муҳим.

Ҳар қандай касалга ташхис қўйилганидек, жамиятдаги инқироз сабабларини аниқлаш ва уни самарали бартараф этиш учун олдин унга тўғри баҳо бериш муҳим. Жамиятнинг ҳуқуқий макондаги муаммоларини аниқлаш, биринчи навбатда, муаммоларни кўрсатувчи белгиларни аниқлашдан бошланади. Ҳуқуқий тизим муаммоларини таҳлил қилиш воситаларини тақдим қила оладиган ёндашувлардан бири – бу семиотик ёндашувдир³. Семиотик ёндашувда (юридик семиотика) ҳуқуқ хулқ-атвор моделлари сифатида тушунилади, барча ҳуқуқий нормалар у ёки бу хулқ-атвор модели таркибига киради, деб қабул қилинади.

Юридик семиотика қонунларда ўз ифодасини топган миллий иродани жамият иродасидан келтириб чиқаради, қонунларни яратиш учун қонун чиқарувчи, аввало, жамият иродасини ифодалайдиган белгиларни аниқлаши керак, деб ҳисоблайди. Бунда таҳлил муаммо ҳамда уни ҳал қилиш бўйича жамият иродасини ифодалайдиган белгиларни аниқлаш ва уларга таяниб асосли фаразларни яратиш (абдукция – мантикий ҳулоса чиқариш амали) воситасида амалга оширилиб, муаммонинг қонунчилик билан боғлиқ ечимлари таклиф қилинади. Юридик семиотика ҳуқуқий тизимнинг инқироздан кейинги ривожланишини таъминлаш учун қайси хулқ-атвор моделларига эҳтиёж сезилаётганини, бу хулқ-атвор моделларини ўрнатиш учун амалдаги қонунчиликнинг қайси соҳаларини такомиллаштириш зарурлигини ўрганишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, коронавирус инқирози билан боғлиқ қонунчилик муаммолари таҳлил қилинаётганда қуйидаги икки жиҳатга эътибор қаратиш керак бўлади:

Биринчидан, бу инқироз якка бир инқироз эмас, балки бир-бири билан боғланган тўрт инқироз бўғинидан иборат инқирозлар занжиридир – биринчиси, пандемияни келтириб чиқарган экологик инқироз; иккинчиси, пандемияга қаршилиқ кўрсата олмаган соғлиқни сақлаш инқирози; учинчиси, пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироз; тўртинчиси, пандемия оқибатида авж олиши мумкин бўлган гуманитар инқироз.

Иккинчидан, кўпгина мутахассисларнинг фикрича, коронавирус пандемияси жуда узоқ давом этмайди, тўрт-беш ой давом этади, лекин унинг зарарли оқибатлари ўзининг таъсирини узоқ муддат сақлаб қолади. Шунинг учун пандемияга қарши қонунчилик чоралари қисқа муддатга мўлжалланган ва узоқ муддатга мўлжалланган чораларни ўз ичига олиши зарур.

Инқирозлар занжири таҳлилинини инқирознинг иккинчи бўғини бўлган соғлиқни сақлаш инқирозидан бошлаймиз, экологик инқироз пандемия инқирозининг сабаби ва узоқ муддатли ечимлари билан боғлиқ бўлганлиги учун унинг таҳлилинини охирида амалга оширамыз.

Глобал пандемия умумжаҳон соғлиқни сақлаш тизими инқирозини келтириб чиқарди. Нима учун соғлиқни сақлаш тизими энг ривожланган деб ҳисобланган мамлакатларда пандемия шиддатлироқ ва вайронакорона тус олди.

¹ Virus could push half a billion people into poverty // <https://www.bbc.com/news/business-52211206>

² WFP Chief warns of hunger pandemic as COVID-19 spreads (Statement to UN Security Council) // <https://www.wfp.org/news/wfp-chief-warns-hunger-pandemic-covid-19-spreads-statement-un-security-council>

³ “Семиотика” сўзи ишорат, белги маъносини англатувчи юнонча “семеон” сўзидан келиб чиқиб, белгилар тизими тўғрисидаги фанни англатади. 20 асрнинг иккинчи ярмида ҳуқуқий тизимни белгилар тизими сифатида ўрганувчи фан-юридик семиотика шаклланган. Юридик семиотиканинг АҚШ ва Европа анъаналари бир-бирдан ажратилади.

АҚШ ва айрим ривожланган Европа давлатларида соғлиқни сақлаш тизимининг инкирози уч омил билан боғлиқ бўлди:

Биринчидан, соғлиқни сақлаш тизими имкониятларига ортиқча баҳо берилиб, коронавирус пандемиясининг хавфи мутаносиб қабул қилинмади. Натижада пандемияга қарши курашишга етарлича тайёргарлик қўрилмади, бошқа тарафдан, бу давлатларда демократия ва эркинлик тушунчаларининг ўта мутлақлаштирилганлиги аҳолининг соғлиғига бўлган ҳуқуқини таъминлашга тўсқинлик қилди, ўз вақтида фавқулодда карантин чоралари қўрилмади, карантин чоралари жорий қилина бошланганига қадар эса, анча вақт йўқотиб бўлинган эди.

Иккинчидан, бу давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизими жуда қиммат индивидуал тиббий хизмат кўрсатишга мослашган бўлиб, интенсив даволаш ўринлари сони жуда кам ва оммавий касалланишга қарши курашишга тайёр эмас эди. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини коронавирусга қарши курашишга мослаштириш тезкор амалга оширилмади. Аҳолига индивидуал ҳимоя воситаларини қўллаш ва ижтимоий масофани сақлаш бўйича тушунтириш ишлари ўз вақтида амалга оширилмади. Натижада инфекция жадал суръатларда тарқалиб, соғлиқни сақлаш муассасалари касалланганларнинг катта оқимида тиббий хизмат кўрсатишга тайёр эмаслиги, даволаш ўринлари, тиббий ускуналар етишмовчилиги юзага келди.

Учинчидан, соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг хавфсизлиги ва манфаатлари тўлақонли таъминланмаганлиги тиббий хизмат самараси пасайиши омилларида бири бўлди.

Юқоридаги омиллар таъсирида айрим ривожланган мамлакатларда инфекция оқибатида ўлимлар фоизи юқори бўлди (касалланганларга нисбатан 5–14 фоиз).

Ўзбекистон Республикасида Президент Ш.М. Мирзиёев коронавируснинг мамлакатда тарқалиб кетишининг олдини олиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган ва тезкор чораларни жорий қилишга раҳбарлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди. “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сонли, “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сонли ва “Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4695-сонли Президент қарорлари ҳамда “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 23 мартдаги 176-сонли ва “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коронавирусга қарши курашда инсоннинг яшаш ва соғлиққа бўлган ҳуқуқлари бошқа ҳар қандай манфаатлардан устун эканлигини эълон қилиб, унинг асосида, биринчидан, бутун мамлакат ҳудудида қатъий карантин чоралари жорий қилинди; иккинчидан, соғлиқни сақлаш тизими пандемияга қарши курашга сафарбар қилиниб, барча вилоятларда махсус тиббиёт масканлари ва карантин ҳудудлари ташкил этилди; учинчидан, тиббиёт ходимларининг хавфсизлиги ва манфаатлари ҳимояга олинди, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш кафолатлари кучайтирилди; тўртинчидан, касалликни эрта жиловлаш мақсадида аҳоли ўртасида огоҳлантириш ва кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Бундай тезкор чора ва ҳаракатлар натижасида аҳоли орасида инфекция тез тарқалишининг олди олинди ва соғлиқни сақлаш тизими унга қарши муносиб тайёрланди, натижада коронавирус қурбонлари сони минималлаштирилди (касалланганларга нисбатан 0,4 фоиз) ва касалликни даволаш бўйича жаҳонда энг ижобий кўрсаткичлардан бирига эришилди.

Ривожланган давлатларда соғлиқни сақлаш тизимининг энг заиф жойи бу тиббиёт тизимининг ўта тижоратлашгани, халқчил тиббиёт тизимининг заифлиги, тиббий суғурта

тизими ва тиббий хизматнинг қимматлиги билан боғлиқ. Албатта, ривожланган давлатларда тиббий хизмат сифати жуда юкори (масалан, ЖССТ¹ маълумотларига асосланиб, Bloomberg таҳлилчилари 2019 йилда соғлиқни сақлаш даражаси бўйича Испанияга жаҳонда биринчи, Италияга иккинчи ўринни беришган)², лекин бу давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизими халқчил эмас (хусусий тиббий суғурта ва хусусий касалхоналар хизмати учун тўловни кўпчилик тўлай олмайди, жарроҳлик амалиёти 30–40 минг евро туради)³, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш ўринлари чегараланган, улардан фойдаланиш учун эса, узок навбат кутиш керак бўлади, аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати йўлга қўйилмаган.

Инкироз жаҳон мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимининг заиф жойларини кўрсатиб, уни тубдан ислох қилиш йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди. Бундан буён соғлиқни сақлаш тизими эпидемияларга қарши кураша олиши учун ушбу соҳа бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг истиқболларини қуйидагича белгилаш мумкин:

биринчидан, Тиббиёт кодексини ишлаб чиқиш ва Инсоннинг соғлиққа бўлган ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида қонун қабул қилиш орқали соғлиқни сақлаш тизимида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш устуворлигини таъминлаш, аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш ва ижтимоий масофа сақлаш маданиятини шакллантириш чораларини кўриш;

иккинчидан, Соғлиқни сақлашнинг ҳаддан ташқари тижоратлашувига йўл қўймаслик, тиббиёт тизимининг халқчиллиги, оммавийлиги характерини сақлаб қолиш, хусусий тиббий муассасалар тизимини ривожлантириш баробарида, давлат тиббий муассасалари тизимини кучайтириш;

учинчидан, эпидемияларга қарши курашиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириб, тиббий хизматнинг эпидемияларга қарши тезкор мослашиш механизмини мустаҳкамлаш, инфекция ва реанимация ўринлар захирасини сақлаш, эпидемиолог ва инфекционист мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш, уларни эпидемияларга қарши махсус тайёргарликдан ўтказиш;

тўртинчидан, эпидемиологик вазиятни чуқур мониторинг ва прогноз қилиш бўйича миллий тизимни ривожлантириш, эпидемиялар ва инфекциялар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари тизимини такомиллаштириш, улар сонини ва фаолият қўламини кенгайтириш;

бешинчидан, мажбурий тиббий суғурта тизимини ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари соғлиғини тиббий суғурталаш, унинг таркибига дори-дармон воситалари суғуртасини ҳам киритиш;

олтинчидан, соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тиббий фаолияти даврида уларга етказилган руҳий ва моддий зарарни компенсация қилиш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишнинг қонунчилик механизмини такомиллаштириш;

еттинчидан, рақамли тиббиёт ва масофавий тиббий хизмат концепциясини қабул қилиб, тиббий хизмат тизимини рақамлаштириш, масофадан туриб мижозларга тезкор ташхис қўйиш имкониятини берувчи интернет воситалари тизимини жорий қилиш, масофавий тиббий маслаҳатлар бериш услубини йўлга қўйиш, мижозлар тўғрисида электрон маълумотлар алмашиш тизимини ривожлантириш, келажакда тиббий хизмат тизимида махсус роботлардан фойдаланишни йўлга қўйиб, ташхис қўйишдан тортиб, мижознинг даволаниш жараёнини назорат қилишгача бўлган ишларни қисман роботлаштириш.

Глобал пандемия жаҳон иқтисодий инкирозини келтириб чиқарди. Пандемиядан ҳимояланиш учун карантин чоралари уй хўжаликлари томонидан товар ва хизматларга талабнинг сусайишига, айрим соҳаларда эса, масалан, туризм, умумий овқатланиш тизими, йўловчиларни ташиш хизмати ва бошқа шунга ўхшаш соҳаларда мутлақо йўқолиши, бу соҳалардаги компания ишчи-ходимларини ишдан бўшатишига, ишсизлик ортishiга, бу эса,

¹ ЖССТ – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

² The world's healthiest countries, ranked // <https://www.cbsnews.com/news/the-worlds-healthiest-countries-ranked/>

³ <https://www.fondsk.ru/news/2020/03/30/pochemu-evropa-ne-spravljaetsja-s-korona-virusom-50487.html>

ўз навбатида, уй хўжаликлари харажатларининг янада камайишига, товар ва хизматларга талабнинг янада пасайишига олиб келади. Бу инкироз занжирини ҳосил қилиб, охир-оқибат дефляция (нарх-навонинг носоғлом тушишига) ва глобал рецессияни (иқтисодиётнинг торайишини) келтириб чиқаради.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, коронавирус пандемиясининг иқтисодий оқибатлари икки йил давомида ўзининг таъсирини кўрсатиб туради, жаҳон давлатлари иқтисодиёти тушиши узоқ давом этмаса-да, иқтисодиётнинг тикланиши учун маълум вақт талаб қилинади. Лекин, агар ҳукуматлар тез ҳаракат қила олса, инкирознинг иқтисодий оқибатларини юмшатса бўлади¹.

Жаҳоннинг иқтисодиёт бўйича нуфузли таҳлилчилари инкирозга қарши тадбирларнинг бир қанча хусусиятларини айтиб ўтишади: биринчидан, коронавирус пандемиясидан келиб чиқадиган иқтисодий зарарни юмшатиш учун тезкор сиёсий чоралар кўриш зарур, иқтисодиётни бюджет йўли билан рағбатлантириш лозим; иккинчидан, барча иқтисодий инкирозлардан чиқишнинг сабоғи ҳукуматнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашуви иқтисодиётнинг тикланиши ва соғломлашишига зарар етказди, унинг ўрнида хусусий секторни кучли рағбатлантириш чораларини кўриши керак; учинчидан, ҳукуматлар нархларнинг шаклланишига аралашмаслиги керак, хусусий сектор учун ойлик маошлар чегарасини белгилаш ва нархларни назорат қилиш иқтисодиётга зарар етказди, унинг ўрнида иқтисодиётга солиқ ва кредитлар ёрдамида таъсир ўтказиш яхши натижа беради; тўртинчидан, валюта бозорига ҳукумат аралашувини чегаралаш, эркин курс шаклланишига имкон яратиб бериш керак; бешинчидан, пул эмиссиясига йўл қўймаслиқ керак, бу жуда юқори инфляция кўрсаткичлари, миллий валюта нуфузининг тушиб кетиши, иқтисодиётнинг долларлашуви, талаб ва таклиф депрессиясини келтириб чиқаради².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони, 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги 232-сонли қарорига мувофиқ пандемия оқибатида келиб чиққан глобал иқтисодий инкироз шароитида иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоралар белгиланди:

Биринчидан, бюджет харажатлари инкирозга қарши курашиш эҳтиёжларига қараб мақбуллаштирилди. Маблағлар, биринчи навбатда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларга, жумладан, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сотиб олиш, тиббиёт муассасаларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни жиҳозлашга; иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашга; озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, коммунал тўловлар ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган харажатларни қоплашга йўналтирилди. Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағлари жалб қилинди.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини тўла қўллаб-қувватлаш механизмлари жорий этилди, шу мақсадда Инкирозга қарши кураш жамғармаси тузилди. Айрим давлатлар товар ва хизматларга талаб тушишининг олдини олиш муаммосини пул эмиссияси воситасида ҳал қилмоқчи бўлиб, вазиятни янада кескинлаштирадиган юқори суръат билан нарх-навонинг ўсиши хавфи остида қолган бўлса, Ўзбекистонда аҳолининг манфаатлари биринчи ўринга қўйилиб, товар ва хизматларга талабни таъминлаб туришнинг самарали ечимлари қидирилди. Дефляцияни юмшатиш ва ишсизликнинг олдини олиш мақсадида, Марказий банк қайта молиялаш ставкасини тушуриш ҳамда шу йўл билан кредитлар ва ссудаларни арзонлаштириш йўлидан борди.

Учинчидан, бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари фоизларини ҳисоблашда “музлатиш тартиби” ҳамда “солиқ таътиллари” жорий этилди. Солиқлар ва импорт божлари камайтирилди. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга

¹ Решительная политика необходима для противодействия рецессии коронавируса // <https://review.uz/ru/post>

² COVID-19 глазами экономистов // <https://review.uz/ru/post>

мажбур бўлган тадбиркорлик субъектларига ижара ва кредитлар бўйича ҳам таътиллار эълон қилиниб, тўловлар тўлаш муддатлари кечиктирилди. Карантин тадбирлари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш ва уларни банкрот деб эълон қилишга мораторий жорий этилди. Туризм соҳаси корхоналари ва авиакомпания ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинди, ижтимоий солиқ қамайтирилди.

Юкоридаги чора-тадбирлар иқтисодий инқирозни юмшатишга ва инқироздан кейин барқарор ривожланишни таъминлайдиган омил бўлиб хизмат қилади.

Мутахассисларнинг фикрича, инқироздан кейин жаҳон иқтисодиётида муайян ўзгаришлар юз беради. Онлайн мулоқот анъанавий мулоқотнинг ўрнини тобора эгаллаб боради, онлайн маҳсулот ва хизматлар савдоси секин-аста анъанавий савдони бозордан сиқиб чиқаради. Халқаро савдо-сотик давлатларнинг ўз худудида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, иш жойларини қўпайтириш ва хавфсизлик нуктаи назаридан ёндашиш, протекционистик воситаларни қўллаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга асосий эътиборни қаратиш сиёсати туфайли маълум даражада чегараланади. Ишлаб чиқариш ва технологияларнинг глобаллашуви секинлашади, туризм муайян даражада қисқаради. Ҳукуматлар ва компаниялар ўзининг иқтисодий яқкаланиш шароитида фаолият кўрсатиш қобилиятини мустаҳкамлашга мажбур бўлади¹.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, инқирознинг иқтисодиётга нисбатан узоқ муддатли таъсирини бартараф этишга қаратилган чораларни назарда тутувчи миллий қонунчилик мажмуи зарур бўлади:

биринчидан, хусусий сектор ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини янада кучайтириш, бу соҳадаги адвокатлик компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари хулқ-атвори моделини белгилайдиган Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

учинчидан, хусусий секторни кредитлашга аҳолининг бўш маблағларини йўналтириш мақсадида фонд биржаси фаолиятини такомиллаштириш, акциялар савдосини кенгайтиришни, хусусий банклар, кредит уюшмалари ва ломбардлар фаолиятини кенгайтиришни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини қабул қилиш;

тўртинчидан, импорт ўрнини босувчи янги товар ва хизматлар, уларнинг ишлаб чиқарувчилари тўғрисида аҳолининг кенг қатламларини яқиндан хабардор қилиб бориш, “Ўзимизда ишлаб чиқарилган” телеканалини йўлга қўйиб, халқимизнинг маҳаллий маҳсулотларга устунлик бериш кайфиятини кучайтириш, уни ватанга содиқлик ҳиссиётлари билан боғлаш, маҳаллийлаштириш дастурларини янада кенгайтириш;

бешинчидан, товарлар ва хизматларнинг онлайн савдоси субъектларини қўллаб-қувватловчи қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи норматив ҳужжатларни қабул қилиш;

олтинчидан, экспортни рағбатлантиришни кучайтириш, унга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган тартибларни янада соддалаштириш;

еттинчидан, умумий овқатланиш, оммавий тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ хизматлар ва меҳмонхона хизмати соҳалари учун инқироздан кейин тикланиш узоқроқ муддатни талаб қилишини назарда тутиб (коронавирус қўрқуви ҳали маълум муддат одамларни тадбирларга йиғилмасликка, саёхатга чиқмасликка ва қўчадан овқат емасликка ундайди), уларни маълум муддат давомида солиқ ва кредит билан қўллаб-қувватлаб туриш.

Пандемия умумжаҳон гуманитар инқироз хавфини келтириб чиқарди. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш пандемия келтириб чиқарган инқирозни “умуминсоний инқироз” деб номлади. Инқироз нафақат яқин келажакда, балки узоқ истикболда гуманитар ҳолатнинг қуйидаги йўналишларда ёмонлашувига сабаб бўлади:

Биринчидан, пандемия натижасида юзага келган инқироз жаҳонда ижтимоий тенгсизликнинг янада кучайиши хавфини келтириб чиқарди. Жаҳон мамлакатларида

¹ How the World Will Look After the Coronavirus Pandemic // <https://foreignpolicy.com/2020/03/20>

кашшоқлашув даражаси кескин ортади. Инкироз БМТнинг 2030 йилга қадар камбағалликни бартараф этиш бўйича режаси бажарилишини реал хавф остида қолдиради.

Иккинчидан, пандемия натижасида халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг сусайиши, камбағал мамлакатларга иқтисодий ёрдам дастурларининг қисқариши очлик гирдобига тортилган халқлар сонининг кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг тавсияларига кўра, мамлакат ичида ва ташқарисида озиқ-овқат маҳсулотлари етказилиб берилиши билан боғлиқ тизимнинг узлуксиз фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш, кенг аҳоли қатламлари, хусусан, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳимоя дастурларини кучайтириш, ички таъминот тизими ишлаб туришини таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилиши керак.

Учинчидан, пандемия даврида қийинчиликлар кучайгани сари инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолатлари, оилавий зўравонлик, боалар, аёллар, кексалар, кам сонли миллатлар ва бошқа турдаги зўравонликлар хавфи кучаяди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси давлатларни пандемияга қарши қаратилган чораларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ёндашишга чақирди. Унинг тавсияларига кўра, пандемия тенгсизлик қўламини янада кенгайтирмаслиги учун тезкор ва ҳар томонлама ўйланган чоралар кўришга ўтиш, биринчи навбатда, ишсизлар сонини минималлаштириш чораларини кўриш зарур. Шунингдек, фавқулодда чоралар қонуний қўлланилиши, тиббиёт ходимлари, олимлар, экспертлар, журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари ўзаро ҳамда жамоатчилик билан эркин мулоқот қилиши таъминланиши, карантин ва ижтимоий яқкаланиш чораларини ўзганинг парваришига муҳтожлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, ёрдамга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя чоралари қўлланилиши, ҳибсхона ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар орасида касаллик тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида инкироз даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос миллий механизмлари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сонли, “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли ҳамда “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сонли фармонлари ва бошқа ҳужжатлар эълон қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишсизликни олдини олиш, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш ва ёрдамга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги аниқ чоралар белгиланди:

биринчидан, аҳолининг кредитлар бўйича тўловлари кечиктирилди, давлат бюджети қорхоналарида ишлайдиган ходимлар онлайн ишлаш режимида ўтказилиб, улар ўз маошларини йўқотмади, шунингдек, ходимларнинг бир қисмига меҳнат ва ижтимоий таътиллари берилди. Тадбиркорлик субъектлари иш жойларининг қисқаришини олдини олиш чоралари кўрилди;

иккинчидан, таълим тизими узлуксизлигини таъминлаш учун бу соҳадаги барча муассасаларнинг фаолиятлари тўлиқ онлайн тарзда амалга оширишга ўтказилди;

учинчидан, пандемия ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича сўз ва матбуот эркинлиги тўла таъминланди, телевидение ва интернетда турли давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг пандемия муаммоси ва уни бартараф этиш чораларига бағишланган узлуксиз очик мулоқоти ташкил этилди;

тўртинчидан, пандемия даврида озиқ-овқат захираларидан тўғри фойдаланиб, озиқ-овқат хавфсизлигига тўла эришилди, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш чоралари қўрилди, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари асоссиз ошиб кетишининг олди олинди, озиқ-овқат дўконлари ва бозорларнинг карантин чораларига риоя этган ҳолда эркин фаолият олиб бориши таъминланди, кўчма озиқ-овқат ярмаркалари ҳар бир маҳалла кесимида ташкил қилинди;

бешинчидан, имкониятлари чекланган, кам таъминланган ва кўмакка муҳтож аҳоли қатламларига беғараз манзилли ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди. Бунда ўзбек халқининг меҳр-мурувват анъаналарига хос уникал механизм жорий қилинди, яъни маҳаллаларда ҳар бир хонадон ва oilаларнинг турмуш шароити ва ижтимоий аҳволи оғир бўлган қатламини ўрганиш асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар рўйхати тузилиб, уларга беғараз ёрдам бериш мақсадида бутун республика бўйича 201 мингта тадбиркорлар ва фермерларни бирлаштирган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ҳамда фонди тузилди. Ушбу ҳаракатга қўшилган тадбиркорлик субъектларига уларнинг қўшган улушига қараб солиқ, лизинг ва кредитлар бўйича имтиёзлар берилди.

Юкоридаги тадбирлар уникаллиги уларнинг бир неча йўналишларда иқтисодий-гуманитар инкирозга қарши курашиш учун замин яратгани билан боғлиқ бўлди: биринчи йўналиш – аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи қондирилди; иккинчи йўналиш – товар ва хизматларга талабнинг кескин тушиб кетмаслиги таъминланди; учинчи йўналиш – ишсизлик даражасининг қўтарилиши олди олинди; тўртинчи йўналиш – бюджет танқислиги ортиши ёки пул эмиссиясига йўл қўймасдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қўллаб-қувватланди; бешинчи йўналиш – тадбиркорлик субъектлари инкироз шароитида манзилли қўллаб-қувватланди; олтинчи йўналиш – аҳоли ва тадбиркорларнинг инкирозга қарши бир тану бир жон бўлиб курашиши уларнинг ўзаро ижтимоий масъулият ҳиссини кучайтиради.

Гуманитар соҳада турли таҳдидларнинг олдини олиш чораларини назарда тутувчи миллий қонунчилик қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши мумкин:

биринчидан, давлат реестридан ўтмасдан майда ва мобил хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат фаолияти билан машғул бўлган жисмоний шахслар уюшмасини тузиш ҳамда уюшманинг қишлоқ ва маҳаллалар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ёрдамга муҳтожларни тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш воситасида камбағалликни камайтириш” ғоясига таяниб, ишсиз, кам таъминланган аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш мақсадида манзилли кластерлар тизимини барпо этиш мумкин. Бунда тадбиркорлар “манзилли кластер” лойиҳаси асосида имтиёзли кредитлар ва лизингни жалб қилиб, тегишли ҳудуд қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда кам таъминланган ишсиз шахсларни уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришга жалб қиладилар. Манзилли кластер муайян қўл меҳнатига асосланган, маҳаллий ва хорижий бозорларда харидоргир маҳсулотларни уйда ишлаб чиқариш ва кластер бўғинлари орқали йиғиб, кейин бозорга сотувга чиқаришга асосланади. Биринчи босқичда тадбиркор кам таъминланганларни ишлаб чиқариш ускунасида ишлашга ўргатиш ўқувларини ташкил қилади, кейин ускунани уларнинг уйига ўрнатиш ишларини амалга оширади. Манзилли кластерининг бош корхонаси туман маркази, бўғинлари эса қишлоқ ва маҳалла ҳудудида тузилиб, ишбай ҳақ тўлаш тизими асосида фаолият кўрсатади (бундай ишлаб чиқариш кластерида алоҳида малакани талаб қилмайдиган кийим тикиш, уй-рўзғор жиҳозларини ишлаб чиқариш, масалан, эркаклар бўйинбоғи, аёллар рўмоли, дастрўмоллар, дастурхонлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш мумкин бўлади);

учинчидан, аҳолининг турли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус қонунларни қабул қилиш мумкин. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларнинг ҳуқ-атвор моделлари белгиланади. Масалан, Кекса ёшдаги шахслар ҳуқуқлари қафолатлари, Ногиронлар ҳуқуқлари қафолатлари, Ёшлар ҳуқуқлари қафолатлари, Кам таъминланган шахслар ҳуқуқлари қафолатлари, Кам сонли миллатга мансуб шахслар ҳуқуқлари қафолатлари тўғрисидаги ва бошқа шунга ўхшаш қонунлар қабул қилиниши

назарда тутилади. Бу конунларда ушбу тоифадаги шахслар ҳуқуқларини таъминлашга қўмаклашганларни рағбатлантириш, тўсқинлик қилганларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича миллий ирода мустаҳкамланади. Масалан, ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишига порахўрлик шаклида тўсқинлик қилиш оғир ижтимоий ва ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши белгиланади. Бунда конунларнинг нафақат норматив, балки руҳий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилади.

Глобал пандемиянинг келиб чиқиши умумжаҳон экологик инкирози билан боғлиқ. Айрим тадқиқотларга кўра, инсоннинг табиатга антропоген таъсири билан коронавирус пандемиясининг келиб чиқиши ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш мавжуд. Углеводородларни ёқиш даражасининг ортиб, глобал иқлим ўзгариши ва ёввойи табиатнинг суиистеъмол қилиниши натижасида тропик инфекция ташувчилари бўлган организмлар бутун планета миқёсида тарқалмоқда. Инсоният экосистемани бузиб, вирусларни ўзига янги манзил кидиришга мажбур қилаяпти ва бу манзил инсониятнинг ўзи бўлаяпти¹. Агар инсоният табиатга нисбатан ўзининг муносабатини ўзгартирмаса, коронавируздан ҳам оғирроқ ва хавфлироқ пандемиялар келиб чиқиш эҳтимоли мавжуд. Бошқа тарафдан эса, иқлим ўзгариши бошқа кўринишдаги офатлар юз беришига ҳам олиб келиши эҳтимоли кучли. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, иқлим ўзгариши ҳозирги суръатларини сақлаб қолса, 2040 йилгача иқлим ҳозиргидан яна икки даражага кўтарилади². Бунинг натижасида йирик ёнғинлар, сув тошқинлари, ҳавонинг заҳарланиши, қурғоқчилик ўзининг миқёсини тобора кенгайтириб боради, миллионлаб одамлар экологик қочқинларга айланади, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришнинг камайиши ва глобал очарчилик юз беради.

БМТ экспертлари фикрича, иқлим ўзгаришининг энг фожиали оқибатларини олдини олиш учун инсониятда яна ўн йилча фурсат бор. Вазият ўзгариши учун шу ўн йил давомида ҳавога зарарли газлар чиқарилишини камида икки мартага камайитириш керак. Бундай натижага фақат экологик хавфсиз энергия манбаларидан, ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланишга, экологик турмуш тарзи ва ишлаб чиқариш услубига ўтиш орқали эришиш мумкин. Бу вазифани амалга ошириш мушкул, чунки у жаҳон давлатларидан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни экологик хавфсизлик мақсад ва тамойиллари устуворлиги нуктаи назаридан тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Бундай мураккаб туб ислохотларни жаҳон давлатлари амалга оширишга тайёرمи? Ҳозирнинг ўзида пандемия етказган иқтисодий зарар оқибатида давлатлар ва хусусий сектор глобал иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва экологик хавфсиз энергияга ўтиш дастурларини, бу дастурлар нисбатан узоқ муддат ва салмоқли сармояларни талаб қилгани учун, қисқартириши, кечиктириши ёки умуман четга суриб қўйиши мумкин.

Бундай бўлмаслиги учун инсониятни қутқаришнинг кечиктириб бўлмайдиган экологик чораларини кўришда умумжаҳон яқдиллик талаб қилинади. Халқаро ҳамжамят экологик хавфсиз ишлаб чиқариш услуби ва турмуш тарзига ўтишнинг халқаро стратегиясини, янги таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириши ва изчиллик билан ҳаётга жорий қилиши лозим. Бу стратегия БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг экологик йўналишини янада кенгайтириши ҳамда соҳага тааллуқли халқаро ва миллий стандартларни такомиллаштириш йўналишларини белгилаб бериши, экология муҳофазасига йўналтирилган мутлақо янги иқтисодий ва истеъмол тузилишини шакллантириши керак.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги экологик хавфсиз иқтисодиёт ва турмуш тарзини жорий қилиш нуктаи назаридан қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши мумкин:

биринчидан, экология соҳасидаги қонунчиликда инсоннинг хавфсиз табиий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш;

иккинчидан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини изчил рўёбга чиқариш;

¹ Quammen D. Spillover: Animal Infections and the Next Human Pandemic. Norton, W. W. & Company, Inc. 2012. 592 p.

² Философ Доминик Бур о долгосрочных последствиях пандемии коронавируса // <http://www.rfi.fr/ru>

учинчидан, конунчиликда экологик хавфсиз энергия манбаларидан (атом, қуёш, шамол) фойдаланишни босқичма-босқич кенгайтириш баробарида углеводородларни ёқишга асосланган энергия манбаларини қисқартириш ва узоқ келажакда буткул воз кечишни назарда тутиш;

тўртинчидан, экологик хавфсиз товар ва хизматлар қўламини кенгайтириш, атмосферага зарарли газлар чиқаришни чегаралаш бўйича стандартларни босқичма-босқич кучайтириб бориш;

бешинчидан, жамиятда экологик хавфсизликка йўналтирилган истеъмолчилик маданиятини шакллантириш, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган экологик тежамкорлик ва ортиқча исрофгарчиликлардан воз кечадиган истеъмолни шакллантириш;

олтинчидан, шаҳарларда экологик тоза ҳудудларни барпо этиш, шахсий автотранспорт катновини чегаралаш ва велосипед йўлакларини кенгайтириш, электробилларни ишлаб чиқаришга ўтиш чораларини кўриш;

еттинчидан, глобал иқлим ўзгариши давлат чегараларини тан олмаслиги, бу масалага барча давлатлар эътиборини қаратмасдан натижага эришиб бўлмаслигини инобатга олиб, экология соҳасида халқлараро яқдилликка асосланган ва уни рўёбга чиқаришга барча давлатлар масъул бўладиган янги халқаро ҳужжат қабул қилиниши ташаббусларини илгари суриш ва қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, коронавирус пандемияси глобал миқёсда катта ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Кўпгина мутахассислар таъкидлаганидек, дунё энди ҳеч қачон олдингидай бўлмайди, инсоният кўпгина масалаларда ўзининг хулқ-атворини ўзгартиришга мажбур бўлади. Бу ўзгаришларни тўғри тушуниш ва ҳуқуқий тизимни уларга мувофиқлаштириш орқалигина давлатлар ўз олдига қўйган миллий мақсадларга эришиши мумкин. Инқирозга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган тадбирлар, унда халқ ва давлат ҳокимиятининг яқдиллиги, шубҳасиз, келажакда барқарор ривожланишнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади.

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

НОРБОЕВ Отабек,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси

Миллий марказининг жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи

Аннотация. Мақола коронавирус пандемияси келтириб чиқарган карантин шароитида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга баҳишланади. Ушбу вазиятда меҳнат қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, ишчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини | имоя қилиш усуллари кўриб чиқалади.

Калим сўзлар: меҳнат ҳуқуқлари, коронавирус, карантин, махсус комиссия, иш берувчи, ходим, жамоа шартномаси, шартнома, кафолатлар, рағбатлантиришлар, имтиёз, иш режими, масофадан туриб ишлаш, “онлайн”, меҳнат таътили, ҳақ тўланмайдиган таътил.

Abstract. The article explains the legislation aimed at protecting the labor rights of citizens during the quarantine period, which was announced due to the coronavirus.

Keywords: labor rights, coronavirus, quarantine, special commission, employer, employee, collective agreement, contract, guarantees, incentives, privilege, work regime, remote work, online, vacation, unpaid leave.

Аннотация. Статья посвящена защите трудовых прав граждан в период карантина, вызванного пандемией коронавируса. Рассмотрены изменения, внесенные в трудовое

законодательство и способы защиты прав и законных интересов работников в данной ситуации.

Ключевые права: трудовые права, коронавирус, карантин, специальная комиссия, работодатель, работник, коллективный договор, договор, гарантии, льготы, привилегии, режим работы, удаленная работа, «онлайн», отпуск, неоплачиваемый отпуск, занятость.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборат бўлган меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгилаб қўйилганидек, “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”¹.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига қўмаклашишдир.

XXI асрнинг долзарб муаммоси даражасига кўтарилиб, бутун башарият ҳаётини хавф остига қўйган коронавирус пандемиясининг тарқалиши ва олдини олишда давлатлар ҳамда давлат раҳбарларининг тўғри йўл тутишлари муҳим роль ўйнамоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистонда бу “тождор” офат кириб келмасдан туриб барча ҳимоя чоралари кўриб қўйилган эди. Мамлакатимизда вирус расман аниқланганидан кейин, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев халққа мурожаат қилиб, бу юқумли касаллик нечоғли хавфли эканлиги ҳақида маълумот берди ва Ўзбекистоннинг барча аҳолисини давлат билан биргаликда хавфсизлик чораларини амалга оширишга, бу хатарли пандемияни ҳамжиҳатлик, ақл ва ирода кучи, қатъий интизом билан енгиб ўтишга чақирди².

Бу борада мамлакатимизда янги турдаги коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чоратadbирлар дастурини тайёрлаш бўйича Бош вазир раҳбарлигидаги республика махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида 2020 йил 29 январда Ф-5537-сон Фармойиши қабул қилинди³.

Махсус комиссиянинг ўз ваколати доирасида меҳнат шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ тегишли қарорларига мувофиқ дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиақатновлар тўхтатилди, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, (республикада доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларини (автобус, енгил автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари) Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон. 2019. -Б. 15.

² Жўзжоний А.Ш. Пандемия қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси айрим давлатлар учун ўрнак бўлиши мумкин // Халқ сўзи. 2020. 22 апрель.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2020 й., 07/20/5537/0116-сон.

Республикаси ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олиш талаби белгиланди, республика ҳудудидаги барча кўнгилочар объектлар, шу жумладан, тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти, барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан, байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10–15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилди, давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилди ва коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар кўрилди.

Шунингдек, республика ҳудудида 2020 йил 24 март кунидан бошлаб, идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларни меҳнат таътилига чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (“онлайн” режимда ёки масофавий тарзда) ташкил этиш чораларини кўриш бўйича коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кучайтирилган тартиб жорий этилди.

Маълумки, ходимларга меҳнат таътили бериш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу қоидалар карантин даврида бошқача талқин қилинмаган ҳолда қўлланилади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг¹ 285-моддаси талабларига кўра, карантин даврида ходимга иш берувчи томонидан меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланиши керак.

Ходимлар учун карантин туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ходимнинг давлат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги болалар сонига ва бошқа ҳолатларга қараб иш ҳақининг 60–100 фоизи миқдорида тўланади.

Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг энг кам миқдори қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 35,2 фоизидан кам бўлмаслиги керак ва нафақа ҳисобланадиган иш ҳақидан ортиб кетмаслиги лозим.

Масофадан ишлашда эса (агар иш ҳажми олдингидек қолса), тўлиқ иш ҳақини тўлаши лозим. Агар иш ҳажми камайса, у ҳолда ходим масофадан ишлашга ўтказилишидан олдин белгиланган тариф ставкасидан келиб чиқиб, ходимнинг иш ҳақи соатбай иш ҳақи миқдорида мувофиқ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги² Фармони-нинг 16-бандига биноан, коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши белгилаб қўйилди.

Меҳнат кодексининг 150-моддаси биринчи қисмига биноан, карантин даврида ходимнинг аризасига кўра, унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бу даврда иш берувчи томонидан ходимнинг розилигисиз уни бундай таътилга чиқариши мумкин эмас.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: Адолат. 2014. Б. 134.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.03.2020 й., 06/20/5969/0341-сон.

Республика махсус комиссиясининг қарори билан 2020 йил 23 мартдан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар ва уларнинг фаолиятига зарар етказмаган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларга таътил берилишини таъминлаш чораларини кўриш белгиланган.

Меҳнат қонунчилигига кўра, карантин тадбири даврида иш берувчи ходимларни, айниқса, ҳомиладор аёлларни, кексаларни, ногиронларни ва сурункали касалликларга чалинган шахсларни уларнинг розилигига кўра ишнинг масофавий усулига, мослашувчан иш графигига ёки уйда ишлашга ўтказишлари мумкин. Бундай ҳолда иш берувчи ходимнинг ушбу режимда ишлаши керак бўлган даврни белгилаб бериши керак.

Агар ходим навбатдаги ҳақ тўланадиган меҳнат таътилидан фойдаланиб бўлган бўлса ёки тасдиқланган таътилар жадвалидан ташқари уни олишни хоҳламаса, бу ҳолда, иш берувчи ходимнинг розилиги билан, уни вақтинчалик масофавий иш тартибига, мослашувчан иш вақти ёхуд уйда ишлаш тартибига ўтказиши ёки иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши мумкин.

Ходим иш вақти ўзгарган ҳолда ишлаш тартибига ўтказилган тақдирда, иш берувчи кўшимча шартнома тузиши лозим.

Бундан ташқари, иш берувчи, ходимнинг аризаси олинган куни янги режимнинг бошланиш ва тугаши саналарини кўрсатган ҳолда, иш режими ўзгартирилганлиги тўғрисида бўйруқ чиқариши керак.

Тўлиқсиз иш вақти йиллик таътилнинг давомийлиги, иш стажы ва бошқа меҳнат ҳуқуқлари бўйича чекловларни келтириб чиқармайди ва ишлаган вақтига ёки иш натижасига қараб тўланади.

Ходимнинг иш ҳажми ўзгармаса иш ҳақи миқдори ўзгартирилмаган ҳолда тўланади. Яъни, иш ҳақи миқдорини белгилаш иш жойига боғлиқ эмас, аслида у амалда ишлаган вақт ёки бажарилган иш учун тўланади.

Юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда, иш берувчи иш тўхтаб қолгани муносабати билан ходимни меҳнат таътилига ёки вақтинча бошқа ишга ўтказиши лозим. Бундай ҳолатда ҳам ходимнинг ёзма розилиги олиниши лозим бўлади.

Шунингдек, иш берувчи фақат ходимнинг ёзма розилигини олган ҳолда унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериши мумкин.

Аммо, ходим соғлиғига тўғри келмайдиган ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Вақтинчалик бошқа ишга ўтказилган даврда ходимга бажарилган ишлар учун иш ҳақи тўланади, лекин унинг миқдори аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Бошқа ишга ўтказиш муддати, аниқ иш ҳақи, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурати ҳолатлари жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса – улар иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Карантин даврида иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни ишдан бўшатиши мумкин эмас. Бундай қонунбузилишига йўл қўйилган тақдирда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ёки Жиноят кодексда белгиланган жавобгарликка олиб келади.

Меҳнат қонунчилигига биноан меҳнат шартномаси исталган вақтда фақат томонларнинг келишувига биноан бекор қилиниши мумкин, бу қоида карантин даврида ҳам амал қилади.

Аммо, агар меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилган бўлса (яъни муддатли меҳнат шартномаси) ва шу муддат тугаши карантин даврига тўғри келса, бу ҳолатда иш берувчи меҳнат муносабатларини бекор қилишга ҳақлидир.

Шу билан бирга эътибор қаратиш лозимки, ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида, таътилда бўлганда ва ходим коронавирус инфекциясини юктирган ёки карантинда бўлган боланинг, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (улар ўрнини босувчи шахс, васий, ҳомий) билан меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва вазирликнинг 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б-сон буйруғи билан тасдиқланган, коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вақтида давлат органлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ходимларини масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгилловчи Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 28 мартда 3228-рақам билан рўйхатдан ўтказилди ва амалиётга татбиқ этилди¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва вазирликнинг 2020 йил 25 мартдаги 8-2020/Б-сон буйруғи билан тасдиқланган, коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вақтида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасаларининг бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартибини белгилловчи Низом ҳам Адлия вазирлигида 2020 йил 28 мартда 3227-рақам билан рўйхатдан ўтказилди².

Мазкур Низомга асосан, карантин даврида болалар боғчалари ва мактаблар фаолиятини тўхтатиб туриш даврида мактабларнинг 1–4-синф ўқувчилари ва боғча тарбияланувчиларининг ота-оналарига (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, васийларига) меҳнат таътили берилиши, таътил, таътил жадвалидан қатъи назар, ходимнинг илтимосига биноан берилиши белгилаб қўйилди (биринчи йил учун 6 ой давомида ишлаш шарт эмас).

Бундай ҳолда, ходим яшаш жойидаги оилавий поликлиникадан карантин даврида болани парвариш қилиш учун вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини очтириши керак. Ушбу вақтинчалик ишга лаёқатсизлик варақасига мувофиқ, ходим 14 кун давомида иш ҳақи тўланган ҳолда, бола тарбияси учун таътилга чиқишга ҳақли.

Низом талабларига асосан, агар ходим карантин даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолияти тўхтатилишидан олдин меҳнат таътилидан фойдаланган бўлса ёки карантин даврида меҳнат таътилини олишни хоҳламаса иш берувчи ходимнинг хоҳишига кўра, ходимни масофавий иш усули, мослашувчан иш графиги ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиши ёхуд ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериши мумкин.

Таълим муассасаларида карантин муддатининг давом этиши сабабли таътил тугаган куни ишга боришнинг иложи бўлмаса, ходим иш берувчига иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил олиш тўғрисида (таътилнинг санаси ва бошланишини кўрсатган ҳолда) ёки масофавий иш усули, мосланувчан иш графиги ёки уйда ишлашга вақтинча ўтказиши тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Масофадан туриб ходимни ишга қабул қилиш жараёнида меҳнат қонунчилигида алоҳида талаблар ёки чекловлар кўзда тутилмаган. Шу сабабли, бу ҳолатда ходим ишга қабул қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни иш берувчига тақдим этиши керак.

Энди карантин даврида ходимларга бериладиган қафолатлар, рағбатлантиришлар масаласига келсак, бу ҳақда Меҳнат кодексининг 165 ва 167-моддаларида кўрсатилган қоидаларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Яъни, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртacha иш ҳақи сақланади. Қафолатланган тўловларни бериш тартиби жамоа шартномаси томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ўртacha иш ҳақидан паст бўлиши мумкин эмас.

Давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда ходимларнинг ўртacha даромадларини сақлаш, шунингдек, жамият манфаатлари йўлида ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 10/20/3228/0372-сон.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.03.2020 й., 10/20/3227/0371-сон.

харажатлар, жумладан, бюджетдан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда бюджетдан копланеди.

Меҳнат кодексининг 153-моддаси иккинчи қисмига биноан, меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4652-сонли “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги қарорига биноан, коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга рағбатлантириш тўловлари белгиланди. Унга кўра, ҳар 14 кунлик фаолият даври (шу жумладан, март ойи) учун врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 миллион сўм, ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 миллион сўм, кичик тиббиёт ходимларига – 10 миллион сўм, бошқа ходимларга – 5 миллион сўм миқдорида (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови (махсус тўлов) тўланади.

Шунингдек, коронавирус инфекциясини юктирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилгани учун – 100 миллион сўм ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмагани муносабати билан бир йўла бериладиган – 250 миллион сўм миқдоридаги қўшимча тўловлар жорий этилди.

Шу билан бирга, ушбу тўловлар конун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”²ги қонунининг 25-моддасига кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини, жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда тегишли ишларни ташкил этади.

Ҳокимлар бу борадаги ваколатларини қарорлар қабул қилиш ҳамда фармойишлар чиқариш йўли билан амалга оширади.

Қайд этилган қонун ҳужжатларига кўра, ҳокимлар эпидемиялар тарқалган ва карантин эълон қилинган даврда ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳудуд аҳолиси, ташкилот, идора ва корхоналар учун ижроси мажбурий бўлган ҳужжат қабул қилишга ҳақли.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 07/20/4652/0364-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. 9-сон. 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон. 241-модда; 1999. 1-сон. 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. 51-сон, 514-модда; 2005. 52-сон. 385-модда; 2007. 15-сон. 153-модда; 39-сон. 399-модда; 2008. 52-сон. 513-модда; 2013. 52-сон. 686-модда; 2014. 16-сон. 177-модда, 20-сон. 222-модда; 2015. 23-сон. 301-модда; 2017. 24-сон. 487-модда, 35-сон. 914-модда; 37-сон. 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон.

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙИ СОҲАГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

РЎЗИЕВ Ахрор,

ҳуқуқ магистри, ТДЮУ тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид қонун ҳужжатлари ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти, ушбу соҳага коронавирус пандемияси таъсири таҳлил қилинди. Мақолада Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: Covid-19, пандемия, коронавирус, тартибга солиш таъсири, баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жамоатчилик муҳокамаси, лойиҳа, қонун ҳужжати сифати.

Abstract. The article contains an analysis of the legislation and norm making process of the Republic of Uzbekistan in the sphere of regulatory impact assessment of normative-legal acts and their projects as well as the impact of the coronavirus pandemic in this area. This article has developed proposals for improving the system of the regulatory impact assessment of normative-legal acts and their projects in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Covid-19, pandemic, coronavirus, regulatory impact, assessment, public discussion, legal act, draft, quality of legislative act.

Аннотация. В настоящей статье проведен анализ законодательства и нормотворческой практики в области оценки регуляторного воздействия нормативно-правовых актов и их проектов в Республике Узбекистан, а также влияние пандемии коронавируса в данной сфере. В данной статье разработаны предложения по совершенствованию системы оценки регуляторного воздействия нормативно-правовых актов и их проектов в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Covid-19, пандемия, коронавирус, регуляторное воздействие, оценка, нормативно-правовые акты, общественное обсуждение, проект, качество законодательного акта.

Бугун коронавирус пандемияси сабабли инсоният бу офат қаршида ханузгача ожиз қолмоқда. Пандемиянинг қачон тугаши ва унга қарши вакцина яратилишининг вақти ҳеч бир мамлакатга маълум эмас.

COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли тадбиркорлик фаолиятининг тугалланиши, банкротлик ёки оғир молиявий аҳволни истисно этмайдиган қийин вазиятга тушиб қолдилар. Коронавирусга қарши курашиш бўйича Республика махсус комиссияси қарори билан карантин даврида автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди; давлат органлари ва ташкилотларининг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилиши, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилиши белгиланди; давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишларни видеоконференцалоқа режимида ўтказиш белгиланди; ҳудудлар ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тақиқланди (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ташкилотларга тегишли хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларининг ҳаракати бундан мустасно); томоша, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш тақиқланди; тўй ҳамда бошқа оилавий маросимларни ўтказиш тақиқланди; 65 ёшдан

ошган шахсларнинг жамоат жойларида, шунингдек, аҳолининг кўчаларда ва майдонларда уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.

Шунингдек, қуйидагиларнинг фаолияти тўхтатилди: парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар; буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар; спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар; ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғарақлар; умумий овқатланиш объектлари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона) (етказиб бериш (кейтеринг) хизмати бундан мустасно); санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари.

Юртимизда ҳам инфекция тарқалишининг олдини олишга қаратилган ҳамда иқтисодий-ғамхўрликни ўсиш суратларини сақлаб қолиш борасида кўрилатган чора-тадбирлар дунё ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилди. Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш ҳуқуқий сиёсатда муҳим ўрин тутди. Зеро, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ғамхўрлик қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар, талабалар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига путур етишининг, агроф-муҳит ҳолатида салбий ўзгаришлар юзага келишининг, шунингдек соғлиқни сақлаш, таълим ва пенсия тизимидаги ўзгаришлар натижасида соҳага асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар вужудга келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда COVID-19 вируси тарқалишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг амалиётда қўлланилишига доир қатор муаммолар вужудга келган.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш жараёнида лойиҳалар жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилинади, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлили амалга оширилади. Шунингдек, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш натижасида лойиҳани қабул қилиш натижасида ижтимоий соҳада юзага келиши мумкин бўлган тахминий оқибатлари прогноз қилинади ҳамда уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларига баҳо берилади.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг **“Қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”** 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон қарорида¹ белгилаб берилган. Ушбу қарор асосида қонун ҳужжатларининг, шу жумладан, ижтимоий соҳага, хусусан, соғлиқни сақлаш, статистика таъсирини баҳолаш тизимини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбир белгиланган. Хусусан, мазкур қарор асосида мутахассисларни тартибга солиш таъсирини баҳолашга ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси негизида факультатив курслар жорий этиш бўйича чоралар амалга оширилди.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашда муҳим элемент – ижтимоий соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш** ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларини жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш имконини берадиган мазкур тизим илк маротаба Вазирлар Маҳкамасининг **“Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”** 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори² билан жорий этилиб, 2014–2018 йиллар давомида фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан қўлланилган.

¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2008. № 52. Ст. 520; Национальная база данных законодательства, 29.12.2017 г., № 09/18/1023/0495.

² Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. 49-сон. 581-модда; 2015. 26-сон. 338-модда.

Мазкур тизим ўтган даврда ўзининг ижобий самарасини берганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори¹ билан 2018 йил 1 майдан эътиборан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши бўйича мажбурий тизим жорий этилди. Ушбу янгилик асосида эндиликда ижтимоий соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилинади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш, шу жумладан, унинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш институтини комплекс ҳуқуқий институт сифатида шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси² муҳим қадам бўлди.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида лойиҳа юзасидан фойда, харажат ва қутилиётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг ижтимоий соҳага, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Концепцияда белгиланган яна муҳим вазифалардан бири бу – тартибга солиш таъсир кучини баҳолаш тизими тартиб-таомилдан ўтиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг яқунланган рўйхатини шакллантириш назарда тутилган.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг институционал асослари жорий этилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 29 январдаги ПФ-5644-сон Фармони³ билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими ташкил этилиши муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарорида⁴ Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлимида **ижтимоий соҳада тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича** алоҳида мутахассис штати киритилган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар мамлакатимизда тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асосларини яратиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган билан бир қаторга тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимида қуйидаги муаммоларни кўрсатмоқда:

Биринчидан, қонун ҳужжатларида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон, 2019 йил 29 январдаги ПФ-5644-сон фармонлари)

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон; 02.07.2019 й., 07/19/4380/3360-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2019 й., 06/19/5644/2546-сон.

⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2019 й., 09/19/82/2564-сон; 27.02.2019 й., 09/19/171/2675-сон; 17.05.2019 й., 09/19/416/3146-сон; 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон, 19.07.2019 й., 09/19/600/3448-сон, 24.07.2019 й., 07/19/4401/3470-сон.

тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлса-да, ушбу институт тўлақонли ва яхлит тизим сифатида шаклланмаган. Хусусан:

- ижтимоий соҳа кенг қамровли бўлгани боис, бу соҳада давлат бошқарувини ҳам бир қатор махсус ваколатли давлат органлари (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар) амалга оширади. Бироқ, ушбу вазирлик ва идоралар томонидан тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича вазифа ва ваколатлар белгиланмаган;

- тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини амалга оширишнинг аниқ тартиби ва таомиллари ишлаб чиқилмаган, баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Натижада амалиётда ижтимоий соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилмаяпти.

Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш ва унда қуйидаги масалаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий соҳани тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш тартиби;

- ижтимоий соҳа субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этиш тартиби;

- тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича фаолиятга раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартиби;

- тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича давлат органларининг аниқ вазифа ва функционал мажбуриятлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси концепциясида фойда, харажат ва қутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг ижтимоий соҳага таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни назарда тутиш.

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида **тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас**, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш усуллари аниқ белгиланмаган.

Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида мазкур йўналишдаги халқаро ташкилотларнинг тавсияларини, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, **тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш методикасини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Методикада ижтимоий соҳага таъсир кўрсатадиган тартибга солувчи механизмнинг мақсадга мувофиқлиги, давлат аралашувисиз муқобил механизмларни қўллаш имконияти каби ҳолатларга баҳо берилиши лозим.

Учинчидан, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш таҳлил қилиш, статистик ва бошқа кўрсаткичларни ўрганиш, прогноз қилиш, фойда ва харажатларни баҳолаш билан боғлиқ бўлгани боис узоқ вақт талаб қилади. Ушбу институт қўлланиладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ соҳалари ва мезонлари белгиланмаган. Бошқача айтганда, ижтимоий соҳанинг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилидан ўтиши кўзда тутилмаган.

Юқорида кўрсатилган камчиликни бартараф этиш мақсадида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш амалга оширилиши лозим бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг аниқ рўйхатини ва мезонларини ишлаб чиқиш лозим**.

Тўртинчидан, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, мураккаб жараён бўлгани, нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий соҳа қонунчилиги бўйича чуқур билим ва малака талаб қилиши, шунингдек, бу борада махсус билимлар бериш бўйича ўқув курслари мавжуд эмаслиги боис, уни амалга ошириш бўйича зарур билим ва қўникмага эга мутахассислар кам.

Юқорида кўрсатилган камчиликни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

– вазирлик ва идораларнинг тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимларининг бу борадаги малака ва амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳар йили **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш бўйича ўқув семинар машғулотларини ўтказиб бориш амалиётини жорий этиш;**

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетида тегишли ихтисослик бўйича магистратура босқичида **тартибга солувчи таъсирни баҳолаш бўйича махсус ўқув курсларини** жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида **Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш муаммолари бўйича алоҳида бўлим** ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг муҳим элементи сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг **жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш билан боғлиқ нормалари ўзаро мувофиқлашмаган.

Шунингдек, ушбу жараёнда баён этилган таклиф ва мулоҳазалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишлаб чиқувчи томонидан эътиборга олмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ишлаб чиқувчи томонидан инобатга олинмаган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан маълумотнома тайёрланиши белгиланган бўлса-да, ушбу турдаги маълумотномалар тайёрланмаяпти, шунингдек, бундай маълумотноманинг намунавий шакли ҳам ишлаб чиқилмаган.

Мазкур камчиликни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “**Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори ҳозирги кунда ўз амалий аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан уни бекор қилиб, **қонун ҳужжатларининг тартибга солишнинг таъсирини баҳолаш тизими бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш;**

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида баён этилган ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тузиладиган маълумотноманинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ҳамда Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларда илова қилиш мақсадга мувофиқ.

PARLIAMENTARY ACTIVITIES IN THE PERIOD OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC: INTERNATIONAL, FOREIGN AND NATIONAL PRACTICE

ABBOSKHONOV Toirkhon,

Independent researcher of the
Tashkent State University of Law

Аннотация. *Хозирги кунда парламентлар ҳам соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масофа чеклашларни мактаблар, ибодатхоналар ёки бизнес каби бир хил даражада амалга оширишмоқдалар. Фавқулодда вазият шароитида парламентнинг фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, маблағлар ажратиш ва ҳукуматнинг фаолиятини диққат билан ўрганиш ҳар доимгидан муҳимроқдир. Мақолада пандемия даврида парламентлар, жумладан, Парламентлараро Иттифоқ ва миллий парламентларда қандай ишлаши мумкинлиги таҳлил қилинади.*

Калим сўзлар: *COVID-19, парламент, Парламентлараро Иттифоқ, парламент йиғилишлари, парламент аъзоси, видеоконференция.*

Abstract. *Parliaments are currently subject to the same public health and social distancing measures as schools, places of worship or businesses. In a time of crisis the role of parliament is more vital than ever to pass emergency laws, allocate resources and scrutinize government action. The article is analyzing how can parliaments continue to function in a time of pandemic, including the IPU and national parliaments.*

Key words: *COVID-19, parliament, IPU, parliamentary meetings, member of parliament, videoconference.*

Аннотация: *В настоящее время парламенты подвергаются тем же мерам общественного здравоохранения и социального дистанцирования, что и школы, культовые сооружения или бизнес-предприятия. Во время кризиса роль парламента в принятии чрезвычайных законов, распределении ресурсов и контроле над действиями правительства как никогда важна. В статье анализируется, как парламенты, в том числе Межпарламентский союз и национальные парламенты, могут продолжать функционировать во время пандемии.*

Ключевые слова: *COVID-19, парламент, Межпарламентский союз, парламентские встречи, член парламента, видеоконференция*

To date, the pandemic of the coronavirus infection COVID-19 is universal, and this pandemic is gaining momentum. Until today, many countries have introduced strict quarantine measures to curb the spread of the virus. Governments and country leaders are taking decisive steps in the fight against coronavirus.

As the COVID-19 pandemic shuts or slows down vast swathes of global activity, how are parliaments facilitating the implementation of the emergency health measures recommended by the World Health Organization? What impact is physical distancing and confinement having on the way parliaments function? How can parliaments debate, pass legislation and scrutinize the actions of government?

Parliaments also play an important role, exercising their powers and passing laws aimed at preventing the negative effects of the crisis. Parliaments are currently subject to the same public health and social distancing measures as schools, places of worship or businesses. Yet, in a time of crisis, the role of parliament is more vital than ever to pass emergency laws, allocate resources and scrutinize government action. In view of this, it seems interesting how parliaments function during a pandemic.

Parliament continues to meet physically, but with restrictions. These restrictions may include: fewer sittings of plenary sessions or committees; fewer parliamentarians and staff in the building with some working remotely; changes to the venue of parliamentary meetings, for example using a bigger building that allows for more effective social distancing.

According to the Inter-Parliamentary Union, there are three different practices for organizing parliamentary meetings around the world¹.

First, the parliament continues to hold meetings in the physical presence of parliamentarians (Germany, Austria, Poland, Estonia), but with some restrictions, including the following measures:

- reduced number of plenary and committee meetings;

- the number of parliamentarians and staff in the building has been reduced, some have been transferred to a remote mode of operation;

- places of parliamentary meetings have been changed, for example, large halls are used, which allows more efficient social distance.

Second, the parliament continues to hold meetings virtually using telecommuting methods (Spain, Latvia, Turkey, the European Parliament, Ukraine). Technical infrastructure for online meetings is available. Many parliaments are exploring the possibilities of telecommuting tools. However, this raises a number of questions regarding the legal framework for telecommuting, security, and authentication.

Third, parliament does not hold meetings. Occurs when parliament declares parliamentary vacations. Parliaments of some countries (Great Britain, France, Canada, China) announced an early vacation (a break in parliament) after voting on a number of emergency measures.

Regarding legal and procedural issues, it can be noted that some parliaments amend laws and procedures (regulations, rules) to ensure remote work. For example, Spain, Brazil, and Ukraine have amended their rules so that the chambers can virtually hold meetings. Other parliaments, including the parliaments of Estonia Israel, are loosening their rules to allow virtual committee meetings.

The Argentinian Chamber of Deputies and the Senate have received proposals to amend their Rules of Procedure to allow remote working by videoconference for extraordinary situations, such as the COVID-19 pandemic. However, to guarantee the continuity of the legislative work, both chambers have taken measures for teleworking². The President of the Chamber of Deputies has approved working remotely through a digital platform and videoconferencing on Zoom. The videoconferences are broadcast live on Diputados TV. Deputies have access to a digital signature through the Token system for the tabling of projects.

In the Senate, committee meetings will take place via videoconference and will be broadcast on the channel Senado TV. A new remote working platform, Senado Móvil, has also been set up, and can be accessed with the Senate's internal username and password. It allows access to the Intranet, institutional emails, the "Comdoc" administrative system and shared files so that coordinated tasks can be carried out in workgroups. A remote help desk has been made available for consultations and advice. All administrative activities are suspended. A special license (which does not affect remuneration) has been granted to all staff, except for the areas that cannot completely be suspended, and to the legislators and high authorities of the Chambers who keep working remotely. Nevertheless, staff may be summoned in case that emergency sessions need to be convened. Events open to the public are also suspended. To help to fight the pandemic, the Chamber of Deputies has decided to earmark the savings in subsidies and for the Deputies' transport for the country's health system. Some Senators have also agreed to donate part of their salary to the cause. Both chambers are also promoting the information provided by the Ministry of Health on COVID-19, and the Senate's website links to the Ministry's recommendations and preventive measures.

¹ Country compilation of parliamentary responses to the pandemic // <https://www.ipu.org/country-compilation-parliamentary-responses-pandemic>

² Country compilation of parliamentary responses to the pandemic: Argentina // <https://www.ipu.org/country-compilation-parliamentary-responses-pandemic>

The Parliament of Canada was recalled and passed legislation respecting certain measures in response to COVID-19. The Senate adjourned until 2 June 2020. On 20 April 2020, the House of Commons resumed sitting to conduct parliamentary business and then adjourned until 25 May 2020. The House of Commons Standing Committee on Health and the House of Commons Standing Committee on Finance have been holding virtual meetings weekly since the week of 30 March 2020 to receive evidence related to the government's response to the COVID-19 pandemic. On 11 April 2020, the House of Commons unanimously adopted a motion that the following committees will also meet via tele- or videoconference for the sole purpose of receiving evidence related to the COVID-19 pandemic: the Standing Committees on Government Operations and Estimates; Human Resources, Skills and Social Development and the Status of Persons with Disabilities; and on Industry, Science and Technology Procedure and House Affairs. These committees held their first meetings on either 23 April or 24 April 2020.¹

The same motion directs the House of Commons Standing Committee on Procedure and House Affairs "to study ways in which members can fulfill their parliamentary duties while the House stands adjourned, including the temporary modification of certain procedures, sittings in alternate locations and technological solutions including a virtual Parliament" and to report to the House of Commons by 15 May 2020. It held its first meeting on 16 April 2020. On 20 April 2020, the House of Commons adopted on division a motion that establishes a Special Committee on COVID-19 pandemic composed of all Members and chaired by the Speaker of the House of Commons. The committee will meet by videoconference twice a week, subject to technological capabilities, and in the chamber once a week. The first meeting of this committee is scheduled for 28 April 2020.

Themes related to women and gender equality have been raised in the House of Commons Special Committee on the COVID-19 Pandemic, as well as in other House of Commons standing committees meeting to examine the Government's response to the COVID-19 crisis. The themes include:

- increased rates of domestic violence and sexual assaults during the lockdown, with more women seeking assistance;

- the economic impact of lockdown and decline in commercial activities, which disproportionately affect women and sectors where women are highly represented;

- the impact on women who make up the majority of single-parent households, compounded by loss of spousal support payments, and on women as disproportionately responsible for childcare and importance of access to affordable and quality childcare;

- the disproportionate impact of the pandemic on women who make up a high proportion of workers in the health sector and personal care workers, and the increased strain from exposure to COVID-19;

- vulnerability of older women as disproportionate residents of long-term care facilities;

- the importance of recognizing gender differences and data collection in the development and application of various government emergency programmes and policies; and

- ensuring gender representation in virtual parliament.

On 17 March, the National Assembly passed a supplementary budget bill of USD 10 billion to help the government handle the economic impact caused by the COVID-19. In April, the National Assembly passed another supplementary budget bill of USD11 billion to help people suffering from the economic crisis., regardless of income. This will be the first time since 2003 that two supplementary budgets bills are passed in a year. All employees are encouraged to work from home two to three days a week, depending on their work. Some departments have adopted flexible working hours. A thermal image camera has been established in front of every building on the Parliament's premises. Everyone entering the building, whether employers or visitors, have to undergo a mandatory temperature check and have to wear masks.

¹ Country compilation of parliamentary responses to the pandemic: Canada // <https://www.ipu.org/country-compilation-parliamentary-responses-pandemic>.

The Bundestag is continuing to sit but with a restricted programme and fewer Members present. Business before the chamber has been prioritized to remove all but essential debates. Discussions are ongoing on how to manage the quorum of the Bundestag with a significantly reduced number of deputies.

The East African Legislative Assembly is the legislative arm of the East African Community (EAC), an intergovernmental organization comprising of Burundi, Kenya, Rwanda, Uganda, South Sudan and the United Republic of Tanzania. Committee meetings have been held remotely using Cisco Video Conferencing System from an external provider. The first plenary meeting is held on 7 May 2020.

European Parliament continues its essential activities and thus ensuring critical democratic infrastructure, in particular the plenary sessions, parliamentary committees and governing bodies. All Members are allowed to be present unless they are sick or have travelled to risk areas in the past two weeks. Those who wish or cannot physically attend can participate remotely. Social distancing measures within the Chamber are taken for the Members who come. The Chairperson of the Women's Rights Parliamentary Committee of the European Parliament issued a press release urging the European Union and member states to increase support to victims of domestic violence during the COVID-19 crisis.

The Parliament of Uzbekistan - the Oliy Majlis - continues to hold physical meetings but with some restrictions and respecting social distancing measures. The Parliament has reduced the number of plenary, committee and other parliamentary events; some are held through videoconferencing. The plenary meeting of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis was held physically with a minimum number of deputies to ensure a quorum. Representatives of the relevant ministries and other state bodies take part in plenary meetings by means of video conferencing. On 24 March 2020, the plenary meeting of the Senate of the Oliy Majlis was held in the form of videoconferencing for the first time.

The lower house of the parliament of Uzbekistan, like many foreign parliaments, took all the necessary measures for full functioning during a pandemic. The Legislative Chamber of the Oliy Majlis continues to hold meetings in the physical presence of parliamentarians, but with some restrictions, the means of information and communication technologies are also actively used in the organization of parliamentary work.

In particular, the following measures have been taken by the Legislative Chamber of the Oliy Majlis:

firstly, the number of plenary, committee and factional meetings and other parliamentary events has been reduced;

secondly, factional and committee meetings and other parliamentary events are held via videoconference;

thirdly, the number of parliamentarians and staff in the building has been reduced, some have been transferred to a remote mode of operation;

fourthly, meetings and other parliamentary events are held in compliance with the rules of social distance.

The current situation related to the spread of coronavirus infection also requires legislatively regulating the practice of holding plenary meetings of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis via videoconference.

According to Art. 10 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan"¹, the lower house is given the right to determine the procedure for organizing and conducting internal meetings by its Rules.

Based on the foregoing, in order to determine measures for holding meetings of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan via video conferencing and creating a legal basis, it is proposed to develop a temporary regulation on holding meetings of the Legislative

¹ Law of the Republic of Uzbekistan "On the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan" // www.lex.uz.

Chamber of the Oliy Majlis in video conferencing during the period of counteracting the spread of coronavirus infection in Uzbekistan (COVID- 19), providing in it the following order:

- 1) at a meeting of the lower house, held by videoconference, the physical participation of the chairman of the meeting, members of the counting committee, at least one representative from each fraction and deputy rapporteurs responsible for the draft laws on the agenda are required;

- 2) other deputies may also take part in plenary meetings by videoconference;

- 3) voting at such meetings is carried out in three stages. First, deputies who participate directly from the conference room vote, then deputies who participate remotely in the group videoconferencing system, and only after that are members of parliament individually connected to the network;

